нафс учун сарсонлар”, деб тушуниш ҳам мумкин. Чунки бунда “гадо,тиланчи, камбағал” каби асл луғавий маъно ҳам бор[1]. Демак, Авестада ***дригу*** сўзидан руҳиятини имон билан бойитмаганлар каби кўчма маънода фойдаланилган бўлиб, гўё бу каби буюк неъматдан бебаҳра қолганларга ачиниш ифодаланган дейишга тўла асос бор. “Гоҳ”ларнинг русча таржима ва изоҳларида И.М. Стеблин-Каменский ушбу кўчма маънога эътибор қаратмаган. Аксинча, олим ***дригу*** сўзида Зардуштнинг назарида унинг “шафоатига, ҳидоятига муҳтож одамлар” маъноси бўлса керак, деб таҳмин билдиради халос[2].

Ясна 27.14.

𐬀𐬴𐬆𐬨. 𐬬𐬊𐬵𐬏. 𐬬𐬀𐬵𐬌𐬱𐬙𐬆𐬨. 𐬀𐬯𐬙𐬍.:
𐬎𐬱𐬙𐬁. 𐬀𐬯𐬙𐬍. 𐬎𐬱𐬙𐬁. 𐬀𐬵𐬨𐬁𐬌.
𐬵𐬫𐬀𐬝. 𐬀𐬴𐬁𐬌. 𐬬𐬀𐬵𐬌𐬱𐬙𐬁𐬌. 𐬀𐬴𐬆𐬨.

*aṣ̌əm wohū wahištəm astī*
*uštā astī uštā ahmāi*
*hyat̰ aṣ̌āi wahištāi aṣ̌əm (3)*

Ҳақиқат – Олий неъмат,
Ҳақ истаги, Ҳақ иродаси
Ҳақиқатдир Ҳақ ифодаси.

Бу мисралар зардуштийлик, Мазда Ясна динининг энг улуғ дуоси ҳисобланиб, унинг номи биринчи мисра бошидаги икки

---

[1] Боголюбов М.Н. Авестийские тексты…
[2] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского …Стеблин-Каменского. … - С. 160.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АВЕСТОШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ**

**МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ**

# АВЕСТА: ЗАРДУШТ “ГОҲ”ЛАРИ (МАЪНО ЎГИРМАЛАРИ ВА ГЕРМЕНЕВТИК ТАЛҚИНЛАРИ)

**ТЎЛДИРИЛГАН ИККИНЧИ НАШР**

**Тошкент – 2025**

Ушбу китоб аждодларимиз қалблари муқаддас ислом нури билан мунаввар бўлгунига қадар амал қилган фалсафий-диний, маънавий, ижтимоий-ахлоқий зардуштийлик (Мазда Ясна) таълимотининг ғоявий асосларини акс эттирган“Гоҳ”ларнинг ўзбек тилига герменевтик (талқиний) маъно ўгирмаларидан иборат. “Гоҳ”лар мазкур таълимот асосчиси Заратуштра томонидан яратилган минбарона бадиҳа даъват қўшиқлари бўлиб, зардуштийлар эъзозлаган Авеста китобининг Ясна наски таркибига киритилган 17 боб сифатида сақланиб қолган. Кўп жиҳатдан маънолари ишоратли мавҳум, уч минг йил нари ўз даври учун тушунарли, бироқ ҳозирги замон кишисининг фикрлаш тарзи учун англаш қийин шеърий тузилмалар –“Гоҳ”ларни айнан ўзидек таржима қилиш мушкул бўлгани учун ишимизни “таржима” деб аташдан кўра, мукаммалликка даъво қилмаган ҳолда, маъно ўгирмалари деб номлашни афзал билдик.

Узоқ аждодларимизнинг ахлоқий-фалсафий, ижтимоий фикрлари тарихи ҳамда миллий маънавиятимиз сарчашмалари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланади.

“Гоҳ”ларнинг маъно ўгирмалари, талқини ва изоҳлар
муаллифи профессор **Мирсодиқ Исҳоқов**

**Масъул муҳаррир**
*фалсафа фанлари доктори, профессор* ***Г.Т.Маҳмудова***

**Тақризчилар**
*сиёсат фанлари доктори, профессор* ***Н. Жўраев***
*тар.ф.б. фалсафа доктори (PhD)* ***Р.Т.Уразова***

Нашр учун кўрсатган холис ёрдамлари учун ТерДУ тадқиқотчиси
Шуҳрат Абуллоевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2021 йил 28 октябрдаги 3-сон мажлиси
қарори билан нашрга тавсия қилинган.

© М.М.Исҳоқов, 2025
© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025



эзгу моҳиятига мувофиқ азалий ва абадий эзгу этиб яратган, деган тушунча зардуштийликнинг эътиқод асосларидан бири бўлган. Бу ақиданинг ҳақиқат эканини *рад* сўзи ўзида ифода этади. Аҳура Мазданинг Ҳақлиги ва у яратган эзгу дунёнинг Ҳақиқатлигига қарши ***ёвузлик “Ёлғон”*** сўзида мужассам деб ҳисобланган. Ёвузлик зардуштийлар учун иккиламчи тушунчадир. Одамзод яхшини ёмондан ажратиши, яхшилик йўлини танлаши учун Аҳура Мазда ўзининг эзгу моҳиятига қарама-қарши Ахриманни ибрат учун ўзидан ажратган. Бу ҳодиса мутлақ эзгу оламнинг ёвузликлар билан қоришувига сабаб бўлганки, ушбу икки йўл олдида инсон фақат ва фақат эзгулик томонини танлаш учун масъулдир. Аҳура Мазда бор дунёни Эзгу этиб яратган бўлса, Аҳриман ҳар бир эзгуликка қарши ёвузликларнинг чексиз, сон-саноқсиз шаклларида ўзини намоён этишда давом этади. Чунки Ахриман ёвузликнинг универсал моҳиятидир. У эзгуликка нисбатан бахиллик тимсоли. Унинг номи Анғ- “чиркинлик, ифлослик, нажосат”, -Хра- “қоронғилик, нурсизлик, зулмат”, -Майнйу “фикр, ўй, ният” деган сўзларнинг ўзаклари бирикмасидир. Ахриманга нисбат бериладиган “Ёвуз руҳ”(***Анхра Майнйу***) ибораси Аҳура Мазданинг “Муқаддас руҳ” деб таржима қилинадиган сифати ***Сипанд мийну*** (Спента Майнйу)га қарши қўйилади. Авеста Анхра Майнуйунинг яхлит универсал моҳиятини Аҳура Мазданинг Ҳақиқатига зид қўяди. Авестача ***Драуга*** барча Ахриман ёвузликларининг мужассами бўлиб, унинг универсал моҳиятини зардуштийлик ***Ёлғон*** сўзида ифода этади**.**

Таҳлил этилаётган бандда “нотавонлар” деб таржима қилганимиз авестача сўз ***дригу*** “оддий авом” деб изоҳланиши мумкин. Бироқ, бу сўзни “харобҳол, шунчаки ризқини излаб,

*yaϑā ahū wairyō aϑā ratuš aṣ̌āṯcīṯ hacā*
*waŋhəūš dazdā manaŋhō ṡ́yaoϑanąm aŋhəūš mazdāi*
*xṣ̌aϑrəmcā ahurāi ā yim drigubyō dadaṯ wastārəm.*

Ҳақ – Ҳақиқат сарвари, Энг эзгу Эгам,
Нотавонларни йўлла эзгулик ишлар сари.
Сен Аҳура Мазда, ўзингсан Олий Ҳакам[1].

Бу бандда Аҳура Мазданинг Ҳақиқат, Ҳақ, Улуғлик ва Олий ақл эгаси каби энг олий сифатлари орқали мурожаат этилмоқда. Ибодат олдидан диндор уни эзгуликлар сари йўллашини сўрамоқда. Недирки, Аҳура Мазда Олий инстант ва ҳар нарсага қодир эканига ишониш зардуштийлар учун имоннинг асоси ҳисобланган. “Гоҳ”ларни тиловат қилишга ният қилган зардуштий ушбу дуо орқали олий зотга ўзи ҳақидагина эмас, диндан огоҳ бўлмаган “нотавон, бечоралар”ни ҳам ҳидоят йўлига чорлаш ҳақида ёлвормоқда.

Банднинг мазмуни доирасида авестача бир қатор махсус маъноли атамалар ишлатилган. Масалан, Ҳақ, Ҳақиқат сўзлари орқали берганимиз тушунча зардуштийларнинг энг муқаддас тушунчалари ҳисобланган. Бу сўз авестача ***Аша,*** тарихий архаик шакли ****Арта*** бўлиб, асл ўзак шакли RTA, луғавий маъноси “Ҳақиқат”. Мажозий маънода эса, бу сўз ибтидода Аҳура Мазда томонидан яратилган оламнинг азалий эзгу тартиби олий ҳақиқат эканинини кўзда тутади. Авестада эзгу кучларнинг *радлари* (борлиқнинг азалий илоҳий тартиби) шаклида келади: *ашавон фалоннинг ради* ва ҳоказо. Зеро, Аҳура Мазда эзгу Ҳақиқат мужассами ва у борлиқни ўзининг

[1] “Ясна”нинг 27-учликлари , 13-14 ва 15-ҳоитийларнинг, ҳамда қуйида берилган “Гоҳ”ларга якуний дуо ҳисобланмиш 54-ҳоитийлар маъно ўгирмалари бизники –*М.И.*



*Устозларим академик Яҳё Ғуломов,*
*профессор В.А.Лившиц,*
*академик Азизхон Қаюмовларнинг ўчмас хотираларига бағишлайман*

## КИРИШ

Ибтидоий диний тасаввурлар оламини мифологик инончлар ва табиат ҳодисаларига йўналтирилган босқичдан чин маънода якка худолик сари етаклаган зардуштийлик, бошқача айтганда, Олий оқил зот Маздага сиғинувчилар (Мазда Ясна) фалсафий-диний таълимоти инсоният тафаккури оламида чуқур из қолдирган инқилобий маънавий ҳодиса эди. Бу диний-ахлоқий, фалсафий таълимотни мил. авв. I минг йиллик бошларида ўз даври оммавий дунёқараш даражаларидан минг йилларга олдинлаб кетган, олам ягоналиги уни яратган зотнинг ҳам ягона бўлишини тақозо қилишини англаб етган ва бу ғояни инсониятга етказиш йўлида курашган, ниҳоят зимдан жоҳилият тарафдори бўлган, лекин ўзини маздопараст қилиб кўрсатиб юрган мунофиқ “сафдоши” Братарвахш томонидан ибодат чоғида ханжар уриб ўлдирилган Заратуштра олиб келган эди. Бу улуғ инсон бори борлиқнинг эзгу асосларини Олий оқил зот - Мазда яратган, барча ёвузликлар эса Ахриманнинг Мазда Ҳақиқатига қарши шайтоний Ёлғонлари, дея оламга жар солди. Бу ҳодиса инсоният тарихида илк илоҳий ваҳдоният ғояси эди. Шундай қилиб, Ёлғон ёвузликлар ибтидоси Ахриманнинг универсал моҳиятига, Мазданинг Ҳақ оламини Ахриман ёвузликларидан асраш ҳақпараст ҳар бир

инсоннинг бурчига айланди. Ўз навбатида эзгу борлиқ олдида индивидуал масъулият, жавобгарлик ғояси илк бора олға сурилди. Сидқидилдан қилинган эзгу, савоб ишлар охират учун заҳира ғоясига аос солинди.

Заратуштра келтирган хуш хабар, яъни пайғом кетидан эргашганлар пайғамбар номидан фахр топдилар. Ўзларини зардуштийлар ёки маздопарастлар деб атадилар. Зардуштийлар олам парвардигори Маздани улуғвор шарафга лойиқ зот деб, *Аҳура* сифати билан қўшиб Аҳура Мазда, яъни *буюк Мазда* – Олий мушарраф зот деб аташган.

Исломга қадар Аҳура Маздадан ваҳий сўзлар деб ҳисобланмиш Авеста китоби зардуштийлар, яъни маздаяснийлар (Маздага сиғинувчилар)нинг муқаддас китоби ҳамда ушбу оламтанувнинг асосий манбаи ҳисобланган.

Авеста дастлаб 30 китобдан иборат бўлган ва ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда инсон, жамият ва табиат ўртасида мутаносибликни, яратувчилик ва эзгуликни кўпайтириш, ёвузликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасизликни тарғиб қилган. Эзгу борлиқни асраш, уни янада бойитиш ҳар бир шахс масъулиятига айланган. Инсон борлиқнинг энг муътабар зоти, унинг бахтли, хотиржам ва фаровон ҳаёти олий қадрият даражасга қўйилган.

Авеста китобининг тақдири мураккаб кечган. Дастлаб бу китоб эллин-юнон маданиятини оламга ёйишни хомхаёл қилиб манмансираган Македониялик Александрнинг жоҳилона ғазабига дуч келган. Китоб ўтга ташлаб куйдирилган. Недирки, Александр оламга ёйишни ўйлаган эллинлар маданияти Авеста олдида рангсиз бўлиб кўриниши жоҳил босқинчиларни хижолатга солган эди. Гўё Авеста йўқ қилинса,





**Авестанинг “Ясна” наски 27- ва 54-боблари ҳақида**

Авесташуносликда Мазда Ясна динининг асосчиси Зардуштнинг “Гоҳ”лар деб аталувчи 17 қўшиқдан иборат пайғамбарона бадиҳалари “Ясна” наски таркибига критилган ҳолда сақланиб қолган. Мутахассислар бу шеърий бешлик, тўртлик, учликларнинг “Ясна” таркибига киритилганини бахтли тасодифдек тушунишади. Чиндан ҳам “Гоҳ”лар зардуштийларнинг энг эъзозли ибодат матнлари орасига, гўё йўқолиб кетишдан асраш мақсадида муъбадлар томонидан жойлаштирилгандек[1]. Эътибор берилса, “Гоҳ”лар 28-34, 43-51, ниҳоят, 53-боблар сифатида 72 боб “Ясна”-нинг ўрта қисмидан жой олгани ҳам бежиз эмасдек. Аслида эса, Зардушт “Гоҳ”лари “Ясна”нинг зардуштийлик дини асосларини баён этувчи қисмлари билан махсус уйғунлаштириб жойланган. Бунинг исботи шуки, “Ясна”нинг 27-боб, 13-15-бандлари Зардуштнинг ўзи томонидан ижод қилинган ва “Гоҳ”ларни қироат қилиш олдидан ўқиладиган муқаддас Кириш дуолари бўлган. Улардан 13-14-бандлари Авестанинг айни “Гоҳ”лари тили каби архаик грамматик хусусиятларни акс эттирган. “Гоҳ”ларга Кириш бўлмиш ушбу бандларнинг ўзбекчага маъно ўгирмаси қуйидагича:

Ясна 27.13.



[1] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Санкт-Петербург. – 2009. С. 34-37.

ёқимли овоз билан қўшиқ каби янграб чиқиши тингловчиларга кучли руҳий таъсирга айланган. Ўзбек ва тожик халқларининг муштарак мулки мақом мусиқий меросимизнинг *дугоҳ, сегоҳ, чоргоҳ* туркумлари ва уларнинг таркибига кирувчи қисмлари номларидаги *-гоҳ* жузи мазкур *гата* (қўшиқ) сўзининг бевосита давомидадир.

Зардушт “Гоҳ”лари ҳақида гап кетганда, “Ясна”наски 28-қўшиғидан бошлаб 34-нчисигача “Аҳунавад Гоҳ” номи билан юритилади ва аксари зардуштийлар бу гуруҳ гоҳларга алоҳида ихлос билан қарайдилар. Бу қўшиқ туркуми олдидан Зардушт “Гоҳ”ларини “Ясна” наски ичига жойлаштиришда уларга кириш сўзи ўрнида 27-ҳоитий таркибига бир неча банд киритилгани ҳақида айтиб ўтиш жоиздир. Авесташуносликда ушбу “Гоҳ”лар олдидан махсус киритилган кириш бандларига илгари эътибор берилмаган. И.М.Стеблин-Каменский шундай функция борлигига ишорат берган ва ўзининг шарҳларида буни қайд этган[1]. Биз қуйида “Гоҳ”ларнинг асосий қўшиқлари таржимаси ва изоҳларига киришишдан аввал ушбу кириш бандларига ҳамда якуний банд сифатида махсус ўрин берилган 54-қўшиқларга тўхтаб ўтамиз ва уларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.





юнон маданияти учун йўл очиладигандек. Аммо Авеста туфайли эришилган юксак маънавият аждодларимиз қалбларидан ўчмаган. Александрдан кейин Парфия аршакийлар подшолиги даврида ҳукмдор Валахш Авестани муъбадлар хотираси асосида тиклаш ҳаракатида бўлган. Аммо бу ҳаракат натижасида тикланган Авеста етиб келмаган. Бу ҳақда зардуштийлик ёзма манбаларида (“Денкард” китоби) хабар сақланган, халос. Милодий III асрда - Эрон Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида зардуштийлик давлат динига айланиши муносабати билан яна Авестани қайта тиклаш ҳаракати бошланган. Бир неча уринишлардан сўнг, ниҳоят, подшо Хусрав I Ануширвон (531-579 йиллар) даврида Авеста матнлари муъбадларнинг хотираси ва китобнинг халқ орасида сақланиб қолган парчалари асосида 21 китобдан иборат ҳолда тикланган. Авеста матнлари илоҳийлаштирилган ваҳий сўзлар деб ҳисоблангани сабабли уларнинг тил хусусиятларини муъбадлар талаффузи шаклида аслидагидек сақлаш тамойили қабул қилинган. Бу тадбир Авеста китоби матнига эътиқодий муносабатни, ҳар ким ихтиёрий равишда қараб, ўз билганича ёндошувига йўл қўймасликни таъминлаган.

Авестанинг китоб сифатида шаклланиш тарихи ҳам ўзига хос. Аввало, Авеста асрлар давомида оғзаки авлоддан авлодга узатиб келинган. Аммо даврлар ўтгани сари Авеста матнларининг ўзгармас тили доимий ўзгариб, ривожланиб борувчи жонли тилдан ортда қолаборган. Авеста матнларини ёзиб олиш ва сақлаш эҳтиёжи тобора сезила борган. Авеста китоб ҳолида дастлаб мил. авв. VII аср атрофида тўпланган. Эрон подшолари хазинасида сақланган, Александр ёқиб юборган Авеста қандай ёзувда эди, деган савол хамон бахсларга сабаб

бўлиб қолмоқда. Кўпчилик олимлар ўша илк Авеста қўлёзмаси орамий ёзувида бўлса керак, деган фикрдалар. Аммо орамий ёзувининг алифбесида бор йўғи 22 ҳарф бўлгани ҳолда мураккаб авеста тилининг талабларига жавоб бермас эди, деган фикр бу масалада бир қарорга келиш имконини бермайди.

Авестани Қадимги Парфия подшолиги даврида тиклаб китоб қилиш ҳаракати асносида қайси ёзувдан фойдаланилган – бу ҳам номаълум. Борли-ю, парфиёний ёзув ишлатилган бўлса, бу уриниш ҳам самарасиз бўлгани аниқ. Чунки парфиёний ёзув ҳам орамий асосидаги 22 ҳарфли алифбега асосланган эди. Ниҳоят, Мазда Ясна Эронга кириб бориб, сосонийлар сулоласининг давлат дини мақомига эришгандан кейин Авестани ёзиб олиш учун Ўрта форс паҳлавий ёзувининг 22 ҳарфдан иборат алифбесини авеста тили фонетик тизими ҳамда грамматик муносабатларни таъминловчи мураккаб фонологик хусусиятларини тўла акс эттирадиган мутлақо янги алифбе яратилган. Унда 51 ҳарф бўлиб, шундан учтаси лигатура, яъни баъзи ҳарфлар ёндош келган ҳолатларда қўша график шакл ҳосил қилган. Шундай қилиб Авеста матнини соф 48 ҳарф белгиси ва учта қўшоқ ҳарф ёрдамида матн талаффузини мукаммал сақлашга қаратилган авеста алифбеси юзага келган. Шу ўринда авеста алифбесининг жадвалини келтирамиз, шояд, китобни ўқиш билан баробар муҳтарам ўқувчимиз авестоий матнга ҳам машқ қилса.





Зеро, Аҳура Мазда барча нарсани кўриб тургувчи, билиб тургувчи зот, бу ибодатларни у қабул қилади, деб тушунилган.

Бу ҳодисанинг заминида, кўрсатиб ўтганимиздек, бир жиҳат борки, бу ҳам бўлса, зардуштийликда илоҳий зотнинг ягоналиги ғояси у зотга турли маъбуд ва маъбудаларнинг шерик қилиниши орқали бузилганлиги яққол кўзга ташланади. Ислом динида эса яратган зотнинг якка-ягоналиги мутлақ ҳақиқат, Аллоҳга шериклар йўқ экани асосий ғоядир. Аллоҳнинг ягоналиги ғояси барқарорлиги муқобилида зардуштийликнинг якка худо ғояси дуалистик қарашлар, кўплаб маъбуд ва маъбудаларга сиғиниш тарзида ширк билан қоришиб кетгани бу динни тарихий жараёнларда илсом дини олдида ожиз қолдирган ва ислом динининг устиворлигига олиб келган.

Авеста китобидан сақланиб қолган Видевдот, Ясна, Яшт, Виспарат китоблари қаторида ибодат ва маросимларда ўқиладиган энг муътабар матнлар тўпланган Ясна наски алоҳида ўрин тутган. Ясна наски яна шуниси билан муҳимки, унинг таркибида 17 бобдан иборат эзгуликка, эзгу яралмиш борлиқнинг барқарорлигини сақлашга, Олий онг, мутлақ оқил зот Маздага имон келтиришга даъват қилувчи Зардушт ижоди деб ҳисобланувчи қўшиқлар етиб келган. Бу қўшиқлар, юқорида қайд этилганидек, "Ясна" наскининг 28 -34, 43-51, 53-бобларидан иборат. Зардушт қўшиқлари *гаталар* деб аталган. Тилимизда бу сўз "гоҳ"шаклида сақланиб келмоқда. Аввало *гоҳ* сўзи вақт ўлчови маъносига эга бўлган. Зардушт қўшиқларига нисбатан *гоҳ* сўзи мусиқий ритм маъносига эга. Ҳар бир ритм оралиғидаги вақт аниқ бир ҳил бўлиши кўзда тутилган. Маълум таъсирчан ритмик оҳангларда олиб борилган гўзал қироат, Зардуштнинг даъват сўзлари босиқ,

доирасига ибтидоий мифологик диний тасаввурларни, культларни қайта олиб кирилган давр маҳсулидир. Уларда "Аҳура Мазда ўзи яратган" деган оқлов асосида бир қатор қадимий мифологик образлар, Митра, Ардви Сура, Вараҳран, Аши ва бошқалар эътиқод объектларига айлантирилган ва уларга йўлланган намоз, хайру эҳсонлар Аҳура Маздага қаратилган деб талқин қилинган. Зеро, Аҳура Мазда – ҳамма нарсани кўриб тургувчи, билиб тургувчи, тинглаб тургувчи, воқиф ва ҳоказо зот.

Авестанинг Виспарат наски, асосан ибодат ва бошқа маросимларда қироат қилинган, куйланган матнлардир. Булардан ташқари Авестанинг кундалик диний амалиёт учун муҳим ҳисобланган қисмларидан йиғилган Хурдак Авеста, "Кичик Авеста" номли китоб ҳам мавжуд. Унинг таркибида Авестанинг асосий матнидан йўқолган баъзи қисмларнинг парчалари ҳам аниқланган.

Зардуштнинг якка худолик ғояси амалда кўпхудолик анъаналарини мутлақ бартараф эта олмаган. Натижада минтақамизда азалий асотирий тасаввурларга хос Митра, Ардви Сура, Аши, Вараҳран, Чиста, Тиштрия ва бошқа кўплаб маъбуд ва маъбудаларга сиғиниш зардуштийликда давом этди. Бу каби маъбуд ва маъбудаларга бағишланган алқовлар "Яшт"наскида тўпланган. Якка худолик ғоясига зид бўлган ушбу ҳолатни муросага келтириш учун мазкур маъбуд ва маъбудаларни ҳам Аҳура Мазда яратган дея, якка худолик даъвосини олға сура туриб, кўпхудоликни ҳам илоҳий розилик остида кўрсатишга уриниб, теодеистик ечимга келинган. Бундай ишоратлар Авеста "Яшт" наскининг бир қатор ўринларида (Митра Яшти, Вараҳран Яшти, Аши Яшти ва бошқалар)да учрайди. Ушбу маъбудларга ҳам намоз, назру ниёз, эҳсонлар бағишлаш савоб деб ҳисобланган.








Ушбу жадвал С.Н.Соколов томонидан унинг «Авестийский язык» (М.: 1960) номли тавсифий грамматикасига илова қилинган эди. Кейинчалик бу жадвал "Эрон тилшунослиги асослари" туркум нашрнинг "Қадимги эроний тиллар" номли биринчи китобига мазкур муаллифнинг «Авестийский язык» очерки таркибида қайта киритилди.

Авеста ёзувининг бу китобнинг ўрта форс тилидаги шархлари "Зенд Авеста" матнлари учун ишлатилган вариантида биз келтирган жадвалдаги ҳарфлар тизимига қўшимча белгилар киритилган.

Биз қуйида Карл Хоффман томонидан таклиф қилинган, баъзи ҳарфларнинг вариантларини ҳам кўрсатган авета алфавитини келтирамиз.




Жадвалдаги ҳарфлар сони 51 та. Улардан 14 таси унли, 37 таси ундош товушларни ифодалайди. Унли товушларнинг сони кўплиги уларнинг узун-қисқалиги, талаффуз артикуляциясининг ҳар хиллиги, талаффузида олд ва орқа қаторга тегишлилиги ёки буруг иштироки каби қатор омиллар алфавитда алоҳида ҳарфлар билан ифодаланган. Масалан а ҳарфидан 6 вариант, қолган унлиларнинг ҳар бири узун-қисқалиги бўйича 2 тадан вариантларга эга. Ундош товушлар тизимида ҳам худди шу принцип амал қилган. Масалан, ш ҳарфининг уч хили, н ҳарфининг 4, т ҳарфининг 2, м ҳарфининг 2 варианти бор ва ҳоказо. Бунинг сабаби унли ва ундош товушларнинг вариантлари сўз маъносини ўзгартирганидир. Зеро, фонема сўзи икки қисмдан иборат: фон “товуш”, -ема “маъно” демакдир. Авеста алифбеси айни шу талаб





асосида ҳар бир товушнинг сўз маъносида иштирокига қараб уларнинг ҳар бирига лаоҳида белги жорий этган. Шундай қилиб, авеста алифбеси энг аниқ ҳарф-товуш алифбелардан биридир.

Мазкур ёзувлар асосида қайта тикланган Авеста китоби минтақамизга ислом дини кириб келиши жараёнида таъқиққа учради. Китобнинг катта қисми йўқолган. Сақланган қисмларидан Видевдот наскигина 22 бобдан иборат тўлиқ ҳолда етиб келган. Асли 72 боб Ясна наскидан бир қатор боблари йўқолган. Унинг таркибига сингдириб, 28-34, 43-51, 53-боб қўшиқлар тарзида жойлаштирилган муқаддас ”Гоҳ”лар Зардуштнинг пайғамбарона даъватлари бўлиб, Аҳура Мазда билан Зардушт ўртасида руҳан суҳбат, тўғрироғи, савол-жавоб эди. Бу ҳолат муқаддас ислом тарихидаги меърож ҳодисасига ўшаб кетади. Зеро, Авеста китоби аслида бошдан оёқ Зардушт билан Аҳура Мазда ўртасидаги суҳбат асосига қурилган. Бу ўртада Аҳура Мазда бандалари орасидан танлагани имонли Зардуштнинг огоҳ руҳига инсоният бошидан кечирган синов ибратларидан кўплаб ишоратлар берадики, шу сабали “Гоҳ”лар мазмунида мавҳумлик берувчи, кўзда тутилган фактни аниқ ифода этмайдиган ифода шакллари кўп ва бу “Гоҳ” ларни сўзма-сўз таржима қилиш имконини бермайди. Бунинг устига “Гоҳ”лардаги сатрларнинг сўз тартиби бугунги тилларимиз синтактик хусусиятларига мос келмайди. Бирор шеърий банднинг маъносини очмоқ учун шу банд ичидаги сўзларнинг жойлашув тартиби ичидан керакли мазмунга хизмат қилувчи бирикмалар, грамматик боғланишларни аниқлаб олишга тўғри келади.

Авестадан 22 бобдан иборат “Яшт” наскининг каттагина бўлаги етиб келган. Яштлар Зардуштдан кейин зардуштийлик

Ахриманнинг ифодаси бўлмиш сон-саноқсиз, турли-туман зараркунандалар (храфстралар) йўқ бўладилар. “Дил сўзи” тушунчаси авесташуносликда ***мантра*** дейилади. Мантра дилда сақланади. Уни бировга ошкор этилмайди. Акс ҳолда унинг магик кучи йўқолади. Мантра ҳар қандай мушкул вазиятда ўз “эгаси”ни ҳимоят қилади, деб тушунилган. Қуйидаги бандда бу фикр янада равшанроқ келади.

Ясна, 28.6.



*wohū gaidī manaŋhā dāidī aš-då darəgāyū*
*ərəṧwāiš tū uxδāiš mazdā zaraϑuštrāi aojōṇghwaṯ rafənō*
*ahmaibyācā ahurā yā daibiṣ̌watō dwaēṣ̌å taurwayāmā.*

Аҳура Мазда, Ҳақиқат-ла кел, Эзгу фикрат-ла
Зардуштга бергил кўмак Эзгу ҳақ СЎЗИНГ бирлан
Бизлар ЁВЛИКНИ шунда йўқ қилурмиз бегумон.

“Ёвлик” тушунчаси Авестада кенг талқинда қўлланган ва матннинг кўп ўринларида “Бизга бер қудрат, биз урайлик





сўз билан “Ашэм ваху” деб аталади. Бу гўё ислом динидаги “Фотиҳа” сурасининг халқона “Ал ҳамду” деб аталгани каби. Дуонинг биринчи сатри ***Ашэм ваху ваҳиштам асти*** “Эзгулик эзгудир, энг эзгуликдан-да эзгу” демакдир. Бу айтимдан ***Ашэм*** сўзи юқорида кўрсатганимиз ***Аша*** (***Арта)*** Аҳура Мазданинг “Ҳақиқат”, “Ҳақ” каби Олий сифатлари ҳамда оламнинг асл илоҳий эзгу тартиби маъносига эга. Бу шунчаки тартиб ҳам эмас, балки бутун борлиқнинг адолатли, оқилона мувозанати ҳамдир.

Зардуштийлик **имоннинг барқарорлигини** олам-жаҳоннинг эзгу асослари бутунлиги учун кафолат даражасига кўтарган. Имон эса, инсон билангина мавжуд. Шу сабабли зардуштийлик эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш ва эзгулик томонида бўлиш, ҳар қандай ёвузликни рад этишни инсон зиммасига ихтиёрий равишда юклаган. Оламнинг бутунлиги, унда эзгуликнинг барқарорлигини, бир сўз билан айтганда, Аҳура Мазда яратган эзгу борлиқда безаволликни сақлаш учун Инсонни масъул этган.

Эзгуликнинг ибтидоси Аҳура Мазда экан, унинг эзгулигини ўзи учун ибрат қилиш бандалари учун фарз ҳисобланган. Бунда асли инсоннинг қалби доимо яхшиликка интилишидек Ҳақиқат ифодаси мавжуд экани аён. Айни шу туфайли зардуштий муъбадлари “Гоҳ”лар олдидан ўқиладиган икки банддан иборат дуога қуйидаги сўзларни қўшиб айтишни жоиз деб билгандирлар. Буни мутахассислар 27.15-банднинг тили аввалги икки банднинг тилига нисбатан Авестанинг кенжа босқич тилига яқинлигида кўрадилар. Масалан, И.М. Стеблин-Каменский ушбу 15-бандни Зардуштдан кейин муъбадлар томонидан қўшилган, деб тахмин қилганида ҳақ эди, деб ўйлаймиз[1]:

[1] Гаты Заратуштры… С. 36.

Ясна 27.15



*ahunəm wairīm yazamaide,*
*aṣ̌əm wahištəm sraēštəm aməṣ̌əm spvṇtəm yazamaide.*
*yeŋ́hē hātąm āaṯ yesnē paitī waŋhō mazdī ahurō waēϑā aṣ̌āṯ*
*hacā yåŋhąmcā tąscā tåscā yazamaide...*

Аҳуна Вайрияни куйлаб таъзимда
Намозим Амеша исфандларгадир.
Йенгҳе ҳатам дуосин ўқийман, токим,
Сидқи дилим У билгай, тутгай эъзозда.
Олқишим Маздага –
Аҳурага олқишим баланд овозда!

Маздага сиғиниш билан боғлиқ маросимларда намозлик такбир, ҳамду саноларни хоҳ ёлғиз, хоҳ жамоавий бараллa овоз билан ижро этиш зардуштийликда ибодат қоидаси ҳисобланган. Мазкур уч сатрли дуонинг сўнгги мисрасидаги “баланд овозда” ибораси айни шу анъанага ишоратдир. Шу қоиданинг таъсирини Авестанинг кенжа босқич матнларидан “Яшт”лар-





деянья Ахура Мазда знает, - Пока могу и буду в силах, я Истины ищу»,- деб таржима қилган[1] .

Ясна, 28.5.



*aṣ̌a kaṯ ϑβā darəsānī manascā wohū waēdəmnō*
*gātūmcā ahurāi svwīštāi səraoṣ̌əm mazdāi*
*anā mąϑrā mazištəm wāurōimaidī xrafstrā hizwā.*

Эй Ҳақ, Эзгу ўй, сизларни, (ниятим) эрур, тан олмоқ
Валий ул-авлиё  Хурмузд сўзига тутмоқлик  қулоқ
Зикр этиб ДИЛ СЎЗИН, ёвузларга қирғинлар солмоқ.

Зардушт Ҳақни, яъни унинг дини учун олий илоҳий зот Аҳура Маздани ҳамда унинг биринчи навбатдаги эманацияси, тажаллиси Эзгу ўйни тан олишини таъкидлаш билан баробар, Аҳура Маздага итоатда эканини ибрат қилмоқда. Бу даражотга эришган имонли инсон кўнглига худодан бир муқаддас сўз тушадики, унинг қудратидан олам-жаҳон ичра ёвуз кучлар,

[1] Ўша асар. –Б.41.

*yə̄urwānəm mə̄ṇ gairē wohū dadē haϑrā manaŋhā*
*aṣ̌īšcā ś́yaoϑananąm wīduš mazdå ahurahyā*
*yawaṯ isāi tawācā awaṯ xsāi aēṣ̌ē aṣ̌ahyā.*

Ҳурмуздни мақташга жонимни фидо Эзгу ният-ла
Айласам, бунгадир мукофот тайин, Хурмуздга аён.
То ҳаётман, чин юракдан интилгум Ҳақиқат томон.

Заратуштра Эзгу ўй ва яхши ният билан Аҳура Маздани шарафлашни кўнглига тугиб олган. У аниқ биладики, Аҳура Мазда эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Албатта, ё муносиб ажру мукофотини ва ёки лойиқ жазосини беради.

Бандда Эзгу ўй ва Аҳура Мазда сўзлари "қилмишларга қараб мукофот ёки жазони биргаликда белгилайдилар"-деган маъно ифодаланган. Бунда "Эзгу ўй" иборси Аҳура Мазданинг Эзгу ният тажаллиси (эманацияси) Ваҳу Манани кўзда тутади. Бу муаккил зардуштийликда Аҳура Мазда билан унинг пайғомини инсониятга етказувчи Заратуштра ўртасида воситачи ҳамдир. Зеро, Заратуштрани Аҳура Мазда ҳузурига етказган, унинг пайғамбар сифатида бандалари орасидан танланишига воситачи Ваҳумана эди. И.М.Стеблин-Каменский шу ўринда Гоҳларга хос сўз ва ибораларнинг ўрин алмашувини ҳисобга олиб, ушбу учликни "Хвале задумал душу отдать, пока могу и в силах, я Истины ищу. Ахура Мазда с Благою Мыслью награды за деянья знает" каби мантиқий бутунликни жумла узиндилари сифатида қатор қилиб жойлаштирган: «Хвале задумал душу отдать с Благою Мыслью, Награды за





да ҳар бир нақорот охирида учратамиз. "Яшт"ларнинг ихчам (кўпинча 7 бўғинли) шеърий тузилишида ушбу нақоротни авесташуносликда ***рефрен*** деб аташади[1]. Бандлар охирида такрорийлиги сабабли аксари таржималарда уларни "рефрен" деб эслатиб ўтишади, матнини эса такрорлашмайди. Одатда нақоротлар "Яшт"ларда алқаб шарафланган маъбуд ёки маъбуданинг бирор эзгу ҳислати улуғлангач, шу ҳислатнинг борлиги ибодатчи учун бахт, қувонч деб таъкидланади ва шунинг шукронаси сифатида такрорланади. Алқов қайси маъбуд ёки маъбуда номига келса, ушбу нақоротнинг бағишловида унинг номи қайд этилган бўлади:

Ардви Сура шундайин
Омадни берди унга.
Бу бахт учун намозим,
Баралладир овозим.
Ҳамма вақт ҳақ йўлида
Йўллайман Ардви сенга,
Савоб иш қилгувчига
Энг муносиб эҳсонлар.
Ажрин бермоқ – қўлингда.
Савобин етказ менга[2].

Худди шу каби "Қуёш алқови"нинг якуний дуосида бундай маъно ўқилиши мумкин:

Бахту омад берсин деб,
Эҳсон этарман Хаома,
Ибодатим Хуршедга.

[1] Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. М.: - 1972("Обон Яшт"дан таржима намуналарига қаранг) .
[2] Маънони тўлиқроқ очиш учун парчани кенгроқ ажратдик.

Шарбатин сочиб ўтга.
Бaралладир овозим,
Отлари учқур зот деб
Қуёшга топинурман
Бағишларман намозим
Аҳура Мазда Вали
Деб тан олган зотга.

Шу каби нақоротларни "Яшт" ларнинг барчасида учратишимиз мумкин. Демак, "Гоҳ"ларнинг олдидан ва кетидан ўқиладиган дуолар асли Зардушт давридан қолган анъанадир. "Гоҳ"лар эса, "Ясна" таркибида тасодифан эмас, балки бу наскнинг ибодат расмиятига хизмат қилиш хусусиятидан келиб чиқиб жойлаштирилган. Бу фикрнинг тасдиқини "Ясна"нинг 54-ҳоитисидаги якунлов дуоси мазмунида ҳам кўришимиз мумкин[1]. Дуо сўзлари И.М. Стеблин-Каменскийнинг фикрича орийларнинг қабила худоларидан бири Арйаманга мурожаатдан бошланган. Бу қабилавий маъбуднинг эсланиши бежиз эмас. Зеро, Авестада унга бағишланган алоҳида мақтов дуо борлиги бир неча ўринларда эслатилган. Авесташунос олим Ҳошим Ризонинг икки жилдлик тадқиқотига илова қилинган "Исмлар фихристи"да бу дуонинг тўлиқ номи "Арйанам ишйаҳ" учраган саҳифалар рўйхати келтирилган. Булар мазкур нашрнинг 215, 522, 525, 710, 729, 733-саҳифаларидир[2]. Масалан, ойнинг ўттиз кунидан ҳар бирининг шаънига ўқиладиган "Сиҳрўзаки кўчек" номли дуолар туркумининг 2-сида бундай дейилган: "Орду-

---

[1] Гаты Заратуштры… -С .161.
[2] Avesta. The ancient Iranian himns. Translated & annotated by Jalil Doostkhah. Marvarid publ-s. Tehron. -1991. -1205 p. (Ушбу нашр форс тилида).





маъбуд шаънига аталган. Бундан ташқари Спента Армаити Ер, Замин маъбудаси ҳисобланади. Мазкур бандда Зардушт Муқаддас Ақлга мувофиқ Эзгу фикрни илгари мақтаганларидан-да аълороқ шарафламоқда ва Аҳура Мазданинг (бу ўринда Ҳақиқатнинг) тобора ўсиб борувчи қудратидан мадад сўрамоқда. Аҳура Мазданинг қудрати янада зўрайиши унинг Оқиллик сифати билан боғлиқ этиб кўрсатилмоқда. Олий ақл функциясининг образли талқини Аҳура Мазданинг муаккили Спента Армаити тимсоли орқали ифодаланган. Шу сабабли И.М. Стеблин-Каменскийнинг бу банддаги Муқаддас ақлга мувофиқлик тушунчасини жаҳолат рамзи ҳисобланган *Аэшмага*, яъни ғазаб девига қарама-қарши қўйилгани ҳақидаги фикрига қўшилмадик. Чунки мазкур бандда Аэшма девига ишорат кўринмайди [1].

Ясна 28.4.



---

[1] Гаты Заратуштры… –С.40. *Аешма* -Авестада "ғазаб, жаҳл, жаҳолат деви" тимсоли. *Дев* эса, Ахриманнинг турли ёвуз кўринишларининг умулашма номидир.

Ясна, 28.3.



*yəˉwå aṣ̌ā ufayānī manascā wohū apaourwīm*
*mazdąmcā ahurəm yaēibyō xṣ̌aϑrəmcā ayžaonwamnəm*
*warədaitī ārmaitiš ā-mōi rafədrāi zawəṇg jasatā.*

Қутлайман, Эзгу ўй ва Ҳақдир сифатинг,
Кўмак бер, эй Хурмузд, кенгдир Қудратинг.
Оқилсан, шул сабабдан чексиз ҳимматинг.

Бу бандда Эзгу ақл (Оқиллик), Муқаддас ақлга мувофиқлик тушунчалари Авестада, хусусан, Гоҳларда *Спента Армаити* номли малак сиймони кўзда тутади. Зеро, бу муқаддас зот Оқиллик рамзи, Аҳура Мазданинг олти хил намоён бўлиш функциялари, эманацияларидан бири ҳисобланади. Ўрта аср манбаларида *Испандармат* шаклида келади[1]. Зардуштийлик тақвимида ойлардан бирининг ва кун номи шу

[1] Спента Армаити маъбудаси номидаги *спента* жузъи "муқаддаслик" маъносини беради. *–армаити* қисми эса "куч-қудрат" демакдир. Бирикма шаклида бу сўз Аҳура Мазданинг функционал қудрати рамзи, эманацияларидан биридир. *Спента* кейинчалик *Исфанд* шаклига келган. Масалан, Исфандиёр исмида "худо Аҳура Мазда ёр бўлсин" деган маъно кўзда тутилган. Кейинги ислом даврида бу маъно трасформацияга учраб, "Оллоҳ ёр" маъноси томон сурилган.





биҳишт", зеботарин амэшосипанд, намози "Арйаман ишйаҳ"и тавонои Мазда офарида ... неки фарохдидгоҳи Мазда офарида ашавон". Яъни бу дуода Арйаман Мазда яратган ва ўзига шерик қилган маъбудлар(язадлар) қаторида тан олинган ва унинг сифати маъносида яна қайта Мазда яратган иборасини такрорлаб, сўнгра ашавон (ҳақпараст) сифати қўшилган. Ашавонлик мартабаси зардуштийликда Аҳура Маздани Олий илоҳий зот дея, буни Ҳақ ва Ҳақиқат дея ўзи учун қатъий қилган ҳар бир инсонга хос диндорлик белгиси ҳисобланган. Бу ўринда эса, ашавонлик маъбуд мақомидаги теологик субъектга нисбатан қўлланган:[1]

Севикли Арйаман, тезроқ келақол,
Зардушт қавмларига келтиргил нажот.
Эзгу ўй, имоним ҳаққи, бандангга
Аҳурадан атодир ажру мукофот,
Шараф-ла муносиб бергил охират.

Ясна 54-ҳоитийсининг 2-банди ибодатнинг қабул бўлишини сўраб, "Аҳура Мазда кимга намоз йўллашни фарз қилган бўлса" ўшаларга намозим ниёз бўлсин, деган маънода намозхон илтижо қилади: "Суюкли Арйаманга, Буюк ва қудратли, енгилмас Ҳақнинг Ҳақлигига, муқаддас ва Ҳукмдорларнинг ҳукмдори имонли "Гоҳ"ларга, борлиқнинг энг биринчи фарзи Ибодатнинг алқовларига олқишларим бўлсин". Шу каби дуо ва илтижолардан кейин матнда яна бир барқарор дуо формуласи –

[1] Авестада кўпинча у ёки бу ҳоитий, фрагард, карде ва бошқа қисмлар ашавон, яъни "имонли, Ҳақ тарафида тургувчи" каби сўзлар билан шахслаштириб берилади.

"Ибодатим бахшида Аҳура Мазда лойиқ, дея тан олган зотга"[1] жумласи билан "Гоҳ"ларни куйлаш охирига етади.

"Гоҳ"лар зардуштийлик, Мазда Ясна дини моҳиятини чуқур талқин қилишга қаратилган. Улар Зардушт томонидан яратилган назарий асослар билан "Ясна" наскини янада бойитишни кўзда тутиб, ушбу наск таркибига махсус жойлаштирилган. Қолаверса, "Гоҳ"ларнинг "Ясна" ичига жойлаштирилиши уларни йўқолиб кетишдан асрашни ҳам кўзда тутган. "Гоҳ"ларнинг кириш ва якунлаш дуолари эса диний маросимларга янада жиддий тус бериб, намозхон ашавонларнинг руҳларини ибодатга тайёрлашга, илоҳий зот билан улар орқали боғланишга хизмат қилишига ишонилган.

***Ушбу ибтидо ва интиҳо боблар ҳақидаги тафсилотлардан кейин қуйида***

**"Ясна" наскининг 28-қўшиғи - Ҳā (Ah )** ("Аҳунавад Гоҳ")дан бошлаб, "Гоҳ"ларнинг изоҳли маъно ўгирмаларини келтирамиз.

Ясна 28:



[1] Ушбу формулани "Яшт" наскида маъбудлар шаънига айтилган алқовларда ҳам нақоротлар кетидан жойлаштириб борилганини кузатиш мумкин: "намоз йўллаймиз унга, Аҳура Мазда савоб деб, намоз буюрган зотга"; "Аҳура Мазда савобга сазовор этган зотга йўллайлик намозимиз", "Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амаллар билан, Чин ҳақиқатни ёқлаб, Аҳура Мазда лойиқ, деб айтган ўшал зотга Бахшида намозимиз" ва б. Қаранг: Авеста.Яшт китоби. Тошкент, "Шарқ". – 2001. – Б. 26, 37, 71, 82 ва б.





*(zōt̰,)*
*yə̄wå mazdā ahurā pairī-jasāi wohū manaŋhā*
*maibyō dāwōi ahwå astwatascā hyat̰cā manaŋhō*
*āyaptā aṣ̌āt̰ hacā yāiš rapaṇtō daidīt̰ xʷāϑrē.*

Завт: Эй Аҳура, Сен Эзгу билан қовушмоқ дардим,
Жисмим ичра эзгу руҳни айла жо-бажо,
Ҳақ йўлинг ажри учун беҳишт истардим.

Қироатни Завт (Мазда Ясна дини пешвоси) бошлаб беради. Юқоридаги илинж-илтижо руҳида давом этиб, Зардушт ўз руҳи ва жисмининг Аҳура Мазда билан боғланишини ва унинг йўлига, яъни Аша (Арта) – "Ҳақ" йўлига кирган артабон (ҳақпараст, ашавон шакли ҳам қўлланади. Бунда сўз ўртасидаги -рт- вақт ўтган сари -ш- га айланган)ларни ҳам беҳишт(жаннат) роҳатларидан баҳраманд қилишини сўрамоқда. Руҳ ва Жисм тушунчалари остида остумандлик, яъни сўнгак билан боғлиқ сўз ишлатилган. Бунинг маъноси шуки, зардуштийлик инсонда фақат сўнгакни ҳалол ҳисоблаган. Танадаги эт харом ва чиркинликка даҳлдор деб тушунилган. Этдан тозаланган сўнгакни остодонларда асраш одати шундан туғилган. Инсоннинг руҳий дунёси эса самовий фикр билан боғлиқ бўлиб, унинг Ҳақиқат йўлида бўлиши эзгуликнинг асоси деб тушунилган. Ушбу учликнинг ғояси бу дунё ва у дунёда берилажак барча яхшиликлар инсон томонидан эркин танланиши лозим бўлган Эзгулик йўли эвазига эканини таъкидлашдир.

тимсолида намоён бўлади. Диний маънода бу тимсол Олий илоҳий зотнинг эманацияси, тажаллиси дейилади. Ушбу лавҳада Зардушт  қўлларини баланд кўтариб, осмонга қараб тургандек тасвирланган. Буни “Гоҳ”ларнинг рус тилига таржимаси изоҳларида И.М.Стеблин-Каменский Зардуштнинг ибодатда туриш, “астойдил” илтижо, ўтиниб сўраш позаси деб таърифлайди[1]. Учинчи сатрдаги Буқа Руҳи (ёки “жони”) тушунчаси  авестача Гэуш Урван деб аталади ва қорамолни муқаддаслаштириш анъанаси билан боғлиқ изоҳланади. Биринчи сатрдаги “Муқаддас руҳ” ибораси Аҳура Маздани улуғловчи мурожаат шаклларидан бири. Авеста матнида эманация номи ***Армаитий*** билан алмашган. Бу шакл Спента Армаитий шаклининг қискртирилганидир. Спента жузи “муқаддас” деб Армаитий исмига қўшиб улуғлаш маъносида ишлатилган.

Ясна, 28.2.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

1 Ўша асар.  – Б.39.





[illegible]

[illegible]

*(zōṯ u rāspī)*
*yānīm manō yānīm wacō yānīm š́yaoϑnəm aṣ̌aonō*
*zaraϑuštrahe,*
*fərā aməṣ̌ā spəṇtā gāϑå gəūrwāin.*
*nəmō wə¯gāϑå aṣ̌aonīš,*

“Аҳунавад гоҳ” 1-қўшиқ
Зўвт у Роспий:
Заратуштранинг
Эзгу ўйи,
Эзгу сўзи,
Эзгу амали
(Ибрати билан) Ўлмас
Валий (зотлар) ҳам
(Жону дил билан)
Тинглар Гоҳларин.
Сизларга юкунчим
Эй, имонли Гоҳлар!

“Аҳунавад Гоҳ”нинг ушбу банди Завт ва Роспий сўзлари билан бошланган. Бу сўзлар зардуштийлик ибодатларини бошқарувчи дин пешволарининг унвонларидир. Улар маросимни бошлоаб берганлар. Жамоа уларага эргашиб намозда турганлар. Зеро, Авеста матнларининг тилини қанчалик муқаддас билмасинлар, замонлар ўтгани сари аслидек сақланишда давом

этган илоҳий сўзларни қавмлар ҳамма вақт ҳам ёд билаверишмаган. Шу сабабли ибодат маросимида завт ва роспийларга иқтидо қилиш қабул қилинган. Бу анъана, Яшт наскининг ният бошловларида аниқ акс этган. Уларда “билганлар ўзлари ўқисинлар, билмаганлар завтга иқтидо қилсинлар” деган жумла алоҳида қайд этилган[1] . Гоҳларнинг биринчи банди ҳисобланадиган диний амал, намоз ва бошқа маросим олдидан ният қаторида икки марта қироат қилинадиган ушбу дуо сўзлари Зардуштдан кейин киритилган, деган фикрлар бор. Чунки, бу дуонинг тил хусусияти асл Гоҳлар тили каби архаик эмас. Фақат охирги икки сатр Гоҳлар тилига яқинлаштириб, архаиклаштирилган[2]. Диннинг асл тилини билмайдиган, лекин динни қабул қилган қавмлар учун амаллар олдидан қилинадиган дуо ва бағишлов сўзларини осонлаштириш одати диний тажрибада мавжуд. Масалан, исломда намоз олдидан ният сўзлари Ажам юртларида форс-тожик ва туркий халқлар орасида туркий тилларда ўқилиши мумкин этилган, ёки бу Византия орқали Русда қабул қилинган христиан дини амаллари юнон тилида эмас, балки славян черков тилида олиб борилгани сингари.

Ясна 28.1.

[illegible]

[illegible]

[1] Авеста. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. Токент: Шарқ матбаа концерни. 2001. -Б. 8-9.
[2] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. – Санкт-Петербург, 2009. -С.37-38.





[illegible]

[illegible]

[illegible] (2)

[illegible]

*ahyā yāsā nəmaŋhā ustānazastō rafəδrahyā*
*manyəūš mazdā pourwīm spəṇtahyā aṣ̌ā wīspəṇg ś́yaoϑanā*
*waŋhəūš xratūm manaŋhō yā xṣ̌nəwīṣ̌ā gəūšcā urwānəm (2)*

Қўлим чўзиб, Муқаддас Рух, Сендан Илинж,
(Эй), Мазда, Ҳақ йўлингда мендан бу ўтинч:
Қувонсин Эзгу Ният, Говширвонга севинч.

Зардушт қўлларини дуога чўзиб, Аҳура Маздага мурожаат қилмоқда. Бу шунчаки Аҳура Маздага бевосита мурожаат эмас, балки унга Эзгу ўй, пок ният фариштаси Ваҳу Мана орқали илтижо қилмоқда. Ваҳу Мана эса зардуштийликда Аҳура Мазданинг муаккилларидан энг биринчиси – Эзгу ният фариштаси ҳисобланади. Яъни, Ваҳу Мана – Аҳура Мазданинг илоҳий функцияларидан бири. Эзгу ният фариштаси Ваҳу Мана (айнан таржимаси “Эзгу ўй, яхши ният”)нинг қувончига сабаб бўлишнинг асосий шарти Ҳақ йўлини, бу ўринда Олий ақл Мазда йўлини танлаш ва унда собит бўлиш деб тушунилган. Муқаддас Буқа тимсолида намоён бўлувчи ушбу эманацияни севинтириш учун мазкур бандда Заратуштра Спента Армаитидан кўмак сўраб илтижо қилмоқда. Авестада Ваҳу Мана ***гэуш урван, “буқа руҳи”*** тахаллусида ҳам амал қилади. Зеро, Ваҳу мана одамлар кўзига Муқаддас Буқа

*tVm AzUtOiS ahurO m&qrvm taCaT aCA hazaoCO*
*mazdl gawOi xCwIdvmcA hwO uruCaEibyO spvNtO*
*sAsnayA,*
*kastE WohU manaMhA YV-I dAyAT VvAwA marvtaEibyO.*

Ҳақиқатга  ҳамқадам Аҳурадандир ато,
Илоҳий каломе-ким, олам  ишин ўнгаргай
Чорвага ёғу гўштни, сутни ҳам айлар фидо.
Ким бўлса гар артабон, оч-наҳорни тўйдиргай.

Ясна, 29.8.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*aEm mOi idA WistO YV-nV aEwO sAsnl gUCatA*
*zaraquStrO spitAmO, hwO nV mazdA WaStI aCAicA*
*carvkvrvqrA srAwaye?hE hyaT hOi hudvmVm dyAi*
*WaxvDrahyA.*

Бунда мен артабон, хукмингга сомеъ
Зардуштни танибон бўлайин қонеъ
Эй Мазда, ўшал зот ҳақ сўзинг айтиб.
Бизларни шарафлар, куйлаб  ҳар оне!





ёвликни”, “Бизга имкон бер, йўқ қилайлик ёвликни” каби такрорланади. Баъзан шу маънода “Муқаддас сўзни ўргат, биз унинг қудрати билан ёвларни барбод этайлик” тарзида келади.

Авестада зардуштийликнинг ахлоқий-фалсафий, ижтимоий тамойиллари, утопик орзулари гина-кудурат, ўзаро душманлик, адоват, кўролмаслик, бахиллик, араз, рашк сингари иллатларсиз жамият қуришга қаратилган. Бунинг учун инсониятга “ёвлик, ўзаро нифоқ, душманлик, гина-кудурат” туйғулари бегона бўлиши керак, уларнинг ўрнига меҳр-мурувват, эзгу туйғулар, яхшилик тийнатлари бағишланган. Шу сабабли барча ёмонликларни Авеста “ЁВЛИК” сўзига жо этган. Ёвликка қирон солиш, уни йўқ қилиш учун инсон қалбига Аҳура Мазданинг эзгу муқаддас сўзини жо қилади. Бу сўзни дилда сақлаш ёвузлик тимсоли ёвликни барбод этади. Бундан кўринадики, Зардушт замонидаёқ сўз қудратига қаттиқ ишонилган, эътиқод даражасида қаралган. Инсонга нутқ ато этилган экан, уни шунчаки сарфлаш эмас, маъно моҳиятидан инсонлар руҳининг тарбияти учун фойдаланиш лозим, дейилгандек. Қолаверса, бу ўринда ҳар бир инсон ўз кўнглида сақлаб, ўзгаларга билдирилмайдиган СЎЗ ҳақида ҳам авесташуносликда баъзи фикрлар учрайди. Бундай СЎЗни МАНТРА дейилади. Бу сўзга шахсан ишонч, инонч ва хатто, ирим даражасида баҳо берилади. Бирор иш олдидан, ҳаётда мушкуллик ҳолатларида МАНТРАни дилда такрорлаш ғолиблик, омад, бахт келтиради, ёмонликлардан сақлайди, деган тушунчалар амал қилган. Заратуштранинг Буюк ва қудратли  СЎЗ ҳақидаги илтижосини шундай изоҳлаш мумкин. Қолаверса, шарқ классик адабиётида, хусусан эпик жанрлардаги асарлар муқаддима

қисмларида сўз ва унинг моҳиятига қаратилган бўлимлар шу анъананинг давоми, десак хато бўлмайди.

Ясна, 27.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*dāidī aṣ̌ā tąm aṣ̌īm waŋhə̄uš āyaptā manaŋhō*
*dāidī tū ārmaitē wīštāspāi īṣ̌əm maibyācā*
*dåstū mazdā xṣ̌ayācā yā wə̄ mąϑrā srəwīm ārādī.*

Эзгу уйга шундайин мукофоту омад бер,
Соғлом Ақл соҳиби, эй Мазда, Виштаспага
Давлат, менга эса, пайғоминг элтишлик тақдир.

Зардушт айтмоқчики, Ваҳу Мананинг пок ва эзгу ният ҳомийси эканига таянган ҳолда ундан ибратланиб, бандаси ҳам ниятини покласа, Мазда ажру мукофотлар ва омад берсин. Зурдуштга ҳомийлик қилиб, динини қабул қилган подшо Виштаспага ҳокимият, кучу қудрат, Зардуштнинг ўзи учун эса, унинг Аҳура Маздадан олган хуш хабарларини одамларга етказишлик, яъни пайғамбарлик масъулиятини берсин, одамлар унинг пайғомларига, яъни Аҳура Маздага имон келтирсинлар. Шунинг ўзи Зардушт учун олий мукофотдир.





берилгани таъкидланади. Ҳайвонларга эса, уларни қанчалик улуғланмасин, пайғамбарлик раво эмас. Чунки, ҳайвонларни яратган бандаларининг тўқлиги ва фаровонлиги учун ато этган. Жумладан, Гэуш урван “Буқанинг жони” худога нола қилиб “Мени нечун яратдинг, кимларгадир айлаб қурбони” каби мурожаат ҳолларида Мазда дини манъ этишидан аввал кўп сонли қурбонликлар (юз от, минг буқа сон-саноқсиз қўй-эчки) жамиятга оғир тушгани, ҳўжаликка катта талофат етказгани қораланади. Ниҳоят, зардуштийлик қурбонликнинг энг осон йўлини жорий этганки, бу чиноқ, чўлоқ-мертик, ола-була бўлмаган соғлом қора қўчқорни эҳсон қилиш шаклида қарор топган. Эътиборга лойиқки, қўй айни қорамол ўрнига сўйилаётгани унга ясама ном берилишида ҳам яққол кўринади: авестачасига қўй сўзи “Гава спента”, яъни “Муқаддас Буқа” деб аталади. Бугун бу сўзнинг талаффузи “гўсфанд”.

Ясна, 29.7.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

Умуман чорва ҳамда унинг аҳамияти буқа ёки ўзидан кўпайиб, сут баракотини берувчи сигир тимсолида умумлаштирилган. Зардушт руҳига келсак, бу албатта эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амаллар соҳиби ҳамда эзгулик дини тарғиботчисининг жаннатга лойиқлигини бандаларга ибрат қилиш усулидир.

Ясна, 29.6.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*aT V WaocaT ahurO mazdl WIdwl WafUS WyAnayA,*
*nOiT aEwA ahU WistO naEdA ratuS aCATcIT hacA,*
*aT zI qBA fCuyaNtaEcA WAstryAicA qBOrvStA tataCA.*

Аҳура Мазда оқил бир сўзни деб турибди:
Ҳақ йўлида ,эй чорва, сенга йўқ Бошлиқ, Ҳакам,
Чўпон сени ардоқлар, унингчун яралгансан.

Бу ўринда Бошлиқ, Ҳакам сўзлари Зардуштнинг пайғамбарлик мақомига ишорат қилади ва бу мартаба унга фақат инсон зотини эзгу дин йўлида тарбият қилиш учун





Ясна, 28.8.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*wahištəm ϑβā wahištā yəm aṣ̌ā wahištā hazaoṣ̌əm*
*ahurəm yāsā wāunuš narōi fəraṣ̌aoštrāi maibyācā*
*yaēibyascā ī̱t råŋhaŋhōi wīspāi yawē waŋhəūš manaŋhō.*

Сенга муносиб Ризолигинг йўлида ёлвораман,
Менга ва Фрашуштрага Абад Эзгу ўй эш бўлсин.
Эзгу бандaнг лойиқ кўр, ажринг умидвориман.

Авесташуносларнинг фикрича бу бандда тарихий вазият изи бор. Яъни, Зардушт ўзининг дини моҳиятини тушунтирган дастлабки саҳобаларидан подшо Виштаспа, унинг вазири Жомасп ва унинг оғаси Фрашауштрага Аҳура Маздадан имонли бандаларига қилинган ваъдани – “абадий эзгулик”ни, яъни, жаннатни, беҳиштни бахшида қилишни сўрамоқда. Чунки, Фрашаоштра Зардуштнинг қайнотаси, Жомасп эса куёви, қизи Пуручистанинг эри бўлган.

Ясна, 28.9.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*anāiš wå nōiṯ ahurā mazdā aṣ̌əmcā yānāiš zaranaēmā*
*manascā hyaṯ wahištəm yōi wə̄ yōiϑəmā dasəmē stūtąm,*
*yūžə̄m zəwīštåŋhō īṣ̌ō xṣ̌aϑrəmcā sawaŋhąm.*

Сендан кўп нарса сўраб ғазабингга сазовор бўлмаймиз, эй, Аҳура , эй Ҳақиқат!

Эзгу ният билан энг самимий мақтовларимиз сенга бахшида бўлсин. “Шип” этганни эшитгувчисен. Сенга мақтовлар йўллаймиз дўзахингдан омонлик учун.

Бу бандда Зардушт ўз қавмларига худодан кўп нарса сўрамасликни, аксинча худо йўлида астойдил такбир ва мақтовларда бўлиш маъқул дея йўл кўрсатмоқда. Зеро, худо бандаларининг чин имону эътиқодини эътиборсиз қолдирмайди. Чунки худо нафақат сўзингни, балки қалбингдаги эзгу ниятингниёқ “энг тез эшитгувчидир”. Шунга лойиқ охиратда чин имонли бандасига беҳиштни лойиқ кўради. Бу ўринда





Ясна, 29.5.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*aT WA ustAnAiS ahwA zastAiS frInvmnA ahurAi A*
*mV urwA gVuScA azyl hyaT mazd&m dwaidI fvrasAbyO*
*nOiT vrvZvjyOi frajyAitiS nOiT fCuyeNtE drvgwasU pairI.*

Икки ардоқ руҳ бу кун Маздага ёлворишда,
Мен Зардушт ва бўғоз Сигир руҳидир булар:
Ёвузлар ичра имону жонимиз парваришла!

“Икки руҳ” тушунчаси охиратга нисбатан аввалдан дуо сўзи сифатида қаралади. Зеро, охират куни ҳамма тирилади, жумладан барча одам ва барча жонзот ўз аъмоллари учун жавоб берадилар. Аммо Муқаддас Буқа, ёки бўғоз Сигир руҳи алоҳида эъзозда. Ҳатто, муқаддас Буқа (ёки Сигир) зардуштийликда шахслантирилган. Яъни унга мурожаат этиб, одам билан сўзлашгандек муомала қилинган. Бунинг сабаби зардуштийлик шаклланаётган даврларда хўжаликнинг ҳал қилувчи тармоғи сифатида алоҳида чорва эътиборда бўлган.

[illegible]

*mazdl saXArV mairiStO YA-zI WAwvrvzOi pairI-ciqIT*
*daEwAiScA maKyAiScA YAcA WarvCaitE aipI-ciqIT,*
*hwO WIcirO ahurO aqA-nV aMhaT YaqA hwO WasaT.*

Деву мардум жаҳолати Маздага маълум бари,
Яна воқиф у келажак бўлғувси гуноҳлардан.
Лекин Мазда иродаси етовдир Ҳақиқат сари.

Ушбу банд аввалги банднинг мантиқий давомида Аҳура Мазданинг Ҳақиқиат аталмиш сифати тилидан айтилмоқдаки, ваҳий орқали Зардуштга якка-ягона худо маълум бўлмасидан авввал ёвуз кучлар, умуман жаҳолатда бўлган бандалар, уларни залолат, гуноҳ йўлларга бошлаган девлар қанчалик ёвузликлар қилганларини у (Аҳура Мазда) билар эди. Барча жонзот , одаму девлар учун у давр синов эди. Аммо одаму дев Ҳақ йўлни топмади. Мазданинг иродаси шундайки, унинг истаги имонли дунё барпо бўлажак. Лекин ҳали-бери одамлар Ҳақ йўлини топавермайдилар. Буни ҳам Мазда(Ҳақиқат) яхши билади. Сабр билан кутади, чунки унинг асл иродаси дунёни ёвуз кучлардан поклаш. Мазданинг охират ғояси, оламнинг батамом тугаши эмас, балки мутлақ эзгу асосларда янгиланишидир.





жаннат – беҳишт (авестача ***ваху ҳишта*** “яхши ҳаёт”), дўзах эса ***дауж ваху*** “ёмон ҳаёт”.

Ясна 28.10.

[illegible]

*aṯ yə̄ṇg aṣ̌āaṯcā wōistā waŋhə̄ūšcā dāϑə̄ṇg manaŋhō*
*ərəϑβə̄ṇg mazdā ahurā aēibyō pərənā āpanāiš kāməm,*
*aṯ wə¯xṣ̌maibyā asūnā waēdā xʷaraiϑyā waiṇtyā srawå.*

Ҳақ йўлингда ким лойиқ, Эзгу нияти теран
Муносибларнинг бажо айла хоҳишин ўзинг.
Мадҳинг куйлармиз гўзал, тотли сўзимиз билан.

“Гўзал нутқ, чиройли лутф, ширин сўз” каби маъно Авестада бир қатор ўринларда от қўшилган аравани эпчиллик билан бошқаришга, имонли инсонни абадий Мақтов уйига, авестачасига Грано Дмануга (бошқача қилиб айтганда, жаннатга) элтувчи чопқир от қўшилган аравага ўхшатилади. Қиёс қилинг: Ясна 30. Аҳунавад гоҳнинг учинчи қўшиғи, 10-банди:

Ёлғоннинг шундай қилиб, қўли бўлур акашай
Ва Эзгу сўз чопқирлари Эзгу ўй саройига –
Ҳақиқат ва Мазданинг шарафига етишгай.

Ясна, 28.11.

[illegible]

*yə̄āiṣ̌ aṣ̌əm nipåŋhē manascā wohū yawaētāitē*
*twəm mazdā ahurā frō-mā sīṣ̌ā ϑβahmāt̰ waocaŋhē*
*manyəuš hacā ϑβā əəåŋhā yāiš ā aŋhuš pouruyō bawat̰.*

Эй Мазда, Ҳақиқат ва Эзгу ўй сенингдир абад.
Менга гўзал лутф айла, айтақол, то мен билай
Ва билохир покланажак янги дунё орзусин қилай.

Ёвузликлар барҳам топиб, охиратда дунё покланиши борлиқнинг тугаши эмас, балки мутлақ Ҳақ тантанаси, абадий жаннатий ҳаётнинг, асл олтин асрнинг бошланиши деб талқин қилинади. Зардуштийликнинг ижтимоий утопик қараши шу тарзда тушунилган.





[illegible]

*ahmAi aCA nOiT sarvjA adwaECO gawOi paitI-mrawaT*
*awaEC&m nOiT WIduyE YA CawaitE AdrVNg vrvCwlMhO,*
*hAt&m hwO aojiStO YahmAi zawVNg jimA kvrvduCA.*

Унинг солиҳ ҳомийси йўқ, - деди (олий ҳақиқат),-
Имонлилар ҳимматин билмас ҳали жонзотлар.
Қай бирига етишсам, ўшал кучлидир албат.

Гап чорва устида бормоқда. Чорва ўзича ҳимоясиз ва ожиз. Ундан, унинг гўшту ёғидан уни егулик қилганлар манфаатдор. Бироқ чорвага Ҳақиқат юзасидан яхши парвариш, ҳимоят лозим. Шунда Ҳақ унинг ҳимоятига етишади. Чорвадан унум, ризқу рўз бойийди, Ҳақ ҳукми қарор топади. Зеро, тўқлик тинчликнинг гаровидир.

Ясна, 29.4.

[illegible]



*adA taCA gVuS pvrvsaT aCvm kaqA tOi gawOi ratuS*
*hyaT hIm dAtA xCayaNtO hadA WAstrA gaodAyO qBaxCO,*
*kVm hOi uStA ahurvm YV drvgwOdvbIS aECvmvm*
*WAdAyOiT.*

29.2. Буқа жонин яратган зот шунда ундан сўроқлаб деди:
Чорволарнинг Ҳаққи кимдир, ким уларнинг пушти паноҳи
Ким тайинлар ҳукмдорин, парваришлаб бўлиқ ўтлоғин.
Ғазаб девин[1] ким ҳайдайди, кимдир ўшал ҳомий илоҳий?

Эй, Аҳура Мазда, сен ўзинг муқаддас Мийну бўлиб,
Бор нафосат, яхшиликни артабонга бойладинг.
Борлиғини бадфеълликка, гуноҳларга топширган
Дуруғбандни мурувватдан абад маҳрум айладинг.

Ясна, 29.3.



[1] 8-нчи изоҳга қаранг.





**Ясна 29 (Аҳунавад Гоҳнинг 2-қўшиғи)**

Гоҳларнинг бу туркуми Зардушт хабар берган Мазда Ясна динининг моҳияти, бутун борлиқ эзгулик ва ёвузлик каби икки асосда экани ва инсон бу икки қарама-қарши оламда эзгулик тарафини танлаши лозимлиги, Олий ақл эгаси (Аҳура Мазда) комил ва муносиб бандаси Зардуштни одамзод аҳлини ҳидоят йўлига етаклаш учун танлагани ҳақида гап боради.

Гоҳнинг биринчи банди Қора мол (чорва) руҳининг ноласидан бошланади. Гэуш урван (Говширвон) яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдаки, уни босқинчилар, ўғрилардан ким ҳимоя қилади, ҳимоячиси бўлмаса у кимларга қурбон бўлади, Ғазаб деви Аэшмадан ким уни асрайди ва ҳоказо. Бу ўринда Қорамол руҳи тушунчаси умуман чорвани кўзда тутади. Бу руҳ “сўзлайди”, нола қилади. Ҳудди реал оламда тириклардек. Бу каби образли тасаввур илдизини жуда қадимий деб тушунтириш лозим. Яъни ибтидоий даврларда борлиқда ҳамма нарса жонли, барчасининг ўз тили бор деб тушунилган. Бу анъанавий тасаввур шу қадар узоқ яшаганки, хатто Саъдийнинг “Гулистони”да бўри чангалидан қутқарилган қўйни халоскори сўймоқчи бўлганда қўй руҳиравони: “Сен мени бўридан қутқариб олдинг деб, миннатдор бўлсам, менинг бўрим ўзинг экансан-ку”,-деб нола қилгани ҳикоя қилинади.

“Ҳайвонларнинг яратувчиси” шаклида қўлланган ибора матнда Аҳура Мазда номи ўрнида ишлатилган.

Гэуш урван матнда “Ҳайвоннинг холиқи”га, Аҳура Мазданинг сифати Ҳақиқатга, Бевосита Аҳура Мазданинг ўзига Эзгу ўй, Яхши ният билан мурожаат этади. И.М. Стеблин-Каменскийнинг фикрича, Бу суҳбат “самовий”дир.

Умуман, ушбу Гоҳда олға сурилган ғоя ташкилий чорва хўжалигини ёввойи қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш, ноўрин исрофгарчилик одатларига кўра керагидан ортиқ ҳайвонларни қурбонлиикка сўйиб юбориш кабиларни дин орқали тартибга солишни кўзда тутган.

Ясна, 29.1.



*(zOT,)*
*xCmaibyA gVuS urwA gvrvZdA, kahmAi mA qBarOZdUm kV-mA taCaT,*
*A-mA aECvmO hazascA rvmO AhiCAyA dvrvScA tvwiScA,*
*nOiT mOi WAstA xCmaT anyO aqA mOi s&stA WohU WAstryA.*

Сенга нола қилибон, сўроқлайди Буқанинг жони[1]
Мени нечун яратдинг, кимларгадир бўлай қурбони,

[1] Авестада Гэуш урван образи орқали , чорвага нисбатан муқаддаслаштириш кўзда тутилади.





Ана ҳешм[1], зўрликлару босқин мени айлайди асир
Сендан бўлак чўпоним[2] йўқ, эзгу соҳиб, яйлов посбони.

Нола қилибон Сизга сўроқлайди буқанинг жони:
Жон бағишлаб менга нечун этдинг нокас қурбони?
Ваҳшат, зўрлик бунга келур, ғазабкор ёвуз,
Асир этар азиз жоним, қабиҳлик ва адоват энди
Сендан ўзга чўпоним йўқ, кўрсатақол менга ёруқ юз!

29.1. Мени нечун яратдинг,
Нечун йўқдан бор бўлдим?
Аэшма[3], Араск[4], Кабиҳ густоҳлик
Ёлғон ичра қолдим хорликда.
Ўзинг менинг бор ҳимоятим,
Ўзга суянч менга бегона.
Сенга фақат монанд, муносиб
Ҳомий зотлар айлагил насиб
Менинг жоним, руҳимни токим,
Авайлабон асрасинлар, илоҳим!

Ясна, 29.2.



[1] Авестада Аэшма номли дев, ғазаб, нафрат туйғуларини қўзғатади деб тушунилган. Ҳозирги талаффузи ***ҳешм.***
[2] Хшупана, бу ўринда илоҳий ваколатли ҳимоят, ҳомий зот орзус и кўзда тутилмоқда. Бу пайғабарлик миссиясига ишорат деб қаралади.
[3] Аэшма ғазаб деви. Форсча *ҳешм.*
[4] Араск ва рашк сўзлари.

Ясна, 30.9.

*aTcA tOi WaEm FyAmA YOi Im fvraCVm kvrvnAun ahUm,*
*mazdlscA ahurlMhO A-mOyastrA baranA aCAcA*
*hyaT haqrA manl bawaT YaqrA cistiS aMhaT maEqA.*

Қалбимиз-ла динининг илмин туйайлик,
Сен Мазда ва аҳуралар кўмаги билан
Оламни янгиловчи бизлар бўлайлик.

Асл матнда охират кунида оламни ёвузликлардан поклаб, эзгу борлиқнинг илк эзгу асосларда қайта тикланиши, жаннатий абадиятга эришиш онларини яқинлаштириш мазмуни акс этган. Зардушт ўз тарафдорлари, Мазда дини имонига келганларнинг эзгу ниятлари, эзгу сўзлари, эзгу амаллари эвазига охир оқибат Ёвузликнинг барҳам топишини ва абадий эзгулик ҳукмронлигини яқинлаштириш орзусида эканини баён қилмоқда. Банддаги ***аҳуралар*** иборасини мутахассислар борлиқнинг барча соҳаларига ҳимоят кучлар “ҳакамлар, барча бошлиқлар” каби талқин қилишади. Маздага нисбатан эса ***аҳура*** сўзи улуғликнинг олий мақоми деб





Изоҳ: Бу сўзлар Аҳура Мазданинг муаккилларидан (улар олти нафар вазифадор олий малак сиймолар бўлиб, Аҳура Мазданинг доимий ҳамроҳлари, эманациялар) энг биринчиси Эзгу ўй муакилли Ваҳуманага тегишли бўлиб, одамлар орасида фақат Зардушт эзгу ўй мартабасига эришган, у илоҳий сўзга амал қилишда қоим, унга гўзал нутқ ато этилган ва у Аҳура Маздани ва (албатта) унинг муаккилларини шарафлашга тайёр.

Ясна, 29.9.

*aTcA gVuS urwA raostA YV anaECvm xC&nmVnE rAdvm*
*WAcvm nvrvS asUrahyA YVm A WasvmI ICA xCaqrIm,*
*kadA YawA hwO aMhaT YV hOi dadaT zastawaT awO.*

Говшарвон нола қилиб деди: Эй, Худо
Нечун ул ожизу нотавон эрга
Менинг асровимни кўрмишсан раво?

Истагим қудратли қўриқчи, ҳакам,
Ким унга кўмакдош, бўлай хотиржам!

Говшарвон (ҳўкиз руҳи, жони) яратганга нолиш билан мурожаат этмоқдаки, Зардушт бир ожиз, нотавон инсон сифатида оламни ёвузликлардан ҳимоя қилишга қодир эмас. Бас шундай эканким, оламни асрашга қудратли ҳукмдор кўриқчилик қўлини чўзади?

Ясна, 29.10.

*YUZVm aEibyO ahurA aogO dAtA aCA xCaqrvmcA*
*awaT WohU manaMhA YA huCvitIS rAm&mcA dAT,*
*azVmcIT ahyA mazdA qB&m mV?hI paourwIm WaEdvm.*

Эй Аҳура, ато айла Ҳақиқатнинг ҳукмини,
Эзгу ўй-ла куч бағишла, Эзгулик тайинини.
Осудалик ато этгил борлиқ Маконлар ичра,
Чунки ўзинг бергувчисан сўраганнинг тилагини.





*aTcA YadA aEC&m kaEnA jamaitI aEnaMh&m*
*aT mazdA taibyO xCaqrvm WohU manaMhA WOiwIdAitI*
*aEibyO sastE ahurA YOi aCAi dadvn zastayO drujvm.*

Ясоққа лойиқлар жазо топганда
Ёлғонни қўш қўллаб сенга топширган
Эзгу фикрат эгалари топгувси қудрат.

Бу дунёда имону эътиқодга келмай, Ёлғон, жаҳолат дунёсида қолган бандаларинг Охират куни жазосини олган пайтида, Ахриманнинг Ёлғони билан астойдил курашган, уни (Ёлғонни) Эзгу ният билан(Ахриман ёвузликларини, унинг мужассами Ёлғонни) Ҳақиқат қўлига “қўш қўллаб” топширгпн имонлиларга Аҳура Мазданинг Ҳақиқати, беҳиштий ҳаёт насиб этади, деб ўргатмоқда Заратуштра. И.М. Стеблин-Каменский “қўш қўллаб” иборасини “Ҳақиқатнинг икки қўлига топшириш” деб тушунган. Бизнингча бу ибора “Ҳақиқатнинг икки қўли” маъносида эмас, балки имонлилар томонидан бу ишнинг астойдил, мутлақо ишончли адо этилишини билдиради. “Қўш қўллаб” ибораси ҳаракатнинг маъносини кучайтиришга хизмат қилади.

*ahmAicA xCaqrA jasaT manaMhA WohU aCAcA*
*aT kvhrpVm utayUitIS dadAT ArmaitiS &nmA*
*aEC&m tOi A aMhaT YaqA ayaMhA AdAnAiS pouruyO.*

Ҳакамлик кимга насиб? Эзгулигу Ҳақ бўлса бас,
Узоқ умр, умрзоқлик Унга ато, руҳига доно ақл.
Шул эваздан гуноҳсиз ул, маъдан синоқда куймас.

Кимгаки, ўлмас малак зотлар, яъни Аҳура Мазданинг эманациялари (Ўлмас малаклар: Ҳокимият, Эзгу фикр, Ҳақиқат, Комил ақл), намоён бўлиш шакллари кўмакка келсалар, имону эътиқодда илтижоларини қўллаб қувватласалар, ўшандай зотлар узоқ умрга лойиқ бўладилар. Улар охират куни қайнаб турган маъдан(мис) билан синовдан омон-эсон ўтадилар. Яъни Сраоша(интизом маъбудаси), ва Рашну (ростлик, ёлғонни ростдан ажратувчи фариштa) сўроқларига берилган жавобларда қийналмайдилар.

Ясна, 30.8.





Зардушт Аҳура Маздага мурожаат қилиб, Ҳақиқатни Эзгу ният билан бирга беришини сўрамоқда, токи борлиқда ободлик, осойишталик, тинч ҳаёт барқарор бўлсин. Барча истакларни беришга эса, Аҳура Мазда қодир. Парвардигорнинг барча нарсаларга қодирлиги ҳақидаги ғоя “Гоҳ”ларнинг бутун моҳиятига сингиб кетган.

Ясна 29.11.

*kudA aCvm WohucA manO xCaqrvmcA aT mA maCA*
*YUZVm mazdA frAxCnvnE mazOi magAi A paitI-zAnatA*
*ahurA nU-nl awarV VhmA rAtOiS YUCmAwat&m.*

Ҳақ не ерда эй Ваҳуман, аё шаҳриёр,
Сизку мени илоҳлар-ла узвий бўл дебон.
Лойиқ этиб танлаганлар! Эй Аҳура Мазда,
Бизларни ҳам ҳушнуд этиб, бер шундай эҳсон

Бу сўзлар Зардуштнинг Ахура Маздага илтижоси “Илоҳлар-ла узвий бўл” -моққа лойиқ бўлиш бу ўринда Зардушт каби барча одамлар ўз эътиқод йўлига эришсин, Яратганни танисин, демак. Бу ишда одамларга Аҳура Мазда ёрдам бериб, улар Зардушт йўлини танлашдек илоҳий мукофотга эришсинлар, дейилмоқда.

***Ясна 30.***

Аҳунавад Гоҳнинг энг машҳур қўшиқларидан бири.Унда оламнинг икки асоси – эзгулик ва ёвузлик ибтидоларининг азалийлиги, борлиқнинг дуал, қарама-қарши икки қутбдан иборат хусусияти, лекин охират куни ёвузлик барбод бўлиб, мутлақ эзгу олам янгидан барпо бўлиши ҳақидаги утопик ғоя ўз аксини топган. Ясна наскининг 29-қўшиғидаги каби бу қўшиқда ҳам эзгулик ва ёвузлик ўртасида эзгуликни танлаш ва беҳиштий (жаннатий) охират муродига етиш ҳақида гап боради. Лекин бу ўринда ТАНЛАШнинг моҳияти чексиз даражада кенг қўйилган. Унда борлиқ пайдо бўлишидан бошлаб, то ҳануз Ҳақиқат ва Ёлғондан бирини танлаш олдида худолардан то одамларгача барча бирдек, баробар дейилади. ТАНЛАШда хатто барча руҳий ва моддий дунё баравар қатнашади. Чунки зардуштийлик бу танловни Буюк ТАНЛОВ деб тушунтиради. Жараён тўхтовсиз, қиёматга қадар давом этади. Охират куни ҳар ким ўз танловига, албатта, шу танловига лойиқ фикри, сўзи ва амали учун жавоб беради. Ниҳоят, охират куни эзгу кучлар ғолиб, ёвузликлар дунёси мағлуб бўлади. Демак, Эзгулик ва Ёвузлик ўртасида танлаш фақат танловчининг эмас, балки оламнинг тақдирини белгилайди. Бу ишдан ҳеч бир яралмиш четда қолмайди.





*Дев* тушунчаси зардуштийликда Ахриман ёвузликларини ижро қилувчи, малай, барча ёмонликларининг умумлашмаси, яхшиликлрнинг акси, ақлсизлик тимсоли. Яхшилик ва ёмонлик ўртасида танлов пайида Чин ҳақиқатни қўйиб, иккиланиш туфайли Ёлғон йўлини тутганлар деб тушунилади. Имонсиз, жоҳил инсон ҳам дев, зараркунанда ҳашрот ҳам дев, ваҳший ҳайвон ҳам дев, зарарли даррандаю парранда, барча газандалар ва ҳоказо, бариси дев, қаттиқ совуқ қишни ҳам дев чақиради, вайрон қилувчи табиат ҳодисалари, хуллас инсоннинг барқарор, хотиржам, тинч яратувчилик меҳнати, осуда ҳаётига зарар келтирувчи барча омиллар Ахриман ва унинг чексиз қиёфаларда намоён бўлиши – дев.

Ёлғон тушунчаси имону эътиқодга келмай жаҳолат ботқоғида қолганлар, Ахриман ёвузликлари йўлини танлаганлар, бир сўз билан, Аҳура Мазда Ҳақиқатига зид барча нарсаларнинг мужассамидир. Ахриман Ёлғон дунёнинг бошида туради. Ёлғон ва ёвузлик Ғазаб деви Аэшма билан топишиб олади ва ёвуз ниятларини амалга оширади. Ёлғоннинг йўлини тўсиш имонли бандаларнинг чин эътиқоди, яхши амалларда қатъийлиги ва изчиллиги ҳисобигадир.

***Ясна , 30.7.***



Зирҳи самодай маҳкам” ибораси қуйидагича изоҳланади: Аҳура Мазданинг қиёфаси содда тасаввурларга хос равишда бутун осмонни кийим қилиб кийиб тургандек тасаввур қилинган. Хатто Осмон(бир вақтнинг ўзида ҳам само, кўк, ҳам *Асман* номли маъбуд) Аҳура Мазданинг кийимига этак деб ҳам таърифланади (Авеста. Хурмузд Яшт). Шундан хулоса қилинадики, осмон зардуштийлар назарида қаттиқ жисм ҳисобланган.

Ясна, 30.6.



*ayl nOiT vrvS WIKyAtA daEwAcinA hyaT IS A-dvbaomA*
*pvrvsmanVNg upA-jasaT hyaT WvrvnAtA aciStvm manO,*
*aT aECvmvm hVNdwArvNtA YA b&nayvn ahUm marvtAnO.*

Девлар хато қилиб иштибоҳда ёвузлик қўлин тутдилар
Танловда адашиб, Ёлғонга учиб, ёвузлик йўлин тутдилар
Имон қатли учун  Ғазабкор Ҳешмнинг думин тутдилар.





Аммо, Танлашда ЁЛҒОН алдоқларига алданмаслик муҳим. Зеро, ёвуз девлар ҳам, барча ваҳшийлар, зараркунандалар ҳам Аҳура Маздадан ўзларини сафдош қилишни, хатто эзгуликларни гумдон қилишни сўрайдилар. Аҳура Мазда уларни кескин рад этиб, бандаларига ёвузлар алдоғига учмасликни ибрат қилади.

Ясна, 30.1.



*(zOT,)*
*aT tA WaxCyA iCvNtO YA mazdAqA hyaTcIT WIduCE*
*staotAcA ahurAi YesnyAcA WaMhVuS manaMhO*
*hum&zdrA aCA YecA YA raocVbIS darvsatA urwAzA.*

Сўзим тингловчиларга Менинг сўзларим етсин:
Излаганлар билсинлар, оқиллар ёдда тутсин.
Олқиш Аҳурага, Эзгу Баҳмон ва Ашага бўлсин.
Чунки улар нурларида рангин беҳишт намоён.

Асл матнда “излаганлар” сўзи ўрнида “(Ҳақ) сўзини тинглашга интилганлар” маъносидаги бирикма ибора келади. Биз бир таржима вариантимизда ушбу иборанинг маъносини “Менинг сўзим сўзимни тинглагувчига” деб ўгирган эдик. Таржимамизнинг бунинг мазмун ўгирмасини бериб ўтдик. Чунки бу жумлада ишоратли маъно дурустроқ очилади. И.М. Стеблин-Каменский “Излаганлар...” қаторини ҳинду-эрон, хатто, хинд-европа муштараклиги замонларидан қолган ибора бўлса керак, деб тахмин қилади. “Рангин, турли рангларда товланувчи порлоқлик” тушунчаси жаннатнинг нурларига нисбат берилади. Аҳура бу ўринда мақтов объекти. Таржимамизда *мақтов* сўзини Баҳмонга ва Ашага ҳам бағишлашда Авестадаги Эзгу фикр малоикаси Ваҳумана ва илоҳий Ҳақ фариштаси Арта (авестача талаффуз шаклида *рт* товуш бирикмаси *ш* га айлангани сабабли АША ўқилади) кўзда тутилади.

Ясна, 30.2.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]





сўзини биз “кейинги, келгувси ҳаёт, яъни охират” маъносини бериш мақсадида бердик. Авестада “жаннат” тушунчаси “энг яхши манзил, энг яхши ҳаёт” каби ибораларда келади. Дўзах тушунчаси эса, “энг ёмон ҳаёт” сўзида ифода топади. Бу “дауж ваху”дир.

Ясна, 30.5.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*ayl maniwl WaratA YV drvgwl aciStA WvrvzyO*
*aCvm mainyuS spVniStO YV xraoZdiStVNg asVnO WastE*
*YaEcA xCnaoCvn ahurvm haiqyAiS KyaoqanAiS fraorvT*
*mazd&m.*

Икки руҳнинг бири разолатни танлади,
Муқаддас Руҳ эса, Ҳақиқат менга, деди.
Зирҳи самодай маҳкам Аҳурага мақтовлар!

Ёвуз руҳ ёмон ишларни, Муқаддас эзгу руҳ эса Ҳақ йўлни танлаб, Аҳура Маздани чин дилдан олқишлайди. Шу ўринда

жаннат "ваҳу ҳишта", дўзаҳ "дауж ваҳу", яъни нариги дунёда "Яхши, бахтиёр ҳаёт" ёки "ёмон, ўксик ҳаёт". Шундай қилиб, жаннат ва дўзаҳ, "ўлимдан кейинги ҳаёт" тушунчаларини тарихда биринчи бўлиб зардуштийлик жорий этган.

Ясна, 30.4.

*aTcA hyaT tA hVm mainyU jasaEtvm paourwIm dazdE*
*gaEmcA ajyAitImcA YaqAcA aMhaT apVmvm aMhuS*
*aciStO drvgwat&m aT aCAunE WahiStvm manO.*

Тўқнашганда икки эгиз, ибтидо дамда ўшал,
Тирикликни танлаб бири, бошқаси ўлим деди,
Ҳақ деган сўнг беҳиштга, Ёлғон дўзаҳга доҳил.

Гоҳлардаги сатрларнинг ихчамлиги мазмуннинг фавқулодда кенглигини шундай сиғдирганки, таржимада буни аниқ ифодалаш ғоят мушкул. Шу сабабли ғоявий чизиқни йўқотмаган ҳолда асл матндаги ишоратли ифодаларни баъзан соддалаштириб беришга ҳаракат қилдик. Масалан, "сўнг"





*sraotA gVuCAiS WahiStA awaEnatA sUcA manaMhA*
*Awarvnl WIciqahyA narVm narvm XaFyAi tanuyE*
*parA mazV YlMhO ahmAi nV sazdyAi baodaNtO paitI.*

Қулоқ солинг, тингланг, қалбингиз МАЪНОГА очиб,
Икки хилдир аҳду паймон, фарқлидир икки имон.
Охиратда ажру, жазо ҳар кимнинг амалига муносиб.

Бу бандда эътиқод эркинлиги ғояси билан баробар, ҳар кимнинг, у Ҳақ йўлида имонлими ва ё жоҳилиятнинг ёлғон йўлларида адашганми, барчаси учун олам поёнида лойиқ ажру мукофотлар ёки муносиб жазо тайин экани қайд этилади. Ниҳоят, залолат ҳам батамом йўқ бўлади. Олам ёвузликдан покланиб, тубдан янги пок дунё юз очади. Аммо бу дунё бандалари ўз ҳаёт ташвишлари билан билиб-билмай содир қилган савоб ёки гуноҳлари учун нима даражотлар борлигини билавермайди. Шунинг учун Аҳура Мазда Буюк қомат кунига эзгуликлар билан келишни тавсия этади, бунинг учун ажр, мукофот тайинлигини билдиради.

Ясна, 30.3.



*aT tA mainyU pouruyE YA YVmA XafvnA asrwAtvm*
*manahicA WacahicA KyaoqanOi hI WahyO akvmcA*
*lscA hudlMhO vrvS WIKyAtA nOiT duZdlMhO.*

Икки руҳ алмисоқда икки эгиздек пайдо,
Ниятда ҳам сўзда ҳам, амалда икки дунё,
Эзгу руҳ Ёвуз руҳдан устун, Ҳақдир ул аъло.

Гоҳларнинг ушбу банди зардуштийликнинг моҳияти масаласи билан боғлиқ кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Чунки бунда диннинг дуалистик хусусиятига тўғридан тўғри ишорат бор. Асли Мазда Ясна – зардуштийлик дини Аҳура Мазданинг якка худолиги даъвоси билан чиққан. Борлиқни Аҳура Мазда фақат эзгу қилиб яратган экани зардуштийликнинг ибтидо ғоясидир. Бироқ, азалда боши ва адоғи йўқ онтологик вақт ғояси Зурвон ўзидан Аҳура Мазда ва Ахриманни бутунликнинг икки юзидек, гўё эгиздек бунёд этди. Маздага яратувчилик қудратини берди. Ахриманга яратувчилик хоссаси берилмади. Яъни, Ахриманнинг ёвузлиги унинг ўз моҳияти ва у ҳар қандай ёмонликда намоён бўлади. Муҳими, ахриман яратувчи эмас. Баъзан “барча ёмонликларни Ахриман яратган” каби гаплар масаланинг моҳиятини тушунмасликдан нашрларга ҳам кириб қолган. Унинг шайтоний хоссаси барча ёвузликларда юзага чиқади. Одамзоднинг манманлиги, яратганни бир лаҳза унутиб, ўзидан ножўя ҳукм чиқаргани туфали ёвузликлар Аҳура Мазда





яратган мутлақ эзгу олам билан қоришиб кетади. Инсоният олдида эзгулик ёки ёвузлик йўлини танлаш, Буюк танлов зарурияти туғилади. Зардушт эса шу танлов йўлининг бошида туриб, қавмларини залолат, жаҳолат йўлидан қайтаришга хизмат қилган. Зардуштий илоҳиётчилари Икки эгиз руҳнинг бирини Муқаддас руҳ – Аҳура Мазда, иккинчисини Ёвуз руҳ – Ахриман деб талқин қиладилар. Уларнинг ҳар иккаласи эса, Зурван Акарана – бошсиз ва адоқсиз ВАҚТнинг, яъни барча ҳақиқатларни ўзида мужассам этувчи чексиз вақтнинг ҳосиласидирлар. Зурвон “вақт” тушунчаси ўз навбатида олий даражада илоҳийлаштирилади. Гўё борлиқнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам беканор, яъни чеку чегараси йўқ Вақт ичидадир. Зардуштийликнинг оламни мутлақ эзгу асосларда тиклаш ғояси ҳам айни шу замон, вақтнинг кейинги сиғимлари ичида бўлишига ишонч орқали юзага келган.Зурвн зардуштийликда имкони чексиз илоҳий зот деб тушунилади. Аҳура Мазданинг якка худолик мартабаси ўзининг соф Эзгулиги туфайли Зурвннинг мақсадига мос ва мустақил Ҳакамлик қилишга ваколатли деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам зардуштийлик амалиётида Зурвнга алоҳида эътиқод объекти деб қаралмайди. Бироқ, кўпчилик динлар тарихида бўлганидек, Зурвннинг ўзини биринчи даражали эътиқод объекти даражасига кўтаришга уринувчи оқим ҳам йўқ эмас. Буни авесташунослик ва диншуносликда зурванизм деб аташади.

Эзгу ният (эзгу ўй), эзгу сўз ва эзгу амал, бу учлик ахлоқий-фалсафий категория зардуштийларнинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Шу уч ақидага риоя билан яшаган имонли банда албатта беҳиштий бўлади, аксинча, гуноҳ бандалари учун дўзаҳ азоби тайин, деб ишонилган. Авестада

Шундан савол туғиладики, “ким оламни нур билан тўлдирган? Албатта бу Аҳура Мазда. У ўзининг олий ақл сифати орқали Ҳақ дунёни яратмишдир. Ва у Эзгу ният билан бу улуғ ишни амалга оширган. Ва бу эзгу дунё унинг, Мазданинг, Аҳуранинг руҳи билан то ҳануз барҳаёт.

Ясна, 31.8.

[illegible]

*aT qBA mVNghI pourwIm mazdA YezIm stOi manaMhA*
*WaMhVuS patarVm manaMhO hyaT qBA hVm caCmainI hVNgrabvm*
*haiqIm aCahyA d&mIm aMhVuS ahurvm KyaoqanaECU.*

Аё Мазда, чин қалбимдан сени дедим, сен ибтидо
Сен эрурсан интиҳо ҳам, тирикликнинг бор мазмуни
Ваҳуманнинг отаси сен, Ҳақ борлиқ нинг ҳакàми сен
Юрагимдан сездим буни, Сен оламнинг халоскори

Заратуштра Аҳура Маздани борлиқ эгаси, Эзгу фикрнинг отаси, деб таърифламоқда. Бунда Аҳура сифати оламнинг





тушунилади ва одатда худога сифат “Буюк хожа, Эгам, Олий зот, Мутлақ ҳакам зот” каби маъноларда талқин этилади. Бу банддаги ***аҳура*** сўзи эса унинг луғавий маънси кенг эканидан далолатдир.

Ясна, 30.10.

[illegible]

*adA-zI awA drUjO awO bawaitI skvNdO spayaqrahyA*
*aT asiStA YaojaNtE A-huCitOiS WaMhVuS manaMhO*
*mazdl aCaFyAcA YOi zazvNtI WaMhAu srawahI.*

Ёлғоннинг шундай қилиб, қўли бўлур акашай
Ва Эзгу сўз чопқирлари Эзгу ўй саройига –
Ҳақиқат ва Мазданинг шарафига етишгай.

Аввалги банднинг мантиқий давомида туриб, бу бандда эзгулик учлик туфайли эришилажак натижа янада ойдинлаштирилмоқда. Яъни, эзгуликлар туфайли Эзгу сўз чопқир от мисоли Муқаддас Эзгу фикр саройига, Ҳақиқат

кошонасига, Маздани абадий шарафлаш манзили Грано Дманига (мақтов, шараф уйига) етиб боради. Асл матнда “Эзгулик (Аробасига) эзгу сўўзнинг чопқирлари қўшилиб” каби тимсолий тафсилот ишлатилган.

Ясна, 30.11.

[illegible]

*hyaT tA urwAtA saCaqA YA mazdl dadAT maKylMhO*
*XIticA VnvitI hyaTcA darvgVm drvgwOdvbyO raCO*
*sawacA aCawabyO aT aipI tAiS aMhaitI uStA.*

Сиз, эй, мардум, Мазданинг иродасини қалбан,
Ақлан қабул этсангиз, шунда сизга муносиб
Бўлғай беҳиштий роҳат, муртадга дўзаҳ – азоб.

Заратуштра ушбу Гоҳ бандини “эй, мардум” деб ҳитоб билан бошламоқда. Зеро, сўзнинг ўзак қисми “мард” ўлимни эслатиб турувчи, дунёнинг омонатлиги ҳақлигига ишорат бўлиб, яшашдан мақсад ёвузлик ва эзгулик ўртасида инсон эзгулик томонини танлашга даъват қилинмоқда. Бу инсонни





Ясна, 31.7.

[illegible]

*YastA maNtA pouruyO raocVbIS rOiqBvn XAqrA*
*hwO xraqBA d&miS aCvm YA dArayaT WahiStvm manO,*
*tA mazdA mainyU uxCyO YV A nUrVmcIT ahurA hAmO.*

Эй бандалар, ул эрурким азал доно, ул нурафшон
Кўк ичра ой ва юлдуз, қуёш сочган ёлқин ҳам шундан.
Эй Арта – Ҳақ пайдокори, ўзинг асли азал Ҳақсан
Паноҳингда топсин камол малаксиймо Эзгу Баҳмон

Бу банд ўзига хос кўчма маънога эга. Биринчи сатрдаги “нурни ким эзгулик билан тўйинтиради, тўлдиради” деган ибора аслида аксинча тушунилмоғи керак. Яъни, бу эзгу олам яхшиликлари нур билан тўлсин дейилмокчи. Бу тушунча, зардуштийликнинг ўзига хос илк муқаддас сўзи бўлиб, бу сўз талаффус этилиши билан нурга тўла эзгу олам яралган.

*ahmAi aMhaT WahiStvm YV mOi WIdwl WaocAT haiqIm*
*m&qrvm Yim haurwatAtO aCahyA amvrvtAtascA,*
*mazdAi awaT xCaqrvm hyaT hOi WohU WaxCaT manaMhA.*

Хурдод сўзин ким тўғри айтиб унга ёлворса,
Соғ-омонлик унга ёр, бағри бутун бўлажак
Амэретот ёрдамга шу он етиб келажак
Буни Эзгу фикр ила Аҳура Мазда беражак.

Ушбу бандда Заратуштра Аҳура Мазданинг бандаларига хабарини билдирмоқда: кимки моҳиятига кўра Аҳура Мазданинг функциялари бўлмиш ҳамиша муқаддас тажаллиларига (олти малоика )дуо билан мурожаат қилиб тилагини айтса,албатта орзулари ушалади, демоқчи. Шу билан бирга Эзгу ниятни парваришламоқ Аҳура Мазданинг зиммасида, дейилади банд охирида. Агар олти муқаддас тажаллиларининг биринчиси Ҳақиқат(Арта) бўлса, иккинчиси, Ваҳу МанаЯънитЭзгу фикр, яхши ният фариштаси. Айни шу фариштаси Аҳура Мазда билан бандаларининг ўртасини боғлаб турувчидир. “Эзгу ният парвариши” ибораси шу фариштага қаратилган. Бндан мурод шуки, агар Ваҳумана Аҳура Мазда ҳомийлигида бўлса, оламнинг бахтли келажагига ишониш мумкин.Бунинг учун инсоният диогоҳлик билан яшаши лозим. Зеро, Даена (дин тушунчаси, айни чоқда зардуштийлликнинг таълимот даражассижан дин мақомига кўтарилишидаги бош ғоя. Бу сўзнинг шарҳларидан энг муҳими инсон руҳининг эзгу асоси, виждон.





огоҳлантирувчи бонг эди. Ушбу бандда Зардушт Гоҳдаги ҳаётий танлов мазмунини хулосалаб, демоқдаки, ким агар Мазданинг (тўғрироғи Заратуштра келтирган дин ва ахлоқий-фалсафий таълимотни) тўғри англаб, уни Ҳақиқат деб тан олса, албатта жаннатий бўлишини, аксинча бу Ҳақиқатни англамаса, англаб эса рад этса, ўзининг жаҳолат ва ёлғон дунёсида қолса, дўзаҳ азоб-уқубатларида абадий қолажагини таъкидламоқда. Шу фикр Авестада жаннат ва дўзаҳ ғоясининг ёрқин ифодаларидан биридир. Тадқиқотчилар ушбу лавҳанинг параллелини Ригведанинг Агни (Олов маъбуди)га бағишланган алқовлари 4.2.15 банди билан қиёслашади. Ригведада ҳам инсоннинг ўз ҳаёти давомидаги эзгуликлари ва ёвузликларига бир томондан ажр, иккинчи томондан жазо муқаррарлиги ғояси бор деб хулоса қилишади. Ҳар икки манбанинг мазкур бандлари олдидан эзгулик ва ёвузликнинг ибтидоси, келиб чиқиши ҳақидаги фикрларда ҳам умумийлик бор деб таъкидлашади. Ригведа ёвузликни енгишнинг, даф қилишнинг вситасини хайру эҳсон, қурбонликларда деб қараса, Авестада Мазданинг иродасига бўйсиниш, диннинг эзгулик йўлида қоим бўлиш, эътиқодда қалбан ва ақлан мустаҳкам бўлиш талаб қилинган. Шу масала атрофида яна бир параллель Аҳмонийлар салтанатининг илк ҳукмдорлари номидан қояларга ўйиб ёзилган ёдгорликларда акс этган бу дунё ва нариги дунё масаласида кузатилади. Накши Рустам қоясидаги Доро I нинг понасимон ҳарфлар билан ўйдирган битиги 45-56 сатрлари Авеста Гоҳларининг 3- қўшиғи, 11-банди, РИгведанинг 4.2.15-20 банлари билан ҳамоҳанг деб ҳисобланади. Бу ўхшашликларнинг тарихий асосларини умуморий даврлари билан, яъни нариги дунёда беҳиштий

роҳат-фароғат ва дўзаҳий азоб-укубат тасаввурларининг илдизлари бир деган хулосаларга мойиллик билдирилади. Заратуштра ҳам айни шу қадимий ғояни Мазда Ясна учун қонунийлик даражасига кўтарган.

**Ясна, 31-қўшиқ.**

Эзгулик ва Ёвузлик ўртасида инсоннинг танлови масаласига бағишланган. бу боб Заратуштранинг пайғамбарлик миссиясини асослашга ҳам қаратилган. Кимки унга эргашиб, Мазда Ясна – шарафга муносиб Олий ақл, Мазда йўлини тутса, Эзгуликдан иборат ҳақ динни қабул қилса, Ёвузликлар мужассами, Ахриманнинг ёлғондан иборат барча кирдикорларига қарши муросасиз курашса, ўша инсон энг олий мкофотга сазовор бўлади. Бу ажрнинг нималигини фақат Аҳура Мазда билади. Ахриманнинг ёлғонлари изидан кетган, Эзгуликка душманлар эса абадий зулмат қаърида қоладилар. Улар Ҳақ йўлидан борувчиларучун кеча ва кундуз фарқсиз порлоқ борлиқ роҳатларидан маҳрумдирлар. Боб Маздани ибтидоси ва интиҳоси йўқ Зурвон ичра Ўзи ўзидан пайдо бўлмиш якка-ягона яратгувчи ҳақиқий худо сифатида асослашга ҳаракат қилади

Ясна 31.1.

[illegible]

[illegible]

[illegible]





*taT mOi WIcidyAi WaocA hyaT mOi aCA dAtA WahyO*
*WIduyE WohU manaMhA mVNcA daidyAi YehyA-mA vrvCiS*
*tAcIT mazdA ahurA YA nOiT WA aMhaT aMhaitI WA.*

Ҳақ йўлида о, Мазда, менга билдир Ҳақ йўлни
Нима эзгу, нима ёмон, мен фарқлайин қандайин?
Борлиқ ичра не бўлмоқда, не бўлажак олдинда
Не бўлгай мардум ҳоли, Эзгуликни қил тайин.

Заратуштра бу бандда Аҳура Маздага мурожаат қилиб борлиқнинг ўтмиши, ва келажагини суриштирмоқда. Келажак ҳақида башорат сўрамоқда, Башорат қилишни ўргатишни илтижо қилмоқда.Келажакда одамлар ва бори дунёнинг тақдири нима бўлишини билишга ошиқмоқда.

Ясна, 31.6.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

мужассами деб тушунилади. Чунки эзгуликнинг беҳисоб кўринишларига қарши Аҳриманнинг чексиз-чегарасиз ёвузлик функциялари тўхтовсиз амал қилаверади. Чунки Ёлғон Аҳура Мазда Ҳақиқати (Арта) олдида ҳеч қандай кучга эга эмас. Бироқ, Ёлғон мавжуд экан Эзгу оламнинг мукаммаллигига хавф мавжуд. Шу сабали Зардушт ўзи мисолида одамзодни Аҳриман ёвузликлари мужассами Ёлғонни бартараф қилишга чорлайди.

Ушбу бандда Эзгу фикрат , яхшилик нияти масаласи қайд этилган. Бу тушунча зардуштийликнинг эзгулик фариштаси Ваҳуманани кўзда тутади. Эзгулик асли Аҳура Мазданинг бош функцияси бўлгани ҳолда буни борлиққа татбиқи ҳамиша барҳаёт малоика Ваҳуманага юклатилган. Бу малоика имонга даъватчти, эзгу тақдирни ато айловчи сифатида намоён бўлмоқда. Тақдир эса зардуштийликда Аши исмли маъбуданинг вазифаси бўлиб, бу маъбуда бахт, омад бағишловчи сифатида эъзозланган. Аши кимга ёдошса, кимга у эргашса гар, орзулари ушалгай, истаги бўлгай раво...

Ясна. 31.5.

[illegible]





[illegible]

*(zOT,)*
*tA WV urwAtA marvNtO aguStA Wacl sVNghAmahI*
*aEibyO YOi urwAtAiS drUjO aCahyA gaEql WImvrvNcaitE*
*aTcIT aEibyO WahiStA YOi zarazdl aMhvn mazdAi.*

Кимса эшитмаган ботин Сўзингни амрингга кўрсатиб сидқу садоқат

Етказарман Сўзингни тинглагувчига, ким Маздага қилса чиндан ибодат

Ёлғоннинг амрига қул бўлганларчи, тақдири бўлгайдир ғафлат тоабад.

"Ботин сўз"иборасининг талқинига авесташуносликда турлича ёндошувлар учрайди. Бу иборани "бирор одам ҳали эшитмаган сўз" дегувчилар кўпчиликни ташкил этади. Илоҳий сўз қулоқ билан эшитилиши эмас, балки қалбан туйилмоғи лозим, деган талқин ҳам мавжуд. Бу ўринда, агар гап пайғамбарона мақомдан туриб, Аҳура Мазданинг Ваҳумана воситачилигида Зардуштга етказган хуш хабари, яъни илоҳий Ҳақ ва унинг ҳақиқати тўғрисида бораётан бўлса, юқоридаги талқинларнинг биринчисини танлаш мантиқан тўғри бўлади. Чунки чиндан ҳам Зардушт яшаган ўша қадимиятда одамлар

табиатда ўзларини ҳайратга солган, хадиксиратган анбарча табиат кучларининг ғайритабиий салбий ёки ижобий таъсирига ишониб келганлар. Зардушт келтирган якка-ёлғиз яратган зот, унинг чексиз қудрати ҳақидаги фикр мутлақ янги, онгларга инқилобий таъсир этувчи ғоя эди. Павардигор, яратгувчи ягона қудрат, унинг Ҳақлиги тўғрисида айтилган сўз инсониятга илк бора етказилаётган эди.

Ҳали ҳеч ким эшитмаган муқаддас сўз “Яшт” наскида Зардушт Аҳура Маздадан ёлвориб сўрага лавҳа мавжуд. Аҳура Мазда Зардуштнинг илтижосига жавобан “Менинг номим эрур бу”деб жавоб беради ва “20 ва яна кўп номларим бор”дейди. Умуман, Аҳура Мазданинг номи ўрнида келган сифатлари Авестада 101 см тарзида келган.

“Ботин сўз” иборасининг яна бир талқини одамлар кўнглида тугиб, дилда такрорлаб юрадиган, ўзга бировга билдирилмайдиган, сеҳрли кучга эга деб ҳисобланадиган сўз, илмий тил билан айтганда магик сўздеб тушунтиришдир.Бу фикрларнинг ҳар бири ўзича яшаши мумкин, бироқ, пайғамбар келтирган, илгари одамларга номаълум сўз, талқини ҳақиқатга яқинидир.

Ботиний сўзни қалбида имони бор, Маздани деганларгина эшиадилар, дейиш масалани чеклаб қўяди. Бу муқаддас сўзнинг маъносини тушуниш ва қалбга жо этиш учун Аҳура Маздага, Шарафли Олий ақлга содиқ бўлмоқ лозим, деган ғоя олға сурилган.

Банднинг бошида “Ёдда тутиб иродангиз” ибораси келган. Бунинг маъноси Зардуштнинг миссияси, яъни одамзодга борлиқни яратгувчи зотнинг ягоналиги ҳақидаги хабарни етказиш фикри эди. Сўзнинг 2-шахс кўплик шаклида экани





лавҳа ҳм бор. Бу демак, Ашининг зрдуштийликдан авваллари ҳам омад ва бахт келтирувчи маъбуда

Заратуштра борлиқ ичра ёвузликнинг сон-саноқсиз барча турларини буткул тугатишдек олий ниятини амалга ошириш учун унга ҳукмдорлик сингари куч-қудрат ато бўлишини истаб, Эзгу ўй фариштаси Ваҳуманани, сўнгра Аҳураларни чорламоқда. Бу ўринда зардуштийлик илоҳиёти тизимида Аҳура Маздадан, унинг вазифадор малоикалари (олти зот ҳамиша барҳаёт эманациялари)дан, ибодат, назру ниёзлар қилиш, эҳсонлар бағишланса қабул қилишга буюрилган язадлардан сўнг, охирги ўринда турувчи фаришталардир аҳуралардир. Аҳуралар зардуштийликда ижобий самовий кучлар маъносини сақлаб қолган. Орийлар миграцияси оқибатида Ҳиндистонгача етган ҳиндуорий қабилалари аҳураларни салбий, вайронкор кучлар сифатидаги талқинини сақлаб келмоқдалар. Худди шу каби ҳолат дев тушунчасига нисбатан ҳам кузатилади: девлар зардуштийликда ёвузлик ибтидоси Аҳриманнинг малайлари, барча ёмонликларнинг умумлашма тимсоли. Ҳиндучилик динида дев сўзи худо маъносида амал қилиб келмоқда. Демак, Заратуштра ўз таълимотини орийлар миграциясининг асосий тўлқинлари охирлаб қолган пайтларда шакллантирган, дейишга асос бор. Бу цивилизацион ҳодиса айни бронза даврининг поёни ва темир асрининг бошларига, мил. авв. X-VII асрларга тўғри келади.

Бандда зардуштийликнинг муҳим ахлоқий-фалсафий категорияси Ёлғон (авестача drauga) ҳақида гап боради. Зратуштра илоҳий қудратга эришиб, ёлғонни буткул йўқ қилиш ниятида. Авеста ёлғон сўзида оламда ҳарқандай ёмонликнинг бош сабабини кўради. Унга олий илоҳий неъмат Ҳақиқатни қарши қўяди. Қолаверса Ёлғон Аҳриман ёвузликларининг универсал

Аё Мазда, аҳуралар, сиздан топдим Эзгу тақдир, имонни.
Эзгу ўй бирла яна чорлаяпман сиз аҳура ва сиз Маздани
Бўлсин дейман менда қудрат йўқотмоққа буткул Ёлғонни

Бу бандда аҳуралар сўзи ишлатилган. Бу сўз зардуштийликда барча эзгу яралмишнинг ҳар бирига ҳомий бошчи бор деган маънода келади. Аҳура сўзи ижобий асотирий мададкор руҳ сингари қаралади. Ҳинд Ведаларида бу сўз асура шаклида келган. Лекин мутлақо салбий маънода эзгуликларнинг душмани сифатида амал қилади. Зардуштийлик дев ҳақидаги асотирни ёвузлик тимсолига айланиригани сингари Ведаларда девлар ижобий худолар мақомида . Бу ўз навбатида аҳуралар мисолида аксинча.

Банда авестача арти сўзига алоҳида маъно юкланган ва “тақдир”деб таржима қилинган. Бу сўз аслида “ажр, савоб ишларга мукофот” маъносига эга. Бу мукофотни тушунчасини зардуштийлик маъбуда мақомига кўтарган. Унинг номи авестача Аши (қадимий Арти шаклидаги -рт- товушлари “ш” бўлиб ўзгарган). Шундай қилиб Аши имонли бандаларнинг эзгу ишларига кўмакдош, у кимга ёндошса, албатта омадли бўлади, бахтиёрликка эришади. Кмга у эргашса яхши ниятларига амалга ошади. Яшт китобида Ашидан омад, бахт сўраб подшолар, қаҳрамондар, хатто Заратуштранинг ўзи ҳам мурожаат қилган лавҳа бор. Маслан, Зратуштра Ашидан Аҳура Маздадан олган хуш хабари, пайғомини одамларга етказишда, хусусан, ҳукмдор Виштаспга етказишда мадад сўрайди. Аҳура Мазданинг ўзи эса Заратуштранинг онги шуурига ўзининг Ҳақиқатини сингдиришни Ашидан сўраган





эътиборга лойиқ. Авеста матнларида Аҳура Маздага 2-шахс кўплик шалида мурожаат қилиш кўп учрайди. Ёки бу ҳолатни тилларимиздаги 2-шахс кўплик ҳурмат ифодаси вазифасида ишлатилишига ўхшатиш мумкин.

Ясна. 31 2.



*YezI AiS nOiT urwAnE adwl aibI-dvrvStA WaFyl*
*aT Wl WIspVNg AyOi YaqA ratUm ahurO WaEdA*
*mazdl ayl &sayl YA aCAT hacA jwAmahI.*

Эзгулик ва ёвузлик дунёсини англагач, Мазда мағзин дилда жо айлаб

Мен келурман дарғадек, хуфя сўзни ифшо этиб, сирли маънолар очиб

Чунки маълум, қалбларга хуш билмаганни билмоқ ғайрату шужо айлаб

Бу банд аввалги бандда бошланган мантиқни давом эттириб, икки қутбдан бирини, яъни эзгулик ёки ёвузлик қутбларидан бирини танлашга чақирмоқда. Шу билан бирга бу бандда Заратуштра ўзининг олий илоҳий ҳақиқатини, оддий авом ҳали англаб етманган ҳақиқатини, улар учун мавҳум ва яширин қолаётган маъно ва моҳиятни одамлар ҳузурига келиб тушунирищга ваъда бермоқда. Илоҳий сўзни, бу орқали Аҳура Мазда ҳақиқатини одамларга етказишга пайғамбарлик ваколатини аён этмоқда.Инсоннинг табиати яширин маъноларни англашга доим интилиши, билган нарсасидан мамнун ва хушнуд бўлишга доим мойил эканига ишорат қилмоқда.

Ясна. 31.3.



*Y&m dl mainyU aqrAcA aCAcA cOiS rAnOibyA xCnUtvm*
*hyaT urwatvm cazdONMhwadvbyO taT nV mazdA WIdwanOi WaocA*
*hizwA qBahyA lMhO YA jwaNtO WIspVNg WAurayA.*





Беҳишту дўзаҳнинг борлигини , о, Мазда, Оташу Руҳ ҳаққи
Оқиллар билсинлар деб, огоҳ айладинг мени, бунга минг шукр
Ўз оғзинг билан айтчи, тирикларни қандай ишонтирайин Ҳаққа

Ясна наскининг 30-қўшиғи 7- бандида охир замонда ер юзига қайноқ мис отилиб чиқиб, унинг оқими дўзаҳ дарвосидан китриши, уни тўлириши, олам-жаҳон ичра барча ёвузликларни ўз қаърига тортиб йўқ қилиши каби манзара акс этган. Бу дунёда имон йўлини топмаганлар, ёвузлик дунёсида қолганлар ана шу қайнаб турган мис синовида ғарқ бўладилар. Имонлилар учун эса қайнаб турган мис янги соғилган сутдек роҳатбахш бўлади, деган тафсилот келган эди. Ясна 31 3 бандида ўша манзарага ишорат “ҳар икки томондан биринрнг ажру мукофоти - беҳишт ва тайин жазоси – дўзаҳ”га ишорат қилинмоқда.

Ясна. 31.4.



*YadA aCvm zvwIm aMhvn mazdlscA ahurlMhO*
*aCicA ArmaitI WahiStA iCasA manaMhA*
*maibyO xCaqrvm aojONghwaT YehyA WvrvdA WanaEmA drujvm.*

[illegible]

[illegible]

*YV AyaT aCawanvm diwamnvm hOi aparvm xCyO*
*darvgVm AyU tvmaMhO duSXarvqVm awaEtAs WacO*
*tVm WA ahUm drvgwaNtO KyaoqanAiS XAiS daEnA*
*naECaT.*

Имонлилар этилажак кўкдан нурга сазовор,
Друғбандга насиб зулмат, чиркин емиш, оху зор.
Динимиздан бизга – шараф, имонсизлар эрур хор.
Ашавонларга насиб бўлур порлоқ туну кун
Друғвон қилмишга зулмат ва чиркин таом.
Даена гувоҳ бунга, ибрат олур артавон.

Асл матнда имонлилар учун беҳиштий тақдир ифодаси самовий нур ва порлоқлик "тун билан алмашмайдиган кундузи" маъносидаги иборада берилган. Ёлғон, яъни Ахриманнинг алдови, ёлғонига мубтало бўлган друғбандларга эса у дунёда абадий зулмат тайёрланган. Зардуштийлик тасаввурида нариги дунёда имонсизларга сифатсиз, ёмон таомлар берилади. Улар азоб-уқубатда абадий оху-зор чекадилар. И.М.Стеблин-Каменский банднинг 3-сатридаги ***даена*** **"дин"** сўзини инсоннинг яхши ва ёмон қилмишлари, унинг виждони деб таърифлайди.





ҳукмдори маъносида келган. Аҳура Мазда бутун борлиқнинг ибтидосида ҳамда интиҳосида мавжуд. Қиёматда ҳам у ўзи ҳакам, борлиқнинг халоскори дея улуғланмоқда.

Ясна, 31.9.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*qBOi as ArmaitIS qBV A gVuS taCA as xratUS*
*manyVuS mazdA ahurA hyaT aFyAi dadl paq&m*
*WAstryAT WA AitE YV WA nOiT aMhaT WAstryO.*

Мазда СЕН, Армаитий ҳам сен ўзинг - Олий ақл
Мардга ихтиёр бердинг, йўлин эркин танласин
Арта йўлин дейдими, ё тутар Ёлғон қўлин

Аҳура Мазда бу ўринда аввало, оқиллик тажаллисини, яъни Исфандарматни (Спента Армаитини) яратгани қайд этилади. Кейин эса, чорвани яратиш функцияси эслатилади. Бир вақтнинг ўзида Аҳура Мазда билан чорвани яратувчи Зот икки субьектдек кўринади. Матнда чорвани яратувчини ҳам

Сен яратгансан, деган мазмун бор. Бу лавҳани чорвани яратган Аҳура Мазданинг ўзи деб ҳам тушунилади. И.М.Стеблин-Каменский 29-Яснанинг 2-бандига ишорат қилади. Унда ҳам чорвани яратувчиси Аҳура Маздами, ёки ундан яралмиш бошқа бир илоҳий Зотми, бунинг чегарасини аниқлаш қийин. Бироқ, кейинги сатрда Аҳура Мазда чорванинг оламга келишига йўл бергани таъкидланади. Шу билан бирга чорва чўпон ҳузурига борадими, ёки чўпон эмас, қаллоб, ўғри, каззоблар ҳузуригами? Ихтиёр чорванинг ўзига берилгандек. Бу мисраларда жиддий кўчма маъно бор. Айтилмоқчики, инсоният ҳам Ҳақ йўлини танлайдими ёки қабоҳат, разолат йўлинимми? Ушбу аросат йўлда Заратуштра инсониятни ҳидоятга етаклаш вазифасини зиммасига олган.



*aT hI ayl frawarvtA WAstrIm aFyAi fCuyaNtvm*
*ahurvm aCawanvm WaMhVuS fCVNghIm manaMhO,*
*nOiT mazdA awAstryO daw&scinA humvrvtOiS baxStA.*

Ясна 31.10. Ҳақ даъвати одамга далда бўлиб ўшанда





О Аҳура, нотиқдир у, гўзал тили бор,
Эзгуликни оловда синаб ажрим қилгувчи.
Икки тақдирдан бирин - эзгусини танлаган
Гўзал нутқ ва қип-қизил олов қадрин англаган.
Олам халоскорининг сўзин эшитди Мазда.

Заратуштранинг халқ олдида айтадиган сўзлари ғоят таъсирчан бўлган деб ўйлаш керак бўлади. Бу бандда унинг нотиқлигига, содда, равон, ишонарли сўзлашига, Мазда Ҳақиқатини билиши ва тингловчига осон етказиш қобилиятига ишорат қилинмоқда. Энг муҳими, у келтирган таълимотнинг ҳақлиги оловда синалган деб таърифланмоқда. Зардуштийликда бирор шубҳали ҳолат рўй берса, ҳақиқатни юзага чиқариш учун ёниб турган аланга ичидан ўтиш шаклидаги синов амал қилган. Олов ўрнида қайнаб турган мис (ёки бошқа маъдан)дан ҳам фойдаланилган. Ҳақ бўлиб чиқиши лозим томонга қайноқ маъдан ёки олов зарар қилмайди, деб ҳисоблашган. Нақл қилинишича, Заратуштра ўз дини ҳақлигини исботлаш учун подшо Виштап ҳузурида устидан қайнаб турган мисни қуйишни буюради ва унга зарар етмайди. Шундай қилиб, Виштасп ва унинг саройи аъёнлари Зардуштга эргашадилар

Ясна, 30.20.



яроғ билан уриб, жазосини беринг. Мазмундан кўриниб турибдики, Заратуштра ўзига ва қавмларига маълум аниқ вазият тақозоси билан бу сўзларни айтмоқда. Христиан Бартоломэ, унинг фикрини қувватлаб, И.М.Стеблин-Каменский мазкур вазиятни Заратуштра таълимотига қарши қандайдир Ҳукмдор ёки қаллоб пайғамбар чиққан бўлса керакки, у шу қадар аниқ қарама-қаршилик ка ишорат қилган, деб тушунтирадилар. Бошқа жиҳатдан Заратуштранинг қурол-яроғ ҳақидаги “кўрсатмаси” зардуштийликни тарғиб қилишда, баъзан , динни унинг душманларидан ҳимоя қилиш йўлида зарурат даражасида қуролга ҳам мурожаат этилганми, деган фикрга олиб келади. Лекин имон масаласида танлов эркинлиги тамойилига бу ҳолат зиддек кўринади.

Ясна, 31.19.



*gUStA YV maNtA aCvm ahUmbiS WIdwl ahurA*
*vrvZuxDAi WacaMh&m xCayamnO hizwO WasO*
*qBA AqrA suxrA mazdA WaMhAu WIdAtA r&nayl.*

Сўзи тўғри, Ҳақиқат не, уни билгувчи





Икки йўлнинг бирини – танлади Арта йўлин
О, Мазда Друж ўзин ҳарчанд десин покдомон
Пайғомингни хилқатга етказолмас ҳеч қачон.

(Мана, у иккидан бирни танлабон
Етишди боқувчи чўпони томон.
Аҳурадан топган ақл ва имон
Чўпон эмасларга насибмас ҳамон)

Имон ва эътиқод олдида, бошқача қилиб айтганда эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш зардуштийликда нафақат инсонга, балки чорвага ҳам дахлдор деб кўрсатилади. Чорва ўзи учун парваришловчи, боқувчи чўпонни танламоғи фарз қилинган. Чўпон эса, эзгу ният билан иш кўрмоғи, эзгулик томонида бўлмоғи лозим. “Чўпон эмас” зот эса чорвадан маҳрум. Чунки, у чорвани азоблайди, ўғирлаб ҳайдаб кетади. Аммо, чорвани парвариш қилмайди. Бу банддаги мазмун чорва тушунчаси орқали инсоннинг эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги танловига ишорат қилади.



[illegible]

[illegible]

*hyaT nV mazdA paourwIm gaEqlscA taCO daEnlscA*
*qBA manaMhA xratUScA hyaT astwaNtvm dadl uStanvm*
*hyaT KyaoqanAcA sVNgh&scA YaqrA WarvnVNg Wasl*
*dAyetE.*

Ясна 31.11. Алмисоқда бизларнинг руҳимиз этдинг пайдо
Тан бахшида қилдинг, жон, ақл ҳам этдинг ато
Имон йўлин танлашнинг ихтиёрин қолдирдинг
Инсон ўзин Ҳаққами,ё Ёлғонга айлар фидо.
Сен ўзинг яратдинг эзгу ақлинг-ла
Илк бор, о Мазда, очун билан дин.
Танларига бахшида айладинг жонни.
Имонли бандаг Сўзу Амалда эркин.

Зардуштийлик динида имон эътиқод масаласида инсонга мутлоқ эркинлик берилган. Бандда таъкидланишича, Мазда олам ва борлиқни дин билан бирга яратибдики, ушбу эркинлик ҳуқуқи амал қилган. Дин сўзи Авеста матнларида ***даена*** шаклида келади. Бу сўзнинг асл маъноси ***осмон*** демакдир. Бироқ, Гоҳлар яратилган даврдан бошлаб бу сўз имон, эътиқод, дин маъноларида амал қила бошлаган. Гоҳларнинг бир қатор ўринларида инсоннинг эзгу эътиқоди, ишончи, ***унинг виждони*** деб тушунилади. Зардуштийликнинг илоҳиёт тизими доирасида дин тушунчаси маъбудлар даражасига кўтарилган. Маъбуда Дин шаънига махсус алқов ҳам мавжуд. Яшт наскининг бир ўрнида Дин антропоморф қиёфада ёш гўзал қиз сиймосида





гумроҳ”ликка йўяади. “Бехабар” алдоқ, “бохабар” Ҳақ сўзга одамни ишонтиришга қодир.

Ясна, 31.18.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*mA-ciS aT WV drvgwatO m&qr&scA gUStA sAsnlscA,*
*AzI dvmAnvm WIsvm WA COiqrvm WA daFyUm WA AdAT*
*duCitAcA marakaEcA aqA IS sAzdUm snaiqiCA.*

Каззобнинг сўзларин ҳеч бирингиз тингламанг асло
Ўз нманў, вису, занту ва даҳюларин этдилар ҳалок.
Ярог бирлан уларни айлангиз барбод, жонидан жудо.
Қулоқ тутманг ёлғончининг сўзларига
Адашмангиз Дуруғбандлар сўзин тинглаб
Нману, вису зантулари вайрон оқибат
Имонингиз қурол қилинг, уларни ҳайданг албат.

Изоҳ: Ёлғон бандаларининг сўзларига ҳеч бирингиз қўлоқ солмангиз. Ана, уларнинг ёлғонлари туфайли уйлари, қишлоқлари, қабила манзилғоҳлари, юртлари вайрон бўлганини(кўрмаяпсиларми)? Бундай (нобакор)ларни курол-

*katArVm aCawA WA drvgwl WA WvrvnwaitE mazyO,*
*WIdwl WIduCE mraotU mA vwIdwl aipI-dVbAwayaT,*
*zdI-nV mazdA ahurA WaMhVuS fradaxStA manaMhO.*

Кимга ишонч,  кимдир шубҳали ашабонми ёки дуруғбон
Воқиф зот бизларга ҳақ сўзни айтур, дуруғгўй айтар Ёлғон.
Аҳура, бўл бизга узтоз – муаллим, Мазда, меҳрибон!
Ҳақ сўзими ёки Алдоқ сўзи кўпроқ ишонтирар
Ҳақнинг ўзи имонлига хабар бериб, огоҳ этар.
О Аҳура, тарбият қил, танловимда бўл нажоткор.
Вариант:  Ростгўй ёки Ёлғончи сўзларидан қай бири
Ишончга лойиқ, айтгил, Сен Билгасан, Аҳура
Биз гумроҳларга ўргат, ҳидоят топсак зора.

И.М.Стеблин-Каменскийнинг фикрича, бу бандда Заратуштранинг Ҳақиқат ва Ёлғон ўртасида қай бирини танлаш масаласда иккиланиши акс этган. Бизнингча, масалага Заратуштранинг ўзидан келиб чиқиб эмас, балки унинг мисолида анъанавий ибтидоий дунёқарашлари ва янги Мазда Ясна дини ўртасида иккиланиб турганлар, уларни Ҳақиқатга даъват этиш руҳида қараш маъқулдир. Зеро, Заратуштра ўз дини масаласида қатъий  қарашларга эга экани “Гоҳ”ларнинг аввалги қўшиқларида аниқ ифода топган. Банддаги “ҳаққониятчи” ва “ёлғончи” сўзларининг қарши қўйилишини И.М.Стеблин-Каменский Аҳура Мазда ва Аҳриманга нисбат беради: бирини “билимдон”, иккинчисини “бехабар,





тасвирланган. Унинг вазифаларидан бири нариги дунёда имонли маййитнинг руҳини жаннатга етаклашдир.

Бу банднинг мазмунида иноннинг дини ва виждони олдида эркин экани ҳақида сўз боради. Динда зардуштийлик ҳеч кимни мажбурламайди. Танлаш виждонга ҳавола қилинган. Зеро, даена (дийн) сўзининг маънолари доираси кенга ва энг муҳими, юқорида қайд этиланидек, виждондир.

Ясна 31.12..

*aqrA WAcvm baraitI miqahwacl WA vrvSwacl WA*
*WIdwl WA vwIdwl WA ahyA zvrvdAcA manaMhAcA,*
*AnuS-haxS ArmaitIS mainyU pvrvsAitE YaqrA maEqA.*

Одам аҳли ўшанда - ҳақпараст ё дуруғгўй
Оқилми ё нодон ё, адашган гумроҳми у
Ҳақ ва ёлғон аро у бўлди сарсон оқибат.
Шунда Ормаитий келди айлаб ҳиммат – ҳидоят.
(Илоҳий) сўзни кимки билган ёки билмаган,

Тўғридир ё ғализдир, сидқ-ла истар айтмоқни,
Тушар самодан кўмак оқил Исфандарматдан.

И.М.Стеблин-Каменский бу банддаги авестача ***воч*** сўзини “речь”, яъни “нутқ” маъносида тушунган. Лекин буни “сўз” деб ўгириш маъқулдир. Чунки мазмунда худонинг сўзи кўзда тутилган. Кенгроқ маънода авеста матнларининг тили ҳақида гап бормоқда. Зардушт давридаёқ Авеста матнларининг тили авомнинг кундалик тилига нисбатан архаик, махсус тил бўлган. Матн тилини соддалаштириш мумкин деб ҳисобланмаган. Унга нисбатан муқаддас деб қаралган. Шу сабабли Авеста матнлари тилини билмайдиган ёки тўғри талаффуз қила олмайдиганлар бўлиши табиий бўлган. Бироқ маросимларда авестачани билиб ёки билмай, талаффузини жойига қўйиб ёки қўймай бўлса-да, астойдил қироат қилишни кимки ният қилса, унинг руҳи Аҳура Маздадан мадад сўраб турган бўлса, Спента Армаитий унга ёрдамга келади, деб уқтирилмоқда. Чунки Спента Армаитийнинг эманацион вазифаларидан бири оқиллик, соғлом ақлдир.

Имон масаласида Маздага эътиқод йўлини танлаганлар учун Авеста матнларини билиш доимий шарт қилиб қўйилмаган кўринади. Бу фикримизни Яшт наскидаги алқовлар олдидан ўқиладиган ният сўзлари ҳам тасдиқлайди. Уларда ибодатни заотар, дин пешвоси бошлаб беради, билганлар у билан бирга ўқийди, билмаганлар унга эргашади, деб таъкидланади.





Изоҳ: Кўрсатиш ва шахс олмоши шаклида келган “У” сўзи бу ўринда қиёмат куни гуноҳкор бандаларга худонинг мағфиратини олиб берувчи ва барчани беҳиштга етаклагувчи, борлиқнинг ибтидода Аҳура Мазда яратган эзгу асосларига қайтаргувчи зотнинг қачон келиши, қайси амаллари орқали уни таниш мумкинлиги ҳақида Заратуштра Аҳура МАздадан сўрамоқда.

Зардуштийликда охир замон ҳодийлиги, маҳдийлик ғояси ўзига хос утопик қатламни ташкил этади. Оламнинг эзгу асосларини сақлаб, ёвузликнинг ҳеч қандай асоратлари қолмайдиган борлиқни тиклашга хизмаат қилувчи зотлар Осушиянт дейилади. Нақл қилинишича, Осушиянт ходий зотлар оламга бирин-кетин уч марта келар эмиш. Улар Заратуштранинг Кансава кўли тубида сақланган урғидан муъжизавий тарзда дунёга келар эмишлар. Оламни охират ҳалокатидан қутқариш учун келувчи маҳдийлик ғоясининг илк намуналаридан бири зардуштийликда шу тарзда намоён бўлган.

Ясна, 31.17.



бизнингча бу бандда инсон ва ҳайвонот устидан ҳукмдорлик тушунчаси одамзодни тўғри йўлдан чалғитувчи ғоя, шундай зарарли ғояни мужассам этган Ёлғон бандаси ва унга ишониб топширилган қавм ҳақида гап бормоқда. Бундай зотга имону эътиқодни ишониб топширганлар ҳам жазога лойиқдирлар.

Ясна, 31.16.



*pvrvsA awaT YaqA hwO YV hudAnuS dvmanahyA xCaqrvm*
*COiqrahyA WA daFyVuS WA aCA fradaqAi aspvrvzatA*
*qBAw&s mazdA ahurA YadA hwO aMhaT YA-KyaoqanascA.*

Сўрайин мен, Мазда, сендан, Ул Эзгу яралажак
Ҳукмни қачон олар – уй, қишлоқ, юрт устидан
О Аҳура, унга қай бир ишинг ибрат бўлажак?
Сен кўрсатган Эзгу ибрат бўлиб токи асл ойин
Хонадону, қурғон ичра ва юрту мамлакатда
Қачон келгай Осушиёнт, тузиб адлу осойишин





Ясна, 31.13.



*YA frasA AwIKyA YA WA mazdA pvrvsAitE tayA*
*YV WA kasVuS aEnaMhO A maziSt&m ayamaitE bUjvm*
*tA caCmVNg qBisrA hArO aibI aCA aibI WaEnahI WIspA.*

Очиқ овоз биланми, ёки дилда сўраса
Сўраганинг берар у. Кўз илғамас гуноҳинг
Бўлса кўриб жазолар Ҳақ кўзининг эгаси.
Аё Мазда, нозирсен, ким агар гуноҳлардан
Ўзин асраб парҳезда яшамоқ қилса ният,
Нигоҳингдан қочирма, кўрсат унга мурувват.

Изоҳ: Бунда дейилмоқчики, Аҳура Мазда унга мурожжат қилгувчи бaралла овоз биланми, ёки кўнглидан ўтказиб яширинми эзгу ният-ла бирор нарсани сўраса, уни муҳайё этади. У одамларнинг кўнглида кечаётган гапларни ҳам билиб тургувчидир. Шу каби, у энг кичик гуноҳ ишни ҳам ўзининг

Ҳақ кўзи билан кўриб туради ва ҳар қандай гуноҳ ишнинг жазоси тайиндир.

Ясна, 31.14.

*tA-qBA pvrvsA ahurA YA-zI AitI jVNghaticA*
*Yl iCudO dadvNtE dAqran&m hacA aCAunO*
*YlscA mazdA drvgwOdvbyO YaqA tl aMhvn hVNkvrvtA hyaT.*

Бугунгача ва келажак имонлилар ишига
Қандайин сийловинг бор, о Мазда, сендан сўрай:
Ёлғондан тарқалганлар охиратдан не топгай?
Аё Мазда, илтижом қабул айла, сўрайман
Аввалин ва охирин ҳаёт қандай кечгайдир,
Ким Ҳақни деб танийди, ким Ёлғонга мубтало
Ёзуқимиз охиратда ҳисобин ким ўлчайди?

Изоҳ: Бу бандда Заратуштра Аҳура Маздадан бу дин хабари келгунига қадар жоҳилликда ўтган адодларнинг охиратдаги тақдири нима бўлади? – деб сўрамоқда. Шу билан бирга ҳозир имонга келиб эзгу ишлар қилаётганлар қандай ару





мукофотларга лойиқ этилади? Шунга қиёсан, Мазда динига келмай, Ёлғон эътиқодларда қолаётган оҳилларнинг охирати қандай блади? – демоқчи.

Ясна, 31.15.

*pvrvsA awaT YA mainiS YV drvgwAitE xCaqrvm hunAitI*
*duS-KyaoqanAi ahurA YV nOiT jyOtUm hanarv WInastI*
*WAstryehyA aEnaMhO pasVuS WIrAaTcA adrujyaNtO.*

Сўрай сендан, о Аҳура, Каззобга ҳукмдорлик
Ишониб топширилса, ҳайвоноту одамзот
Чўпонига бу зарар, жазоси не оқибат?
Аё Ҳурмузд, сўрай сендан, бадкирдор сардорларга
Чорва ҳамда артабонга кун бермас бадкорларга
Жазоси не шул ҳукмдор ёнида ҳамкорларга?

Изоҳ: Бу ўринда Заратуштра унинг йўлини танламаган муайян бир ҳукмдорни кўзда тутган деган фикр ҳам бор. Лекин

Изоҳ: Бу бандни тушунишда И.М.Стеблин-Каменский матн остида яширин маъно бор деб ҳисоблаган. Яъни, ***Чорва*** деганда у “Буқани илоҳийлаштирувчиларни қоралаш” кўзда тутилган, дйди. ***Қуёш*** сўзида эса, Митра образига ишорат бор деб ҳисоблайди. Бундай талқинда банднинг мазмунидаги “злейшее предсказание” (энг ёмон башорат) иборасининг маъноси очилмай қолади. Бизнингча, бу учликда И.М.Стеблин-Каменский сингари ҳар бир сатрни мустақил тугал маъноли фикр деб қараш тўғри эмас. Чунки, Авестада шеърий туроқ қоидаси у қадар ривожланмаганлиги сабабли, сатрдаги сўзларнинг ўрни эркин. Шу сабабли ушбу учликнинг сатрлари ўзаро бир яхлит мазмунга бўйсинишини аниқлаш қийин туйилади. Аслида эса, учлик маъноси бутун ва уни шартли эргаш гап сифатида тушунтирган маъқулдир. Яъни, бу “агар......бўлса, бундай бўлади” типидаги гапдир. Охирги сатр маъноси аввалги сатрлар давомида ўхшатиш орқали мантиқий хулосага олиб келади: “гўё, чорванинг ҳаёти учун муҳим бўлган ўтлоқни қурол билан қўрқитиб пайҳон қилгандек”. Қолаверса, бу учлик тўлалигича аллегорик (кўчма) мазмунга эга. Чорва, Қуёш каби тимсоллар инсоният ва унинг илоҳий раҳнамоси, яйлов эса инсониятнинг яшаш муҳити. Ёлғон ҳақиқатнинг ўрнини эгалласа, оламнинг вайронлиги шу, дейилмоқчи бу бандда.

Ясна, 32.11.







Ясна, 31.21.



*mazdl dadAT ahurO haurwatO amvrvtAtascA*
*bUrOiS A aCaFyAcA XApaiqyAT xCaqrahyA sarO*
*WaMhVuS WazdwarV manaMhO YV hOi mainyU*
*KyaoqanAiScA urwaqO.*

Эзгу ўй, Эзгу иш, сидқи дил учун
Дўст тутиб Ахура Мазда яратмиш
Хурдоду Мурдод, Аша, Шаҳриёр –
Имонли хизматида бўлдилар тайёр.
Маздага дўст бўлганга насиб амиритотлик
Бағри бутун Соғломлик, Ҳақиқат, Фаровонлик
Эзгу ниятин мўл-кўл этар даенартавонлик

Ахура Мазда ўзининг эманацияларини имонли ва унга дўст маздопараст, артабон хизмати учун яратган, дейилмоқда бу бандда. И.М.Стеблин-Каменский мазкур эманацияларнинг номларини эмас, балки уларнинг вазифаларини кўрсатиш орқали таржима қилган. Биз асл матндаги каби

эманацияларнинг асл номларини ўрта асрларда ишлатилган шаклларида келтирдик: Хурдод (Ҳаурватат), Мурдод(Амэрэтот), Аша(Арта), Шаҳриёр(Хшасра Варйа).

Ясна, 31.22.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*ciqrA I hudlMhE YaqanA WaEdvmnAi manaMhA*
*WohU hwO xCaqrA aCvm WacaMhA KyaoqanAcA haptI*
*hwO tOi mazdA ahurA WAziStO aMhaitI astiS.*

Оқил зотга аёндир, билгичга ҳам маълумдир,
Шаҳриёрлик туфайли Ҳақиқатдир хукмрон.
Эзгу ўй ва ишинг-чун Хурмузд сенга хуш меҳмон.
Аҳура Мазда кутган суюк меҳмондир албат
Ўй ва сўз ҳамда амал, Эзгу Ҳукм бирлигин
Мазда фикрин уққанлар, Ақлидан олиб қувват.
Оқиллиарга аёндир, Эзгулик ғолиб абад.

Оқил инсон Ҳақиқатга, унинг ҳамма нарсадан стунлигига, ҳукмронлигига ишонади. Чунки у Ваҳу Мана руҳидан Эзгу фикр эгасидир. У эзгу фикрни , эзгу сўзни ва эзгу амални





Уларга эргашиб, кундек равшан ислом ҳақиқатини кўрмаётганлар, минг афсуски, миллионлаб бегуноҳларнинг, хатто, алҳамдулиллоҳ! деб турган муслим ва муслималарнинг жонига ва қонига қасд қилмоқдалар. Бузуқ ниятлар билан не-не юртларни вайрон қилмоқдалар. Эй, Ёлғон бандалари, Қалб кўзингизни очинг, қилмишларингизнинг охиратда жазоси бор!

Ясна, 32.10.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*hwO mA-nA srawl mOrvNdaT YV aciStvm WaEnaMhE aogvdA*
*g&m aCibyA hwarvcA YascA dAqVNg drvgwatO dadAT*
*YascA WAstrA WIwApaT YascA WadarV WOiZdaT aCAunE.*

Кимки Куёш ва Чорва ҳаққига ёмонликни
Башорат қилса агар, Ҳақиқатни деб ёлғон,
Қурол ўқталиб гўё яйловни қилди пайҳон.
Алдоқ таълим бергувчи Қорамол ва Қуёшга
Сиғингил дер, топшириб Ҳақни Ёлғон қўлига.
Имон юрти вайронку, чиқса Ёлғонлар бошга.

одамларни имон йўлидан чалғитишга, уларнинг ақлини хиралаштириб, тўғри йўлдан оздиришга уринувчи тарғиботчиларни кўзда тутади. Бир сўз билан айтганда, имонда тўғри йўлдан адашганлар Ёлғон бандалари, дуруғга боғланганлардир. Ҳақиқат эса азалийдир. Уни, зардуштийлар Аҳура Мазда ва унинг борлиги, оламнинг эзгу асосларини яратган зотлигини тан олиш деб тушунадилар. Бунга зид нарсаларнинг бари ёвуз Ахриманнинг ёлғон қиёфаларидир.

Юқоридаги бандда айни шу ёлғон таълимот, яъни Аҳура Мазда ҳақиқатидан чалғитиш йўлида қилинадиган уринишлар туфайли имонлиларнинг Эзгу фикр муаккили Ваҳумана, унинг Эзгу фикр хоссаси бўлмиш Спента майнйуни (Эзгу фикрни) ўзларига сингдиришларига халақит бериши, уларнинг ақлини ғорат қилиши мумкинлиги ҳақида гап бормоқда. Шундай руҳий офатдан нажот сўраб, Заратуштра Аҳура Маздага унинг энг олий сифати Аша, яъни Ҳақиқат орқали йиғлаб туриб мурожаат этмоқда.

Дарвоқе, Авестанинг турли таржималари ва ҳар хил талқинларида муаллим, ёлғочи муаллим каби изоҳлар кўп учрайди. Аксари ҳолларда муаллим, таълим жараёни ва ўқитувчи сифатида тушуниб келинаётган бу лавҳа имон, эътиқод масаласининг инсон ақлу шуурига, қалбига бузиб етказаётган, ёвуз мақсадларда Зардушт ғояларини нотўғри талқин қилиб, одамлар онгини бузувчиларга қарши қаратилган кенг маънодаги масаладир.

Бу муаммога бугунги кўз билан қарасак, асосий манбаи Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф бўлган муқаддас ислом динимиз мисолида турли мақсадларда бу ҳақиқатни бузиб талқин қилаётганлар айни шу Ёлғон бандалари эмасми?





Эъзолайди. Бунинг эвазига имонли ва билгувчи инсонни Аҳура Мазда ўзига дўст тутади. Нариги дунёда унга беҳиштидан жой берадива унинг меҳмони бўлади.

Ясна наскининг ушбу 31- қўшиғи барча Гоҳлар каби якунловчи дуолар билан тугайди. Булар "Аҳйа яса...", "Геуш урван...", "Ясааҳувайрйа...", "Ашем воуҳу...", "Енгҳе ҳатам..." кабилар.

***Ясна, 32-қўшиқ***

Ясна, 32.1.



*(zOT,)*
*aFyAcA XaEtuS YAsaT ahyA WvrvzVnvm maT airyamnA*
*ahyA daEwA mahmI manOi ahurahyA urwAzvmA mazdl,*
*qBOi dUtlMhO lMhAmA tVNg dArayO YOi Wl daibiCvNtI.*

Даҳйу каби, занту каби, вис, хонадон, аҳли қўрғон

Менинг йўлим тутиб гўё, Хурмуздга ул ёвуз девлар
"Сенинг аҳлинг ва оиланг бўлайлик", -дер, сўзлар ёлғон.
"Ёвларимиздан бизни, -дерлар, - "қутқар, сақла омон".

Заратуштра бу бандда девлар (Аҳриманнинг ёвуз аҳмоқ малайлари) ҳам айёрлик билан ўзларини дману, вис, занту ва даҳюнинг имонли аҳлари сингари Маздопараст қилиб кўрсатишлари ҳақида огоҳлантирмоқда. Бас шундай экан, уларнинг имонлилар аҳли қаторига киритиш, хатто "бир оиладек бўлиш хоҳишлари" ёлғон экани таъкидланмоқда. Банднинг охирги сатридаги "Ёвларимиз имонлилар, қутқар бизни, сақла омон" жумласи девлар тилидан айтилган. И.М.Стеблин-Каменский бу жумлани Заратуштранинг киноясидеб талқин қилади. Демак, девлар шайтонлик қилиб, Заратуштрага тилёғламалик билан имонлилар сафига кириб олишга уринадилар. Заратуштра бунга жавобан "Қаранг-а, бир оила бўлишармиш, уларнинг ёвлари имонлилар эмиш-да, мен уларни қутқарармишман", -деётгандек.

Ясна, 32.2.







*duS-sastiS srawl mOrvNdaT hwO jyAtVuS sVNghanAiS xratUm*
*apO mA IStIm apayaNtA bvrvxD&m hAitIm WaMhVuS manaMhO*
*tA uxDA manyVuS mahyA mazdA aCAicA YUCmaibyA gvrvzE.*

Ёмон муаллимнинг сўзи ёмон, тириклар ақлини барбод айлагай.

Этар маҳрум бизларни Эзгу фикр-ниятдан унинг Ёлғони охир.

Эй, Ҳақиқат, О Мазда, руҳ изҳорим айтиб нолон мен Сизга йиғлай.

Тириклар шуурини, онгу тафаккурини
Алдоқ муаллимлари Ёлғон-ла ғорат этиб,
Эзгу фикр мевасидан бизларни маҳрум айлар.
Ҳақ мояси, о Мазда, йиғлайман зорим айтиб.

Ёлғон тушунчаси зардуштийликда серқирра маъноларда ишлатилади. "Ёлғон", "Ёлғончи", "Ёлғон муаллим", "Ёлғон муаллими" ва бошқа шаклларда келувчи бу тушунча баъзан ҳар қандай ёвузликнинг умумлашма ифодаси сифатида қўлланади. Бу сўзнинг ўзагида ***драуга*** (дуруғ) луғавий "ёлғон" маънси бор. Зардушт келтирган Аҳуру Мазда ҳақидаги ҳақиқатнинг, яъни Маздага, Олий ақл тимсолига имон келтиришга қарама-қарши қўйилганда ***драуга*** умуман жаҳолат дунёсини, динсизликни, мушрикликни, айниқса, Ахриман ёвузликларининг барча кўринишдаги ифодаларини, девлар тушунчасини ўзида мужассам этади. Ёлғон муаллимлари зардуштийликда

ичмоқ йўқ бехишт (жаннат) қонунини бузган. Бинобарин, Жамшиднинг жамиятида ўлим йўқ эди, касаллик йўқ эди. Ёвузликнинг ўзи, уни ифода қиладиган сўзи ҳам ҳали йўқ эди. Олимлар бу тавсифни зардуштийликнинг “олтин асри” дейишади. Эт ейиш, айниқса Аҳура Мазданинг муқаддас эманацияси Ваҳумананинг намоён бўлиш шаклларидан бири Буқанинг этини ейишга буюриш гуноҳи азим бўлди. Аҳура Мазданинг иродаси билан осмон хибсида турган ҳисобсиз гуноҳлар дарвозаси очилиб кетган. Эгулик олами билан қоришиб кетган. Ана шу ёвузликлардан борлиқни тозалаш инсон зиммасига тушган. Ҳар бир инсон борлиқнинг тақдири учун шахсан масъул қилиб қўйилган. Жамшиднинг эса тақдири аянчли бўлди. Унинг тақдири манманлигидан, деб тушунувчилар ҳам бор. Яъни, Жамшид 900 йил пошолик қилган ва ғурурланиб, яратганни унутган. Манъ этилган таомни(муқаддас буқа этини) ейишга буюуриши унинг яратганга беписандлиги бўлган ва, ниҳоят, жазога лойиқ бўлган.

Ясна, 32.9.







*aEibyO mazdl ahurO sArvmnO WohU manaMhA*
*xCaqrAT hacA paitI-mraoT aCA huS-haxA XVnwAtA,*
*spvNt&m WV ArmaitIm WaMuhIm Warvmaidl hA-nV aMhaT.*

Шаҳриёру Ваҳумана, порлоқ Аша , Хурмузд – бари
Билан Зардушт исми-жисми ягонадир, бир, мужассам
Танлаганмиз Ормаийтий йўлин, -деди, -биз мустаҳкам.

Зартуштра ўзини Аҳура Маздага, унинг тажаллилари Хшасра Варйа(олий ҳокимият рамзи)га, Аша(илоҳий Ҳақиқат)га, Эзгу ният фариштаси Ваҳуманага боғлаган ҳолда Ормаийтий(муқаддас олий ақл тимсоли) йўлини танлагани хабарини бермоқда ва аввало, замондошларини , қолаверса, инсониятни яхшиликка чорламоқда. Шайтоний алдовларга чалғимаслик лозимлигини билдирмоқда.

Ясна.32.3.



*aT YUS daEwA WIsplMhO akAT manaMhO stA ciqrvm*
*YascA Wl maS YazaitE drUjascA pairimatOiScA*
*Kyaom&m aipI daibitAnA YAiS asrUdUm bUmyl haptaiqE.*

Девлар, сизлар Ёвуз ният - Акамана авлодидан
Адашган каззоблардир сизга барча сиғинган.
Бадкирдорлар эканингиз етти иқлимга аён

Зартуштра аввалги банднинг мазмунига қўшимча қилиб, девларнинг асли Акамана (ёвуз фикр ибтидосининг маҳсули) дан тарқалган деб таъкидламоқда. Кимки девларга ишонибуларга ихлос қилса, бундай инсонлар Ёлғон бандаларига айланадилар. Зеро, девларнинг ёвузликлари етти иқлимга маълум. Матнда “еттинчи ерда ҳам ҳамма билади” шаклида берилган. Демак, Ясна матнлари, аниқроғи Ясна таркибида етиб келган Гоҳлар шаклланган даврларда ҳам курраи замин етти иқлимга бўлиниши ҳақидаги тасаввур бўлган. Бу ўринда “еттинчи ер” авестача *Хванирата,* яъни Заминнинг орийларга тегишли қисми маъносида қўлланган, деган фикрни И.М.Стеблин-Каменский маъқул кўрган.

Ясна, 32.4.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]





[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*aEC&m aEnaMh&m WIwaMhuCO srAwI YimascIT*
*YV maKyVNg cixCnuCO ahmAkVNg gAuS bagA XArvmnO*
*aEC&mcIT A ahmI qBahmI mazdA WIciqOi aipI.*

Ийм Виваҳвант Хурмузднинг иродасин рад этиб,
Қора молни Худо деди, қасамин тутди маҳкам
Шукр сенга бу гуноҳдан мени омон сақладинг,
Ибрат бўлди, оқибатда хорлик топди ўшал Жам.

Лавҳада Аҳура Мазданинг хуш хабарини (пайғомини) бандаларига етказиш буюрилганида бу буюк вазифани зиммасига олмаган Йима Хшаятий (ровий Жамшид) ҳақида гап бормоқда. Йима Хшаятий (Жамшид, баъзан матнда Ийм, Жам шаклларида ҳам келади) абадий барҳаёт (бир тажаллиси Амэретот “Ўлмас зот” бўлган) Аҳура Маздага имон келтирмай, шубҳасиз ўлим топгучи яралмишга – Қора молга (буқага) сиғинган ва унга содиқ қолишга қасам ичган. Шунга қарамай, Аҳура Мазда Жамшидга ўзи яратган эзгу дунёни бошқаришни топширган. Бу ривоятни олимлар турлича талқин қилиб келишади. Масалан, Жамшид қорамол (буқа) тимсолида ўз худосини кўрган. Бу қараш авесташуносликда кенг тарқалган. Иккинчи қарашга кўра Жамшид буқани сўйиб, одамларга унинг этини ейишга буюрган ва шу билан емоқ-

[illegible]

*aEC&m aEnaMh&m naEcIT WIdwl aojOi hAdrOyA*
*YA jOyA sVNghaitE YAiS srAwI XaEnA ayaMhA*
*YaEC&m tU ahurA irixtvm mazdA WaEdiStO ahI.*

Тириклик қотилларин куйдирар қайноқ маъдан.
Огоҳлар, Ёвузлик-ла юрманглар бундай йўлдан.
Ахура Мазда билга, охиратда қайноқ мис
Қозонига бандасининг ёмонини соларкан.

Билгувчилар, огоҳлар, гуноҳ орқали, ёвуз ишлар орқали эзгуликка эришиб бўлмаслигини биладилар. Шу сабабли улар ёмонлар йўлидан бормайдилар. Чунки уларга аён: Аҳура Мазда ҳамма нарсадан хабардор, билиб тургувчи зотдир. У ёвузларни охиратда қайнаб турган маъдан билан жазолайди. Авестада қайнаб турган метал, ёниб турган олов каби воситалар ёрдамида ростни ёлғондан ажратиш анъанаси акс этган. Заратуштранинг ўзи ҳам таълимотининг чинлигини исботлаш учун устидан қайнаб турган мисни қуйдириб, ундан ҳеч қандай зарар кўрмагани билан исботлагани ҳақида ривоят етиб келган.

Ясна, 32.8.

[illegible]





[illegible]

*YAT YUStA framImaqA YA maKyA aciStA daNtO*
*WaxCvNtE daEwO-zuStA WaMhVuS sIZdyamnA manaMhO*
*mazdl ahurahyA xratVuS nasyaNtO aCAaTcA.*

Ёлғон сўзларингизни, девлар, қаратгансиз
Ашавонларни урмоққа йўлдан, токим, улар
Сизга эргашсинлар деб, эзгу ўйдан кечиб воз
Аҳурадан, Маздадан бўлсинлар деб мосуво.

Заратуштра девларнинг “имонлимиз” деган ёлғонларини фош қилишда давом этиб, айтмоқдаки, улар(девлар) ўз ёвузликларини ёлғон сўзлар билан яшириб, одамлрни (мардларни, яъни ахийри ўлимга етгувчиларни) ўзларига ишонтирмоқчи бўладилар. Уларнинг Аҳура Маздадан олган эзгу ақлларидан маҳрум этадилар. Натижада Ҳақ йўлдан адашадилар.

Ясна, 32.5.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*tA dvbvnaotA maCIm hujyAtOiS amvrvtAtascA*
*hyaT Wl akA manaMhA YVNg daEwVNg akascA mainyuS*
*akA Kyaoqanvm WacaMhA YA fracinas drvgwaNtvm xCayO.*

Мардларни сиз, эй девлар, Амэретот бахтидан
Маҳрум этиб етаклаб, Акаманга қул этиб,
Ахриманга хизматкор қилиб топширмоқчисиз.
Бадкирдорлик, шалоқ сўз бошингизга етгайдир.

Мард сўзи авестача “ўлим” маъносидаги сўздан олинган. Яъни тирик жон борки, барчаси ўлим “шарбатини тотгувчидир”. Айни шу мардларни девлар ўз ёлғонлари билан фано ва бақо бахтидан, руҳларининг абабий ўлмаслиги(Амэретот “ўлим билмас”)дан маҳрум қиладилар. Уларни ёвуз амалларга ва коски, шалоқ сўзларга ўргатиб, гуноҳкорлик ўлимига маҳкум қиладилар.

Ясна, 32.6.

[illegible]

[illegible]

[illegible]





[illegible]

[illegible]

*pourU-aEnl VnAxStA YAiS srAwahyeitI YezI tAiS aqA*
*hAtA-marAnE WahiStA WOistA manaMhA ahurA*
*qBahmI WV mazdA xCaqrOi aCAicA sVNghO WId&m.*

У ўзининг мақсадига Гуноҳлардан йўл созлар
Гуноҳлари  зина поя – ёвузликни кўзлайди.
Амр этмасанг, Сен огоҳсан, эй Аҳура, эй Мазда,
Шаҳриёрлик унга асло, асло раво бўлмайди

Олтинчи банднинг маъноси “У” (Ахриманнинг ва ёвуз фикр тимсоли Акамана)нинг гуноҳ ишларни ўзига восита қилиб Мазданинг эзгу салтанатида бўллишга уринишлари бефойда, чунки Аҳура Мазда Эзгу фикр Ваҳумана билан бирга доимо хушёр. Унинг амридан ташқари ҳеч нарса содир бўлмайди. Бинобарин, “У” ўзининг мақсадига ҳарчанд уринмасин, ета олмайди.

Ясна, 32.7.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

Заратуштра Аҳура Маздани Беҳдинга нисбатан ниятиёвузлардан ҳимоф қилиш масъулиятини ўзига олмоқда. Уларнинг ёвузликларини “қайтариў”га аҳд қилганини айтмоқда. Зеро, Аҳура Маздага ёвуз ниятлиларнинг бадниятлари ёмонлик келтирмасин. Бу ёмонлик жамиятнинг қайси бўғинидан бўлишидан қатъий назар, Заратуштра Мазда динини, Аҳура Мазда шаънини ҳимоя қилиш вазфасини зиммасига олмоқчи. Айниқса, чорвага зиён келтириш ёвузликнинг гуноҳнинг энг каттаси сифатида қораланмоқда. Зеро, чорвага нисбатан ёмонлик, хатто у, ният даражасида бўлса ҳам Аҳура Маздага нисбатан бадниятлик даражасига қўйилган.

Ясна, 33.5.

*YastE WIspV-maziStvm svraoCvm zbayA awaMhAnE*
*apAnO darvgO-jyAitIm A-xCaqrvm WaMhVuS manaMhO*
*aCAT A vrvzUS paqO YaECU mazdl ahurO CaEtI.*

Буюукларнинг буюги Сурўшни
Чорлайман. Баҳмон эзгу нияти





*taEcIT mA mOrvNdvn jyOtUm YOi drvgwatO mazibIS*
*cikOitvrvS*
*aMuhIScA aMhwascA apayeitI raExvnaMhO WaEdvm*
*YOi WahiStAT aCAunO mazdA rArvKy&n manaMhO.*

Буюкликка нолойиқ ружўъ қўйган баъзилар
Торож қилар бировлар мол-мулку меъросин.
Ашавонни қайтарар Эзгу ўй ихлосидан.
Ёлғон муаллимлари , мўъминни абгор этар,
Эру аёл – барини Эзгу йўлдан тойдирар.
Ўзин доно кўрсатиб, кундан кунга чалғитиб,
Аҳура Мазда берган ҳақ йўлидан оздирар.

Бу бандда эл-юрт устидан номуносиб одам ҳукмронликка эришса, эгаликдаги мол-мулк, одамларнинг топган-тутганларини ноҳақ эгаллайди, дейилмоқда. Бундай одам Эзгу фикрдан йироқ. Боз утига бундай нолойиқ одам имонли бандаларни Эзгу ўйдан чалғитадилар. Чунки улар ёвузликнинг ғалабасидан манфаатдардирлар.

Ясна, 32.12.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*YA rlMhayvn srawaMhA WahiStAT KyaoqanAT marvtAnO aEibyO mazdl akA mraoT YOi gVuS mOrvNdvn urwAxS-uxtI jyOtUm*
*YAiS gvrVhmA aCAT WaratA karapA xCaqrvmcA ICan&m drujvm.*

Сўз борки, одамларни эзгу ишдан чалғитар.
Урвахш, дея молларни халок этганни Мазда
Қаҳрига олар, улар – карапанча ўғрилар.
Артабонни Ёлғончи Эзгу ишдан қолдирар
Мазда бало йўллайди ёлғончининг бошига.
Урвахш куни қорамол сўйган пайтида дуо
Сўзларини ғалат айтганларга ҳам жазо
Караплар, талон-торож ишларга даъваткорлар
Барчаси топгай завол, Ёлғон бўлса гар адо.

Изоҳ: Аҳура Мазда одамларни эзгуликдан чалғитувчи сўзларни айтувчиларни қоралайди. Масалан “урвахш” сўзини





Кимки хоҳ уйида, хоҳ уруғад ва аймоғию қабиласида Чорвани ихлосла парвариш қилса, бундай имонли инсон Ҳақнинг ҳимоятида бўлғувсидир ҳамда эзгу ният фариштаси Ваҳумананинг эъзозига лойиқ топилур. Бу маъно кўчма усулда “ Ҳақ ва Баҳмон яйлови” орази орқали берилган.

Ясна, 33.4.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*YV qBaT mazdA asruStIm akvmcA manO YazAi apA*
*XaEtVuScA tarVmaitIm WvrvzVnaFyAcA nazdiSt&m drujvm*
*airyamanascA nadvNtO gVuScA WAstrAT aciStvm maNtUm.*

Аё, Мазда! Сендан итоатга келмаган
Уруғдошу жамоат аймоқдошларнинг
Ёвуз ниятларини мен узоқлатай
Қабилада сенга ғаразгўйиларнинг,
Чорвага зулм келтирганларнинг
Ёмонликларини бартараф этай.

Ёвуз дуруғбандга дўзаҳ тиласа,
Бул артабонга Мазда Меҳрибон.

Ушбу банднинг таржимасида аслиятдаги "кимки агар, ёвуз Ёлғон бандаларига ўз дуоларида дўзаҳ азобларини тиласа, кимки, эзгулик, Ҳақ бандаларнининг ният, сўз, амаллари учун беҳишт мукофотларини сўраб дуода бўлса, улар Аҳура Мазда иродасини адо этган бўладилар", деган таг маъно турлича тушунилиб келган.

Ясна, 33.3.



*YV aCAunE WahiStO XaEtU WA aT WA WvrvzVnyO*
*airyamnA WA ahurA WId&s WA qBaxCaMhA gawOi*
*aT hwO aCahyA aMhaT WaMhVuScA WAstrE manaMhO.*

Кимки уруғдами, ёки аймоқда
Ва ё қишлоқдами, элу элатда
Чорвасин авайлаб меҳр кўрсатса,
У албат охирда бўлур сазовор
Ҳақ ва Баҳмоннинг яйловларига.





айтиб жазавага тушган ҳолда мол сўйиш, исрофгарчилик қилиш сингари одатларни Заратуштра бекор қилишга курашган. Бу ўринда "урвахш" деган сўз устида баҳс ҳали давом этаётгани ҳақида эслатиш жоиздир. Бу бир иш олдидиан ирим юзасидан айтиладиган сўз, деб тушунилади. Масалан, "гарткам", "ё, пирим", "ол, қулим", "қани, бошладик" ва бошқалар. Бундай иборалар эътиқоднинг Аҳура Маздага эмас, бошқа объектларга қаратгандек бўлади. Қолаверса, "урвахш" сўзи Заратуштра рад этган маъбуд номи, деган тахмин ҳам билдирилган.

Бу бандда мол сўйилиши маъноси остида ўғирланган мол кўзда тутилган. Асл матнда ***грэхма*** сўзи "босқинчилик, талончилик" маъноларини ифода этади.

Ясна, 32.13.



*YA xCaqrA gvrVhmO hICasaT aciStahyA dvmAnE manaMhO*
*aMhVuS maraxtArO ahyA YaEcA mazdA jIgvrvzaT kAmE*
*qBahyA m&qrAnO dUtIm YV-IS pAT darvsAT aCahyA.*

Борлиқни вайрон этиб, торож этган Грехма –
Ҳукминг ила дўзаҳга йўл олсин, у – ғийбатчи.
Пайғамбар унга гўё Ҳақиқатни  айтмасмиш.
Босқинчи қароқчилар, тириклик қаттоллари
Сенинг ироданг билан Ёвуз ўй манзилига
Менга туҳмат қилганлар каби бўларлар равон –
Гўёки мен уларга Ҳақ йўлни тўсганмишман.

Бу банднинг мазмунида Заратуштранинг Аҳура Маздага мурожжати акс этган. Яна аввалги бандда келган Грехма образи ва унинг ёвузликларидан талон-торож, оғир гуноҳлардан бири ғийбатчилик каби хислатларини эслатиб, булар учун “ҳукмингга мувофиқ” дўзаҳ жазосини унга беришни сўрамоқда. Айни шу Ҳакамлик сифати ишлатилгани сабабли учлик бандда Аҳура Мазданинг номи такрорланмаган.

Учликнинг мантиқий иккинчи бўлагида Грехманинг ғийбатчилик, туҳматчилик хислати тилга олинади. Унда айтилишича, Грехма ва унга ўхшаганлар Заратуштранинг пайғамбарона фаолиятини тескари тушунтирадилар. Яъни, пайғамбар уларнинг Ҳақиқатни кўриш йўлларини тўсар  эмиш.

Учлик банддаги яна бир масала: ғийбат, туҳматчилик каби иллатлар “эзгу борлиқни вайрон этувчилик” деб таърифланаган.

Яна Грехма (авестача ***grəhmā)*** ҳақида: бу образни авесташунослар ҳар хил тушунишади. Мсалан, Х.Бартоломе





умуид қилиш мумкин деб ҳисобланган. Айниқса, гуноҳлар билмаслик туфайли содир этилган бўлса-ю, улар савоб ишлар билан “тақдир тарозусида” тенг келиб қолса, эзгу интиҳога лойиқ этилиш мумкин, деб умид бағишланган.

Ясна, 33.2.



*aT YV akvm drvgwAitE WacaMhA WA aT WA manaMhA*
*zastOibyA WA WarvCaitI WaMhAu WA cOiqaitE astIm*
*tOi WArAi rAdvNtI ahurahyA zaoCE mazdl.*

Барчадан лозимдир эзгу андеша
Друғбанд ёлғонин йўлин тўсмоққа.
Ул гуноҳ бандасин яхшилик сари
Етаклаб савобга доҳил ҳамеша
Аҳура меҳридан униб ўсмоққа.
Ким агар ҳақ йўлин тутган  артабон,
Унингчун дуогўй бўлса артабон
Охират манзили бўлгай Гранудмон!
Ким агар ўз ақлу идроки бирлан

Гоҳнинг бу бандида ёлғон бандалари ва ҳақпарастларнинг азалий ёзмишлари ва тақдирлари ҳақидаги фикр уч босқичда таҳлил қилинмоқда: ўтмишда, ҳозир ва келажакда жазо ёки ажрга дахлдор қилмишлар кесимида. Бир йўла ёвузлик содир қилувчилар ёмонликларини қилаверсинлар, эзгу ишлар соҳиблари эзгулиикларини давомий қилаверсинлар. Токим, алар охиратдабу икки қилмиш тарозуси тенг келса, зардуштийликда покланиш имкони, яъни ёмон амаллар асоратини учун афв, тавба-тазарру йўли борлиги маълум қилинмоқда. Бу юксак мурувватга эришишнинг воситаси сифатида Заратуштра ибодатга даъват қилади. Ибодат инсоннинг ва чорванинг Ҳаққа яқин бўлиш воситаси деб тушунтирилмоқда. Ибодат инсонга Аҳура Маздага хос бутунлик, ўлмаслик сифатларини ато айайди, дейилади. Бу йўлда Заратуштрага артабонларнинг кўмаклари зарур. Кўмак эса, Ҳақ йўлини танлаш ва унда соьбит бўлмоқдир. Зартуштра Ҳақ йўлига, Мазда Ясна таълимотига бору будини, нияту фикру зикрини, ҳаётий кучларини амалларини, эзгу сўзлари ббахшида қилганини билдирмоқда.

Борлиқнинг қонуни зардуштийликда Аҳура Мазда ихтиёрида. У - борлиқнинг муаззам Бошчиси. Дуруғбандга ҳам Ҳақпарастга ҳам ўзига муносиб жазосини ёки ажрини беогувчи ҳам унинг ўзи. Кимдаки, гуноҳу савоби тенг қоришиб кетган бўлса-да, ҳар кимнинг лойиқ жазо ёки мукофотини ўзи тайин этгувчидир. И.М.Стеблин-Каменский таъбирича, бу лавҳада зардуштийлик анъанасининг бир масаласи акс этган. Яъни, зардуштийликда нариги дунёда шундай манзил борки, унда гуноҳу савоб тенг келиб аралаш бўлган эса, гуноҳдан поклаб беҳиштга лойиқ этилишидан





***grəhmā*** шаклини грамматик бирликдаги, ***grəhmō*** шаклини эса, кўпликдаги атоқли от деб тушунган. Шу билан бирга бу исмдаги шахсни Заратуштранинг душмани бўлган, грамматик кўпликдаги шакл эса, Грехманинг тарафдорларини билдирган, деб изоҳлаган. Сўзнинг ўзагини ****g(h)rasma-,*** яъни “тортиб олмоқ”, “талон-торож қилмоқ” каби изоҳлаган.

Х. Хумбах бу сўзни ***grahm-*** деб ўқиб, ***gras-*** ўзаги билан “ютмоқ” маъносига боғлаган. Хинд-европа босқичидан славян тилларидаги “глотать” сўзининг илдизи ҳам, бизнингча, шу ***gras-***, балки ****g(h)ras-*** билан боғлиқдир.

В.Б.Хеннинг билдирган фикрнинг давомида туриб, С.Инслер ***grəhmā*** сўзини суғдчадаги ***γrām(ak)-*** сўзи билан боғлаган ва “бойлик” деб деб изоҳлаган. Х.Б.Бейли эса бу сўзни gr***ām-*** “термоқ, йиғмоқ” маъносига боғлаган. Мазкур олимларнинг фикрларини солиштириб, биз қуйидаги хулосага келдик: Аввало, ***grəhmā*** сўзини “термоқ, тўпламоқ, йиғмоқ” каби маънолар ўрамида ўзбек тилидаги ***ғарам*** сўзининг этимологик аждоди деб ҳисоблаш мумкин. Қолаверса, Гоҳлардаги салбий маъносидан ткелиб чиқилса, ҳар қандай йўл билан бойлик тўпловчи, босқинчи, талончи, имону эътиқодга бегона, эзгу динга, инсофу диёнатга чорловчи зот устидан ғийбат ва тухмат қилувчи гуноҳкор банда деб изоҳланишида ҳам асос бор. Х.Бартоломе айтганидек, балки чиндан ҳам ***грехма*** сўзи шахс исми бўлгандир. Унинг зардуштийлар дунёсидаги салбий баҳоси туфайли атоқли отдан бу тоифа одамлар ҳақидаги фикрни умумлаштирувчи турдош отга айлангандир. Тилда бундай ҳодисалар учраб туради.

Учлик бу банднинг сўнгги сатрида “пайғамбар” сўзини Заратуштрага нисбатан ишлатдик. Аҳура Мазда ҳақидаги таълимотни одамларга етказиш йўлида қилган ҳаракатини ҳисобга олиб, ўз даври нуқтаи назаридан уни шартли равишда шундай аташ масалани тушуниш учун қулай деб ўйлаймиз. Дунё динларининг муқаддас китоблаида, жумладан Қуръони каримда Зратуштра (Зардушт) исми учрамаслиги сабабли уни пайғамбарликка даъво қилиб келганлар қаторига қўшиб келинади.

Ясна, 32.14.



*ahyA gvrVhmO A-hOiqOi nI kAwayascIT xratUS nI dadaT*
*Warvcl hIcA fraidiwA hyaT WIsVNtA drvgwaNtvm awO*
*hyaTcA gAuS jaidyAi mraoI YV dUraoCvm saocayaT awO.*

Герехма, жоҳил Кавий – мени тутқунда сақлар
Ақл кучин Ёлғонга кўмакдош этди улар.
Демишлар: “Буқа сўйиб, тутатинг исириқлар!”
Қароқчиилик билан кавий, карапанлар, ўғрилар
Қалбларини абадий Ёлғонга топширдилар





кирдикорларига қарши курашмоқ учун унга куч-кувват ато этишини сўрамоқда.

***Ясна, 33- қўшиқ (Аҳунавад гоҳ, 6-боби)***

Ясна, 33.1.



*(zOT,)*
*YaqAiS iqA WarvCaitE YA dAtA aMhVuS paouruyehyA*
*ratUS KyaoqanA raziStA drvgwataEcA hyaTcA aCAunE*
*YeFyAcA hVmvmyAsaitE miqahyA YAcA hOi ArvzwA.*

Тирикликнинг, борлиқнинг ибтидоси Ҳақ,
Артадир дунёнинг борлиқ қонуни.
Барчага ҳақ йўлин фарз эрур тутмоқ
Артабон масъулдир, дуруғбон агар
Адашса, тўғрилик йўлига элтмоқ.

Ясна, 32.16.



*hamVm taT WahiStAcIT YV uCuruyE syascIT dahmahyA*
*xCay&s mazdA ahurA YehyA-mA aiqIScIT dwaEqA*
*hyaT aEnaMhE drvgwatO VvAnU iKyVNg aMhayA.*

Эзгуликдан баҳра олгай, бу ҳақ гап,  аксин қилган.
Мазда, мендан ёв хавфини йироқ айла, бўлсин даф!
Аҳура, курашмоққа куч бер менга, йўқ бўлсин Ёлғон.
Шуларга  билъакс  беҳишт имонлиларга насиб
Ё Мазда, ёвларимнинг хавфини менда нари
Айлагин, токи менга куч бағишла, Аҳура,
Ёлғон малайларининг енгиб тугатай барин.

Бу банд аввалгиларнинг мантиқий давоми. Уларда ёвузлик, муртадлик, жаҳолат туфайли охиратда дўзаҳ азоблари ҳақида гап борган бўлса, бу бандда унинг акси, яъни эзгулик учун, чин эътиқод эвазига охиратда эзгулик (кенгроқ маънода беҳишт роҳатлари) насиб қилажаги башорат қилинмоқда. Заратуштра Аҳура Маздага мурожаат қилиб, Ёлғоннинг





“Буқани сўйинглар” - деб, “хушбўй доривorларни
Ёқиб ташланг”, - деб яна гуноҳни оширдилар.

Босқинчи, талончи Герехма, унга эргашган жоҳил Кавийлар Заратуштрани бир ҳафта давомида тутқунликда асраганлар, деган хабар унинг ровий ҳаётномаси “Зотспарам” китобида сақланган. Авестаошунослар бу воқеага ишончсизлик билан қарайдилар ва мазкур хабарни ровий ҳисоблайдилар. И.М.Стеблин-Каменский ушбу учликнинг “Босқин қилиб банди этдилар” мазмунидаги биринчи сатрини тарихий асосга эга, дейишга мойил. Биз ҳам маъно баёнида шу қарашдан келиб чиқдик. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Чиндан ҳам Зратуштра ўз қавмлари ичида дини ҳақидаги пайғомни ёйишда қийналган. Айниқса, у ўзгаларнинг чорвасини ўғирлаб ҳайдаб кетиш каби ҳолларни буюк гуноҳлар қаторига қўшгани худди шу иш билан шуғулланиб бойлик тўплаб юрган жоҳиллик даври одамларига ёқмаган. Грехма ўша даврда шу каби мол ўғриларининг сардори, жаҳолат бандаси, Ёлғонга, яъни Ахриманга эргашган, шугина эмас, ўзининг ортидан имонсизларни ҳам етаклаган бўлса керак. Бунинг устига Грехма ва унинг сафдошлари Заратуштранинг пайғамбарлик тақдирига ишонмайдилар. Унинг Ҳақиқат нимадалигини билдиришга уринишларини гўё уларнинг кўзга “Ҳақиқат”ни яшириш, деб ғийбат ва таъналар қилишади.

Матнда ***гāуш*** сўзи қорамол маъносида келган. Қорамолни Авестада Малак зот Ваҳу Мананинг, яъни Эзгу ўй фариштасининг ипостас тимсоли ҳисобланади. Бир вақтлар, зардуштийликдан авваллари ҳам қорамол эъзозланган. Бу одат орийлар кўчкини билан Ҳиндистон ярим оролигача борган ва

ҳозиргача сақланиб келмокда. Таҳлил қилинаётган бандда "Буқани сўйиш (ўлдириш)" маъносида грехмаларнинг даъвати қораланмокда. Бу лавҳа, афтидан узоқ ўтмишда қолган, хатто Зардуштийликдан аввалги эътиқоднинг қолдиқ изларидан бири бўлса керак. Заратуштра ўз даъватларида кўп миқдорда чорвани (юзта от, мингта қорамол, сон-саноқсиз қўй-эчки - Ардви Сура, Аши алқовларида) бир йўла қурбон қилиш сингари исрофгарчиликка қарши курашган. Масалан, Заратуштра бир қўйни сўйиб эҳсон қилишни расмийлаштириш учун бу ҳайвонга ***"гава спента"***, яъни "муқаддас буқа" деб аташни буюрган. Шу сабабли ***қўй*** сўзи бугунги эроний тилларда ***гўсфанд*** дейилади.

Ясна, 32.15.



*anAiS A WI-nVnAsA YA karapOtlscA kvwItlscA*
*awAiS aibI YVNg daiNtI nOiT jyAtVuS xCayamnVNg WasO*
*tOi AbyA bairylNtE WaMhVuS A-dvmAnE manaMhO.*

Шу боис кавий ва карапанлар ғурбатда.
Имонлиларга кун бермай, илоҳий иродатга





Бўйсинмай тушар охир дўзаҳий уқубатга.
Қилмишлари-ла кавий ҳамда ул карапанлар
Мазда иродасига бўйсинмай халокдирлар.
Одамларга кун бермай, охир оқибат улар
Эзгу ўй манзилидан, Бехиштдан маҳрумдирлар.

к***арапанлар*** ибораси Авестада кўп ишлатилади. Уни кўпчилик авесташунослар "бўлар-бўлмас ёлғон сафсаталарни валдираб юрган жаҳолатпарастлар ва уларнинг пешволари" деб изохлайдилар. Бу ўринда ***кавийлар*** ибораси ҳам салбий маънода, Заратуштра таълимотига кирмай жоҳилликда қолган маҳаллий ҳукмдорлардир. Қадимий ривоятлар кавийларни хатто подшолик сулоласи қилиб ҳам кўрсатади. Эроний ривоятлардан бирида Кова исмли ҳунарманд киши озодлик, эркинлик учун халқ курашининг етакчиси сифатида намоён бўлади. Бинобарин, кавийларнинг ҳаммаси ҳам Заратуштра ғояларига қарши бўлмаганлар. Масалан, Кавий Виштасп Зратуштранинг илк саҳобаси, ҳомийсига айланиб, унинг дини Ўрта Осиёдан Эронга кириб боришига ва ёйилишига хизмат қилгани ҳам маълум.

Банд мазмунида "иродат" ва "итоат" ибораларининг ўрни алоҳида. Иродат "Ҳакам иродаси", яъни Аҳура Мазданинг мутлақ ҳукми каби маънонинг ишорат орқали берилган шаклидир. Аҳура Мазданинг иродасига бўйсинмаганлар "Эзгу ният" манзилига, яъни беҳиштга тушмайдилар. Уларга тақдир ҳукми дўзаҳ бўлғувсидир. Дўзаҳ сўзи авестача ***"дауж вахув",*** яъни абадий "ёмон ҳаёт"га маҳкумликдир.

Қудратлари кўмакдош, Оламни тутиб турган
Эй Аҳура Мазда, сўзларимга тутақол қулоқ
Сен ўзинг-ку мағфират ваъдасин берган.
Кечирганда Гуноҳларни бизга ҳам бир боқ..

Изоҳ: Зардушт гўё ўз издошларига ( ёки эзгу динга чорлаб мурожаат қилаётган жамоасига) Аҳура Маздага илтижо қилиб ўқиладиган дуони ўргатаётгандек. Бу дуо сўзини Зардушт ўзи номидан барча бандаларнинг гуноҳларини кечиришини сўраб айтаётибди десак, унинг пайғамбарона ғоясига мос тушган бўлур эди. Шунинг учун бу илтижоли нидо зардуштий қавмларининг ҳидояти ва истиғфорига қаратилган дейиш ўринлидир.

Бу қўшиқдаги Испандармат, Аша, Шаҳриёр, Ваҳуман(а) каби малак сиймолар Аҳура Мазданинг эзгу оламни ушлаб туришида воситачилардир. Аслида ушбу малак зотлар тизими Аҳура Мазданинг “фаолият” соҳалари бўлиб, унинг чексиз қудратининг намоён бўлиш шаклларидир. Булар эзгу ният ( Ваҳумана-Баҳман), жаннатий ҳақиқат ( Арта ваҳишта-Ордубиҳишт), Комил ақл ( Спента Армаити- Испандармат), Адолатли ҳукмдорлик( Хшатра Варйа-Шаҳриёрлик), Соғлом бутунлик, борлиқни энг ягона ва бузилмас бирлиги ғояси (Ҳаурватат-Ҳурдод), Абадий барҳаётлик, ўлмаслик  (Амеретот-Мурдод) каби малак зотларким, уларнинг мавжудлиги Аҳурамазда моҳиятининг турли қирраларини ифодалаб, эзгулик дунёсиинг барча соҳа ва жабҳаларини бекаму кўст қамраб олади, ёвузликнинг барча кирдикорларини даф қилади.







Бағрида умримни зиёда кўрай.
Аҳуранинг тўғри ҳақ йўлин тутай.

Сурўш тимсоли илоҳийлашаган сомеълик деб тушунилади. Яъни Сурўш, инсоннинг кўнглидан ўтган фикридан тортиб дуо ва такбирларини, ибодатларини тинглаб тургувчи, Аҳура Мазданинг “барча нарсани эшитиб тургувчи мен сомеъман” деган сифатига ижрочи муаккилидир. Заратуштра Сурушни чорлашдан мақсади ундан эзгу ният Ваҳумана оламида, Аҳура Мазда кўрсатган тўғри йўлда бардавом бўлишини, узоқ умр ато этиш ниятини билдирмоқда.

Ясна, 33.6.



*YV zaotA aCA vrvzUS hwO manyVuS A WahiStAT kayA ahmAT awA manaMhA YA WvrvzyeidyAi maNtA WAstryA tA-tOi izyAi ahurA mazdA darStOiScA hVm-parStOiScA.*

Артанинг қўшиғин, хақ куйин куйлаб
Эй Баҳмон сенга бир илтижоим бор.

Йўл кўрсат, токи мен Маздани ўйлаб,
Одамлар қалбида айлай барқарор
Аҳура,орзуим - сен билан дийдор.
Эзгу руҳдан пайдоман Ҳақиқат хизматкори
Хаёлимда чорванинг чўпонлик ташвишлари
Эй Аҳура орзуим Дийдорингнинг мен зори
Сенга мусоҳиблик менинг асл дилимда бори.

Бу бандда тадқиқтчилар учун Заратуштра дунёсида етакчи хўжалик уклади чорвачилик бўлган, дейишга асос бордек кўринади. Бироқ Заратуштра Чўпонлик, Чорва сзларини образли маънода диний жамоа ва унинг диний пешвоси сифатида ишлатмоқда. Бунга ўхшаш ҳолат христианлик православ мазҳабида ўз жамоасига "пастор, паства" каби сўзларнинг ишлатилишида кузатилади.

Ясна, 33.7.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]





Азалда, ҳозир ва келажак албат, бер Эзгулик учун фароғат бадал.

Эй, Мазда! Ваҳуман, Арта, Шаҳриёр Ҳидоятга элтсин бизни ҳар маҳал!

Изоҳ: Ҳақ йўлидаги имонлиларни ўзининг қудрати ва неъматларидан баҳраманд қилишини Зардушт Аҳура Маздадан сўрамоқда. Негаки, бундайин эзгулик Унда азал мавжуд, ҳозир бор ва абадий бўлғусидир. Аҳура Мазданинг эзгу ўй учун, ҳақиқат учун ва адолатли ҳукмронлик учун абадий манба эканлигини имонлилар руҳи учун, ҳаёт чоғида ва у дунёга рихлатдан кейин ҳам туганмас неъмат бўлиб ёғилаверади. Бунинг учун инсон имонда мустаҳкам бўлмоғи лозим.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*aT tOi myazdvm ahurA nvmaMhA aCAicA dAmA*
*gaEql WIspl A-xCaqrOi Yl WohU qraoStA manaMhA*
*ArOi-zI hudlMhO WIspAiS mazdA xCmAwasU sawO.*

34.3. Испандармат, Аша ва Шаҳриёру Ваҳуман

Изоҳ: Хурдод (Хаурватат) оламнинг бутунлиги, тўкислик, саломатлик, реал ҳаётнинг хаққоний мавжудлиги, Амэрэтот – абадий ўлмаслик ғояси. Ҳар икковининг Ҳамкорлиги Ҳақиқатни, унинг шаъни шавкатини, улуғлигини янада баланд қилади. Кимнингки, нияти пок бўлса, Хурдод ва Амэрэтот унга Ҳамроҳ, эш бўлади. Зардушт ушбу икки малак сиймо Ҳақнинг ҳақлигини янада улуғлашини таъкидлаш билан барабар, Аҳура Мазданинг муқаддас руҳига мурожаат этмоқда ва ўзи учун (албатта, бу орқали ибодатдаги имонли бандаларнинг барчаси учун ҳам) жаннат (биҳиш – ваҳу ҳишта) неъматларини сўраб, илтижо қилмоқда.

Ясна, 34.2.

*aTcA I-tOi manaMhA mainyuScA WaMhuS WIspA dAtA*
*spvNtaFyAcA nvrvS KyaoqanA YehyA urwA aCA hacaitE*
*pairigaEqE xCmAwatO WahmE mazdA garObIS stUt&m.*

34.2. Борлиғингда эзгулик азал, ҳозир бор, нозир у, абаддир абад





*A-mA AidUm WahiStA A-XaiqyAcA mazdA darvCaTcA*
*aCA WohU manaMhA YA sruyE parV magAunO,*
*AwiS-nl aNtarv hVNtU nvmaXaitIS ciqrl rAtayO.*

Ҳузуримда ҳозир бўлинг! Яхшилар
Яхшиси Ваҳумана Эзгу фикратла
Ҳақиқат тимсоли Ашадир гувоҳ
Тоату ибодат, намоз сийлови -
Соғлик ва Умрзоқлик било иштибоҳ.

Зартуштра "Яхшиларнинг яхшиси" деганда Аҳура Маздага мурожаат қилмоқда ва рамзий маънода уни ўзининг ҳузурига чорламоқда. Шу билан бирга Аҳура Мазданинг олти эманацияларидан иккинафарини ҳам чорламоқда.Уларнинг бири Аша – лий ҳақиқат, эзгулик асоси Мазданинг бош сифати, Иккинчиси Ваҳумана, "Эзгу ният, эзгу фикр" малак сиймоси. Буларни чорлашдан мурод, тоат ва ибодатларига гувоҳ бўлсинлар. Токим, у Аҳура Маздадан ўзига берилажак соғлик, саломатлик, умрзоқлик неъматларини сўрамоқда.

Ясна, 33.8.

*frO-mOi frawOizdUm arvqA tA YA WohU KyawAi manaMhA*
*Yasnvm mazdA xCmAwatO aT WA aCA staomyA Wacl*
*dAtA WV amvrvtlscA utayUitI haurwatAs draonO.*

Эзгу ўй изидан издош истагим
Нидосин тинглангиз, илтижом Сизга!
Ниятим сизгадир айни муносиб
Ҳақнинг ҳақ ҳурмати Мазда ва Мурдод
Ва Хурдод, абадлик бағишланг бизга!

Заратуштра (Зардушт) ўзининг Ваҳумана (Эзгу ўй малак сиймога издошлигини, яъни нияти поклигини таъкидлаб, Аҳура Маздага, тўғрироғи, унинг Амэрэтот (Мурда бўлмаслик, абадият малоикаси) ва Хаурватат (Хурдод) – олам борлиқнинг бутунлиги, тўла-тўкислиги, соғлик-саломатлигини таъминлашга сафарбир малоика)ларига мурожаат этмоқда, токи унинг таълимотига ва ўзига абадийлик бағишласинлар.

Ясна, 33.9.





Гоҳда ўзини худо олдида бир ***дригу*** (авестача “гадо, тиланчи, хожатманд, бадарға одам”) ожиз ва муҳтож одам деб таърифламоқда. Дарвоке, ***бадарга*** сўзининг этимологик илдизи балки шу ***дригу*** сўзидадир?

Ясна, 34.1.

*(zOT,)*
*YA KyaoqanA YA WacaMhA YA YasnA amvrvtatAtvm*
*aCvmcA taEibyO dlMhA mazdA xCaqrvmcA haurwatAtO*
*aEC&m tOi ahurA VhmA pourutvmAiS dastE.*

Арта эрур чиндан ҳам  қувватбахш.
Унинг улуғлигин осмонга баланд
Элтгувчи гар бўлса пок ният,
Ҳақ Хурдоду чин  Мурдод
Бўлғайлар ҳамроҳ албат.
Охират бу икки малакдан
Бизга ҳам насиб мадад.

Заратуштра (Зардушт) ўзининг Ваҳумана (Эзгу ўй фариштасига издошлигини, яъни нияти поклигини таъкидлаб, Аҳура Маздага, тўғрироғи, унинг Амэрэтот (Мурод йўлмаслик, абадият малоикаси) ва Хаурвашат (Хурдод) – олам борлиқнинг бутунлиги, тўла-тўкислиги, соғлик-саломатлигини таъминлашга сафарбир малоика)ларига мурожаат этмоқда, токи унинг таълимотига ва ўзига абадийлик бағишласинлар. Буларнинг барчасини Артабоннинг (Ҳақпараст имонли инсоннинг) эзгу нияти, эзгу сўзи ва эзгу амали эвазига беришни сўрайди. Дарвоқе, бу гуноҳлар дунёсининг тугаши ва беҳиштий пок дунёнинг “яралиши” ҳодисасини Авеста Фрашукэрэти деб атайди. Буни “Мўъжизавий ажралиш”, яъни эзгу дунёнинг ёвузликлар дунёсидан ажралиб абадий покланиши деб кўрсатади. Аслида зардуштийликнинг ахлоқий-фалсафий моҳиятида ҳар бир инсон ўз борлиғидаги ёвузлик руҳидан покланишга, мутлақ эзгулик сари интилишга даъват этилган. Демак, Фрашукэрэтига–эзгулик томон ўгирилишга бутун борлиқ ўлчамларидан бошлаб оддий инсон қалбигача, ҳамма баробар дахлдордир.

**Ясна, 34-қўшиқ.**

Ясна сўзи “ибодат, юкунч, ўзни ва руҳни худо йўлига бағишлаш, мустаҳкам имон, эътиқод, ишонч” каби маъноларга хизмат қилган. 34-Гоҳда Заратуштра Аҳура Маздага ва унинг сув ҳамда набoтот, ўсимликлар дунёси ҳомийлари бўлмиш икки эманациясига, яъни Хаурватат ва Амэрэтотларга мурожаат қилиб, оловни диний маросимларда муқаддас этишни, олов имонлиларга безарар ва ёлғон дунёсида қолган жоҳиллр учун бутун борини куйдириб йўқ қилгувчи кучга айланишини дуо қилиб сўрамоқда. Шу маънода Зардушт ушбу





*aT tOi mazdA tVm mainyUm aCaoxCayaNtl sarvdyayl*
*XAqrA maEqA mayA WahiStA barvtU manaMhA*
*ayl arOi hAkurvnvm Yayl haciNtE urw&nO.*

Артанинг Чинлиги қувват бағишлаб,
Унинг улуғлигин осмонга баланд
Элтгувчи Хурдоду Ҳақ ва Амэрэтот
Пок бўлса ниятинг бўлғувсидир эш.
Охират кунида икки малакдан
Ажабмас, бизга-да насибдир биҳишт
Ҳақлигинг йўлида камол топгувчи
Бу руҳим сенга ҳавола, Мазда,
У сенга ниёз бўлса, роҳатдир менга
Бунга, кошки эди, руҳлар эргашса.

Хурдод (Хаурватат) оламнинг бутунлиги, тўкислик, саломатлик, реал ҳаётнинг хаққоний мавжудлиги, Амэрэтот – абадий ўлмаслик ғояси. Ҳар икковининг Ҳамкорлиги Ҳақиқатни, унинг шаъни-шавкатини, улуғлигини янада баланд қилади. Кимнингки, нияти пок бўлса, Хурдод ва Амэрэтот унга Ҳамроҳ, эш бўлади. Зардушт ушбу икки малак сиймо Ҳақнинг ҳақлигини янада улуғлашини таъкидлаш билан барабар, Аҳура Мазданинг муқаддас руҳига мурожаат этмоқда ва ўзи учун (албатта, бу орқали ибодатдаги имонли бандаларнинг барчаси учун ҳам) жаннат (биҳишт – ваҳу ҳишта) неъматларини сўраб, илтижо қилмоқда. Банднинг мазмунида мавҳумлик бор. Аввало, унда сўз Зардушт томонидан Ҳақ йўлида ўз руҳини бахшида қилиш роҳат бағишлаши, энгэзгу(Яхши) фикрлар билан ошно бўлиш барча

яхшилик ибтидолрининг ҳамкорлигига хизмат қилади, дейилмоқчи. Мурожаат шаклини И.М. Стеблин-Каменский Аҳура Мазданинг муқаддас руҳига қаратилган, деб ҳисоблайди.

Ясна, 33.10.

*WIspl-stOi hujItayO Yl-zI lMharV YlscA hvNtI*
*YlscA mazdA bawaiNtI qBahmI hIS zaoCE AbaxCOhwA*
*WohU uxCyA manaMhA xCaqrA aCAcA uStA tanUm.*

Сенинг борлиғингда эзгулик азал,
Ҳозир бор, нозир у, абаддир абад
Азалда, ҳозир ва келажак албат
Бер Эзгулик учун фароғат бадал
Эй, Мазда! Ваҳуман, Арта, Шаҳриёр
Йўллари Ҳидоят бўлсин ҳар маҳал!
Имонда яшаётганлар, улар бор, бироқ келажак
Имонлиларни бирдек неъмат-ла баҳраманд эт
Дариғ тутма, Эзгу ўй Давлатингни Ҳақ учун.





Ясна, 33.14.

*aT rAt&m zaraquStrO tanwascIT XaFyl uStanvm*
*dadAitI paurwatAtvm manaMhascA WaMhVuS mazdAi*
*KyaoqanahyA aCAi YAcA uxDaFyAcA svraoCvm*
*xCaqrvmcA.*

Зардушт Маздага бори бисотин
Кучу қудрат, бори ҳаётин эзгу ният, Эзгулик-ла сўз
Чин юракдан назру ниёз қилди, дилида Эзгу ният.
Эзгу сўзу эзгу амални айлади пайваст, айлади эъзоз.

Аввалги банддаги илтижоси ижобат бўлган Зардушт бутун борлиғини худо йўлига чин юракдан бахшида қилиб, ўз динининг Эзгу ният, Эзгу сўз, Эзгу амал каби уча асосий ахлоқий-фалсафий рукнига амал қилиб, унга хабар қилинган Мазда динини эъзозлашга бел боғламоқда. Аслида б руҳий ҳолатга Зардушт аллақачон эришган. Бироқ “Гоҳ”ларда ўзи мисолида одамларни бу эзгуликка чорлашни у муҳим деб билади.

[illegible]

[illegible]

*rafvDrAi WourucaCAnE dOiCI-mOi YA-WV abifrA*
*tA xCaqrahyA ahurA YA WaMhVuS aCiS manaMhO*
*frO spvNtA ArmaitE aCA daEnl fradaxCayA.*

Ўз мулкингдан менга мадад бергилки, мудом
Қизинг Аши тақдиримда, Испандармат ҳам.
Ўргат менга дин-диёнат – бу сендан ўтинч.
Олий Ақл бергин менга, эй Ҳақ, эй Ҳакам,
Узоқларни кўргувчи – сен, Вайўби чашман.

“Узоқни кўргич ” ибораси – Аҳурамазда сифатларидан бири. Асл матнда “катта кўзли, кенг қароқли” маъносидаги бирикма ишлатилган.

( Vayobi čašman). Қўшиқнинг маъноси: Зардушт (ёки Зардуштий имонли артабон) Аҳура Маздага ҳамма нарсани кўриб тургувчи зот, менга ўз мулкингда – эзгу борлиқда мадад бер, омад фариштаси (маъбуда Аши кўзда тутилмоқда) ва Комил ақл (Спента Апмаити Аҳура Мазданинг “комил ақл” сифатига эга эманацияси) менинг тақдиримга ёзилмиш экан, Олий Ақл ва Ҳақиқат (Арта) ҳакамлигида дину диёнат нелигин ўрганайин, дея мурожаат этмоқда.





Ҳақ йўлидаги имонлиларни ўзининг қудрати ва неъматларидан баҳраманд қилишини Зардушт Аҳура Маздадан сўрамоқда. Негаки, бундайин эзгулик Унда азал мавжуд, ҳозир бор ва абадий бўлғусидир. Аҳура Мазданинг эзгу ўй учун, ҳақиқат учун ва адолатли ҳукмронлик учун абадий манба эканлигини имонлилар руҳи учун, ҳаёт чоғида ва у дунёга рихлатдан кейин ҳам туганмас неъмат бўлиб ёғилаверади. Бунинг учун инсон имонда мустаҳкам бўлмоғи лозим.

Ясна, 33.11.

[illegible]

[illegible] (3)

*YV svwiStO ahurO mazdlscA ArmaitiScA*
*aCvmcA frAdaT-gaEqvm manascA WohU xCaqrvmcA*
*sraotA-mOi mvrvZdAtA-mOi AdAi kahyAicIT paitI. (3)*

Испандармат, Аша ва Шаҳриёру Ваҳуман
Қудратлари кўмакдош Оламни тутиб турган
Эй Аҳура Мазда, сен сўзимга тутгил қулоқ
Гуноҳларни кечириш чоғингда бизга ҳам боқ..
Сен ўзинг-ку, ахир, мағфират ваъда қилган.

Зардушт гўё ўз издошларига ( ёки эзгу динга чорлаб мурожаат қилаётган жамоасига) Аҳура Маздага илтижо қилиб ўқиладиган дуони ўргатаётгандек. Бу дуо сўзини Зардушт ўзи номидан барча бандаларнинг гуноҳларини кечиришини сўраб айтаётибди десак, унинг пайғамбарона ғоясига мос тушган бўлур эди. Шунинг учун бу илтижоли нидо зардуштий қавмларининг ҳидояти ва истиғфорига қаратилган дейиш ўринлидир.

Бу қўшиқдаги Испандармат, Аша, Шаҳриёр, Ваҳуман(а) каби малак сиймолар Аҳура Мазданинг эзгу оламни ушлаб туришида воситачилардир. Аслида ушбу малоика тизими Аҳура Мазданинг “фаолият” соҳалари бўлиб, унинг чексиз қудратининг намоён бўлиш шаклларидир. Булар эзгу ният ( Ваҳумана-Баҳман), жаннатий ҳақиқат ( Арта ваҳишти-Ордубиҳишт), Комил ақл ( Спента Армаити- Испандармат), Адолатли ҳукмдорлик( Хшатра Варйа-Шаҳриёрлик), Соғлом бутунлик, борлиқни нг ягона ва бузилмас бирлиги ғояси (Ҳаурватат-Ҳурдод), Абадий барҳаётлик, ўлмаслик (Амеретат-Мурдод) каби малак зотларким, уларнинг мавжудлиги Аҳурамазда эзгулик дунёсиинг барча соҳа ва жабҳаларини бекаму кўст қамраб олади, ёвузликнинг барча кирдикорларини даф қилади.

Ясна, 33.12.

[illegible]

[illegible]





[illegible]

[illegible]

*us-mOi uzArvCwA ahurA ArmaitI tvwICIm daswA*
*spVniStA mainyU mazdA WaMhuyA zawO AdA*
*aCA hazO VmawaT WohU manaMhA fvsvratUm.*

Мукаррам қил, токи бизни Испандармат ва
Олам руҳи қудратидан қилгил баҳраманд.
Бахшида қил эзгуликнинг ажрини бизга
Ибодату, назру ниёз бўлсин давомат.
Ҳақиқат енгишлиги доимо яхшилик абад
Ғолиб бўлсин, устувор доимо эзгу ният.

Асл матнда “ Аршингдан тушиб кел, само узра қалқиб чиқ” қабилида тушиниш мумкин бўлган Авесточа san- феъл ўзаги ишлатилган. Қўшиқнинг талқини бизга кароматингни кўрсатиб Комил ақл ва Ваҳемана каби малоикаларнинг қудратини бер, токи бизнинг эътиқодимиз улардан куч олиб давомий бўлсин. Бизнинг эзгу эътиқодимиз эвазига сенинг Ҳақлигинг ғолиб бўлсин ва эзгу ният ҳаётда устувор бўлсин.

Ясна, 33.13.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*aT hwO WaMhVuS WahyO nA aibI-jamyAT*
*YV nl vrvzUS sawaMhO paqO sICOiT*
*ahyA aMhVuS astwatO manaMhascA*
*haiqyVNg AstIS YVNg A-CaEtI ahurO*
*arvdrO qBAw&s huzVNtuSv spvNtO mazdA.*

Ушбу бандда Аҳура Мазда Зардуштнинг илтижосига жавоб бергандек оҳанг мужассам. Унда оламни разолатдан қутқариш, бу астуманд ( моддий-“ устихонли”)  дуёнинг, руҳий самовий борлиқнинг бу дунёсию ва у дунёсини ёвузликдан асраш қайғуси акс этади. Эзгулик дунёсининг асл пировард макони бихишт- Бихишт эса Аҳура Мазданинг ва у яратган Малаклару Маъбудларнинг макони. Аҳура Мазда эса энг яхши зот томири, уруғи-ю урпоғининг мужассамидир.

Имонли эр имон учун орзулари ушалсин
Халос йўлин ўргатар ул-холис йўли тўшалсин
Борлиқ астум дунё эзгу ният ила бор бўлсин
Сенга томон етакласин имонли эр барчани
О, муқаддас Аҳура Мазда, Биҳишт маконинг тўлсин.

Изоҳ: Ушбу бандда Аҳура Мазда Зардуштнинг илтижосига жавоб бергандек маъно мужассам. Унда оламни разолатдан қутқариш, астуманд (моддий) дунёнинг, руҳий самовий борлиқнинг бу дунёсию у дунёсини ёвузликдан асраш қайғуси акс этади. Эзгулик дунёсининг асл пировард макони





*aT tOi AtrVm ahurA aojOMhwaNtvm aCA usVmahI*
*asIStIm VmawaNtvm stOi rapaNtE ciqrA-awaMhvm*
*aT mazdA daibiCyaNtE zastAiStAiS dvrvStA-aEnaMhvm.*

34.4. Эй Аҳура оташингни истаймиз Ҳақ билишни,
Ўта чаққон ва қудратли зот Сенинг ўзингсан.
Оловинг тиллари-лаАсли кони зарар ул разолатга биз душман.

Ушбу Гоҳ бандини махсус маросимда, муқаддас олов ёниб турган оташдон олдида ўқишга мўлжалланган деб ҳисоблашади. Оловни Аҳура Маздага қараб “сенинг оловинг” деб аталгани ибтидоий даврлардан бошланган олов культини зардуштийликда қонунлаштириш деб ҳисоблаш мумкин. Оловга ҳақиқатни исботлаш воситаси сифатида қараш ҳам алоҳида диққатга лойиқ. Ҳатто, Зардуштнинг ўзи таълимотининг ҳаққоний эканини исботлашда оловда эритилган маъдан, қайноқ мис синовидан ўтган. Оловнинг таърифлари қаторида асл матнда “энг тез”, “энг қудратли”, “ҳақиқатнинг мужассами” каби сифатлар қўлланган. Оловнинг тиллари эса “чаққон қўллар”, уларнинг ёрдамида разолат ва ёвуз кучлар йўқ қилинади.

*kaT WV xCaqrvm kA IStIS KyaoqanAi mazdA YaqA WA hahmI*
*aCA WohU manaMhA qrAyOidyAi drigUm YUCmAkvm*
*parV-Wl WIspAiS parV WaoxvmA daEwAiScA xrafstrAiS maKyAiScA.*

34.5. Давлатингиз соясида мен бечорани асранг ҳақ Эзгу фикрим учун

Девлару ҳайвонлару одамлардан кўйган Сизни бандангиз устун

Сизнинг хукмингизга барча тобе, ёвузлар эса албатта маҳкум.

Бу бандда Заратуштра ўзини банда бечора, камина, ҳокисор тиланчи каби сифатлар билан таърифлайди. Аҳура Маздани барча ёвуз кучлар, зараркунанда жонзотлардан, девлар ва ҳайвонлар, ниҳоят, одамлардан устун қўйгани учун уни бало-қазолардан асрашини илтимос қилмоқда.





*aTcA ahmAi WIspan&m WahiStvm*
*XAqrOyA nA XAqrvm daidItA*
*qBA cIcIqBA spVniStA mainyU mazdA*
*YA dl aCA WaMhVuS mAyl manaMhO*
*WIspA ayArV darvgOjyAtOiS urwAdaMhA.*

Кимга ким бахт ато этса, унга-да бахт
Келар албат, эзгу ишлар изсиз қолмас
Сен муқаддас руҳ билан бир-қоришгансан
Ҳақиқатга ошно ўзинг, эзгу ўйсан
Олам аҳлин ҳар кунини, ҳар бир дамин
Эзгудан-да, эзгурок қил, шодлик ичра қил шодмон.

Ясна, 43.3.

*uStA ahmAi YahmAi uStA kahmAicIT*
*WasV-xCay&s mazdl dAyAT ahurO*
*utayUitI tvwICIm gaT tOi WasvmI*
*aCvm dvrvdyAi taT mOi dl ArmaitE*
*rAyO aCIS WaMhVuS gaEm manaMhO (2)*

43.1. Зардушт Аҳура Маздадан узоқ умр, боқийлик сўраб илтижо қилади. Унинг бундан муроди “У” нинг ўзига хизматда қоим бўлмоқ. Зеро, фақат Аҳура Маздагина ихлос ила сўралганни бергувчи зотдир.

Ирод этсанг ўзинг ҳакам, ўзинг Ҳақ
Мазда ўзинг, Аҳурасан сен ўзинг!
Боқийлик бер, куч ато этгил мутлақ
Токи мен Ҳақ йўлин тутай, ҳамда Сўзинг
Оқилларга етказмоққа қилайин паймону аҳд.

Бу илтижонинг давомида Зардушт фақат ўзи ҳақида эмас, балки барча одамзод аҳлига эзгулик тилаётгани ҳақида сўз юритади. Токи, бори дунёда одамзод аҳли умри қувонч ва бахт ичра кечсин. Чунки бундай, “ энг эзгудан-да эзгу, роҳатдан-да фароғатли” умрни беришга эзгу фикрат ва руҳ билан қовушган Аҳура Маздагина қодир.

Ясна, 43.2.

[illegible]

[illegible]





[illegible]

*YezI aqA stA haiqIm mazdA aCA WohU manaMhA*
*aT taT mOi daxStvm dAtA ahyA aMhVuS WIspA maEqA*
*YaqA Wl YazvmnascA urwAidyl stawas ayenI paitI.*

34.6. Ҳақиқат ва Чин эзгу фикр-ла дунёни янгилашинг
Ҳақида берсанг эди бир ишончли ишорат менга
Ҳузурингга мақтовингда намоз билан келардим.

Бу бандда Заратуштра гўё Аҳура Мазданинг мутлақ ҳакамлигига шубҳа билдираётгандек. Лекин масала бошқача. Айтилмоқдаки, олламни янгилаш, эзгу асосларга қайтиш албатта тайин. Лекин бу буюк эврилиш қачон рўй беради. Агар чин Эзгу фикр билан бу муддатни аён қилса эди, янада сидқи дилдан намоз ва мақтовларга киришмоқ нияти изҳор этилмоқда. Токи, намоз астойдил эътиқод зардуштийлар наздида оламнинг янгиланишини тезлатувчи омилдир.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*kuqrA tOi arvdrA mazdA YOi WaMhVuS WaEdvnA*
*manaMhO*
*sVNghUS raExvnl aspVNcIT sAdrAcIT caxrayO uCvurU*
*naEcIm tVm anyVm YUCmaT WaEdA aCA aqA-nl qrAzdUm.*

34.7. Қани сенинг, Эй Мазда, Эзгу сўзинг уққанлар?
Билик очун қайғусин этмасми охир барҳам?
Билганим Сен, Сен ҳимоям, сен Ҳақсан, эгам!

Изоҳ: Заратуштра Аҳура Маздага мурожаат қилиб демоқдаки, "Сенинг сўзларингга қулоқ тутиб, йўлингни танлаганлар таълимотинг воситаси билан ҳаётдаги ғам-ташвишни, қайғу ва кулфатларни бартараф этмайдиларми? Қани улар?" Бу шунчаки риторик саволдир. Чунки жавоби тайин. Масала шундаки, зардуштийликда эътиқод эркинлиги алоҳида ўрин тутган. Ҳар бир инссон эътиқодга ўз ихтиёри билан келиши лозим ҳисобланган. Бас, шундай экан, оламнинг носозликларига қарши кураш ҳар бир имонлининг бурчи, унга ўзидан, ўзининг эътиқодда қоимлигидан бошқа нажот йўқ.





Бу бандда Заратуштра яратган зотга мурожаат қилиб эзгу сўзни мантрани унга лойиқ эзгу амални ҳамда эзгу ниятни билдиришни сўрамоқда. Мақсад эзгу ният ( ўй), эзгу амал, эзгу сўз ёрдамида оламни янгилаш, ҳаққоний жаннатий борлиққа айлантиришдан аввл Ёлғон ва Ёвузликлар билан тўла бу дунёнинг муқаррар тамомини ( қиёмат қоимни ) тезлатмоқ, ниҳоят абадий боқий дунёга лойиқ имонлилар ( Артабонлар) нинг руҳларини "тирилтириб" Ҳақ иродаси билан ( янги) дунё яр

**43-хоитий ( Ясна). Уштавад гоҳ 1-қўшик**.

[illegible]

[illegible]

*(zOT u rAspI,)*
*nvmO WV gAql aCaonIS,*

Ҳақ истаги Ҳақдир ҳакам барчага
Гар истасанг Аҳура Мазда сен қодир.

Яснанинг 43 банди 1 қўшиғида.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible] (2) [illegible]

Изоҳ: Аҳура Мазданинг эзгу ғоялари, таълимоти сабабли ҳамда унинг хоҳиш ва иродаси билан имонли инсон орзуси – тўқлик, фаровонликка эришилади.Бундай неъматларнинг асоси эса чорванинг семизлигидадир. Чорванинг семизлиги тушунчасини кўпинча чиндан ҳам молу қўй, эчки, от , туя каби тасаввур этилади. Аслида бу тушунча умуман инсон томонидан боқиладиган нарсаларни, ишлов бериладиган, парвариш қилинадиган шу жумладан ерни ҳам кўзда тутади.

Ясна, 34.15.

*mazdA aT mOi WahiStA srawlscA KyaoqanAcA WaocA*
*tA-tU WohU manaMhA aCAcA iCudvm stUtO*
*xCmAkA xCaqrA ahurA fvraCVm WasnA haiqyVm dl ahUm* (4)

Эй Мазда бизга билдир эзгулик каломингни
Эзгу амалда бўлиб, токи сидқидил билан
Эзгу ўй бирла сенинг қилайлик дуоингни.





Шунинг учун учинчи сатрда Заоратуштра Аҳура МАздани кўзда тутиб, “Таниган билганим ўзингсан, мега ҳимоят ҳам ўзинг, чунки сен Ҳақсан”, дея хитоб қилмоқда.

*tAiS zI-nl KyaoqanAiS byeNtE YaECU as pairI pourubyO iqyejO*
*hyaT as aojyl nAidylMhvm qBahyA mazdA &stA urwAtahyA*
*YOi nOiT aCvm mainyaNtA aEibyO dUirE WohU as manO.*

34.8. Савоб амалларимиз кимгадир қўрқув ва хавф
Чунки Имон гарчи ожиз, йиқар кучли ёғийни.
Ҳақиқатга зид фикрли кўрмас беҳишт боғини

Изоҳ: Имону эътиқодли киши хатто кучсиз, қувватсиз, ожиз бўлса ҳам қудратли жоҳил кишидан устун дейилмоқда. Савобли ишлар имонсизларнинг дилига қўрқув солади. Айниқса, Ҳақиқатга зид фикр юритувчига Эзгу фикр ҳам

белона. Яъни, бундай одам АҳураМазданинг малакларидан бири Ваҳумананинг шафелигидан бебаҳра.

[illegible]

*YOi spvNt&m ArmaitIm qBahyA mazdA bvrvxD&m WIduCO*
*duS-KyaoqanA awazazaT WaMhVuS vwistI manaMhO*
*aEibyO maS aCA syazdaT YawaT ahmaT aurunA xrafstrA.*

34.9. Муқаддас Исфандармат оқиллиги сендан, о Мазда!
Оқилликни ортга отган ул ёвузлар Баҳмондан нари.
Қоч улардан Аша, храфстра биздан қочган сингари.

Изоҳ: Исфадарматни, авестача шаклда Спента Армаитийни зардуштийлар Аҳура Мазданинг Олий Оқиллик функциясини ифодаловчи тажалли (эманация) деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга Спента Армаитийнинг оқиллиги Аҳура Маздага тегишли экани ҳам эътиқод тизимида маълум бўлган. Лекин Спента Армаитийнинг Оқиллигидан баҳраманд бўлмай, яъни Аҳура Маздани тан олмай, бу ҳақиқатни ўзларидан нарилатганлар Эзгу фикр (Ваҳу Мана)





Изоҳ: Заратуштра Аҳура Маздадан унинг иродаси билан амал қилиш лозим булган тоат-ибодат, қандой мақтов ва олқишлар унинг хоҳишига муносиб бўлишини сўрамоқда. Шу билан бирга Заратуштра ўзи мисолида имонлиларга ваъда қилинган бахт ва омад ҳамда илоҳий тақдирни ҳадя қилувчи маъбуда Аши ҳақида сўрамоқда. Бундан муроди шу эдики, ихлосу эътиқодига гувоҳ бўлсин, Ҳақиқат йўлини кўрсатсин. Шунда охират куни келажак ҳодий зотлар (осушийантлар) Аша (Ҳақиқат) кўмагида худо ваъда қилган ажру мукофотни имонли инсонга ҳамроҳқиладилар ва унибеҳиштга етаклайдилар.

Ясна, 34.14.

[illegible]

*taT zI mazdA WairIm astwaitE uStAnAi dAtA*
*WaMhVuS KyaoqanA manaMhO YOi zI gVuS WvrvzVnE azyl*
*xCmAk&m hucistIm ahurA xratVuS aCA frAdO WvrvzVnA.*

О Мазда, Эзгу ўй хоҳиши шулки,
Сенинг розилигинг, таълимотингдан
Чорваси семиз бўлсин, эли фаровон.

Изоҳ: Ушбу бандда ҳам Зардушт Мазда Ясна динининг моҳиятига қавмларини чуқуррок олиб кириш фикрида. Тўғрироғи, у энди диннинг амалий жиҳатларига, маросимларида худо шаънига қандай мақтовлар муносиблигига, ибодат шартларига ишорат қилмоқда. Қай йўсинда ибодат қилиш маъқул, токим, бу амалларнинг савоби олий мақомда бўлсин, деган маънода мурожаат этмоқда. Бунда муҳим ўрни шуки, инсон қай йўсинда эътиқод шартларини бажарса, Эзгу фикр билан осонроқ уйғун бўлади? Бунинг учун Аҳура Маздадан Ҳақиқат йўлини ўргатишни сўралмоқда.

Ясна, 34.13.

*tVm adwAnvm ahurA YVm mOi mraoS WaMhVuS manaMhO*
*daEnl saoKyaNt&m YA hU-karvtA aCAcIT urwAxCaT*
*hyaT ciwiStA hudAbyO mIZdvm mazdA YehyA tU daqrvm.*

Аҳура, Оқиллик-ла ул йўлни менга кўрсат.
Аши қайда, қай йўлдан келур Осушийантлар?
Ваъдангга лойиқ ажринг, насибми бизга жаннат?





ҳимоятидан ҳам маҳрумдирлар. Бундай Нодонлардан Омад ва бахт фариштаси Аши ҳам қочади. Ҳолбуки, Аши эзгулик тарафдорлари, имону эътиқодли бандаларга яқин юради, У кимгаки ёндошса, кимга эш бўлса, у албатта бахтли бўлади, омади доим ёр бўлади. Аши Аҳура МАзданинг эрка қизи, олти ўлмас валийзотларнинг, яъ\ни Аҳура Мазданинг абадий ўлмас малаклари Ваху МАна, Аша Ваҳишта, Спента Армаитий, Хшасра ВАрйа, Ҳаурватат,Амэретотларнинг синглиси деб, ишонилган. Ашига бағишланган гўзал алқов Авестанинг “Яшт” китобида етиб келган.

*ahyA WaMhVuS manaMhO KyaoqanA WaocaT gvrvb&m huxratuS*
*spvNt&mcA ArmaitIm d&mIm WIdwl hiq&m aCahyA*
*tAcA WIspA ahurA qBahmI mazdA xCaqrOi A WOyaqrA.*

34.10. Эзгу ўй, Холиқ ва Ҳақ, ҳам унинг сафдошлари
Аҳура Мазда хукмидан ҳимоят топганларнинг
Эзгу амалларидан Оқил зот воқиф фақат

Изоҳ: Бу бандда Заратуштра бевосита Аҳура Мазданинг ҳамда унинг эманациялари Ваху Мана(Эзгу ўй ва яхши ният тимсоли), Парварлигор (яратгувчи), яъни Аҳура Мазданинг ўзи, Ҳақиқатнинг сафдошлари, яъни олти эманацияси ва барча зардуштийлик(Мазда Ясна динини тан олганлар) га ишорат қилган. Уларнинг баргчасидан воқеъ бўладиган эзгуликларнинг моҳиятини, Аҳура Мазданинг Муқаддас Оқиллик функциясини ифода этган эманацияси Исфандарматнинг назари тушган Оқил кишиларгина биладилар, демоқчи бўлади.

Ясна, 34.11.

[illegible]

*aT tOi ubE haurwlscA XarvqAi A amvrvtatlscA*
*WaMhVuS xCaqrA manaMhO aCA maT ArmaitiS WaxSt*
*utayUitI tvwICI tAiS A mazdA WIdwaEC&m qBOi ahI.*

Хурдод билан Мурдод сенинг тириклик ғизоингдир.
Баҳмону Ордубиҳишт, Шаҳриёру, Исфандармат,
Аша, ва Ҳақ – бўлсалар бир, о Мазда, бу – ёвга даҳшат.





Изоҳ: Аҳура Мазданинг абадийлиги ва нўши则вонлиги(абадий ўлмаслиги) унинг эманациялари, моддий ва маънавий оламдаги барча эзгуликларини юзага чиқарувчи вазифадорларининг борлигидир. Улар бор экан, Аҳура МАзда куч ва қудратга эга. Унинг умрзоқлиги ҳам, абадийлиги ҳам шулар билан боғлиқ. Бу эзгуликларнинг борлиги ёвузликлар учун даҳшат, уларни титроққа солади.

Ясна, 34.22.

[illegible]

*kaT tOi rAzarV kaT WaCI kaT WA stUtO kaT WA YasnahyA*
*srUidyAi mazdA frAwaocA WA WIdAyAT aCIS rACn&m*
*sICA-nl aCA paqO WaMhVuS XaEtVNg manaMhO.*

Эй Мазда, ҳамду олқиш, дуоюю такбирларим
Ўзингга маъқул этдинг қай йўсинда бўлмоғин?
Аша йўлин ўргат бизга, насиб эт беҳишт боғин.

танлови Муқаддас Руҳ фойдасига экани таъкидланмоқда. Муқаддас Руҳ, Ҳақиқат Руҳи эса қуёшдек порлоқ нур сочиб туради. Эзгу ният, Шаҳриёр, Спента Армаитийлар бу танлов учун ажру мукофотлар берадилар, дея якунланади ушбу банд.

**Ясна, 44. Уштавайтгоҳнинг 2-қўшиғи.**

Ясна, 44.1.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*nvmaMhO A YaqA nvmV xCmAwatO*
*mazdA fryAi qBAw&s saFyAT mawaitE*
*aT nV aCA fryA dazdyAi hAkurvnA*
*YaqA-nV A WohU jimaT manaMhA.*

Дўст дўстига сидқидилдан айтгани каби
О Аҳура, айтчи менга, қай йўсин намоз
Сенга маъқул бўлур худди Сен ўқигандек?
Мени ўргат қовушмоққа Ҳақиқат билан
Ва ниҳоят, ҳузуримга келсин Ваҳуман.





Бихишт. Бу эса Аҳура Мазданинг ва у яратган Малаклару Маъбудларнинг макони. Аҳура Мазда эса энг яхши зот томири, уруғи-ю урпоғининг мужассамидир.

Ясна 43.4.

*aT qBA mVNghAi taxmvmcA spvNtvm mazdA*
*hyaT tA zastA YA-tU hafCI awl*
*Yl dl aCIS drvgwAitE aCAunaEcA*
*qBahyA garvmA AqrO aCA-aojaMhO*
*hyaT mOi WaMhVuS hazV jimaT manaMhO.*

Ушбу дуолардан қувонган Зардушт Аҳура Мазданинг шаънини улуғлаб, уни муқаддас spənta (Исфанд) сўзи билан сийлайди. парвардигорининг куч-қудрати имонсиз ( друуғбанд )нинг-да тақдирини ҳал қилади. Аҳура Мазда эзгуликка агир ( мукофот ), ёвузликка жазони ўзи белгилайди. Шунинг учун Зардушт Аҳура Маздани “Муқаддас авлиё” дея

алқайди. Бу ҳақиқатга у афни ҳақ эзгу фикр орқали эришганини таъкидлайди.

Сени исфанд атарман о, қудратли Аҳура
Ўзинг қўлинг билан берарсан ажру жазони билиб
Ёлғон ўзин жазосин, Ҳақиқат мукофотин
Топар охир оқибат, чунки сенсан ҳақиқат
Бул эзгулик сендандир, Сендандир эзгу фикрат.

Ясна, 43.5.



*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT qBA aMhVuS z&qOi darvsvm paourwIm*
*hyaT dl KyaoqanA mIZdaw&n YAcA uxDA*
*akVm akAi WaMuhIm aCIm WaMhaowE*
*qBA hunarA dAmOiS urwaEsE apVmE.*

Ибтидода сени билганимдаёқ муқаддас атадим сени эй Мазда





Бу бандда зардуштийликнинг муҳим қоидасига ишорат бор. Яъни, инсон яхшиликни кўз-кўз қилмаслиги лозим. Жимгина қилинган эзгу ишнинг савоби улуғ, дейилмоқда. Дабдаба қилиб, довруқ солиб, кўз-кўз қилинган яхшилик Ёлғон қаторига киради.

Ясна, 43.16.



*aT ahurA hwO mainyUm zaraquStrO*
*WvrvNtE mazdA YastE ciScA spVniStO*
*astwaT aCvm FyAT uStAnA aojONghwaT*
*XVNg darvsOi xCaqrOi FyAT ArmaitiS*
*aCIm KyaoqanAiS WohU daidIT manaMhA.*

Мана энди Зардуштинг Сени танлади, Мазда
Қуёш талъатли муқаддас Ҳақиқатинг менинг деб
Сенинг Муқаддас руҳинг сингдирди у қалбига,
Исфандармат ва Шаҳриёр бергайлар унга ажрин.

Заратуштра бу бандда ўз номидан "мен" деб эмас, учинчи шахсда "у" деб сўзламоқда. Асосий фикри Эзгу аҳура таълмиотни қатъий танлаганини ҳақида хабар бермоқда. Унинг

Бундай қурбат етишсин сендан, имконингдадир.
Ҳайдаб солайлик, сирли сўзинг қўл келиб,
Таълимотинг тахқирлаб, нописан қилганларни.

Заратуштра Аҳура Маздадан илтижо қилмоқдаки, ўзининг сафдошлари билан Аҳура берган магик сўз (мантра)ни дилда такрорлаб, Мазда таълимотини рад этувчиларни, уни тахқирловчиларни ҳайдаб солишни истайди.

Ясна, 43.15.



*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT mA WohU pairI-jasaT manaMhA*
*daxCaT uKyAi tuCnA maitiS WahiStA*
*nOiT nA pourUS drvgwatO FyAT cixCnuCO*
*aT tOi WIspVNg aNgrVNg aCAunO AdarV.*

Ваҳумана топгач, Сени таниган оним
Муқаддас деб билдим Сени Аҳура.
Ботиний фиикратни, дилда ўйлашни
Зоҳирда ёлғону ялтоқдан афзал
Дея ўргатганинг қаъдамдир менинг.





Сен менга ихлосим учун ато этдинг мукофотлар, амал-сўзим-чун
Ақлингдан куч олиб йўлинг тутарман
Бу дунё-ю у дунё ёвузликка зид
Эзгулик туғини баланд тутарман.

Бу бандда Аҳура Мазданинг ҳар икки дунёнинг фано ва бақонинг ҳаками экани, Тоабад шундай бўлиб қолажаги, охират кунида ёвузликка аёвсиз жазо, эзгуликка эзгу мукофот ҳам унинг измидалиги, у зотнинг Оқиллиги-ақли билан бандаси ( Зардушт ) иш тутажаги, унинг иродаси мутлақ ҳукмлиги таъкидланмоқда.

Ясна, 43.6.



*YahmI spvNtA qBA mainyU urwaEsE jasO*
*mazdA xCaqrA ahmI WohU manaMhA*
*YehyA KyaoqanAiS gaEql aCA frAdvNtE*

*aEibyO ratUS sVNghaitI ArmaitiS*
*qBahyA xratVuS YVm naEciS dAbayeitI.*

Эй Аҳура, Муқаддас руҳ, Хшасра Варя,
Ваҳумана билан бирга келибсан қутлуғ.
Эзгулигинг блан гардун бўлди фаровон
Исфандармат жар солмоқда Олий ҳукмингдан,
Сенинг  ақлинг ҳеч бир кимса чалғитолмас.

Бу бир руҳий транс ҳолатки, Заратуштра ҳузурига Аҳура Мазда Муносиб ҳукмдорлик рамзи Хшасра Варя, Эзгу ният фариштаси Ваҳумана, ҳамда муносиб оқиллик рамзи Спента Армаититйлар ҳамроҳлигида кириб келгандек. Аҳура Мазданинг Олий онг, худованд ақл эгаси эканлигини Спента Армаитий бараллa айтмоқдаки. Бу хабарни эшитган Заратуштра шу заҳотиёқ имон келтириб, "Аҳура Мазда, сенинг ақлингни чалғита оладиган куч йўқ", деб ўз эътирофини билдирмоқда. Ниҳоят, Шаҳриёрлик, Эзгу ният, Олий ақл, муносиб тфаккур бирлиги туфайли инсоният олий Ҳақиқат сари,  абадий бахтли ҳаёт сари қадам ташлайди.

Ясна, 43.7.







Зартуштра ўз тақдирини Аҳура Маздага боғлагани, Аҳура Мазда эса уни Ваҳумана орқали йўқлаб, орзу умидларини билган, ўз навбатида Заратуштра Мазда Ясна динининг келажаги буюк ва абадий бўлажагини аввалдан билгани ушбу банднинг мазмунини ташкил этади. Бироқ, диннинг ҳам, Заратуштра тақдирининг ҳам асл ҳукми Аҳура Мазданинг ўзида экани алоҳида таъкидланади.

Ясна, 43.14.



*hyaT nA fryAi WaEdamnO iswA daidIT*
*maibyO mazdA tawA rafvnO frAxCnvnvm*
*hyaT qBA xCaqrA aCAT hacA fr&StA*
*uzvrvidyAi azVm sarvdanl sVNghahyA*
*maT tAiS WIspAiS YOi-tOi m&qrl marvNtI.*

Дўст дўстига тилаганидек эзгулик бахш этгил менга
Мени қўлла, Аҳура Мазда, одамлар ҳам тан олсин.

босса, беҳишт роҳатлари насиб этади. Сурўшга бу мураккаб ишда маъбудлар Митра ва Рашну ёрдам беришади. Хулоса шуки, мазкур банд инсонга охиратда икки тақдир борлишгини эслатиш учун киритилган, дейиш мумкин.

Ясна, 43.13.

[illegible]

*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT mA WohU pairI-jasaT manaMhA*
*arvqA WOizdyAi kAmahyA tVm mOi dAtA*
*darvgahyA YAuS YVm Wl naEcIS dArvSt itE*
*Wairyl stOiS YA qBahmI xCaqrOi WAcI.*

Ибтидода сени танигандаёқ
Муқаддас  атадим сени эй, Мазда
Менинг орзуларим, билмак йўлинда
Муқаддас фикратла йўқладинг мени.
Менга ато этмишинг узоқ умримда
Тақдирлар бизнингмас, сенинг ҳукмингда.





[illegible]

*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT mA WohU pairI-jasaT manaMhA*
*pvrvsaTcA mA, ciS ahI kahyA ahI*
*kaqA ayArV daxCArA fvrasayAi dICA*
*aibI qBAhU gaEqAhU tanuCicA.*

Мен Сени, о Аҳура, Муқаддас билдим.
Шунда Ваҳумана мени етаклаб,
Сенинг ҳузурингга олиб борганди.
Кимсан?, - дединг. Кимлардансан?
Ҳақни ва ўзингни қай кун англадинг?
Ҳақлигимга мардум ичра сенсан жавобгар.

Бу лавҳа Заратуштрага пайғамбарлик миссияси юкланиши билан боғлиқ. Аввало, Заратуштра Ваҳумана (Эзгу ният фариштаси) билан юзма-юз бўлган ҳаяжонли дамларни эсламоқда. Ниҳоят, Ваҳумана воситаси ила Аҳура Мазда билан меърожини хотирламоқда. Меърож онларида унга берилган саволларни такрорламоқда. Берилган саволлар аслида Заратуштранинг қай тмомонда, дуруғ томонидами, ёки Аҳура Мазданинг Ҳақиқати томонидами? - деган тарзда қўйилган эди. Ниҳоят, Шаҳриёрлик, Эзгу ният, Олий ақл, муносиб тафаккур бирлиги туфайли инсоният олий Ҳақиқат сари,  абадий бахтли ҳаёт сари қадам ташлайди.

Ясна, 43.8.



*aT hOi aojI zaraquStrO paourwIm*
*haiqyO dwaECl hyaT isOyA drvgwAitE*
*aT aCAunE rafvnO FyVm aojONghwaT*
*hyaT AbUStIS Wasasv xCaqrahyA dyA*
*YawaT A qBA mazdA stAumI ufyAcA.*

Аҳура Мазданинг саволига Зардушт жавоб бермоқда ва ўзини танитгач барча Елғон бандалари қабиҳларнинг душмани эканини таъкидламоқда. Шу билан бирга унга куч қудрат ато этса унинг (Аҳура Мазданинг) иродасини рўебга чиқариб, мақтовлар “тўқир” шаънига.

Мен дедим, аввало Зардуштман, чиндан
Ёвдирман барча қабиҳу разилга
Қудратим таянчи имонли билга
Ёюрман, о Мазда, донгингни элга.





*hyaTcA mOi mraoS aCvm jasO frAxCnvnE*
*aT tU-mOi nOiT asruStA pairyaoGZA*
*uzvrvdyAi parA hyaT mOi A-jimaT*
*svraoCO aCI m&zA-rayA hacimnO*
*YA WI aCIS rAnOibyO sawOi WIdAyAT.*

Ҳақиқатинг ҳаққи, хабар берган чоғингда
Мен сени танладим, Мазда, қуёш тальатлим.
Қудратим Ҳақ билан мужассам деб бил.
Шаҳриёру Ормаитий эзгу амалларимга
Ажр бермишлар – Ваҳуман кафил.

12-банднинг мзмунида тақдир масаласига урғу берилган. Зартуштра қалбида кечган туйғулар унга илоҳий чорлов бўлиб туюлган. Аҳура Мазда моҳиятида ибтидоий, баъзан ҳаддан зиёд жамият ижтимоий, маънавий ҳамда иқтисодий ҳаёти учун зарарли одатларни ислоҳ қилиш, кўплаб маъбуд ва маъбудаларнинг жамият бирлигига акс таъсиридан қутилиш зарурияти кабиларга жавоб топган. Уни якка-ягона, ҳамма нарсага қодир, яратгувчи эзгу ибтидо сифатида қабул қилиш Заратуштранинг тақдирига айланган. Бу вазиятда унга маъбуд Сурўш ёрдамга келади. Сурўш (авестача Сраоша) “итоат” демакдир. Айни шу категория зардуштийликнинг эзгулик асосларига қулоқ солиш, сўзсиз амал қилиш, дилдан ихлос қилиш каби меъёрларга хизмат қилган. Сурўш ёлғиз тушунса эмас. У тақдир ва омад маъбудаси Аши билан ҳамроҳ. Сурўш нариги дунёга ўтиш даги Чинвад кўприги олдида инсоннинг бу дунёдаги амалларини тарозуда ўлчайди. Гуноҳлар оғир келса, майит руҳига дўзаҳ азоблари, савобли эзгу ишлари тош

*hyaT xCmA uxDAiS dIdai?hE paourwIm*
*sAdrA-mOi s&s maKyaECU zarazdAitiS*
*taT WvrvzyeidyAi hyaT mOi mraotA WahiStvm.*

Мен сени авлиё дерман Аҳура фикримсан, Мазда
Борлиғим эзгулик фикрингла топдинг ман ўта бахтли
Ваҳий сўзларингни ёд этдим илк бор, шунда огоҳ бўл
Деб мени ўргатдинг жабру ситамлар,
Жаҳолат қавмидан ҳали анчайин келадир ғамлар

Изоҳ: Зардушт “Гоҳ”ларни куйлаган чоқда Аҳура Мазданинг маънига мақтов ихлос сўзларини такрорлагач, уни илк бора “меърож” ий учрашувда огоҳ этилганини эслайди. Яъни Мазда Ясна динини одамларга етказган пайтида кўп жабри ситамларга дуч келажаги олдиндан маълум қилинган. Аммо эътиқодда Зардушт ўз имонидан қайтмади.

Ясна, 43.12.







Ушбу лавҳада жонли бир вазият акс этган. Заратуштра гўё реал суҳбат ҳолатида, оддий савол жавоб бўлиб ўтмоқда. Ҳолбуки, бу суҳбат яратган зот билан, унинг ҳақиқиати тақдири ҳақида бормоқда. Заратуштра ўзини танитиб, бу мен Задуштман, оламда барча разолат, қабоҳат, ёвузликларнинг, ва айниқса, шайтоний ёлғоннинг душманиман, деб жавоб бермоқда. Шу билан бирга Аҳура Маздаництни шурату шаънини оламга ёймоқ нияти эканини билдирмоқда. Асл матнда бу ваъда “Сенинг, эй Аҳура МАзда , шуҳратинг матосини тўқувчиси ва олам узра ёйгувчи менман” каби жумла ишлатилган.

Ясна, 43.9.



*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT mA WohU pairI-jasaT manaMhA*
*ahyA fvrasVm kahmAi WIwIduyE WaCI*
*aT A qBahmAi AqrE rAt&m nvmaMhO*
*aCahyA-mA YawaT isAi manyAi.*

Ибтидода сени танигандаёқ
Муқаддас  атадим сени эй, Мазда!
“Кимга хизматда, кимга эшсан, айт!
Сўрадинг ўшанда, мен дедим тезда:
Муқаддас оловга менман эъзозда.

Изоҳ: Аҳура Мазданинг “Сен кимга хизматдасан? - деган саволига Зардушт то сўнгги нафасимгача сенинг муқаддас оловингни эъзозлаган ҳолда ўзингга хизмат қиламан”, - дея жавоб бермоқда.

Ясна, 43.10.



*aT tU mOi dAiS aCvm hyaT mA zaozaomI*
*ArmaitI hacimnO IT Arvm*
*pvrvsAcA nl YA tOi VhmA parStA*
*parStVm zI qBA YaqanA taT Vmawat&m*
*hyaT qBA xCay&S aECvm dyAT VmawaNtvm.*





Ҳақ йўли кўрсатгил айлагил ошкор, токи чорлайин
Ҳақиқатинг бирлан  келсинлар охир Олий Ақлга
Биздан ҳам сўрагил ўшал такбирни бизга қил тайин
Қудратинг зиёда айлагич ўшал улуғ таъбирни
Гарчи сен истасанг кучли бўлмоқни такбир айтайин.

Изоҳ:  Зардушт Аҳура Маздадан илтимос қилиб Ҳақиқатни ошкор этиб кўрсатишни сўрамоқда. Ҳақиқат  унга юз кўрсатса, у ҳақ йўлга одамларни чорлашни ният қилмоқда. Аҳура Мазда янади қудратли бўлиш учун Зардуштдан нималарни сўраши мумкин? Бироқ, Аҳура Мазда ўзи шундаек ҳеч нарсага муҳтож эмас. У янада қудратлироқ бўлишни истайдии? Агар “ҳа” бўлса уни шарафлаб такбир айшилишини аввало Зардуштдан сўрасин.

Ясна, 43.11.



*spvNtvm aT qBA mazdA mVNghI ahurA*
*hyaT mA WohU pairI-jasaT manaMhA*

кўпайтириш томонида турса, булар имонли, артабон (ашавон), кимки, бу ишларга зид турса, Ёлғон бандаси, друғбанддирлар, деган хулосага келади ва буни қавмлари орасида тарқатади.

Ясна, 44.13.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA drujvm nIS ahmaT A nIS nACAmA*
*tVNg-A awA YOi asruStOiS pvrvnlMhO*
*nOiT aCahyA AdIwyeiNtI hacVmnA*
*nOiT frasayA WaMhVuS cAxnarV manaMhO.*

Сендан сўрарим бор, Аҳура, айт чин сўзни менга
Друғбанддан қандай қилиб поклайин бу оламни?
Эзгу сўзга қулоғи кар бўлганларга қандайин
Ҳақиқатни тан олдирай, Ҳақ билан дўст этайин?
Наф олмоқни истамаса Эзгу сўздан, нетайин?

Зратуштра Ёлғон бандаларининг кирдикорларидан, ёвузликнинг барча турлари мужасасами, Ахриманнинг бош





“Ясна”нинг ушбу 44-қўшиғи бошдан оёқ Заратуштранинг Аҳура Маздага борлиқ, инсон, имон, ҳаёт, охират, тақдир каби масалалар бўйича саволлари ва уларнинг жавоблардан иборат. Аксари саволлар риторик хусусиятга эга. Яъни маълум ҳақиқат ҳақида сўралади, жавоби “Бу Сен ўзинг, Аҳура Мазда” шаклида тузилган. Бу саволлар муқаддас Қуръони Каримда учрайдиган, масалан, “осмонни, ойни, қуёшни, юлдузларни ким яратган?” -каби саволларни эслатади. Жаҳон динларида, миллий ва турли маҳаллий диний анъаналарда шу каби савол - жавоб формуласи кенг тарқалган (Ригведа, “Тўнғич Эдда”, “Вафтруднир воизликлари”.

Ушбу 44.1-бандда Заратуштра Аҳура Маздадан намоз ўқиш, буни қандай адо этиш, Ҳақиқат ва Эзгу фикр малак сиймоси Ваҳумана билан руҳан бирикиш учун қандай намоз муносиб, Мазданинг ўзидек намоз даражасига қандай эришиш мумкинлиги ҳақида сўрамоқда. Дарвоқе, Авестада Олий илоҳ Мазда ҳам намоз ўқийди, деган ақида бор. Буниси энди, агар у Олий мақомда бўлса, намозини кимга бағишлайди? Қоаверса, Ардви Сура Анаҳитага бағишланган алқов – Обон Яштда Аҳура Мазда Ардви Сурадан “Зардуштнинг кўнглига Унинг сўзларини эшитиб, динини қабул қилиш ва хуш хабарини инсониятга тарқатиш ниятини солгин”, деган илтижо ҳам учрайди[1].

[1] Авеста. Яшт китоби. МИрсодиқ Исҳоқов таржимаси. Токент: Шарқ, 2001. -Б.

Ясна, 44.2.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA aMhVuS WahiStahyA paourwIm*
*kAqV sUidyAi YV-I paitiCAT*
*hwO zI aCA spvNtO irixtvm WIspOibyO*
*hArO mainyU ahUmbiS urwaqO mazdA.*

Дўст дўстига сидқидилдан айтгани каби
О Аҳура, Қутлуқ сўзинг айт менга , билай.
Қандай қилиб бутун борлиқ омон топгайдир
Қовушмаса охир арийқ-у пок Ҳақиқат ила ?
О Маза, борлиқнинг ҳомийси Ўзингку ахир!

Заратуштранинг бу саволи охиратда бутун болиқнинг тақдири ҳақида. Маҳшар куни ким ажру мукофотларини, ким эса гуноҳлари учун жазосини топади. Оламнинг тақдири нима бўлади. Ахир, оламнинг ҳимояти, унинг ислоҳи, омонатига кафолат Аҳура Мазданинг ўзи эмасми?





*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kV aCawA YAiS pvrvsAi drvgwl WA*
*katArVm A aNgrO WA hwO WA aNgrO*
*YV-mA drvgwl qBA sawA paitI-vrvtE*
*cyaMhaT hwO nOiT ayVm aNgrO manyetE.*

Сўрарим бор, о Аҳура, айт чин сўзингни менга
Ким бу динда чин ихлосманд, кимдир мунофиқ?
Ул иккидан бирининг чинлигин қайдан билай?
Ул ёвузми, ёки бу, динининг нафин билмаганй?
Ёлғончиси қай бири, ростгўйи қайсиниси?

Зартуштра, ўз таълимотибилан юзага чиққан пайтида унинг сўзларини қавмлари тушунмагани, хатто унинг энг яқинлариҳам рад этгани, ниҳоят, ўз манзил маконидан бадарға қилиниб, то вафотгача ўзга юртларда қолгани, бир ёмннинг бир яхшиси деганларидек, ўзга юртда таълимоти қабул қилингани каби воқеалар Авеста шарҳларива зардуштийлик адабиётда қайд этилган. Яна шундай муаммо чиққан шекилли, Заратуштра кетидан эргашган бўлиб кўриниб, амалда ўз эски амалларини қилиб юрганлар ҳам бўлган. Шунда Заратуштра, чин ихлосли имонлилардан мунофиқларни қандай ажратиш оддида қийинчилик кўрган. Унинг бу ҳақда Аҳура Маздага мурожаатини шундай изоҳлаш мумкин. Ниҳоят, Заратуштра "ким Аҳура Мазда томонида, Эзгуликларни асраш ва

*YaEibyO mazdA qBOi WaKyetE daEnA*
*azVm tOi AiS pouruyO frawOiwIdE*
*WIspVNg anyVNg manyVuS spasyA dwaECaMhA.*

Сендан сўрарим бор, Аҳура, айт чин сўзни менга.
Исфандармат, Комил ақл ҳузуримга келганда
Сенинг дининг ўрганиб, сўнг кимларга элтай
Менку ахир илк бора Сен ўзинг танлаб олганинг
Ўзга кимдир бунга даъво ыилса агар нетайин?

Заратуштра беҳдинини одамлар ўртасида тарқатиш миссиясини фақат ўзига тегишли эканини таъкидламоқда. Чунки уни Аҳура Мазда биринчи бўлиб одамлар оарсидан шахсан танлаган. У айнан биринчи бўлиб Аҳура Мазда ҳақиқатини Ваҳумана воситасида қабул қилган ва ўзлаштирган. Бошқа бу миссияга даъвогарлар Ҳақиқатни қанда й талқин қиладилар, номаълум. Шу сабабли ўзга кимдир бу ишга даъво қилса, дини Маздага зиён келтириши мумкин. Шу сабабли у Аҳура Маздадан ўзга даъватчиларни чеклашда мадад сўрамоқда.

Ясна, 44.12.

[illegible]
[illegible]
[illegible]





Ясна, 44.3.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kasnA z&qA patA aCahyA pouruyO*
*kasnA XVNg starVmcA dAT adwAnvm*
*kV YA ml uxCyeitI nvrvfsaitI qBaT*
*tAcIT mazdA WasvmI anyAcA WIduyE.*

Сендан сўрай, о Аҳура, ҳақ сўзинг-ла айт-чи менга
Ҳақиқатнинг туғилмоғин сабабкори,чин отаси ким?
Қуёшу юлдузларнинг йўлин очган раҳнамоси ким?
Ҳилолдан тўлингача қайтиб боз ҳилолгача ой
Гардишин ким бошқарар, бу Мазда, дея билдим.

Ҳақиқатнинг отаси ким? – деган саволга Аҳура Мазда деб жавоб берилиши тайин эди. Лекин Ҳақиқат категорияси Аша – оламнинг илоҳий тартиботи деб қараладиган бўлса, бунда Аҳура Мазданинг олий сифати ўзидан ташқари яна бир илоҳий моҳият – Ашанинг илоҳийлаштирилиши билани мустаҳкам-ланган. Аҳура Маздвгв оламни яратиш билан бир вақтда коинотнинг бошқаруви, жумладан қуёш, оё, юлдузларнинг

ҳаракатини йўллаш функцияси ҳам қўшиб таърифланмоқда. Юқорида айтилганидек, бу саволларга жавобни Заратуштра аввалданоқ билади. Лекин ушбу ҳақиқатларни ўзига эргашган жамоага таъсирчан тушунтириш учун Аҳура Мазда билан суҳбат усулидан фойдаланмоқда.

Ясна, 44.4.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kasnA dvrvtA z&mcA adV nablscA*
*awapastOiS kV apO urwarlscA*
*kV WAtAi dw&nmaibyascA YaogvT AsU*
*kasnA WaMhVuS mazdA d&miS manaMhO.*

Сендан сўроқлайман, Аҳура, айт-чи ҳақ сўзни
Ерни тутган қудрат ким, нега қуламас Осмон?
Сувлару набототни, ким қўриқлар, ким ҳомий
Шамолу  ва булутни қўш от қўшиб юрғизган
Эзгу фикрат Холиқи кимдир? - билай тайинин.





Комил ақл нутқиму амалларим бошқариб,
Сенинг таълимингни қалбга жойлашни
Бизгв насиб этурмисан эй, улуғ Мазда?

Зартуштра Дунёда энг яхши динга эга эканини, бу дин чиндан ҳам энг яхши динми эканини яна бир бор сўрамоқда. Унинг саволга жавоб саволининг ўзидан чиқади. Яъни , Комил ақл (Спента Армаитий) унинг ақлу идрокини ва нутқини бошқаради. Зеро, айни шу Спента Армаитий (Комил ақл) Ҳақиқат ёрдамида Заратуштранинг умрига ҳам барака киритади. АВА ниҳоят, ушбу таъкидлар таъсирида жамоатдан нидо келадики, улар ҳам беҳдинни қабул қилишга қарор қиладилар: “Сенинг таълимотингга эга бўлишни истаймиз” деган жумла билан якунланади бу банд.

Ясна, 44.11.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA tVNg-A WIjVmyAT ArmaitiS*

Сўрарим бор Сендан, Аҳура, сўзла чин сўздан  
Эзгуликни Шаҳриёрга асрмоққа топширган  
Ушбу динни энди қандай тадсиқ этай, эй Мазда.  
Ушбу динни Ҳақ дин дебон энди қандай асрайин.

Бу банднинг мазмунини тушуниш қийин эмас. Бироқ бирт томони борки, Заратуштра динни асраш муаммосида Мазда Яснани қабул қилган қавмларни турли ғаразли таъсирлардан асраш масласида қайғурмоқда. Бу диннинг жаннат ( Бандаларга Эзгу фикрат манзили, беҳишт, Гранӯ дмани, Мукофотлар уйи) ваъдаси борлигини ҳам эслатиб ўтмоқда.

Ясна, 44.10.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA*  
*t&m daEn&m YA hAt&m WahiStA*  
*YA-mOi gaEql aCA frAdOiT hacVmnA*  
*ArmatOiS uxDAiS KyaoqanA vrvS daidyaT*  
*maFyl cistOiS qBA IStIS usVn mazdA.*

Сендан сўрарим бор, Аҳура, айтгил чин сўзни  
Ҳаётим афзун қилгич бул беҳтар дин Ҳақми





Маздопарастлар тасаввурида Ер *зам* исмли маъбуд ихтиёрида деб ҳам тушунилишидан ташқари, уни кўтариб турган бошқа қудрат борлилгига, у қудрат эса Аҳура Мазда эканига ишонилган. Осмон эса қатиқ жисм, хусусан тошдан бино бўлган деб ҳисобланган. *Асман* сўзининг ўзак қисми аввал *асан- “*тош” демакдир. Ердаги бутун борлиқ - ҳайвоноту набототнинг ҳомийси ким, ниҳоят, яна сўрайман, Эзгу ният малак зотнинг яратгувчиси ким? - каби саволлар билан бу қудратлар соҳиби Аҳура Мазда эканини яна бир бора таъкидланмоқда.

Шамол ва булут каби табиат ҳодисаларига ҳам маздопарастлар илоҳий тус беришган. Бу икки ҳодисани қўш от, баъзан икки жуфт от қўшилган ароба деб тасаввур этишган. Ёки шамол, булут ёмғир дўл сингари табиат ҳодисаларини тўртта баланд бўйли ва чаққон тулпорга, баъзан тойга ўхшатишган. Масалан, Авестанин “Яшт” китобида маъбуда Ардви Сура Анаҳитани само бўйлаб олиб юргувчи аробасига икки жуфт оқ тулпор қўшилга деган таъриф келади: Бир хил зотли тўрт оқ той

Уни элтмоқда равон  
Бу тойларки, беомон,  
Девлару жодугарлар  
Жинлару инсон аро  
Ёвликка солар қирон (“Яшт” 5. 13.)

ЯСна, 44.5.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kV hwApl raoclscA dAT tvmlscA*
*kV hwApl XafnvmcA dAT zaEmAcA*
*kV YA uCl arVm-piqBA xCapAcA*
*Yl manaoqrIS cazdONghwaNtvm arvqahyA.*

Сендан сўроқлайман, Аҳура, айт-чи чин сўзни
Кундуз ва қронғу тун кимнинг сунъи санъати,
Ким уйқуни яратмиш, ким уйқудан уйғотгич,
Субҳи содиқ кимдандир, пешин ва намози шом
Ким буюрмиш бу уч маҳал намозин ва ким ўргатмиш?

Булар ҳам аввалгиларидек эслатиш, таъкидлаш мақсадида жавоблари тайин саволлар бўлиши билан баробар, жумлаларида мифологик лавҳаларга ишорати билан диққатга сазовор. Аввалотун ва куннинг хоссалари, уйқу ва уйғоқлик физиологиясининг илоҳий қудратга боғланиши, бу ҳодисаларнинг яралишида илоҳий синоъат борлигига ишониш ва, ниҳоят, саҳар палласи, кун ўртаси ва оқшом каби





Аҳура Маздадан Ваҳумана воситасида келтирилган сўзлар илгари инсон зоти эштимаган, фақат Зардуштгагина лойиқ кўрилган муқаддас сўзлар эдики, уларни ёдда тутиш масъулияти ҳақида Заратуштра шу ҳақда хожасидан сўрамоқда. Қадай қилиб ёдда сақласин? Зеро, бу сўзлар магик қудратга эгаки, уларни ёдда сақалаш ва дилдан такрорлаб юриш инсонни ҳар қандай балою офатдан сақлайди, унга омад, бахт келтиради, имонини саломат қилади ва ҳоказо. Аҳура Мазда сўзларини ёд билиш, уларни такрорлаб юриш, ихлос кўрсатиш имонли бандалар учун беҳиштнинг кафолати ҳисобланган ва бунинг учун беҳишт ( Эзгу фикрат саройи) ваъда қилинган.

Ясна, 44.9.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA-mOi Y&m YaoS daEn&m YaoS dAnE*
*Y&m hudAnAuS paitiSv saFyAT xCaqrahyA*
*vrvCwA xCaqrA qBAw&s asIStIS mazdA*
*hadvmOi aCA WohucA Ky&s manaMhA.*

биз отанинг ўғил олдидаги дин ва эътиқод масаласидаги масъулиятини, ўғилнинг ҳам ўз ўрнида ота ва унинг эътиқодда давомчиси сифатидаги мажбурияти маъносида тушундик. Худди шу мотив “Яшт” китобининг “Хурмузд Яшт” алқовида отанинг хонадон учун бошқа муҳис функцияларидан ташқари диний раҳнамолиги маъносида келади.

Ясна, 44.8.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA*
*mvNdaidyAi YA-tOi mazdA AdiStiS*
*YAcA WohU uxDA fraCI manaMhA*
*YAcA aCA aMhVuS arVm WaEdyAi*
*kA-mV urwA WohU urwACaT AgvmaT tA.*

Сўрарим бор сендан, Аҳура, айтгил чин сўзни
Сўзинг нетиб ёд тутай, Мазда, Эзгу сўзларинг?
Алалхусус, Ваҳумана келтрирган сўзларки, эзгу,
Ҳақиқатни менга ўшал аён этган сирли сўзларинг,
Токим абад келтирсинлар беҳиштий бизга шодлик.





лаҳзаларга алоҳида диққатни тортиб, Мазда ўз бандаларини намозга даъват қилишининг  таъкидланиши маздопарастлик (зардуштийлик) ибодат ритуалини ҳам қонунийлаштиришга қаратилган. Аввалги анъана бўйича зардуштийлик беш вақт нмоз тартибини жорий қилган. Бироқ кейинги анъанага кўра кундузги икки  (пешин ва аср, ёки охир пешин) ва кечки (шом ва хуфтон) намозларни бирлаштириб, кунлик намоз учтага келтирилган. Бинобарин ажам мусулмон юртларида ислом дини нмозларининг номлари ҳам шу анъана таъсирида юзага келган, бироқ бу атамаларнинг келиб чиқишига намозхонлар мутлако эътибор бермайдилар. Чунки бу атамалар исломий тафаккурга сингиб, трансформациялашган. Ҳатто, намоз сўзи ҳам зардуштийлик даврига хос бўлиб, таъзим, сажда, юкуниш маъноларини билдириб, мусулмонлар онгига сингиб кетган.

Ясна, 44.6.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA*
*YA frawaxCyA YezI tA aqA haiqyA,*
*aCvm KyaoqanAiS dvb&zaitI ArmaitiS*

*taibyO xCaqrvm WohU cinas manaMhA*
*kaEibyO azIm rAnyO-skvrvtIm g&m taCO.*

Сендан сўроқлайман, Аҳура, айт-чи чин сўзинг
Ўргатган сўзларинг айтмоқдаман, чин бўлса агар.
Исфандармат бахш этарми Ҳақиқатга куч қудрат?
Ваҳумана сен учунми  тузмиш безавол ҳикмат?
Ким қувонсин, кўпайтирдинг кўй, сигир, туя ва от?

Заратуштра Аҳура Маздадан Ҳақиқатнинг қуввати Комил ақлданми, деб сўрамоқда. Унинг қалбига солинган муқаддас сўз чинми, токим у бу сўзни (мантрани) дилига жо қилиб, ботинда такрорлаб юрибди. Ҳукмронлик (диннинг маънавий устиворлиги, сўнгра жамият эҳтиёжи сифатида бошқарув ҳукмронлиги каби тушунчаларнинг ибтидоси) Комил ақл (Спента Армаитий) туфайлими? Авестаниниг аслида шу ўрида *чинас* сўзи ишлатилагн. Бунинг маъноси “тузатмоқ, тузамоқ, ясамоқ” каби тушунилади. Рус тилидаги чинить “тузатмоқ” сингари. Дейилмоқдаки, агар ҳокимият, ҳукм, хакамлик сингари ижтимоий, хатто сиёсий тузилмалар бўлса, уларнинг асосида Комил ақл бўлмоғи лозим.

Чорва тушунчаси бир томондан чин маънода чорвани кўзда тутса, иккинчи томондан Мазда Ясна жамоасининг кўпайишини ҳам кўзда тутадики, баъзан бу тушунча, чўпон (юртга бош) ва чорва – имонли Эзгулик ва Ҳақиқатарварлар жамиятини кўзда тутади.





Ясна, 44.7.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kV bvrvxD&m tASt xCaqrA maT ArmaitIm*
*kV uzvmVm cOrvT WyAnayA puqrvm piqrE*
*azVm tAiS qBA fraxCnI awAmI mazdA*
*spvNtA mainyU WIspan&m dAtArvm.*

Сўроқлайман, Аҳура, айт-чи чин сўзни
Комил ақл, Шаҳриёрлик кимнинг хилқати?
Ким ота издошини яратмиш ўғил қилиб?
Бу сўроқдан мурод шулким, Сени англамак
Чунки дунё Сен туфайли бўлмиш муҳташам.

Бу банддаги “ота изидан ўғил” иборасини оддий кундалик авлодлар силсиласи деб тушуниш ҳам мумкин. Лекин тадқиқотчила бунга бошқа маънолар ҳам юклашади. Масалан, туҳилажак ўғил албатта ота изидан имон чизиғини тутмоғи, диннинг давомийлиги, ўғилнинг отага тобелиги, хатто, отадан ҳам ўзиб кетгувчи фарзанд ва бошқа талқинлар мавжуд. Бироқ

Заратуштра яна бир ваҳий хабарини бериб, бу хабар меҳрибон Аҳура Маздадан оддий бандалари учун туширилганини билдирмоқда. Бу ҳабар фано аҳли қулоҳи учун энг хуш энг керакли сўзлардир. Бу сўзларга сомеъ бўлганлар (sraosha- “эшитгувлик бағишлаганлар) ва (chay- астойдил амал қилганлар”) Аҳура Мазданинг Эзгу фикратига эришажаклар.

Ясна, 45.6.

*aT frawaxCyA WIspan&m maziStvm*
*stawas aCA YV hudl YOi hvNtI*
*spvNtA mainyU sraotU mazdl ahurO*
*YehyA WahmE WohU fraCI manaMhA*
*ahyA xratU frO-mA sAstU WahiStA.*

Улуғларнинг барчасидан улуғроқни мен
Мақтайин чин Ҳақиқат фароғати-ла.
Тингланг Муқаддас руҳ Аҳура Маздани
Эзгу ўй ва Эзгу Руҳ шарофатидан
Менга бермиш ўз ақлидан эзгу бир ўгит.





малайи ва тажассуми Ёлғон балосидан инсониятни қандай қутқариш мумкинлиги ҳақида Аҳура Маздага зорланмоқда, Ундан мадад умид қилмоқда, Зеро, бундай нобакорлар Ҳақиқатдан юз ўгирадилар, Эзгуликдан бўйин товлайдилар. Шундай қилиб, ўзлари дўзаҳ азобига тайёрлайдилар.

Ясна, 44.14.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA aCAi drujVm dy&m zastayO*
*nI hIm mvr&ZdyAi qBahyA m&qrAiS sVNghahyA*
*VmawaitIm sin&m dAwOi drvgwasU*
*A-IS dwafCVNg mazdA anACE &st&scA.*

Чин сўзни айт, Аҳура,.Сендан бордир сўрарим,
Қандай қилсам Ёлғонни Ашанинг қўлларига
Топшиарман? - муродим асраш Сенинг сўзларинг,
Ҳақиқат қуроли-ла Ёлғонга бериб зарба
Унга заҳму зарарлар етказишни кўзладим.

Ҳақиқатнинг иккала қўлларига Ёлғонни қандай қилиб топширсам экан, деб Аҳурага мурожаат қмилмоқда Заратуштра. Бундан унинг мақсади оламни Ёлғон балосидан қутқариш. Бу йўлда у Ҳақиқат қуролини ишга солмоқни ва Ёлғонга зарар етказишни, унинг касофатидан борлиқни асрашни кўзлайди.

Ясна, 44.15.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*YezI ahyA aCA pOi maT xCayehI*
*hyaT hVm spAdA anaocaMhA jamaEtE*
*awAiS urwAtAiS YA-tU mazdA dIdvrvZO*
*kuqrA ayl kahmAi Wanan&m dadl.*

Сендан сўрайман, о Аҳура, чин сўзингни айт
Икки душман дуч келишса, қодирми Ҳақиқатинг
Мени асраб авайлашга. Эзгу ва ёвуз кучлар
Тўқнашса бир кун албат, қай бирига ғолиблик
Берурсан. Ихтиёринг эгасисан, биз Сени дедик.





анъаналардан кескин узилишнинг иложи бўлмаган кўринади. Шу каби илоҳий қариндошлак ҳақидаги аломатлар "Яшт" алқовларида, яъни Кенжа Авеста саҳифаларида кўп учрайди: Аатар Аҳуранинг ўғли, Аши унинг синглиси, ва бошқалар.

Ясна, 45.5.

*aT frawaxCyA hyaT mOi mraoT spvNtOtvmO*
*WacV srUidyAi hyaT marvtaEibyO WahiStvm*
*YOi mOi ahmAi svraoCvm d&n cayascA*
*upA-jimvn haurwAtA amvrvtAtA*
*WaMhVuS manyVuS KyaoqanAiS mazdl ahurO.*

45.5. Сизларга етказай муқаддас зотдан
Келмиш сўзларки, тириклар учун.
Эшитгув диққатини қилсалар агар
Икки дунё буст-бутун, руҳлари ўлмас,
Эзгу амаллардан роҳатлар келар.



*aT frawaxCyA aMhVuS ahyA WahiStvm*
*aCAT hacA mazdA WaEdA YV Im dAT*
*patarVm WaMhVuS WarvzayaNtO manaMhO*
*aT hOi dugvdA huKyaoqanA ArmaitiS*
*nOiT diBZaidyAi WIspA-hiCas ahurO.*

Имонлиларга беҳишт ваъдасидан хабар бор
Мазда яратмиши Беҳишт - бу асли бир Ҳақиқат
Эзгу фикрат Отаси, фикратки оламошуб
Армаитий меҳрибон, тийрак озик фасоҳат
Аҳура-чи, алдовга алданмас мумтоз қудрат.

Имонлиларга жаннат ваъдаси борлиги, жаннатни эса Аҳура Мазда яратгани, бу ҳақда Заратуштрага ваҳий келгани, уни одамларга етказаётгани бу лавҳанинг асосий мазмуни. Жаннат тушунчаси Авестада *vahishta ahu-* “яхши ҳаёт” демакдир. Роҳатбахш ***н***ариги дунё. Бироқ беҳиштга ҳамма ҳам кира олмайди. Унга даъвогарларнинг имони бутунлиги Аҳура Мазданинг назоратида. У эса ўта хушёр, ёлҳонларга алданмас зот. Унинг бу масалада ёрдамчиси Спента Армаитий – комил ақл тимсоли, Аҳуранинг қизи ва бир вақтнинг ўзида унинг эманацияси, вазифадор малакларидан бири. Эзгу ният фариштаси Ваҳумананинг синглиси. Албатта илоҳиёт тизимида бу каби “қариндошчилик” ислом ҳақиқати нуқтаи назаридан номақбул. Бироқ зардуштийликда ибтидо тасаввурлардан эндигина қутилиб бораётган жамиятда эски





Бу риторик саволнинг жавоби тайин. Аҳура Мазда икки душман – эзгулик ва ёвузлик курашган майдонда доимо эзгулик томонида туради. Унинг Ҳақиқати имонли инсонни ёвузликдан ҳимоя қилишга қодир. Икки муросасиз душман жангга киришса (аслида бу жанг тўхтовсиз давом этмоқда) Аҳура Мазда ғолибликни Эзгу кучларга бериши тайин. Бу ғоя умуман зар душтийлик (Мазда Ясна) динининг, Зардушт таълимотининг оптимистик утопиясидир. Зеро, минг йиллар ўтмоқдаки, инсоният табиатидаги ёвузлик дам уйғоқ дам мудроқ ҳануз яшамоқда. Дунёда бугун кечаётган турли ижтимоий, ҳарбий, сиёсий фожиалар шундан далолат бериб турибди. Буларнинг барчаси инсониятнинг маънавий камолати йўлларидаги бўшлиқ туфайли рўй бермоқда.

Ясна, 44.16.



*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kV Wvrvqrvm-jA qBA pOi sVNghA YOi hvNtI*
*ciqrA mOi d&m ahUmbiS ratUm cIZdI*
*aT hOi WohU svraoCO jaNtU manaMhA*
*mazdA ahmAi YahmAi WaCI kahmAicIT.*

Сендан сўрайин, Мазда, айт менга ҳақиқатни
Хонадонимда барча таълимотинг туфайли
Ҳимоянгда бўлурми. Оламга ҳодийлик бер.
Сраоша Ваҳумана – эзгу ният-ла келсин.
Бундай ташриф аслида Сен ўйлагандек бўлсин.

Заратуўтра ўз оиласи, қавмларини, жамоасини ҳимоя қилишни Аҳура Маздадан сўрамоқда. Оламни Маҳшар куни қутқарувчи зотни чорлашни сўрамоқда. Бу Осушиант, Зардушт уруғидан пайдо бўлажак ҳодий зотки, унинг ҳамроҳлари маъбуда Сраоша ва Аҳра Мазданинг Эзгу ният фариштаси Ваҳумана (Муқаддас фикр).

Ясна, 44.17.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA mazdA zarvm carAnI hacA xCmaT*
*AskvtIm xCmAk&m hyaTcA mOi FyAT WAxS aECO*
*sarOi bUZdyAi haurwAtA amvrvtAtA*
*awA m&qrA YV rAqvmO aCAT hacA.*





Аҳурадан не хабар келганини сизларга,
Нелар деганини Билга  аввало менга
Етказай, сизлардан агардаки ким,
Сўзи бошқа-ю, бщлса амали бошқа,
Ҳар нарсадан воқиф Аҳура менга
Етказган хабарин сизларга айтайин
“Кимки айтган сўзига қилмас риоя,
Охиратда ҳеч кима йўқ, тинглашга оҳ-войин”.

Заратуштра унга келган ваҳий сўздан қавмларига хабар бериб, Аҳура Мазда тилидан кўчирма гап оркли огоҳлантирмоқда: “Мен сизларга ўргатганим сўзларни такрор этиб, аслида уларга амал қилмайдиганларингиз охиратда дўзаҳ азобларида қоласизлар, аммо сизларни эшитадиган бирор кимса бўлмайди”. Бу тезис аслида Заратуштра даврида динга кириш ва унга амал қилиш борасида мунофиқликлар бўлганида, сўзда маздаясний, амалда эса ўзларининг жоҳиллик одатларини давом эттирувчилар бўлганидан дарак берса керак. Бизнинг изоҳимиздаги “оҳ-вой” фарёд масаласига келсак, асл авестойий матнда *авоой-“увламоқ”* маъносидаги сўз ишлатилган.

Ясна, 45.4.

"На фикримиз, руҳимиз, на зикримиз, на ақл идрокимиз,
Танловимиз ҳам ўхшамас, сўзимиз ҳам бўлакча,
Амалимиз, диниимиз ҳам бир эмас, бошқа-бошқа.

"Икки руҳ" бу ёвузлик ва эзгуликнинг азлий қутбий зиддияти демакдир. Аммо, шундай вазият келдики, бу Заратуштра туфайли, икки қарама-қарши руҳ ўзаро ораларини очиқ қилишмоқда. Эзгу руҳ ёвуз антиподига ҳеч бир соҳада ўрталарида ўхшашлик йўқлигини тушунтирмоқда. Дин масаласи *даена* сўзи билан берилган ва унинг маънолари кенг. Энг аввал бу сўз *осмон,* кейин эса, *виждон* каби талқинларда учрайди. Заратуштра ўзининг асосий принципларини санамоқда.

Ясна, 45.3.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*aT frawaxCyA aMhVuS ahyA pourwIm*
*Y&m mOi WIdwl mazdl WaocaT ahurO*
*YOi Im WV nOiT iqA m&qrvm WarvCvNtI*
*YaqA Im mVnAicA WaocacA*
*aEibyO aMhVuS awOi aMhaT apVmvm.*





Сўрарим бор Сенда, Аҳура, чин сўинг айтгин,
Сенга етишмоқлик ( шунча мушкулми)?
Менда Хурдоду Амеретотла боғланиш орзу
Овозимга куч бағишла, (нутқим янграсин)
Нотиқликки, Ҳақиқатга нутқтим боғлансин.

Заратуштра барлла товуш билан ўз ғояларини оммага эгиттиришни орзу қилади. Нутқида Аҳура Мазда Ҳақиқати янграшини ва одамларга хуш таъсир этишини, уларни ишонтиришини кўзлайди. Дарвоқе, зардуштийлик ибодатларида баралла овозда дуо ва такбирларни тушириш одатий талаб ҳисобланади. Буни Яштларнинг нақоротларида келадиган "Бу омадга намозим баралла овоз билан"; "бу бахт учун намозим, баралладир овозим" каби такрорлар кўплиги яққол исботлайди.

Ясна, 44.18.

[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]
[illegible]

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*kaqA aCA taT mIZdvm hanAnI*
*dasA aspl arCnawaitIS uStrvmcA*

*hyaT mOi mazdA apiwaitI haurwAtA*
*amvrvtAtA YaqA hI taEibyO dlMhA.*

Сендан сўрай, эй Аҳура, Ҳақиқат-ла қандайин мен
Мукофотга муносибман, ғолиб бўлиб корим-ла?
Ўн бош бия, битта тойчоқ, ва бир бош тева
Соғ-омонлик Хаурвата, ва Амеретот шарофатидан
Бу иккови асли Сенинг беминнат неъматингдан.

Ушбу банднинг мазмунида бир қатор мавҳумликлар бор. Хусусан, Зратуштрага Хаурватат шарофати билан у эришган тан-жонининг соғлиги, Амеретот туфайли унга насиб бўлган абадий умр, ўлмаслик шарофати қандайдир ижтимоий эътироф келтирган бўлса керакки, бу ҳолат мукофотга лойиқ ҳисобланган. Масала бу тарзда қўйилса, вазият илоҳий концептдан маиший даражага тушиб қолгандек туюлади. Борди-ю, ушбу мукофот масаласини имону эътиқод учун илоҳий инъом, баракот деб тушнилса, унда Гоҳларнинг ялпи ғоясига яқин тургандек бўламиз. Яна бир мулоҳаза шуки, Авестада Зардушт ҳаёти билан боғлиқ реал тарихий лавҳалар ҳам борлигини ҳисобга олиш юқоридаги мукофот манзарасида тарихийлик бор, дейишга ҳам асос беради.

Аҳурадан мукофотлар масаласида баъзи ллимлар рамзийикни кўадилар. Масалан, ун бош урғочи от (бия) инсон табиатига хос ўнта салбий ҳислат. Айғир, ёки ўйноқи той, бу ўнта саркаш бияларни бошқарувчиси, итоат да тутувчиси. Бир бош туя эса Мазданинг маънавий оламига сайру сулук ғоясидир. Зеро, туя - сафар ҳайвони ва ҳоказо. Бу каби рамзий





динидан чағитишга ҳаракат қилувчилар Заратуштранинг душманлари. Уларни Авестада *душсасти* дейилади. Бундай ёлғон таълимтчилар икки оламни вайон қиладилар. ВАйронкор таълимотчилар кимлар? Матнда бу аниқ эмас. Ёвуз руҳ хизматкорлари, Ахриманнинг ўзи ёки унинг сонгсаноқсиз малайлари, ниҳоят, Заратуштра таълимотига қарши эски уруғ-қабила эътиқодлари тарафдорлари ва ҳоказо. “Гоҳ”нинг ушбу бандида вайронкорлик унсури “иккинчи дунёга” нисбатан ишлатилган. Бу иборани олимлар нариги дунё, руҳлар дунёси, ўлгандан кейинги дунё деб талқин қилишади.

Ясна, 45.2.

[illegible]

*aT frawaxCyA aMhVuS mainyU pouruyE*
*Yayl spanyl UitI mrawaT YVm aNgrvm,*
*nOiT nA manl nOiT sVNghA nOiT xratawO*
*naEdA WaranA nOiT uxDA naEdA KyaoqanA*
*nOiT daEnl nOiT urw&nO hacaiNtE.*

Ибтидода икки руҳдан хабар бериб айтаман
Имонлиси ёвузига бир сўз айтиб турмишдир:

Ясна, 45.1.

*(zOT,)*
*aT frawaxCyA nU gUCOdUm nU sraotA*
*YaEcA asnAT YaEcA dUrAT iCaqA*
*nU Im WIspA ciqrV zI mazdlMhO-dUm*
*nOiT daibitIm duS-sastiS ahUm mvr&KyAT*
*akA WaranA drvgwl hizwl AwvrvtO.*

Қулоқ тутинг, менинг ошкор сўзим тинглангиз!
Эй, узоқдан келганлару бунда ҳозир бўлганлар.
Ёдда тутинг насиҳатим, токим хато кетмангиз,
Ёлғон таълим алдоғидан руҳни вайрон этмангиз.

Узоқ ва яқиндан келган сомеъларни диққат билан тинглшга чорлаб, Зратуштра оташин нутқ сўзламоқда ва йиғилганларни турли йўллар билан ҳақ йўлдан чалғитишга уринувчи "ёлғон таълим бергувчилар"дан огоҳлантирмоқда. Ёлғон таълимтни тарҳғиб қилиб, одамларни Мазда Ясна





талқинга ҳам ўрин бордек кўринади. Чунки, Авестада бизнинг тасаввуримиздан узоқлашган рамзий ишоратлар кўп.

Ясна, 44.19.

*taT qBA pvrvsA vrvS-mOi WaocA ahurA,*
*YastaT mIZdvm hanvNtE nOiT dAitI*
*YV-IT ahmAi vrvZuxDA nA dAitE*
*kA-tVm ahyA mainiS aMhaT pouruyE*
*WIdwl aw&m YA-Im aMhaT apVmA.*

Сендан сўрарим бор, Аҳура, менга айт-чи,
Кимдир мукофотга лойиқ ва лекин унга,
Мукофотин бермаса ваъда қилганлар шул кун,
Уларнинг ҳоли ҳаёт жазолари нелар бўлур?
Охиратда не жазо бор, буниси менга маълум.

Ваъда қилинган ҳалол мукофот эгасига берилмаса, жазоси қандай белгиланади? "Ҳоли ҳаёт" иборасини ишлатганимизнинг сабаби бу ибора бугун тан-жони соғ, бор инсонлар шаънига ўқиладиган дуоларда учрайди. Демак,

буҳаётла шартни бузиб, киши ҳақини бермаслик учун жазо ҳақида гап бормоқда. Заратуштра учун эса, наригидунёда мазкур гуноҳнинг жазоси маълум. Бу ҳақда “Видевдот” китобида етарли далиллар бор. “Яшт”ларнинг Митра шанига алқов бобида ҳам шартноманинг бузилиши қандай жазоларга лойиқлиги батафсил берилган.

Ясна, 44. 20.



*ciqvnA mazdA huxCaqrA daEwA lMharV*
*aT IT pvrvsA YOi piKyeiNtI aEibyO k&m*
*YAiS g&m karapA usixScA aECvmAi dAtA*
*YAcA kawA &nmVnI urUdOyatA*
*nOiT hIm mIzVn aCA WAstrvm frAdai?hE.*

Аҳура , Сендан савол сўрарим бор, айт менга
Карапанга молу дунё бергувчи Ёлғончилар,
Ғазаб девин чорва билан сийлагувчилар,
Ўтлоқларга ривож бармас кавий мустабд
Учун бу дунёда унинг недир тайн жазоси?





44-қўшиқнинг мазмуни Зратуштра яшаган мураккаб замонга ишорат қилади. Кави Виштасп Заратуштранинг таълимотини қабул қигунича бу тоифа ҳукмдорлар (кавийлар) Мазда Яснанинг душманлари бўлишган. Улар “Яшт”ларда қаттиқ қораланишган. Карап, карапан сўзлари Заратуштра таълимотига зид маҳаллий қадимий диний қарашларини тарғиб қилган жоҳиллик даврининг диндорлари деган маънони билдиради. Карап “валдираш”, маъносиз валдир-вақи гап сотувчи деган маънода Заратуштра тоамонидан нафрат остига олинади. Таҳлил қилинаётган бандда ўша ножинс, шайтоний карапларни эски анъана бўйича ҳурматлаб, мол-ҳол эҳсон қилувчила қораланади. Аэшма (Ҳешм) ғазаб ва нафрат, жаҳолат деви, унга эҳсон берувчилар ҳам бўлганки, улар Мазда Ясна динини инкор этганлар. Хуллас, бу банд Мазда Ясна динининг мавқеи учун кураш лавҳаси деб қабул қилиниши мумкин.

**Ясна: Уштавайтий “Гоҳ”нинг 3-қўшиғи**

Гоҳларнинг бу боби асосан космогоник, бу дунёнинг тақдири, оламни гуноҳлардан қутқариб беҳиштга етакловчи ҳодий зотнинг (Осушиант) келиши, имонлилар ва имонсизлар руҳларининг нариги дунёдаги тақдири кабилар ҳақида аввало яқиндагиларни сўнг узоқдан келувчиларни огоҳлантириш руҳидаги бандлардан иборат.

Барча Ёвузлик турларининг тугал мужассами Ёлғон (Драуга - дуруғ) Эрта тонгда қуёш нурларининг (кўк буқаларининг) олам-жаҳонни яйратиб тарқалишига йўл қўймаслик пайида бўлади. Аммо Драуга аввало ўз қилмишларининг қурбони бўлиб ҳалок бўлади. Қолаверса у Мазданинг қудрати билан жонидан маҳрум бўладива айни Мазда нафақат кўк буқаларининг порлашининг, балки Беҳдиннинг, яъни Мазда Ясна динининг йўлларини ҳам биринчи галда равон этиб қўяди.

Ясна, 46.5.



*YV WA xCay&s ad&s drItA ayaNtvm*
*urwAtOiS WA huzVNtuS miqrOibyO WA*
*raCnA jw&s YV aCawA drvgwaNtvm*
*WIcirO h&s taT frO XaEtawE mruyAT*
*uzUiqyOi Im mazdA xrUnyAT ahurA.*

Хонаводнинг ҳузурига дўстми ё душманмидир,
Ё Ёлғоннинг мардикори, Ҳақ сўзидан бехабар,
Келса паноҳ излаб ёҳуд қўноқ сўраб бир дилгир





Зартуштра қавмларини Аҳура Мазда Ҳақиқатига чорламоқда.Унинг Мқаддас руҳ мужассами экани, Унинг Эзгу руҳи шарофатидан яхшилик аъмоллари ўрганилмоғи инсоният-нинг бахтли келажаги учун муҳим экани уқтирилмоқда.

45-қўшиқнинг 7-бандидан бошлаб то охирги 11-бандигача Аҳура Маздага мақтовлар, унинг сифатлари ва сийратларига таърифлар келади.

Ясна, 45.7.



*YehyA sawA iClNtI rAdaMhO*
*YOi-zI jwA lMharvcA bwaNticA*
*amvrvtAitI aCAunO urwA aECO*
*utayUtA YA nvr&S sAdrA drvgwatO*
*tAcA xCaqrA mazdl d&miS ahurO.*

45.7. Мағфиратга интилар тириклару ўтганлар
Келгувси барча ўз истғфорини айтар
Қоим мурдодлик учун имонлилар руҳи зўр
Алдоқ эрлар Мазданинг ҳукми билан хору зор
Жазосида Хшасра Аҳура Мазда тайёр.

Имонлиларнинг, хоҳ улар ўтган бўлсин, хоҳи ҳозир тириклар, хоҳи энди келажак – барчалари мағфират йўлидадлар. Ёлғонга мубталолар (Мазда динига кирмай, ёлғон таълимотларга ишониб алданганлар) руҳи бундан мустасно. Яратган Ҳакам (Хшасра) зот Аҳура Мазда уларни қийноқ ва азобларга солгувсидир.

Ясна, 45.8.

*tVm nV staotAiS nvmaMhO A WIwarvCO*
*nU-zIT caCmainI WyAdarvsvm*
*WaMhVuS manyVuS KyaoqanahyA uxDaFyAcA*
*WIduS aCA YVm mazd&m ahurvm*
*aT hOi WahmVNg dvmAnE garO nidAmA.*

Ибодатлар, мақтовлар, яхши сўзу амал билан
Мадҳиялар саройида Қудс ул-Рруҳда назарим.
Ҳақ йўлида эзгу ишдан, эзгу сўздан сўйлайман.
Гарўдманда Кўраним Мазда Ҳақ Аҳурага
Шодон Қўшиқ тўқийман, йўлларида куйлайман.





Ясна, 46.4.

*aT tVNg drvgwl YVNg aCahyA WaZdrVNg pAT*
*gl frOrvtOiS COiqrahyA WA daFyVuS WA*
*duZazObl h&s XAiS KyaoqanAiS ahVmustO*
*YastVm xCaqrAT mazdA mOiqaT jyAtVuS WA*
*hwO tVNg frO-gl paqmVNg hucistOiS carAT.*

Аммо Кўк буқаларин Дуруғбанд
Ўзининг ёлғон ва ёвузлиги-ла
Тўсар доим йўлларин. Аммо Дуруғбанд,
Қилмишидан ўзи  бўлажак ҳалок.
Қудрати кенг Мазда ҳукми Беҳдиннинг
Йўлин очар аввалроқ, олам бўлар пок.

тортиш - дўзах азоблари; чорванинг семизлиги ва сигирнинг ёғли сути – бойлик, фаровонлик, хатто, Эзгу ният мўл-кўллиги, яъни бетиним эзгу ният-ла яшамоқ ва бошқалар. И.М.Стеблин-Каменскийнинг фикрича, бу тарздаги бадиий тафаккур, образлар тизими, уларга юкланган рамзият олами шу қадар архаикки, ҳозирги тасаввурлар учун уларнинг муқобилларини топиш қийин. Айни шу ҳолат "Гоҳ"ларни тушунишни мураккаблаштиради, мавҳумот доирасига тортади.

Мазкур банддаги "Ҳодий зотлар ирдаси" иборасига келсак, уларнинг ҳидоят сари чорловлари сўзлари "семиз чорва, ёғу мой" иборалари орқали келган ва бу "Эзгу ният, некбинликнинг мўл-кўллиги" маъносидаги дуо деб тушунилган. Ушбу Эзгу ният мўл-кўллиги орқали Ҳақ йўлидаги ҳаёт ва охиратда Осушиантларнинг ҳидоятларига эришилади. Осушиантлар (ав. Саошийант), булар Зардуштнинг пуштидан асотирий Кансава кўли сувларига тушиб сақланиб қолган, ниҳоят охират куни чиқиб одамзоднинг гуноҳларини сўраб олгувчи ва уларни нариги дунё азобларидан қутқариб, беҳишт сари етакловчи ҳодий зотлар деб тушунилган. Авестада ушбу ҳидоят ғояси жаҳон динлари тарихида илк ноёб тафаккурий идеал ғоя эди десак, хато бўлмас. "Аҳура деб сени танлаган бу менга..." иборасига келсак, бунинг тагида айтилган жумлавий маънонинг тескарисини тушуниш маъқул ҳисобланади. Яъни, "мен ўзимни Сен томонингдан таълимотингни қабул қилгувчи ва одамларга тарқатиш учун танланган" бўлишим учун нима қилсам муносиб бўлади, дейилмоқчи.





Жаннат макон Грану Дманада ўз мадҳлари, эзгу сўзлари ва амаллари билан, ихлоси холис ибодатлари билан Аҳура Мазданинг назарига тушганлар унинг шаънига гўзал қўшиқлар тўқийдилар, завқу шавқ билан бâралла овозда куйлаб шарафлайдилар. Бу имон ва эътиқод учун Мазда бандаларига беҳишт тайин этилган, унда артабонлар (Ҳақ йўлида қоимлар) чексиз қувонч, роҳат-фароғатда бўладилар ва яратганни мадҳиялар билан олқишлайдилар, деган маънони билдиради.

Ясна, 45.9.



*tVm nV WohU maT manaMhA cixCnuCO*
*YV-nV usVn cOrvT spVncA aspVncA*
*mazdl xCaqrA WvrvzVnyl dyAT ahurO*
*pasUS WIrVNg ahmAkVNg fradaqAi A*
*WaMhVuS aCA haoz&qBAT A manaMhO.*

Ажру савобми ёки жазо тайинин қилмоқ
Эрки ўзида бўлмиш Улуғ зотга мақтовим.
Чунки унинг ҳукмида бизга нелар атамоқ

Ҳақиқатла чорвани, хонадон жон бошини -
Баракотла сийламоқ – ихтиёрида мутлақ.

Бандаларининг чин ихлоси, ибодати, дуо ва такбирлари учун берилажак ажру савоб, мукофотарни бериш Аҳура Маўданинг ихтиёрида. Бу ишда ул Улуғ зот мутлақо эркин. Бироқ ажру мукофотларнинг энг яхшисига эришмоқ бандасининг ўз имконида. У имону эътиқодда барқарор бўлмоғи, оғишмаслиги, ёлғону фирибларга алданмаслиги, динда собит турмоғи лозим.

Ясна, 45.10.



*tVm nV YasnAiS ArmatOiS mimaGZO*
*YV &nmVnI mazdl srAwI ahurO*
*hyaT hOi aCA WohucA cOiSt manaMhA*
*xCaqrOi hOi haurwAtA amvrvtAtA*
*ahmAi stOi d&n tvwICI utayUitI.*

Илтижомизни Хурмузд сезар нафасимиздан,
Унга доим Эзгу фикрат ва Ҳақиқат хизматкор.





иродаси билан Эзгу фикр камол топарми? О, Аҳура, сўйла, сени танлаган менга.

Ҳақиқатдан йироқ барчага Эзгу фикр Ҳақлигини кўришда улкан тавфиқ керак.

Эй Мазда, биз учун Кўк буқалари
Ҳақиқатни қай йўсин қўярлар йўртиб?
Ходий зотлар иродаси идрокимизга
Эзгулик юкини қўярми ортиб?
Аҳура деб сени танлаган менга
(Ушбу Ҳақиқатинг айтгил ботартиб).

“Кўк буқалари” тушунчаси эрта тонг, саҳар палласида Шарқ уфқининг қуёш нуридан шафақ билан қопланиши ва илк қёш нурининг олам узра ёйилиши манзарасини кўзда тутади. Зардуштийлар айни илк саҳар чоғи қуёш нурларида Аҳура Мазданинг инъиксини, замон охирида юзага чиқиб, борлиқни дўзаҳ азобларидан қутқариб қолгувчи қудратли ҳодий саошянтларнинг тимсолини, одамларни эзгу дуолари билан яхшиликлари учун ажру савоблар топишга йўлловчи валий зотлани тасаввур қилганлар. Ушбу рамзият масаласида мутахассисларнинг фикрлари турлича. Кимдаир бу лавҳани ўта мавҳум, маъносини илғаш қийин деб тушунса, ким учундаир ушбу сатрлар жўн, ибтидоий тасаввурларнинг содда ифодаси деб баҳолайди. Бироқ “Гоҳ2Ларнинг муъжизавий жиҳатлари шундаки, улурда юксак, самовий туйғулар билан заминга хос содда тасаввурлар ғайриодатий тарзда уйғунлашиб кетади. Бунда амал қилган ибтидоий бадиий воситалар ҳам ажабтовр нозик ва гўзал. Масалан, “аравани эпчиллик билан бошқариш” гўзал нотиқлик санъатига ўхшатилади; сифатсиз озиқ - дўзах тимсоли; оҳ-фарёд, ув

кўнгли қолган пайғамбар бир хулосага келади. Яъни, у оддий инсоний тафаккур даражасидан туриб реал ҳаётий фикр юритадики, агар бой бўлганида эди, унинг сўзларига одамлар ишонар ва таълимотига эргашар эдилар. Руҳан эзилган, ватанидан қувғин ҳолатга тушган Заратуштра энди ўз худоси Аҳура Маздага илтижо қилмоқда. У Аҳура Маздани Дўст деб атамоқда. Недирки, ҳақиқий дўст дўстини кулфатда ёлғиз қолдирмайди, мададга шошилади. Дўст Аҳура Мазданинг ёрдами бу ўринда Заратуштрага, нафақат унга, балки Ҳақиқатдан йироқ барчага Эзгу фикр Ҳақлигини кўришда улкан топиш беради.

Ясна, 46.3.



*kadA mazdA YOi uxCAnO asn&m*
*aMhVuS darvqrAi frO aCahyA frArvNtE*
*WvrvzdAiS sVNghAiS saoKyaNt&m xratawO*
*kaEibyO UqAi WohU jimaT manaMhA*
*maibyO qBA s&strAi WvrvnE ahurA.*

Эй Мазда, кўкдаги буқалар қай тарзда бизнинг ҳаётимиз учун Ҳақиқатга куч бағишлайдилар? Маҳдий зотлар ақлу





У ҳакамдир соғ-омонлик, умрзоқлик бермакка
Кучу қудрат етказмоққа, имонда ким барқарор.

Аҳура Мазда бандаларининг ибодат ва дуоларини уларнинг нафасиданоқ эшитадиқа сезади. Бу ҳислатга у Ваҳумана орқали ва Аша (Ҳақиқат) орқали эришади. Ниҳоят, чин юракдан қилинан ихлосу эътқод, эзгу ният, сўзу амаллар учун соғлик, саломатлик, бағри бутунлик, жисмона ва руҳан бардамлик ҳамда абадий ўлмаслик неъматларини бандасига етказмоқ унинг ҳукмида. Бандасига куч-қудрат, имону эътиқодда барқарорликни ҳам Аҳура Мазданинг ўзи бахшида этади.

Ясна, 45.11.



*YastA daEwVNg aparO maKy&scA*
*tarV-m&stA YOi Im tarV-manyaNtA*
*anyVNg ahmAT YV hOi arVm manyAtA*
*saoKyaNtO dVNg patOiS spvNtA daEnA*
*urwaqO barAtA patA WA mazdA ahurA.*

Беҳдин бандаларга ёвуз девлар, бадниятлар
Ёмонликни раво кўрса, Ҳақ йўлида унга қарши

Ўй ва ният ҳам амалда имонлилар қад кўтарса,
Уйларини, динларини, асрагувчи Хурмузд эрур
Гўё уйда ота каби, дўсти каби ёки мисли биродар.

Беҳдин, Зардушт таълимотига асосланган Мазда Ясна дини энг яхши дин деган маънода беҳдин деб ҳам аталади. Беҳ- “яхши” маъносининг тожик-форс тилидаги сифат ифодаси. Дин сўзи эса, Авестада шунчаки “дин” маъносидан ташқари самовий ҳақиқат, инсоннинг виждони кабиларни ҳам билдиради. Агар имонли бандаларнинг уйларига, жонларига, молларига ёмон ниятли нокаслар тажовуз қилса, уларни аввало муқаддас динлари, қолаверса, Аҳура Мазда худди хонадоннинг отасидаек, оғасидек, инисидек, самимий дўстидак ҳимоя қилади, дейилмоқда ушбу сўнгги бандда.

***Ясна, “Гоҳ”ларнинг 46-қўшиғи*.**

Ушбу бобнинг бошланишида Заратуштранинг тақдири ва Зардуштийлик тарихининг реал манзараларидан бири акс этган деб ҳисобланади. Хусусан, бобнинг биринчи бандидан бошлаб Заратуштранинг ўз туғилиб ўсган маконидан, Ардви (Аму)дарёнинг қуйи ва ўрта оқими оралиғида, Қадимги Хоразм ерларида дарё соҳилида жойлашган Спитама уруғи манзилидан қувғин бўлиши, оқибатда Суғд, Маури (Марғиёна) ерларидан ошиб сарсонликлардан кейин Баҳди ва ниҳоят Сакастанага (тарихий Сеистон, ҳозирги Афғон ва Эрон Сеистонлари), у ерда ҳукмдорлик қилаётган Виштаспа ҳузурига етгани, ўз таълимотининг ҳақ эканлигини исбот этгани, бунинг учун қайнаб турган мис синовидан ўтгани каби воқеалар баёни келади. Айни шу қайноқ мис синови воқеаси





[illegible]
[illegible]
[illegible]

*WaEdA taT YA ahmI mazdA anaECO*
*mA kamnafCwA hyaTcA kamnAnA ahmI*
*gvrvzOi tOi A-IT awaEnA ahurA*
*rafvDrVm cagwl hyaT fryO fryAi daidIT*
*AxsO WaMhVuS aCA IStIm manaMhO.*

Йўқсилликдан, оҳ Мазда, эрурман ночор,
Чорпоим кам, мол-ҳолим йўқ, на бирорта хизматкор.
Оҳим сенга, Аҳура, мен томон солгин назар,
Эзгу ўй Ҳақиқатинг Эзгу ният-ла кўрмоқ,
Дўстни дўст қўллагандек, менга бўлсин муяссар.

Заратуштра, авесташуносликда қабул қилинганидек, ўн йил давомида ўз динини қавмлари орасида тарғиб қилган. Аммо унинг даъваткор сўзларига ҳеч ким қулоқ солмаган. Чунки, одамлар Заратуштра келтирган ғояларни қабул қилишга тайёр эмас эдилар. Уруғчилик, ҳар бир уруғнинг ёки қариндош уруғлар уюшмасининг ўз “худоси”, эътиқод қиладиган зотлари бўлагн. Шу сабабли Заратуштранинг Аҳура Мазда ва унинг вазифадор малаклари ҳамда турли худолар моҳиятида борлиги каби ғоялари одамларга тушунарли эмас эди. Зратуштра ва унинг қавмлари маънавий дунёси ўртасидаги ушбу узилиш охир-оқибат ўз юртидан қувилиш билан тугаган. Мазкур банд мазмунига кўра уруғ-аймоғидан

жоҳил раҳнамоларидан ўз худоси Аҳура Маздага шикоят қилмоқда. Хатто, унинг янги ғоясини ўз оиласи ҳам қабул қилмагандек. У сўзи орасида “қон-қардошим тан олмайди” деган иборани ишлатади. Асл матнда бу ўринда “нманў”(ёки “дманў”) сўзи ишлатилган. Бу дегани “оила, хонадон” демакдирки, унинг бошида патриархал раҳнамо, хусусан, Заратуштранинг отаси Пурушаспа турган. Демак, “пайғамбар”нинг отаси ҳам ҳали ўз ўғли динига кирмаган, Маздани Аҳура, яъни “Жаноб, буюкликка мушарраф зот” деб тан олмаган. Ҳолбуки, зардуштийлик анъанасига кўра Пурушаспани аҳура Мазда азалда билган ва эзгу ишлари эвазига унга Заратуштрадек ўғил фарзанд ато этган. Заратуштрани она пуштида ҳамда гўдаклигида турли бало-қазолардан ҳимоя қилган ҳам Аҳура Мазда ва ҳоказо. Қолаверса, оиласидан ташқари Заратуштра қавми, эли ва юртидан ҳам мосуво бўлган. Чунки, у мансуб бўлган муҳитда “ҳақфикрлилар” йўқ, қишлоқ жамоаси, қабиласи, юрт эгалари чин Ҳақиқатни танимаган, Ёлғон алдоғидан халос бўлмаганлар. Улар Ёлғон бандалари ҳолида қолмоқда эдилар. Борингки, бу аҳволда Заратуштра қандай қилиб худоси Аҳура Мазда рози бўладиган иш қила олсин. Хуллас, бу гоҳнинг моҳиятидаги биографик хусусият зардуштийликнинг ибтидоий тасаввурлардан нисбатан юқори диний мақом сари қўйган қадами мураккаб ижтимоий маънавий курашларда кечгани ҳақида хабар беради.

Ясна, 46.2.







ушбу 46-бобда қайд этилмаган. Лекин бобга берилган зенд шарҳларида, Денкард номли зардуштийлик қомусида бу воқеанинг баёнлари бор.

Заратуштранинг қувғин ҳолда босиб ўтган йўллари, ниҳоят Виштаспа ҳузурида ўз таълимотини исботлагани, Виштаспа,унинг рафиқаси Хутаося, сарой аъёнлари ва фуқаролари зардуштийлик (Мазда Ясна) эътиқодига кирганлари, ушбу диний-фалсафий таълимотнинг айни ҳозирги Ўзбекистоннинг, аниқроғи тарихий Хоразм ҳудудларидан Ўрта шарқ, хусусан, қадимги Эрон томон тарқалганини кўрсатади.

Ясна, 46.1.



*kAm nvmOi z&m kuqrA nvmOi ayenI*
*pairI XaEtVuS airyamanascA dadaitI*
*nOiT mA xCnAuS YA WvrvzVnA hVcA*
*naEdA daFyVuS YOi sAstArO drvgwaNtO*
*kaqA qBA mazdA xCnaoCAi ahurA.*

Қайга қочай, қаерлардан излайин панох,
Қон-қардошдан, айриямандан қувилган бўлсам.
Вису занту СЎЗларингни писанд этмас, оҳ!
Дуруғбанддир хаттоки даҳйупат ҳам гумроҳ!
Аҳура Маза,сени қандай хурсанд қилай, эй воҳ?

46-Ясна ҳақида турли хил фикрлар билдириб келинган. Жумладан, бу гоҳ Зараруштра пайғамбарлик даъвоси билан чиққан дастлабки босқичда рўй берган мураккаб вазиятнинг реал тарихий ифодаси деб ҳам тушунилади. Яъни, турли асотирий тасаввурларга худо деб сиғиниб юрган одамларга мутлақо янги ғояни, Зардушт келтирган олий Ҳақиқатни, бори дунё ягона бўлса, унинг яратувчиси ҳам битта бўлади, деган ғояни тушунтириш қийин эди. Бу Ҳақиқат Аҳура Мазданинг "якка-ягона парвардигор, бутун борлиқнинг эзгу асосларини фақат яхшилик қилиб яратган зот", деб тан олишдан иборат эди. Лекин одамлар бу Ҳақиқатга ишонишга тайёр эмас эдилар. Агар шундай бўлса, нега дунёда ҳар қадамда ёмонлик?- деган саволга одамлар жавоб излар эдилар. Дунёдаги барча ёмонликлар шайтоний ёвузлик тимсоли, бутун борлиғи билан Ёлғон мужассами, имон йўлидаги одамни чалғитиш учун турли қиёфага кириб, сон-саноқсиз найрангларни ишга солувчи, эзгу борлиқни вайрон қилиш йўлида тинимсиз фитналар қўзғовчи Ахриман билан боғлиқ, деган ғоя ҳали тушунарли эмас эди. Бунинг устига Оламнинг эзгу асосларини тиклаш, Ёвузликни умуман бартараф этиш, Ахриманни маҳв этиш бевосита ҳар бир шахснинг имону эътиқодда қоимлиги, ёмонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши фаол курашмоғи билан боғлиқ, деган буюк фалсафа





эндигина уруғ-қабилачилик, коллектив онг даражасидан чиқиб келаётган индивид (шахс) учун мавҳумлик қилар эди. Ана шундай шароитда Заратуштранинг Олий эзгу худо Мазда, яъни Олий ақл эгаси, ва унинг эзгулик дунёси ҳақидаги ғоялари ёз чилласида момоқалдироқдек, одамларнинг ақлини шошириб қўйганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунинг устига худо Мазданинг тимсоли мавҳум эди. Кечагина табиатнинг турли моддий ашёларига сиғиниб юрган содда авом учун самовий мавҳум илоҳий тушунчаларни ўзлаштириш қийин кечган. Хатто асотирий тимсолларга ҳам одамлар ўзлари учун тушунарли реал қиёфалар орқали мурожаат қилишга ўрганган эдилар. Масалан, Ардви Сурани қадди-қомати келишган ўн беш ёшли гўзал қиз, Вараҳранни гоҳ майин шамол, гоҳ ёвуз кучларни йўқ қилувчи қабон ёки моясига интилиб, атрофга кўпик сочиб турган важоҳати зўр, қўш ўркачли қудратли туя каби тасаввур қилинган ва ҳоказо.

Шу каби мулоҳазалардан кейин юқорида келтирилган маъно ўгирмамиздан келиб чиқувчи баъзи фикрларни баён этамиз. Аввало, ушбу гоҳ авесташуносликда "Ҳайдалиш қўшиғи"(И.М.Стеблин-Каменский), "Қувғинликдаги илтижо", "Зардуштнинг биографик достони" ва шу каби бошқа номлар билан атаб келинади. Унда чиндан ҳам реал ҳаётий воқеа акс эиганига шубҳа йўқ. Бу ҳақда биз бир муносабат билан ёзганимизда, Иброҳим а.с. дан бошлаб барча пайғамбарлар тақдиридаги ҳижрат ҳодисаси Зардуштни ҳам четлаб ўтмаган, дея ўхшатишга журъат этган эдик (М.Исҳоқов. Зардушт машаққати ва Ислом ҳақиқати. Гулистон, 2003, № 1. –Б. 29).

Таҳлил қилинаётган гоҳнинг мазмунида Заратуштра ўз қавмларидан, қишлоғи жамоасидан, қабиласи ва юртининг

*mazdA aCA xCmAkvm WArvm xCnaoCvmnO*
*taT mOi xratVuS manaMhascA WIciqvm.*

Ким менга чин ихлосда – унга барча яхшилик
Боримни бағишлайман, ваъдамдир Эзгу ният.
Бизга зиён излаганга зиёндир насиб албат.
Қудратингни, Ҳақлигингни эъзозимда тутаман
Ушбу танлов менингдир Ақлу Идроким билан.

Бу бандда Заратуштра ўзининг пировард мақсадини очиқ баён этмоқда. Яъни ким унинг таълимотига ўзини боғлаб, Мазда динига, Ҳақ йўлига кирса, у паём етказувчининг энг яқин сафдоши бўлгувсидир.Кимки беҳдин, Маза Ясна йўлига тўсиқ бўлиб, унга душманлик қилса, унингёвузлиги ўзига қайтади ва ёмонликларига ўзи дучор бўлади.Маздапарастлар, Зардушт йўлини танлаганлар бу йўлга тўсқинлик қилувчиларга қарши курашга доимо шай бўлмоқлари лозим. Зардушт ўз танловини замонасининг энг тўғри танлови сифатида ибрат қилмоқда.

Ясна, 46.19.







Оиласи аҳлига қилсин ўгит имонли хожа:
Тўкмак меҳмон қонини эрур гуноҳи кабир.

Бу бандда аждодларимизнинг қадимий ўта инсонпарвар анъаналаридан бири акс этган. Айтилмоқдаки, ўз уйи, хонадонининг устидан ҳукми бўлган имонли инсондан ё бошпана, ё вақтинча қандайдир хавф-хатардан омон сақлашни сўраб, паноҳ тилаб кимдир келса, аммо бу инсон ўзга динда ва ё шунчаки, душман бўлса, ҳар не бўлганда ҳам унинг унинг қонини тўкиш гуноҳ эканлигини айтиб, аҳли аёлини, яқинларини огоҳлантириб қўйиши лозим. Бу лавҳани минтақамиз халқларида азалий инсонпарварлик табатидан келиб чиққан меҳмондўстлик, мусофирни сийлаш, кимлигидан қатъий назар унга мурувват кўрсатиш анъанасининг тарихий илдизи деб тушуниш мумкин.

Ясна, 46.6.



*aT YastVm nOiT nA isvmnO AyAT*
*drUjO hwO dAm&n haEqahyA gAT*
*hwO zI drvgwl YV drvgwAitE WahiStO*

*hwO aCawA YahmAi aCawA fryO*
*hyaT daEnl paouruyl dl ahurA.*

Ёлғон бандаси шунда мурувватдан баҳраманд
Ҳақ саройига киргай ҳар қанча бўлса каззоб.
Асли ўша друғванд ашаддий эрди душман
Имонли эзгулигин ибратига берур тан,
Чунки унинг хуш имонин Аҳура халқ этган.

Яъни, мазкур юқоридаги бандда акс этган манзара – хонадонга вақти-бевақт келгувчи мусофир қўноқ, хоҳ у дўстона келсин, хоҳ дилида ғараз, кину адоват билан келсин, хоҳ ўзга эътиқоддаги одам бўлсин, бу хонадоннинг имонли маздопараст хожаси кўрсатган мурувват олдида лол қолиб, ўзининг душманлигини ҳам унутади ва беҳдин Ҳақлигига тан беради, Мазда динини қабул қилади. Чунки Мазда дини хуш ва гўзал динки, уни Аҳуранинг ўзи ўзининг хуш табиатидан яратган.

Ясна, 46.7.

*kVm-nA mazdA mawaitE pAyUm dadl*
*hyaT mA drvgwl dIdarvCatA aEnaMhE*





Мен сизларга қўшиқ қилиб ё қўшиқдамас
Эй Жамасп Хвогва, худонинг мақтовларин
Ихлосу жон-дилимдан қилай бирма-бир.
Токим Сизлар Аҳура Мазда Ҳақлиги ҳаққи
Фарқланг Ҳақни Ноҳақдан – шул эрур тақдир.

Бу банднинг мазмуни, баъзи сўзлар алмашгани ҳасобга олинмаса,

юқоридаги банд билан деярли бир хил. Бунда Зардуштнинг мурожаати яна ўша Хвогва қавмининг бошқа вакили – Жамаспга қаратилган. Бу шахс ҳам Виштаспаниниг яқин муозимларидан бўлган. Бунда Зардушт Мазда Аҳура йўлини танлашда Ҳақнинг – АҚЛ йўлида бўлишини тайинламоқда.

Ясна, 46.18.

*YV maibyA YaoS ahmAi ascIT WahiStA*
*maFyl iStOiS WohU cOiCvm manaMhA*
*&stVNg ahmAi YV nl &stAi daidItA*

Мазда Аҳура Оқил Ҳақ йўли – Манзил
Унда Хурмузд - Баҳмон тутиб қўл
 Аҳура Манзилига этарлар доҳил.

Худога мақбул икки йўл – бу дунё-ю у дунё роҳат ва фароғати. Эзгу дин шарофати билан унга эга бўлинади. Бунинг учун Мазда динига кирган унга йўл кўрсатувчи имонлига, хусусан Заратуштрага эргашмоғи лозим. Демак Фрашаоштра – Виштаспа саройида нуфузли амалдор Мазда динига кирган ва унга Заратушрта лин амамллари ва шартларини ўгатувчи имонли кимсани тавсия қилмоқда. Шу шарт билан Фрашаоштра Мазда Аҳуранинг Ҳақ йўлига киради ва Аҳуранинг манзилига етишади.

Ясна, 46.17.



*YaqrA WV afCmAnI sVNghAnI*
*nOiT anafCm&m dVjAmAspA hwO-gwA*
*hadA WVstA WahmVNg svraoCA rAdaMhO*
*YV WIcinaoT dAqvmcA adAqvmcA*
*daNgrA maNtU aCA mazdl ahurO.*





*anyVm qBahmAT AqrascA manaMhascA*
*Yayl KyaoqanAiS aCvm qraoStA ahurA*
*t&m mOi d&stw&m daEnayAi frAwaocA.*

Жону молим қасдида юрса дуруғванд
Муқаддас Оташ ва Баҳмондан бўлак,
Мазда, менга кимни, қилдинг ҳимоят?
Айт, Оташ ва Баҳмон шарофатидан
Ҳақиқат топмабмиди ахир тарбият?

Зардушт Аҳура Маздага савол бериб, жамиятида ҳали унинг маздопарастлик ғояларини қабул қилмай, Ахриманнинг шайтоний ёлғонларига эргашиб юрган, ҳар қадамда на фақат Зардуштнинг, балки унга эргашиб Мазда динига кирганларни ҳам ҳалок этишга, молу мулкини торож қилишга тайёр душманлар бор бўлган шароитда уларни ҳимоя қилиш учун кимни тайин этганини, Шу билан бирга Муқаддас Олов ҳамда Эзгу фикр фариштаси Ваҳуманалар зардуштнинг ва унинг диндош саҳобаларива қавмининг ҳимоячилари эканини таъкидламоқда. Бироқ яна кимлар дин ва диёнат ҳомийлари эканини сўрамоқда.

Ясна, 46.8.





*YV WA mOi Yl gaEql dazdE aEnaMhE*
*nOiT ahyA-mA AqriS KyaoqanAiS frOsyAT*
*paityaogvT tA ahmAi jasOiT dwaECaMhA*
*tanwVm A YA Im hujyAtOiS pAyAT*
*nOiT duZjyAtOiS kAcIT mazdA dwaECaMhA.*

Гар дуруғванд етказса жону молимга
Зиён-заҳмат менга етмасин асло.
Қилмиши қидирмиш бўлсин ўзига
Келтирган балоси урсин ўзига.
Қочсин улардан роҳат-фроғат,
Ўрасин уларни кулфат, қабоҳат.

Бу Заратуштранинг бу сўзлари халқимизнинг “ёмоннинг қилган ишлари ўзига урсин, ёмонлик балоси ўзига урсин” каби ҳануз амал қилаётган дуолари билан шу қадар оҳангдош ва мазмунан уйғунки, бу ҳаётимизда узоқ ўтмишдан озиқ олган қадриятларнинг нақадар илдизи, ҳаётий асослари бақувват эканига далолат, десак хато бўлмайди.

Ясна, 46.9.







Афғонистон ерларида бўлмиш ҳукмдор Виштаспа ҳузурида Мазда динини асослаган пайтларида Хаетачаспа қавми ҳам бу динни қабул қилган. Шу муносабат билан Зардушт бу қавмга Ҳақни таниш ва тўғри йўлни танлаш ҳақида даъват сўзлари билан мурожаат қилмоқда.

Баъзи қарашларга кўра Хаетачаспа қавми Зардуштнинг қайнотаси аждодининг исми. Бу ҳақда И.М.Стеблин-Каменский Яснанинг 53-қўшиғида, Зрадуштнинг қизи Пуручистанинг никоҳ маросими ҳақидаги лавҳа муносабати билан тегишли изоҳни бериб ўтган эди.

Ясна, 46.16.



*fvraCaoStrA aqrA-tU arvdrAiS idI*
*hwO-gwA tAiS YVNg uswahI uStA-stOi*
*YaqrA aCA hacaitE ArmaitiS*
*YaqrA WaMhVuS manaMhO IStA xCaqrvm*
*YaqrA mazdl Warvdvm&m CaEitI ahurO.*

Худога мақбул бўлган икки йўл узра
Фрашаоштра Хвогва, имонли-ла бўл.

*haEcaT-aspA WaxCyA WV spitamlMhO*
*hyaT dAqVNg WIcayaqA adAq&scA*
*tAiS YUS KyaoqanAiS aCvm xCmaibyA daduyE*
*YAiS dAtAiS paouruyAiS ahurahyA.*

Эй Спитама қавмининг Хаечатаспа уруғи
Ҳақни Ноҳақдан ўрганинг фарқлаш –
Аҳуранинг АҚИДАСИ БИЛАН йўғрилган
Тўғри йўлдир, Сизга Ҳақ йўлда йўлдош.

Убу банднинг асл манбадаги бир сатри йўқолган. Бироқ банд мантиқи Хаетачаспа уруғига даъват сўзлари билан боғлиқ бўлгани учун мазмунн тиклаш мумкин кўринди. Яъни, Зардушт ўз аждодларидан улуғ отаси Хаетачаспа номи билан аталадиган қавми авлодларига мурожаат қилиб, Мазда Аҳура дини ҳақиқиатини жоҳилиятнинг ибтидоий, яъни Ҳақ бўлмаган қарашларидан қандай фарқланишини ўргатмоқда. Шу билан бирга аҳуравий, яъни Маздопарастликнинг асосий ғоялари, эзгулик йўлини танлаш тўғри йўл ва бу йўл Ҳақ ваҳ Ҳақиқат йўлидир, демоқчи. Афтидан, Хаетачаспана қавми дастлаб Мазда динини тезда қабул қилавермаган. Зардушт 30 ёшидан бошлаб, қирқ ёшигача ўз қавмлари ва қабиласи орасида ўз динини тарғиб қилиб натижага эриша олмагани маълум. Хатто ўз юртидан қувғин ҳам бўлгани унинг ушбу 46-қшиғи бошида қайд этилган. Демак, Зардушт Ардви (Амударё) бўйларидаги ўз ватанидан бадарға бўлиб, Бахди, ҳозирги





*kV hwO YV-mA arvdrO cOiqaT pouruyO*
*YaqA qBA zvwIStIm uzvmOhI*
*KyaoqanOi spvNtvm ahurvm aCawanvm*
*YA-tOi aCA YA aCAi gVuS taCA mraoT*
*iCvNtI mA tA tOi WohU manaMhA.*

Сен Аҳурани қудратли дебон,
Барча ишларда авлодир дебоон
Чорво парвардигори Ҳақ сўзи билан:
"Эзгу Баҳмон ва Ҳақ келар сен томон",
Дея Ким менга илк бор билдирган?Ясна

Ясна, 46.10.

*YV WA mOi nA gvnA WA mazdA ahurA*
*dAyAT aMhVuS YA-tU WOistA WahiStA*
*aCIm aCAi WohU xCaqrvm manaMhA*
*Y&scA haxCAi xCmAwat&m WahmAi A*
*frO-tAiS WIspAiS cinwatO frafrA pvrvtUm.*

Эркакдир, аёлдир, Мазда Аҳура, сенга итоат
Билан эзгу йўлинг тутса, ҳақ билиб сени
Ҳақ ажрини топгайдир, эзгу мукофот
Шаҳриёр Ҳақ дея мақтаса номинг
Мен ҳамроҳман, унга кенг бўлур Чинват.

Аҳура Мазда борлиқнинг энг эзгу асослари учун энг муносиб ва лойиқ амалларда бўлган хоҳ эркак, хоҳ аёлдир, барчалари охират куни савобни гуноҳдан, эзгу имонлиларни ёвуз имонсизлардан ажратиб бергувчи Чинват кўпригидан ўтишлари ҳақ эканини таъкидламоқда. Шу билан бирга имонли ашавонларга, умрини яхшилик ка бағишлаб, ёмонлик билан курашиб яшаганларга Чинват кўпригидан бирга ўтишликка ва беҳиштда бирга бўлишликка ваъда бермоқда.

Ясна, 46.11.







*zaraquStrA kastE aCawA urwaqO*
*mazOi magAi kV WA fvrasrUidyAi WaStI*
*aT hwO kawA WIStAspO YAhI*
*YVNgstU mazdA hadvmOi minaS ahurA*
*tVNg zbayA WaMhVuS uxDAiS manaMhO.*

Заратуштра, эй ҳақиқат, сен учун буткул
Ихтиёрин топширди Дўст бўлиб сидқи дилдан.
Бу кова Виштаспадир. (Эй Виштасп) шаънингга
Мазда Аҳуранинг Ният, Сўз, Амал бирлик
Дуо-ю мақтов сўзин чорлаб қолурман сенга.

Юқоридаги бандда Ким биринчи бўлиб Зардуштга хайрихоҳлик қилишива бунинг учун ёзилажак ажру савоблар ҳақида сўз борган эди. Бу бандда шу саволга жавобан Кави Виштаспнинг Мазда Ясна динини биринчи бўлиб қабул қилгани ва бунинг учун Заратуштра Аҳура Мазданинг Эзгу ният ва Эзгу сўлари билан унга дуолар етказишини айтмоқда. Зеро пайғамбар мақомини ният қилган ва Аҳура билан меърожий суҳбатларда олган мартабаси уни бу дуо сўзларни Аҳура Мазда номидан бағишлашга ваколатли қилган.

Ясна, 46.15.



***"go'sh kunandagon" – 'қулоқ бергувчилар", диний жамоа)*** қарата айтилган**.** Гап Зардуштнинг дин ислоҳотчиси, беҳдиннинг асосчиси сифатидаги ҳаракатига тарафдор бўлганларга, издошлик қилиб дўстона самимият ва ихлос қилганларга Эзгу ният фариштаси Ваҳумана Аҳуранинг (яъни Олий оқил зот Мазданинг) Ҳақ дўстлигини ҳамда мўл-кўл молу дунёсини етказади. Бу каби лавҳалар бу дунёда бахтли, фаровон яшаш, нариги дунё роҳат фароғати ҳақидаги жаҳон динлари умумий ғоялари билан туташиб кетади. Энг муҳими, дин ва янги ахлоқий-фалсафий дунёқараш ғояларини синдириш усуллари Зардуштийликда мукаммал ишлаб чиқилган ҳамда жаҳон динлари назарий ва амалий асосларига таъсир ўтказган, дейиш мумкин. Масалан, нирвана даражасидан юқорини тан олмайдиган будда диний матнларида нариги дунё роҳатлари, дўзаҳнинг даҳшатли қабатлари (олов дўзаҳ, сон-саноқсиз найзалар қадаб қўйилган дўзаҳ, маъдан қайнаб турган дўзааҳ ва ҳоказо – "Қилмишларимизнинг яқин оқибатлари" номли сутранинг суғдий матни) каби ғоялар ҳам борки, бу албатта мазкур таъсирдошлик натижасидир.

Ясна, 46.14.









*xCaqrAiS YUjVn karapanO kAwayascA*
*akAiS KyaoqanAiS ahUm mvrvNgvidyAi maCIm*
*YVNg XV urwA XaEcA xraodaT daEnA*
*hyaT aibI-gvmvn YaqrA cinwatO pvrvtuS*
*YawOi WIspAi drUjO dvmAnAi astayO.*

Ёвуз ниятли бадкор кавийлар, карапанлар
Эзгу Оламни бузмоқ ёвуз ниятни кўзлаб
Ғазабларин тизгинин ёвузликка боғлашар.
Чинват устига бир кун келгач ёв Друғвандлар,
Ҳақ дин учун бағирларин афсус ила доғлашар.

Кавийлар ва карапанлар Зардушт ислоҳотларига қадар ибтидоий динларида табиатнинг турли унсурларига сиғинишиб юрган жоҳиллargина эмас, Мазда Ясна дининг ашаддий душманлари деб ҳисобланган. Улар борлиқнинг эзгу асосларини бузиб, ёвузиклар билан вайронликлар келтиришга доимо шайлар, яъни ўз ёвузликларини тизгинлаб имонли одамларни ёмонликлар қилишга ундайдилар, ёвузликни кўпайтирадилар. Аммо ўша ашаддий ёвуз кавийлар ва карапанлар ҳам охират куни Чинват кўпригги олдига келганларида ўз қисматлари даҳшатли дўзаҳ (авестача ***дауж ваху***)нинг, Аҳриман Ёлғонини қасрининг шиддатли азоблари эканини биладилар ва Эзгу динни (авестача *даена*)ни қабул

қилмаганларидан афсус ва надоматлар чекадидар. Аммо бу энди бефойда.

Ясна, 46.12.



*hyaT us aCA naptyaECU nafCucA*
*tUrahyA uzjVn fryAnahyA aojyaECU*
*ArmatOiS gaEql frAdO qBaxCaMhA*
*aT IS WohU hVm aibI-mOist manaMhA*
*aEibyO rafvDrAi mazdl sastE ahurO.*

Оли Тур Фриённинг, куч-қудрат соҳибининг
Аҳли аёли ичра Ҳақ дин қандай юксалди?
Испандармат оламни Эзгу ўй томон элтар
Эй Мазда, эй Аҳура, уларга мадад еткар.
То бу ибрат келтирсин ўзгалар учун самар

Авестада Тур исмли қаҳрамон – Зардушт таълимотини қўллаб қувватлаган қудратли Фриён уруғининг вакили. У ва унинг оиласи ва уруғдошлари динни улуғлашга, Муносиб оқиллик фариштаси Спента Армаитий шарофати билан





эришганлар. Зардушт Аҳура Маздага мурожаат қилиб, ундан Тур хонадони ва қавмларини қўллаб қувватлашни сўрамоқда.

Ясна, 46.13.



*YV spitAmvm zaraquStrvm rAdaMhA*
*marvtaECU xCnAuS hwO-nA fvrasrUidyAi vrvDBO*
*aT hOi mazdl ahUm dadAT ahurO*
*ahmAi gaEql WohU frAdaT manaMhA*
*tVm WV aCA mVhmaidI huShaxAim.*

Кимки Заратуштрани мардлар аро мардона
Ҳурматин бажо қилса, бўлса унга дўстона,
Аҳурадан барокат, молу дунё, эзгулик
Эзгу Баҳманнинг унга Ҳақ дўстлиги нишона.

Бу сўзлар Заратуштранинг саҳобалари, нигушакларига (унинг ваъзларини тинглаган жамоат авеста тилида *нигушак,* яъни “тингловчилар” дейилган. Авеста тилида ***nigaushak – ni-gaush-ak***

*kA-tOi WaMhVuS mazdA xCaqrahyA IStiS*
*kA-tOi aCOiS qBaFyl maibyO ahurA*
*kA-qBOi aCA Akl arvdrVNg iKyA*
*WaMhVuS manyVuS Kyaoqanan&m jawarO.*

Эй Мазда, недандир, кудсий Мулк ҳукминг қудрати?
Эзгу амалларимu гаров, недир бунга сийлов - ҳимматинг
Сен маъқуллаб тан олган Эзгу амал савоби қанча

Заратуштра Аҳура Маздага савол билан мурожаат қилиб, унинг таълимоти ва даъвати йўлини тутганларга қандай ажру савоблар берилишини сўрамоқда. У Аҳура Мазданинг қудрати, борлиқ устидан ҳукмига ишонади, лекин бу куч-қудратнинг чексизлиги қанчалик экани ҳақида риторик сўроқ орқали динидаги қавмларига буни яна бир намойиш қилиб ўтмоқда. Яъни, Мазда динига кирганлар улкан ажру савоблар эгаси бўладилар, демоқчи. Таъкидлаш жоизки, бу даъваткорлик ҳолати ибтидоий мифологик тасаввурлар оламидан эндигина чиқаётган одамлар учун жуда муҳим эди. Заратуштра келтирган ғоялар табиатда бор ҳодисаларга сиғиниб юрган, ўзлари сиғинаётган нарсалларини кўзлари билан кўриб туришга ўрганган одамлар учун мураккаб мавҳумлик бўлиб туюлар эди. Зеро, Аҳура Мазда тимсоли қалбан ва руҳан қабул қилиниши лозим бўлган маънавий қудрат эди. Уни Зардуштнинг маънавий инқилобий тафаккури яратган эди. Унинг даъватлари моҳиятида борлиқнинг бутун моҳияти яратган зотнинг тажаллиси, унинг қудрати намойиши деган фикр ётар эди.





[illegible]
[illegible]

*YV-mOi aCAT haiqIm hacA WarvCaitI*
*zaraquStrAi hyaT WasnA fvraCOtvmvm*
*ahmAi mIZdvm hanvNtE parAhUm*
*manV-WistAiS maT WIspAiS gAwA azI*
*tAcIT mOi s&s twVm mazdA WaEdiStO.*

Чин дили Ҳақлиги-ла кимки менинг энг аъло
Орзуимга эш бўлса, унга маҳшарда беҳишт,
Бунда унга етишгай соғин соғлом қўш сигир.
Эга бўлгай, ниҳоят, мен Сендан билганимга.

Аслда “кимкименга энг яхши, энг ажиб нарсани амалга оширса...” деган жумла келади. Энг яхши, ажиб ҳайратга солувчи нарса – бу Зардушт келтирган дини неъматининг одамлар томонидан қабул қилиниши. Зардуштга бундан бўлак мукофот йўқ.Одамларнинг Мазда динига кириши ва эзгулик йўлини танлаб, ёвузликка барҳам бериш йўлида курашга сафарбар бўлиши – уларнинг нариги дунёси учун улуғ заҳира. Бу дунёда эса худо имонлиларга икки соғин сигир бахш этади, дейилади бу бандда. Қачонки, гап нариги дунё беҳишт роҳатлари ҳақида бораётган бўлса, икки сигир масаласи ҳам рамзий маъно берса керак. Балки икки сигир дину имони мустаҳкам инсон учун бу дунёсининг ҳам, у дунёсининг ҳам фаровон бўлишидир.

**Ясна 47-ҳоитий (xā).**

Гоҳларнинг 47-қўшиғи асосан Аҳура Мазданинг муқаддас олти эманацияси Арта Ваҳишта, Ваҳумана, Спента Армаитий, Хшатра Варйа, Хаурватат, Амэрэтотлар шарафига бағишланган. Бу олти тажалли зардуштийликда азал ва абад ўлмас валий зотлар Ҳамеша спенталар, худонинг бевосита функцияларини ўзида мужассам этган муаккиллари сифатида юксак эътиқод объектлари ҳисобланган. Матнда Олти эманациядан олдин ва улардан кўра даражаси бирламчи ҳолда Муқаддас руҳ мақтовлари келади.

Ясна, 47.1.



*spvNtA mainyU WahiStAcA manaMhA*
*hacA aCAT KyaoqanAcA WacaMhAcA*
*ahmAi d&n haurwAtA amvrvtAtA*
*mazdl xCaqrA ArmaitI ahurO (2).*

Аша Ваҳишта, Ваҳумана,
Испандармат ва Шаҳриёрликни
Мурдод ва хурдодларни
Ҳақиқат йўлида нимаики, бўлса,
Муқаддас руҳ билан бирга
Аҳура Маздадандир – барчаси.





*nI aECvmO nI dyAt&m paitI rvmvm paitI syOzdUm*
*YOi A WaMhVuS manaMhO dIdraGZOduyE*
*aCA Wy&m YehyA hiqAuS nA spvNtO*
*aT hOi dAm&m qBahmI A-d&m ahurA.*

Эзгу ўй йўлдоши ким, Ғазабни қилсин ҳалок.
Мен Аҳура Ҳақ дўст унга, мен унга паноҳ
Уйи менинг манзилимдир, хатардан халос.

Маъноси: Бу бандда авестача Ғазаб деви Аэшма ва унинг қилмишлари, яъни ғазаб билан жўшган жаҳолат, шафқатсизлик, талончилик, зўравонлик каби ёвузликларни Эзгу фикрга(Ваҳу Манага) эш бўлган ҳақпараст имонли киши(артабон) йўқ қилиши лозимлиги ҳақида сўз бормоқда. Бундай инсон Эзгу фикр ва Ҳақиқатга эргашгани сабабли Аҳура Мазда унга дўст ва ҳимоят. Ҳақ йўлидаги инсоннинг уйи гўё Аҳура Мазданинг ҳам макони, ҳавф-хатардан ҳоли бўлади.

Ясна, 48.8.



[illegible]

[illegible]

*hA-zI-nV huCOiqvmA hA-nV utayUitIm*
*dAT tvwICIm WaMhVuS manaMhO bvrvxDE*
*aT aFyAi aCA mazdl urwarl WaxCaT*
*ahurO aMhVuS z&qOi paouruyehyA.*

Чорво тўқлик, ул бергайдир умрзоқликни
Кучу кудрат Эзгу фикрат  Ваҳуманага
Ҳақ қудрати Аҳура Мазда сут оқлик учун
Кўмкўк ўтлоқ яратгайдир, ҳам Говмиш анга.

Малак Ваҳумана ҳомийлигида Чорво тўқлик, фаровонлик келтиради. Бундан эзгу ният  Ваҳумана куч қудраб топади. Чорва учун Аҳура Мазда ўсимликларни яратади. Чорва эса инсон учун – емиш, ҳаёт манбаи.

Ясна, 48.7.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]





Бу бандда мазкур олти эманация ва Муқаддас руҳ тўлиқ қайд этилган ва барчасининг бош сабабчиси Аҳура Мазда экани таъкидланади. Ҳар бир эманация гўё мустақил илоҳий бирликдек, бироқ аслида зардуштийлик уларнинг функциясини Аҳура Мазданинг тажаллиси қилиб кўрсатади. Яъни, эманацияларнинг мавжудлиги Ахура Мазданинг мавжудлиги туфайлигина юзага чиқади. Эманацияларнинг асотирлардан якка худо Аҳура Мазда моҳиятига сингдирилгунча ўтган тафаккурий босқичлар динамикасининг фалсафий моҳятини, маънавий асосларини тушунтириш келажакнинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ясна, 47.2.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*(zOT,)*
*ahyA manyVuS spVniStahyA WahiStvm*
*hizwA uxDAiS WaMhVuS VvAnU manaMhO*
*ArmatOiS zastOibyA KyaoqanA WvrvzyaT*
*OyA cistI, hwO patA aCahyA mazdl.*

Бул Муқаддас руҳ инсон нутқини,

Қўлининг меҳнатини, Баҳмонга хос
Эзгу фикрини, Испандармат оқиллиги орқали
Бир нарсага – Ҳақиқатнинг отаси
Аҳура Маздани танишга йўллайди.

Эркин тарзда ўгирганимиз ушбу бандда Аҳура Мазданинг улуғлиги ҳақидаги таълимот ва буни идрок этиш учун Муқаддас руҳ ва эзгу фикр фариштаси Ваҳумана биргаликда хизмат қилиши, ўз навбатида бу Аҳура Мазда бори дунё Ҳақиқатининг отаси эканини таъкидлашга қаратилган мазмун акс этган. Авеста гоҳлари бандларининг деярли барчасига хос бўлган сўз тартибининг чалкашлиги кўзда тутилган мазмуннинг тушунилишини қийин кўрсатади. Фикримизни ушбу банд сатрларини аслидагига яқин кўриишда ўгириб кўрсатамиз:

Ушбу Руҳнинг
Ўта муқаддас
Тили нутқи
Эзгулик Фикрати (билан)
Оқиллик қўли амаллари
Фақат бир таълимотга
“Ҳақиқатнинг отаси У - Мазда!”

Бу каби сўз қаламасининг мазмунини мантиққа боғлаб олиб чиқиш бугунги тилларимиз имкони ва фикрлаш тарзимиз кўзгусида қанчалик қийин эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу сабабли “Гоҳ”ларнинг инглиз, рус, форс ва бошқа







*huxCaqrA xCVNt&m mA-nV duSv-xCaqrA xCVNtA*
*WaMhuyl cistOiS KyaoqanAiS ArmaitE*
*YaoZdl maKyAi aipI z&qvm WahiStA*
*gawOi WvrvzyAt&m t&m nV XarvqAi fCuyO.*

Эзгу ҳукмдорлар, ёвузлар эмас – бизга
Эзгу таълимотда, ҳақ амалда бош бўлсин.
Пок айла туғмоқда то ўлимгача, гуноҳ қувилсин!
Чорпони сийлагин, ул насибадир ризқимиз тўлсин!

Изоҳ: Зардуштнинг ушбу дуоси илк бошқарув институтлари, ҳукмдорлик шакллари пайдо бўлган даврларга ишорат қилади. Демак, социал адолат сиёсий бошқарувнинг яхшилликка қаратилишида деб тушунилган. Эзгу бошкарув эса эзгу таълимотга, ёвузликни рад этувчи ғояга таянмоғи лозим. Қолаверса, туғилмоқдан поклик ва солиҳлик бор давом бўлса ҳар қандай гуноҳлар барқам топади Ризқу рўз учун Чорвага парвариш лозим бўлганидек, эзгулик устуворлиги эзгу дуова эзгу амалдандив.

Ясна, 48.6.



Ясна, 48.4.

[illegible]

*YV dAT manO WahyO mazdA aKyascA*
*hwO daEn&m KyaoqanAcA WacaMhAcA*
*ahyA zaoCVNg uStiS WarvnVNg hacaitE*
*qBahmI xratl apVmvm nanA aMhaT.*

О, Мазда! Ким ўша Эзгу ва ёвуз
Ниятларни ҳамроҳ айлайди дилга
Ёвуздир ё эзгу амал бирла сўз
Ақл ила топмаса ҳақни бил, қолур афсус

Эзгулик ва Евузлик ўртасида аросат да қолган бандалар ўз ниятларига лойиқ эзгулик ва ёвузликни ўйлайдилар, уларни амаллари ҳам ниятларига яраша эзгу ёки ёвуз. Бироқ, билгинки, инсон Ҳақни Ақл билан топиб ажратмаси, бундан афсус туғилади. Охиратда Биҳишт лаззатидан маҳрум бўлади.

Ясна, 48.5.

[illegible]





тилларга қилинган таржималари мазмун аниқлиги масаласида ҳалигача етарли аниқликка эришган эмас.

Ясна, 47.3.

[illegible]

*ahyA manyVuS twVm ahI tA spvNtO*
*YV ahmAi g&m rAnyO-skvrvtIm hVm-taCaT*
*aT hOi WAstrAi rAmA-dl ArmaitIm*
*hyaT hVm WohU mazdA hVmv-fraStA manaMhA.*

Муқаддас руҳни У – Муқаддас Ота
Қалбларга қувонч Чорва билан яратмиш.
Ваҳумана билан, о Мазда, бирга бўлса гар
Испандармат Яйловларга бағишлагай осойиш.

Банднинг мазмунини Эзгу фикр тажаллиси Ваҳумана билан комил оқиллик рамзи Спента Армаитийнинг ҳамкорлиги ғояси ташкил қилмоқда. Ушбу ҳамкорлик бўлса, қувончбахш чорва кўпаяди, тўқ ва фаровон ҳаёт таъминланади, яйловлар тинч ва осойишта гуркираб туради. Бандда чорва хўжалиги равнақига қаратилган фикр яққол кўриниб турибди. Бу каби чорвадорлик ғоясига хос лавҳалар

"Гоҳ"лардан ташқари Авестанинг бошқа наскларида (Яштлар, Видевдот ва б.) ҳам учрайди.

Ясна, 47.4.



*ahmAT manyVuS rArvKyeiNtI drvgwaNtO*
*mazdA spvNtAT nOiT iqA aCAunO*
*kasVuScIT nA aCAunE kAqE aMhaT*
*iswAcIT h&s paraoS akO drvgwAitE.*

Дуруғбанд Спетмандан хазар қилармиш
Чиғай эрлар имонлилар билан ҳамроҳ, эш
Бойу боён эрдан бисёр зулм келамиш.
Билъакс, келсалар эзгуликка иккиси - яхши.

Имонлилар Муқаддас Руҳга топинурлар. Дурғбандлар ундан юз ўгирадилар. Бойлардан кўплаб зулмлар келиши ўрнига, бойдир камбағалдир – барча имонлига меҳру шафқатли, мурувватли бўлмоқлари лозим.





Ёлғонни енгадими? Бу иши билан эзгулик қарор топадими? - каби сўзлар билан мурожаат этмоқда:

Ясна, 48.3.



*aT WaEdvmnAi WahiStA sAsnan&m*
*Y&m hudl sAstI aCA ahurO*
*spvNtO WIdwl YaEcIT gUzrA sVNghlMhO*
*qBAw&s mazdA WaMhVuS xraqBA manaMhO.*

Сенинг эзгу таълимотинг қабул айлаган
Бандаларинг, эй Аҳура Ҳақиқатнинг-ла
Зиё топган авлиёлар сўзларинг тинглаб
Эзгу Ақл билан топгай теран мазмунинг.

Бу бандда Аҳура Мазда зардуштийлик таълимотини чин дилдан қабул қилган имонли бандалар учун ҳар қандай яширин маъно худди парвардигорнинг ўзига маълум бўлгани каби аён бўлиши ҳақида гап бормоқда. Бунинг учун бандалар ҳақ таълимотда эзгу фикр билан қоим ва баркарор бўлишларни талаб қилинади.

Бу бунддаги *дев* сўзи ижобий маънода бўлиб, зарадуштийлик девларни ёвуз кучлар сифатида инкор этилмасдан аввалги узоқ тарихга боғлиқ тасаввурнинг қолдиғи деб изоҳланиши мумкин. Маълумки, Зардушт ислоҳоти дев тушунчасини илоҳийлаштиришга барҳам берган. Эътиқодни фақат Аҳура Маздага ва у “яратган” эзгу маъбуд ва маъбудаларга қаратган.

Ясна, 48.2.

*WaocA-mOi YA twVm WIdwl ahurA*
*parA hyaT mA YA mVNg pvrvqA jimaitI*
*kaT aCawA mazdA WVNghaT drvgwaNtvm*
*hA-zI aMhVuS WaMuhI WistA AkvrvtiS.*

Билгасен айт, аё Хурмузд,  Аълам зотсан
Ёлғонларнинг жазосини имонли эр
Бериб ғолиб бўлганида, эй улуғ Мазда!
Эзгу борлиқ топгаймикин ўз асосин?

Зардушт Аҳура Маздага,  барча нарсани билгувчи зотга савол бериб, имонли инсон ўз имону эътикқоди эвазига





Ясна, 47.5.

*tAcA spvNtA mainyU mazdA ahurA*
*aCAunE cOiS YA-ZI cIcA WahiStA*
*hanarv qBahmAT zaoCAT drvgwl baxCaitI*
*ahyA KyaoqanAiS akAT AKy&s manaMhO.*

Муқаддас руҳ номи билан, эй Аҳура Мазда
Имонлига ваъданг бордир эзгуликлардан.
Аммо друғбанд маҳрум ушбу неъматдан,
Чунки унинг қилмишига етов - Акаман.

Ёлғон бандалари ўз гуноҳ қилмишлари, ёвуз ниятлари туфайли қилган ёвуз амаллари билан Муқаддас руҳнинг неъматларидан маҳрумдирлар. Ашавон имонлилар эса Муқаддас руҳдан барча эзгуликларга эришажаклар.

Ясна, 47.6.

*tA dl spvNtA mainyU mazdA ahurA*
*AqrA WaMhAu WIdAitIm rAnOibyA*
*ArmatOiS dvb&zaMhA aCaFyAcA*
*hA-zI pourUS iCvNtO WAurAitE.*

Муқаддас руҳ билан бирга, эй Аҳура Мазда,
Эзгу Олов орқали икки тақдир, икки неъматни
Ато этдинг, бири соғлом оқиллик, бири ўша
Ҳақ йўлин тутган инсон, кўпга ҳодий ҳамиша.

Бу тўртлик инсоннинг охиратдаги тақдири икки йўлда эканини таъкидлайди. Имонли Ҳақпарастлар Аҳура Мазданинг Олов синовидан омон-эсон ўтиб, биҳиштга тушадилар. Улар роҳат-фароғатда бўлган пайтларида имонсиз дуруғбандлар дўзаҳ азобларида оҳ-зор чекадилар. Бу ибратни билганлар ўзларини дўзах азобларидан қутқаришлари учун Зардушт келтирган Ҳақ йўлини танлашлари лозим. Ушбу хулосалардаги қатъий оҳанг уч минг йил аввал инсониятни эзгуликка чорлаб жаранглаган, охират ғоясини дуал асосларда ишлаб чиқииб, инсон руҳини эзгуликка йўналтирган ноёб тафаккур инқилоби эди. Бу ғоялар жаҳон динларида тарбия ва тарғиб воситаси сифатида эсхатологик омилнинг тарқалишида муҳим роль ўйнагани шубҳасиз.





## ЯСНА, 48-қўшиқ.

Зардуштнинг бу “Гоҳ” и Ёвузлик ва Ёлғон устидан эзгулик ва Ҳақиқатнинг ғалабаси туфайли оламнинг янгиланиши ва Мазда Ясна анъанасига кўра охиратда осушийантнинг, яъни нажоткор ҳодий зотнинг келиши ҳақидаги пайғамбарона башоратидир. Бинобарин, Авеста бошдан оёқ Яратган зотни ёвузликка карши эзгулик кувонтиради, чин эзтиқоддан Мазда Ясна дини равнак топади, деб уқтиради.

Ясна, 48.1.

*(zOT,)*
*YezI adAiS aCA drujvm WVNMhaitI*
*hyaT &saCutA YA daibitAnA fraoxtA*
*amvrvtAitI daEwAiScA maKyAiScA*
*aT tOi sawAiS Wahmvm WaxCaT ahurA.*

Гар Ҳақиқат устун келса Ёлғондан,
Дев ё одам Аҳура Маздага шон
Шараф сўзин йўлласа ошкор аён
Ўлмас деву одам  Хурмузд шаънига шон
О, Аҳура куч қудратинг бўлур намоён

*aT duSvxCaqrVNg duS-KyaoqanVNg duZwacaMhO*
*duZdaEnVNg duS-manaMhO drvgwatO*
*akAiS XarvqAiS paitI urw&nO paityeiNtI*
*drUjO dvmAnE haiqyA aMhvn astayO.*

Ёвузлик гумашаси, қилмиши ёвуз,
Сўзи коски, ақди ёвуз, имони ёвуз
Нияти ёвузлик, борлиғи мараз.
Дўзахда насиби бўлгувси нажас.

Ушбу бандда ёвузликнинг асосий уч тури, яъни ёвуз ният (ўй, фикрда ёмонликка кетмоқ), ёвуз сўз, ёвуз қилмиш кабилар ёнига ёвузликка хизмат қилгувчи ҳукмдорлик ҳам қўшиб кўрсатилган. Бу демак, ҳар қандай ҳукмдорлик, эл устидан зиммага олинган бошқарув эзгуликка хизмат қилсин. Давомида одатдаги “эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал” уч бирлик ахлоқий-фалсафий зардуштийлик қоидасининг зидди бўлмиш “ёвуз ўй, ёвуз сўз, ёвуз амал” эгаларини нариги дунёда кутажак тақдир ҳақида гап боради. Матндаги “дауж дманў” ибораси И. Стеблин-Каменский таржимасида “Ёлғон уйи” каби тимсолда берилган ва бу зардуштийлик охират категориясида “ваҳуҳишта” (“беҳишт”- “жаннат”) нинг антиподи дўзаҳнинг образли айтилишидир. Зартуштра ёвузлар дўзахда нопок таомлар тортилган дастурхон меҳмони бўлажаклар, демоқда.

Ясна, 49.12.





Ясна, 48.9.

*kadA WaEdA YezI cahyA xCayaqA*
*mazdA aCA YehyA-mA AiqiS dwaEqA*
*vrvS-mOi vrvZUc&m WaMhVuS WafuS manaMhO*
*WIdyAT saoKy&s YaqA hOi aCiS aMhaT.*

Менинг қўрққанларим – ёвузликларнинг
Устидан қудратинг, ҳукминг борлигин
Қачон билдирурсан, ростин айт, токи,
Ялавочинг топажак ажрини билсин.

Зардушт ўз таълимотини тарғиб қила туриб кўп қийинчиликларга дуч келган, қувғинларга учраган. Салкам қирқ йил умри дарбадарликда, ватнидан йироқда ўтган. Бир томони бу вазият у келтирган дин ва ахлоқий-фалсафий ғояларнинг Марказий Осиёдан ўрта шарққа кириб боришига, кенг тарқалишига туртки ҳам бўлган. Шундай шароитда Зардушт Ахура Маздадан ўзининг душманлардан ҳимояти ҳақида сўрамоқда ҳамда худоси олдида хизматлари учун қандай мукофотга лойиқ эканини эзгу сўзлар билан айтишни сўрамоқда.

Ясна, 48.10.



*kadA mazdA m&narOiS narO WIsvNtE*
*kadA ajVn mUqrvm ahyA madahyA*
*YA aNgrayA karapanO urUpayeiNtI*
*YAcA xratU duSv-xCaqrA daFyun&m.*

Ё Маздо,
Ўгитимга қулоқ тутибон қачон,
Бизни деган қавмлар қачон ва қай он
Жоҳил юртбоши даҳо ҳамда карапон
Келтирган ўшал захри қотилнинг
Кечарлар алдамчи хуш хумордан?

“Гоҳ”нинг ушбу банди авесташунослар даврасида кўпдан бери баҳсли бўлиб келган. Унда чиркин, ифлос нарса ҳақида гап боради ва уни сипослар, яъни хизматдагилар, ( И.Стеблин-Каменский “аскарлар, жангчилар” деб ўгирган) истемол қилишдан қачон воз кечадилар? – деган савол қўйилади. Ўша чиркин, ифлос нарсани, дейилади бандда, ёвуз ният билан караплар, яъни Мазда Ясна эътиқодидан аввалги жоҳилия даври диндорлари ҳисобланмиш караплар ва ўша даврларда юртларни бошқарган жоҳил ҳукмдорлар келтиришган эмиш.





*taTcA mazdA qBahmI Ad&m niplMhE*
*manO WohU urunascA aCAun&m*
*nvmascA YA ArmaitiS IZAcA*
*m&zA xCaqrA WazdaMhA awVmIrA.*

Грану Дмануинг ичра Эзгу фикратни
О Мазда, имонлилар руҳларини ҳам
Асрагувчи ўзингсан бор қудратинг жам
Айлаб тутарсан у ерда қоим, мустаҳкам.

Грану Дманў зардуштийларниг олий орзуси биҳишт (жаннат) демакдир. У манзил имонлилар руҳинингсўнгги ва абадий манзили. Руҳлар Грану Дманўда эзгу фаришталар қуршовида бехавф-бехатар абадий роҳат-фароғатда қоладилар. Бу улуғ мукофот бандаларнинг бу дунёдаги Эзгу фикрлари, оқилона ишлари, имону эътиқодлари эвазига берилади.

Ясна, 49.11.





*sraotU sAsnl fCVNghyO suyE taStO*
*nOiT vrvS-Wacl sarVm did&s drvgwAtA*
*hyaT daEnl WahiStE YUjVn mIZdE*
*aCA YuxtA YAhI dVjAmAspA.*

Тинглангиз, гуноҳдан фориғ бўлмоқ-чун
Ҳақ билан Ёлғоннинг сулҳи йўқлигин
Билки, о Жамасп энг олий ажр ул кун
Имон учун берилур ва Ҳақиқат учун.

Фрашаоштра Зардушт ҳижрати кунларида Бактрия подшоси Виштаспанинг вазири бўлган ва у Зардуштнинг куёви Жамаспнинг акаси эди. Заратуштра унга Ёлғон таълимотларга алданмаслик, пайғамбар таълимоти кетидан юрган ҳолда, бу эзгу қадам учун ажру мукофотларга умид боғлашни уқтирмоқда.

Ясна, 49.10.







Бу ўринда бизнингча, зардуштийлик қоралаган маст қилгувчи ичимликлар, сархуш қилгувчи ва хаёлни ўғирлагувчи моддалар ҳақида гап бормоқда. Бироқ, инсон руҳини тетиклаштирувчи, ибодатда хушёр туришни, амалларни сидқидилдан бажаришни таъминлашга қаратилган ҳавм ичимлиги, фикримизча бундан мустаснодир. Чунки ҳавмнинг асосини эфедранинг баргларидан олинадиган ва сутга қўшиб тайёрланадиган шарбат ташкил этган. Юқоридаги "чиркин, ифлос" нарсаларга келсак, улар Зардуштга қадар шаманчилик, сеҳру жодучилик ва бошқа кўринишлардаги ибтидоий диний урф-одатларда инсон руҳидаги мастоналикдан фойдаланиш мақсадини кўзлаб марсимларда қавмларга тарқатилган наркотик ҳамда банги девона моддалар бўлса керак. Акс ҳолда, агар, ҳавм ичимлиги қораланаётган бўлса, Авеста матнида ҳавмни кўкларга кўтариб мақталган, бу неъматни кашф этганлар - Виваҳвант ҳамда Пурушаспларга ўғил фарзандлар ато этилгани каби, уларнинг бири илк подшо Жамшид, иккинчиси Аҳура Маздадан олган ўз таълимоти билан чиққан пайғамбар (худосидан хабар кетирувчи) Зардушт бўлиб етишгани ҳақидаги ривоятлар тарихий асосини йўқотиб қўйган бўлар эди.

Ясна, 48.11.



[illegible]

[illegible]

*kadA mazdA aCA maT ArmaitiS*
*jimaT xCaqrA huCvitiS WAstrawaitI*
*kOi drvgwOdvbIS xrUrAiS rAm&m dlNtE*
*kVNg A WaMhVuS jimaT manaMhO cistiS.*

Аё Маздо, Аша ва Исфандармат
Ҳаққи, жонли-ю жонсизга қачон
Етишгай тўкинлик, ҳаёт фаровон?
Қонхўр дурувандга инаркан  қачон
Эзгу ўй? - қолардик шунда биз омон.

Банднинг мазмунида Зартуштранинг Аҳура Маздага ёвуз Ахриманнинг ёлғон дунёсига эргашган друванд (Ёлғон асирлари) қалбига эзгулик фикри қачон тушуади? – деган саволи янграмоқда. Ахир, Аҳура Мазда ўз Ҳақиқатига, Ҳақлигига мувофиқ борлиқни эзгу қилиб яратган-ку? Аҳриман бу борлиқни ўзининг кўзга кўринмас шайтоний ёлғонлари билан қориштириб ташлагач, одамлар унинг ёлғонларига ҳам эргашиб, Ҳақ йўлидан адашмоқдалар. Бу балодан қутулишнинг чораси нимада? Заратуштра айни шу маънода ёвуз ёлғон бандаларининг қалбига эзгулик қачон қўнади? – демоқда. Ёвузлик балосидан эзгу оламни қутқариш ҳам яратганнинг қўлида. Демак омнлик, нажот яратганнинг ўзидан. Бандаси яратганнинг эзгуликларини кўпайиришга хизмат қилмоғи, бунинг учун Ахриман ёлғонларидан, алдоқларидан омон бўлмоғи лозим.





Ясна, 49.8.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*fvraCaoStrAi urwAziSt&m aCahyA dl*
*sarVm taT qBA mazdA YAsA ahurA*
*maibyAcA Y&m WaMhAu qBahmI A-xCaqrOi*
*YawOi WIspAi fraEStlMhO lMhAmA.*

Фрашаоштрага Ҳақлигинг билан
қовушмоқлик шарафин бергин.
Мени ҳам ёрлақа, эзгу мулкингда
Биринчи (энг) яқинлигим тоабад бўлсин.

Фрашаоштра Зардуштнинг куёви. Қайнота унга ҳам Мазда - Ҳақ динида қоимлик тиламоқда. Шу билан бирга ўзи ва куёви учун Аҳура Маздага энг биринчи даражали яқин бўлишни тоабадга қадар сўрамоқда.

Ясна, 49.9.

[illegible]

[illegible]

қавмлар уларнинг ҳар бирида Маздани тушунмоқлари керак эди.

Ясна, 49.7.

*taTcA WohU mazdA sraotU manaMhA*
*sraotU aCA gUCahwA-tU ahurA*
*kV airyamA kV XaEtuS dAtAiS aMhaT*
*YV WvrvzVnAi WaMuhIm dAT frasastIm.*

Эзгу ният-ла ва Аша, Ҳақлигинг ҳаққи
Тингла, о Аҳура, даҳю, занту, вис-у дманў
Қандай қилиб сенинг
Эзгу шарафингга доҳил бўлгайлар?

Заратуштра яна бир риторик сволни бермоқда. Яъни у ўзи чиқур тушунган ҳолда, авом учун дин йўлида изчил бўлиш, қабила уруғ-аймоқ билан бирга Мазда Ясна (Аҳуравий) дин неъматига эришмоқ йўлини авомга ўргатмоқда.





Ясна, 48.12.

*aT tOi aMhvn saoKyaNtO daFyun&m*
*YOi xCnUm WohU manaMhA haclNtE*
*KyaoqanAiS aCA qBahyA mazdA sVNghahyA*
*tOi-zI dAtA hamaEstArO aECvm mahyA.*

Эзгу ўй, амал ва сўз эзгулигин
Билиб эргашган Осўшёнтлар
Келар сенинг Ҳақ йўлинг қувватлаб,
Ғазабкор Ҳешмни айлабон афгор.

Мазда Ясна - зардуштийликнинг бош эзгулик тамойили - эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амални ўзларига тамал қилган Осўшёнтлар, олам-жаҳоннинг гуноҳларини яратган парвардигор (Аҳура Мазда)дан сўраб олиб, у берган Ҳақ йўлида Ғазаб ва адоват деви Ҳешмни албатта йўқ қиладилар. Бу ўринда Осўшёнтлар тушунчаси изоҳ талаб қилади: бир ривоятга кўра бу дин ва таълимотнинг асосчиси Зардуштнинг пуштидан тушган уч дона уруғ Кансава кўли тубида сақланар эмиш. Замонлар оша бууч уруғдан Зардуштнинг фарзандлари

пайдо бўлармиш ва улур ҳодийлик қилиб, олма ва одамзод гуноҳлари учун яратган олдида кафолат бўлиб, охиратда барчани Беҳишт сари етаклар эмиш. Шунда жаҳолат ва ғазаб деви Айшма (Хешм) чекинар ва олам янгиланар эмиш.

**Ясна. “Гоҳ”ларнинг, 49-қўшиғи**
**Ясна, 49.1.**

*(zOT,)*
*aT mA YawA bVNdwO pafrE maziStO*
*YV duSvrvqrIS cixCnuCA aCA mazdA*
*WaMuhI AdA gaidI mOi A-mOi arapA*
*ahyA WohU aoCO WIdA manaMhA.*

Ошлиғимни олди нобакор Бэндва
Ҳақ йўлида инсофга чорладим, бироқ...
Кел эй, Мазда, уни Эзгу фикрат-ла
Жазосини бергин, келақол тезроқ.

Бу сатрларда гап Заратуштра ҳаётида рўй берган муайян бир воқеа ҳақида бораётгандек. Мазда Ясна динини рад этган бир ҳудуднинг Бэндва исмли сардори Зардуштга ёки унинг





Ясна, 49.6.

*frO Wl fraEKyA mazdA aCvmcA mrUitE*
*YA WV xratVuS xCmAkahyA A-manaMhA*
*vrvS WIcidyAi YaqA-I srAwayaEmA*
*t&m daEn&m YA xCmAwatO ahurA.*

О Ҳақ, Аё Мазда, Сизларга ёлворурман
Шууримга солинг дейман, сиз Аҳура ва ёки
Аҳура Сифати гар иккингизга бир бўлса,
Ҳақмисиз, Имонмисиз, қандайин билолурман
Тинглаб, қандай тафовутин қилолурман?

Заратуштра бир йўла худонинг икки номига мурожаат қилмоқда. Ҳақ сифатинг ва Мазда (Олий ақл) сифатларингга Аҳура сифати бирдек бўлмаса, у ҳолда, менинг дилимига солинглар, токи мен ўртадаги фарқни билай ва қавмларимга билдирай, демоқда. Аслида Заратуштра худонинг сифатлари барчаси Маздага тегишли эканини билади. Демак бу ерда атайлаб бу масалада иккиланмасликни қавмларига ўргатмоқда. Яъни, жамоа хоҳ Ҳақ, хоҳ Мазда сўзлари бўлсин, биргина худо Ахура Маздани тушунмоқлари лозим, демоқчи. Қолаверса, Аҳура Мазданинг бир юз бир сифати борки,

Ясна, 49.5.

*aT hwO mazdA IZAcA AzUitiScA*
*YV daEn&m WohU sArStA manaMhA*
*ArmatOiS kascIT aCA huzVNtuS*
*tAiScA WIspAiS qBahmI xCaqrOi ahurA.*

Лекин, о Мазда, сут ва мой бирлан
Эзгу ният йўлин бир қилса
Эзгу дин ва ҳақ эътиқодни
Исфанд оқиллиги билан бир билса,
 Ўшал зот сенинг мулкинг-ла бир тан.

Бу бандда ибодат чоғида муқаддас олов олдида сут ва мой эҳсон қилининг савобли экани ҳақида гап бормоқда. Зеро, чорва сути ва мойи билан тўқликка хизмат қилади, фаровонликни таъминлайди. Матнда “қайноқ” маъносидаги сўз келадики, бу сўзни авесташунослар турлича изоҳлашади. Биров намознинг чин дилдан қизғинлигига ишорат деса, бошқа биров янги соғилган сут дейди. Эзгу ният билан яшаш, оқил фаришта Испандармат руҳидан баҳраманд бўлиш Аҳура Мазда эзгу оламига даҳлдорлик деб ҳисобланган.





жамоасига тегишли дон маҳсулотини (жав-арпани) зўравонлик билан олиб қўйган шекилли. Бунинг олдиги олиш учун ўша зўравонни Зардушт инсофга чақирмоқчи бўлиб, ўз дининининг асос қоидаси, Ҳақ йўлида уч бирлик эзгулик йўлига сомоқчи бўлган. Аммо жоҳил инсон бу гапга парво қилмаган. Зардушт унинг бу гуноҳи учун Аҳура Маздадан жазо сўрамоқда.

Ясна, 49.2.

*aT ahyA-mA bVNdwahyA mAnayeitI*
*TkaECO drvgwl daibitA aCAT rArvCO*
*nOiT spvNt&m dOrvSt ahmAi stOi ArmaitIm*
*naEdA WohU mazdA fraStA manaMhA.*

Лекин дуруғ бандаси Бэндва
Ҳақ йўлини тарк этиб, Ёлғон
сари юз тутди. Оқил Мазда
ва Малак Испандармат
Ўгитига солмади қулоқ

Заратуштранинг ўгитларига Бэндва беписандлик қилди. Ҳолбуки, Зардушт Олий оқил зот Махда ҳамда малак сиймо

оқил Спента Армаитий номидан унга насиҳат қилиб кўрган эди.

Ясна, 49.3.

*aTcA ahmAi WarvnAi mazdA nidAtvm*
*aCvm sUidyAi TkaECAi rACaye?hE druxS*
*tA WaMhVuS sarV izyAi manaMhO*
*aNtarV WIspVNg drvgwatO haxmVNg aNtarV mruyE.*

Шу сабали ушбу ибратдан
Мен Маздани танладим Ҳақ деб.
Ёлғон зарар, Ҳақиқат неъмат
Эзгу ўй-ла бирдамман доим
Кечдим мараз-ла ҳар не суҳбатдан.

Зардушт ушбу бандда Бэндва сингариларнинг ёвузликларидан керакли тажриба орттиргач, Мазданинг Ҳақ йўлини танлагани ҳақида хабар бермоқда. Шу билан бирга Ахриман ёлғон дунёси таг-томири билан зарар экани, Ҳақнинг ҳақлигига ишонмоқ буюк неъмат эканиини таъкидламоқда. Ўзи ҳам ҳар қандай ёлғон билан мулоқотдан бош тортажагини билдирмоқда ва буни ибрат қилиб кўрсатмоқда.





Ясна, 49.4.

*YOi duS-xraqBA aECvmvm Warvdvn rAmvmcA*
*XAiS hizubIS fCuyasU afCuyaNtO*
*YaEC&m nOiT hwarStAiS W&s duZwarStA*
*tOi daEwVNg d&n YA drvgwatO daEnA.*

Ўшал жоҳил Айшма издошлари
Чорвани кўпайтмоқ ўрнига
Ёвуз сўзлари ва амаллари-ла
Девларга ҳам "иш ўргатдилар"
Ёвузлик торозин оғир тортдилар.

Ёвуз алдоқ бандалари чорвани кўпайтириб, фаровонлик келтириш ўрнига ўзгалар молин торож қилиб, ёмонликлари тарозусининг палласини оғир қилавеадилар, уларнинг динлари Ҳақ дини эмас, балки Ёлғон дини, яъни Ахриман ёлғонидир. Улар девпрарстлар, жину алвастиларга сиғинадилар, охиратлари дўзахдир.

Ушбу ҳоитийни Завт ва роспий “Ашабонларнинг ихлосу инончлари гоҳларга бўлсин”, дея бошлаб берадилар ва давомини яна бундай ўгириш ҳам мумкин:

Юксак имдод бизларга Эзгу Шаҳривардандир
Ул эса Ашанинг  ҳамкори – ундан қудратлангандир.
Мазда, ҳидоят қил, бизни ҳам беҳишт сари отлантир.

Ушбу бандда Хшасра Ваири, яъни Шаҳривар сўзига алоҳида урғу берилган. Зеро, бу сўз Аҳура Мазданиниг муаккилларидан бири Хшасра Вар’я сўзининг биринчи жузи асосида унга Ваири сўзини қўшишдан ясалган. Маъноси яхшилик ниятини, орзу тилакларни рўёбга чиқарувчи “адолатли ҳокимият” демакдир. Куч-қудрат ва олам ҳукмдорлиги вазифаси Хшасра Ваирининг олий илоҳий зот Аҳура Мазда ҳузуридаги мақомидир.

Ясна, 51.2.



*(zOT,)*
*tA-WV mazdA paourwIm ahurA aCA YecA*
*taibyAcA ArmaitE dOiCA-mOi iStOiS xCaqrvm*







*kaT tOi aCA zbayeNtE awaMhO*
*zaraquStrAi kaT tOi WohU manaMhA*
*YV-WV staotAiS mazdA frInAi ahurA*
*awaT YAs&s hyaT WV IStA WahiStvm.*

Менга, дуо билан сўровчи  Сендан
Ибодатда қоим мақтагувчингга
Мададинг аяма эзгу чорловчинг,
Шарафлабон сендан сўрагувчингга
Насиб эт Мулкингдан энг эъзозли  жой

Вариант:
Эзгу ният билан сенга ёлвориб
Дуода сўраган ибодатчингга,
Шарафлаган (бандангга) илтижо ила
Мулкингдан муносиб жой берармисан?

Зардушт Аҳура Маздадан унинг шарафига мақтовлари учун, мустаҳкам имони ва ибодатлари ҳамда дуо ва такбирлари учун энг яхши нарсаларни, яъни Ҳақиқат мулкини ва Эзгу фикратни сўраб илтижо қилмоқда. Албатта бу эзгу муносабат жару мукофотсиз қолмаслигини қавмларига билдирмоқда.

**Ясна. “Гоҳ”ларнинг 50-қўшиғи.**

И.М.Стеблин-Каменскийнинг фикрича “Гоҳ”ларнинг бу қўшиғи энг қадимийликка тортувч. Шу хусусияти билан бошқа ҳоитийлардан фарқланувчидир. Зеро, бу қўшиқда ҳиндуорий (протоорий) муштараклик даврларига ишорат берувчи оҳанглар(мотивлар) бор. Шу каби мотивлар Ведаларда ҳам учраши сабабли бу хулосага келинган. Шулардан бири жанг араваларида пойга ҳақидаги эпизодни эслатувчи аломатлар ушбу “Гоҳ” қўшиғида ҳам борлигидир. 50-ҳоитийнинг мазмунида Заратуштра ўз фаолиятида (балки ҳаётидадир) ночор аҳволидан Аҳура Маздага шикоят қилгани англашилади. Олий илоҳий зотдан хифзу ҳимоят сўрайди. Моддий фаровонлик, молу давлат мўллиги, яйловлар бўлиқлиги ва, албатта, ўзининг пайғамбарлик масъулиятида руҳий мадад тилаб муножот қилади.

Ясна, 50.1.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

*(zOT,)*
*kaT mOi urwA isE cahyA awaMhO*
*kV-mOi pasVuS kV-mV-nA-qrAtA WistO*





**Ясна, 51-Гоҳ.**

**Ясна таркибидаги 51-боб Зардушт “Гоҳ”ларининг “Ваҳуҳшасра гоҳ” номи билан юритиладиган боби 1-қўшиғидир. Тил хусусиятлари, мазмун ишоратларига кўра энг қадимги қатлам гоҳлардан ҳисобланади.**

Ясна,51.1.

[illegible]

[illegible]

[illegible] (2)

[illegible]

*WohU xCaqrvm WairIm bAgvm aibI-bairiStvm*
*WIdICvmnAiS IZAcIT aCA aNtarv-caraitI*
*KyaoqanAiS mazdA WahiStvm taT nV nUcIT WarvCAnE (2).*

Бахту омад келтиргич Шаҳривардир, ул Эзгу
Солиҳ амаллар учун ул тутмиш Аша йўлин.
Мазда, ато айлагин, беҳишт сари тут қўлим.

Маъноси: Аҳура Маздадан Зардушт хабар бериб, Эзгу Ҳакамлик (Хшасра Варйа) Ҳақ йўлида Эзгу Ҳақиқат (Аша) учун қилинган сидқу дилдан яхшиликлар ҳар бандага бахтли тақдирни ато этажак, - дейди. Зардушт ўз даври учун Ҳокимият ғоясини Ҳақиқат фаоллиги орқали рўебга чиқариш мумкин, демоқчи. Бу ўринда ҳақиқат – Аша (Арта ) – Ахура Мазданнинг онтологик моҳияти ҳамдир.

халақ қилган эзгулик оламига муносиб одил ҳакам келишини худодан сўрамоқда.

Ясна, 50.12.

Спента Майнйу, Армаитий Аҳуро, Ашэм вўҳув, “Ким менинг жоним (руҳим) асровчси?” – шуларга алқовларим (йўллайман). Муқаддас фикрат (исфанд мийну) шаънига алқов айтаман. Ашавон (Ҳақпараст) Ашага (Ҳақнинг ўзига), унинг адолати (радларига “азалий тартиботи) шаънига, Эзгу ният (Спента Мийну) Гоҳларига мақтовларим элтаман. “Йенгҳе ҳатам..., ...Тасча язамайде” сўзлари билан “ мен сизларга сажда (“яза”) бағишлайман.

Ушбу банд 50-қўшиқнинг якуний дуолар қисмидир. Унда ибодат ва маросимлар охирида ўқилиши савобли ҳисобланган энг машҳур дуолар ҳамда ўша дуолар бағишланадиган эъзозли тушунчалар номма-ном атаб ўтилган. Бироқ бу аслида дуоларнинг номлари эмас, балки уларнинг бошланишида келган ибoралардир. Бу ҳолатни Исломий ибодатлар якунида, масалан “Тахт-Оят ал-курс” сингари  оятлар ўқиланда имом ушбу оятнинг бошланишини овоз чиқариб, давомини ботиний ўқианига ўхшатиш мумкин. Демак, мазда Ясна жаоалари мазкур дуоларнинг давомини ичларида ўқиганлар ва энг муҳими бу дуоларни ёд билиганлар, дейиш мумкин.





*anyO aCAT qBaTcA mazdA ahurA*
*azdA zUtA WahiStAaTcA manaMhO.*

Руҳим сендан кўмак - мадад топарми
Ушоқ молим, жоним ҳам топарми паноҳ
Ҳақсан ўзинг, о Мазда, сенсан Аҳура,
Баҳмон билан келгин имдодга тезроқ

Асл Авеста матнида бу банд  руҳ, жон сўзига алоҳида урғу бергани билан диққатга лойиқ. *Руҳ, жон* маъноси авестача *urvan*- сўзи билан берилган. Бу сўз бугунги тилимизда *равон, яъни*  “юргувчи” демакдир. Равон сўзи авестада азалдан мавжуд, мавжудот туғилиши билан унинг жисмига жо бўлиб, ўлим содир бўлганида алмисоққа қайтиб, яна абадий қолувчи хилқат, бу руҳдир. Заратуштра Аҳура Маздага ёлвориб, “Сен ўзинг Ҳақсан, яъни, худосан, ўзинг энг юксак мақтов ва шарафларга лойиқ ва муносибсан (Аҳурасан), Оий оқил зотсан(Маздасан), менинг майда туёқ чорвамни ва жонимни паноҳингда асрайсанми”?– деб сўрамоқда. Ниҳоят, у Аҳура Маздани Эзгу ният фариштаси Баҳмон(Ваху мана) ҳамроҳлигида унга ёрдамга етишмоғини тиламоқда. Бу ўртада Авестанинг аслида *vahishta* (беҳиштий яхшилик) сўзи ишлатилган. Яъни, эзгулик мужассами ҳаққи таоло Аҳура Мазда Заратуштрага эзгу ният билан Ваҳумана тимсолида келмоғидан умид қилинмоқда.

Ясна, 50.2.

*kaqA mazdA rAnyO-skvrvtIm g&m iCasOiT*
*YV-hIm ahmAi WAstrawaitIm stOi usyAT*
*vrvZvjIS aCA pouruCU hwarV piKyasU*
*AkAstVNg mA niC&syA dAqVm dAhwA.*

Тўқлик шарти подаларни, о Маза, қайдан,
Олайин, то ўтлоқлари кўм-кўк тўшалсин.
Артабонлар ичра кўпми, сен сийлаганлар?
Мени ҳам қўш ўшаларга,  орзум ушалсин.

Бу бандда юқоридаги банднинг мантиқий давоми ўқилади. Аввалги банднинг иккинчи сатрида ушоқ мол, майда туёқ (қўй, эчки) ҳақида гап борса, бу бандда йирик чорва, пода ҳақида гап боради. Шу билан бирга Зартуштра (ёки ибодатда турган ҳар бир артабонга ҳам бу ҳол тааллуқли бўлиши мумкин) ўз ихтиёрида йирик чорваси йўқлигидан шикоят қилади, уни қайдан олиши мумкинлиги ҳақида сўраб ёлворади. Ниҳоят, сўроқлайдики, артабон имонлиларнинг орасида бой-бадавлатлари кўпми, агар кўп бўлса, ибодат қилгувчини ҳам улур сафига қўшмоғини илтижо қилади.





воситасида қилган дуолари  инсониятга фаровонлик келтиради, деган ишонч билдирилмоқда. Ваҳумана Маздапарастлар тасаввурида инсонга ҳўкиз тимсолида кўринган. Қолаверса, Авестада қорамол мул-кўлчилик, тўқлик, фаровонлик рамзи ҳисобланган.

Ясна, 50.11.

*aT WV staotA aojAi mazdA aMhAcA*
*YawaT aCA tawAcA isAicA*
*dAtA aMhVuS arvdaT WohU manaMhA*
*haiqyAwarvSt&m hyaT WasnA fvraCOtvmvm.*

Эй Мазда, Ҳақиқатинг сабаб, мақтовингда ҳозирман
Ҳақлигинг ҳаққи деб бил, ситойиш қилгувчингман.
Ваҳу Мана имдодидан, Сен яратган бу оламда
Энг имонли Ҳақпараст мен осойиш қилгувчиман.

Заратуштра ўзини ибрат қилиб, худога ҳамд келтиришда Ҳақ (Аша) Аҳура билан қасам ичмоқдаки, бунга у Эзгулик фариштаси Ваҳумана орқали эришмоқда. Зеро, Ваҳу Мана Аҳура Мазданинг заратуштрага йўллаган элчи фариштаси. Шу билан бирга Заратуштра Аҳура Мазда Ваҳумана воситасида

адо этилган, худога йўлланган нидо тингловчиларнинг руҳига таъсир қилиши шубҳасиз эди.

Ясна, 50.10.



*aT YA WarvCA YAcA pairI AiS KyaoqanA*
*YAcA WohU caCm&m arvjaT manaMhA*
*raocl XVNg asn&m uxCA aEuruS*
*xCmAkAi aCA WahmAi mazdA ahurA.*

Эй Мазда Аҳура, Баҳмон сабаб эзгулигим
Бўлса эмасдир, Мазда, Сенинг кўзларинг нури.
Нур келтирар қуёшдан, тимсоли Ҳўкиз Баҳмон
Мўл етишгай ғизолар мен куйлаган дуодан.

Эзгу ният фариштаси Ваҳумана кўнглига солган сидқидиллик билан Заратуштра қилган хайрли ишлари Мазданинг кўзларини қувонтиришидан умидвор. Қолаверса, Баҳмон (Аҳура Мазданинг энг биринчи эманацияси, унинг бош моҳияти – Эзгулик иродасининг ижрочиси) фалакдан Қуёш нурини ("рауча" – рўз, ёруғлик) келтирувчи Ваҳумана





Ушбу банднинг учинчи мисраси ҳақида турли фикрлар билдирилган. Жумладан, И.М.Стеблин-Каменский "ноаниқ ибора" берилган ва унда "қуёш" тимсоли ишлатилган, деб тахмин қилади.Бу тахминдан мурод шундаки, Иван Михайлович "қуёшдан баҳрамандлик – бойлик, бахтли фаровонлик" каби рамзга ишорат қилади. Бу тушунча ўзбек тилидаги "бағрига шамол тегди", "кўксига қуёш тегди", "куни туғди" каби ибораларга ўхшаш идноматик ибораларни эслатади.

Ясна, 50.3.



*aTcIT ahmAi mazdA aCA aMhaitI*
*Y&m hOi xCaqrA WohucA cOiSt manaMhA*
*YV-nA aCOiS aojaMhA WarvdayaEtA*
*Y&m nazdiSt&m gaEq&m drvgwl baxCaitI.*

Эзгу ният ҳиммати-ла етишсин имонлига
Қутлуғ Аши ажрлари, Мазданинг бу ваъдаси.
Бунга асли имонлининг машаққати боисдир.
Баттол олган молин тезроқ қайтармоғи жоиздир.

Банднинг мазмунида икки қатлам бор. Биринчисида имонли инсонга Эзгу ният малак сиймо Ваҳу Мана қутлуғ Аши мукофотларини етиштиради, деган фикр ўқилади. Зеро, бу мукофотга имонли банда ўзининг Ҳақ йўлида машаққатлари туфайли эришади. Ниҳоят, сўнгги мисра аввалги мисраларга боғлиқ эмасдек кўринади. Унда Қандайдир мавҳум шаклда “ярамас кимдир (ўғирлаган молларини) қайтариши талаб қилингандек маъно чиқади.

Умуман, Авеста матнларида, айниқса “Гоҳ”ларда ва “Яшт” наски алқовларида чорва ўғрилари ҳақида лавҳалар ва ишоратли ўринлар кўп учрайди. Бу банддаги мазмунан ажралиб кўринагн мисра ҳам зардуштийлар учун одатий тушунча бўлгани сабабли изоҳсиз шаклда берилган.

Ясна, 50.4.



*aT Wl YazAi stawas mazdA ahurA*
*hadA aCA WahiStAcA manaMhA*
*xCaqrAcA YA ICO stlMhaT A-paiqI*
*Akl arvdrVNg dvmAnE garO svraoCAnE.*

Сенга намоз бахшида, о Мазда, ардоқли сўзлар ила,
Ҳақиқату энг Муқаддас фикру ният, тилаклар тилаб,





Заратуштра Эзгу ният билан, сидқидилдан, шошиб интилиб Маздага яқинлашмоқда эканини айтмоқда.

Ясна, 50.9.



*tAiS Wl YasnAiS paitI stawas ayenI*
*mazdA aCA WaMhVuS KyaoqanAiS manaMhO*
*YadA aCOiS maFyl WasV xCayA*
*aT hudAnAuS iCay&s gvrvzdA FyVm.*

Ушбу қўшиғим куйлаб, Эй Амэшаспандлар
Мазда бирлан Баҳмон ёр, Ясна қироатимда.
Қачон етишгайман, эй, Мазад сенинг Нурингга?
Интиларман Сен томон буюк ўй ниятимда.

Заратуштра сидқидилдан ситойиш айлаб, яъни Маздани мақтовлар билан алқаб, Унинг (Мазданинг) муаккиллари – абадий барҳаёт фаришталари Ҳамиша Муқаддас Амешаспандлар кўмагида энг эзгу ниятлари ва самимияти билан Унинг Нурига (“хшая”сига) қачон эришажагини сўрамоқда. Заратуштра бу сўзларини ўзи учун айтмаётгандек. Чунки у аллақачон Мазда Аҳурага боғланган. Ушбу берилиб

Ясна, 50.8.

*maT Wl padAiS YA frasrUtA IZayl*
*pairijasAi mazdA ustAnazastO*
*aT Wl aCA arvdraFyAcA nvmaMhA*
*aT Wl WaMhVuS manaMhO hunarvtAtA.*

Дуога кўлим ёзиб, катта одимлар билан
Ҳақлигингни тан олиб, Сен Артага намозда
Эзгулик мужассами Ваҳумана кўмакдош
Ёлғиз Сенга ёвуқман, эй Ҳақиқат, Эй Мазда!

Ушбу банд талқинида турли фикрлар баён этилган. Масалан, И.М.Стеблин-Каменский “Йирик, катта қадамлар билан” иборасини жоҳиллик замонларидан қолдиқ бўлиб давом этаётган эҳсонлар исрофгарликларига қаратилган фикр деб изоҳлаган. Лекин биз бу талқин учун ишорат кўрмаяпмиз. Аксинча, ибодатга “шошилиб сидқидилдан ҳаракат қилиш” дек анъана қадимдан ббўлганига гувоҳлик деган маъқулдир. Бунинг устига “дуога қўл ёзиб” ибораси ҳам ҳануз халқимизнинг дуо ҳолатида исломий маънода трансформациялашиб сингиб кетган. Бир сўз билан айтганда,





Берган қурбу қувватингдан, ҳукмингдан мадад топай,
Гранудмонингда нолам зора лойиқ тақдирин топгай.

Заратуштра Маздага намоз бағишлаб, уни шарафлар экан, бу йўлда у илоҳий Ҳақиқат билан, Энг Эзгу ният билан ҳамда Ҳақнинг олий Ҳукми ва Ҳакамлиги билн **ниҳоят,** Гранудманида (Мақтовлар уйида, яъни жаннатда) ўз илтижоларининг Аҳура Мазда томонидан “эшитилиши”ни орзу қилмоқда.

Ясна, 50.5.

*ArOi-zI xCmA mazdA aCA ahurA*
*hyaT YUCmAkAi m&qrAnE WaorAzaqA*
*aibI-dvrvStA AwIKyA awaMhA*
*zastAiStA YA-nl XAqrE dAyAT.*

О Мазда, Ҳақиқат-ла, о Аҳура, пайғамбарингга
Ўзинг меҳрибонсан, мададкор ўзинг, шундандир
Балки барокатли қўлингдан менга мадад келгандир?

Бу бандда Заратуштра ўзини Мантран, яъни инсониятнинг келажагини башорат қилувчи муқаддас сирли Сўзни билгувчи

деб атамоқда. Мантран сўзини И.М.Стеблин-Каменский магик кучга эга сирли муқаддас сўзни ижод этгувчи, деб таърифлайди. Бу таъриф мантран сўзининг маъносини кенгайтиради. Аслида мантран ҳар бир мўмин банда учун кўнгилда тугиб юриладиган, бошқа бировгв билдирилмайдиган “ўз” сўзи деб тушунилади. Доимо бу сўзга мурожаат этиб, уни дилда такрорлаб туриш бахт келтиради, эгасини бало-қазолардан асрсайди деб тушунилган. Юқоридаги бандда бу хислатга пайғамбарона маъно юкланган.

Ясна, 50.6.



*YV m&qrA WAcvm mazdA baraitI*
*urwaqO aCA nvmaMhA zaraquStrO*
*dAtA xratVuS hizwO raiqIm stOi*
*mahyA rAzVNg WohU sAhIT manaMhA.*

Ҳақнинг дўсти пайғамбар Намозида баралла
Айтган сўзарни ул зот, ақл ва тил Холиқи
Аравани манзилга тўғри йўналтган каби
Ҳақ йўлига йўллайди, Эзгулик ниятлар-ла.





Ясна, 50.7.



aT WV YaojA zvwIStyVNg aurwatO
jayAiS pvrvqUS WahmahyA YUCmAkahyA
mazdA aCA ugrVNg WohU manaMhA
YAiS azAqA mahmAi FyAtA awaMhE.

Қўшамиз аробага Ғолиблик учқурларин
МАЗДА ва БАҲМОНга шону шараф йўллаймиз
Эзгу Баҳмону Мазда, кудратли дўстсиз қалин
Тайёрмисиз Сиз менга ёрдамга – умидимсиз.

“Ғолиблик учқурлари” ибораси бу лавҳада шону шараф эгалари Мазда ва Баҳмоннинг – олий оқил зот ва унин Эзгу фикр тажаллисининг ҳар нарсада ғолиблиги рамзи сифатида талқин қилинади. Зартуштра ўз нияти йўлида уларнинг мададидан умидворлик билан “ёрдамга тайёрмисиз?” – дея сўраб турбди. Яна бир маъно шуки, Ғолиблик учқурлари эзгу дуо ва такбирлар Ҳақ Мазда ва Эзгу ният тажаллиси Ваҳумананинг шарофатларидир ва улар туфайли Зардушт дини ғолиб бўлишига ишонч билдирилмоқда.

меросимизнинг мақом йўллари номларида сақланиб келган: дугоҳ, сегоҳ, чоргоҳ.

“Гоҳ”лар узоқ ўтмиш қаърига чўккан маънавий қадриятларнинг ўзига хос калити, десак хато бўлмайди. Лекин улардаги рамзийлик, мавҳум ишоратлилик, ишлатилган ибораларнинг уч минг йиллик шарт-шароитларга хослиги ва ҳозирги тасаввурлардан йироқлашгани кабилар “Гоҳ”ларни тушунишни қийинлаштиради. Шунга қарамай, “Гоҳ”лар орқали қимматли тарихий хулосалар чиқариш мумкин. Хусусан, “Гоҳ”лар Заратуштранинг тарихий шахс сифатидаги оддий инсоний ҳаёти, яшаган даври учун ғайриоддий маънавий жасорати, ўз ғояси йўлида чеккан азобу уқубатлари, ниҳоят, омад кулиб боққан онлардаги қувончи, фарзандларининг бахтини кўриш онларидаги оталик ҳиссиётлари кабилар ҳақида гувоҳлик беради. Қуйида 53-Ясна, “Ваҳишти Ваишт” гоҳдан таржималар асосида фикр юритиб, Зардуштнинг ўз қизи Пуручиста ва яна бир гуруҳ қизларнинг турмушга берилиши муносабати билан тўй маросими устида никоҳ оллдидан муъбад қилган насиҳатлар ҳақида тўхталамиз.

Авесташуносликда бу “Гоҳ”нинг муаллифлигини Зардуштга боғлаш одат тусига кириб қолган. Ҳолбуки, ушбу “Гоҳ”нинг муаллифи Зардушт эканига шубҳа билдирувчилар ҳам бор. Чунки “Гоҳ”нинг айрим бандларида узатилаётган Пуручистага “Эй, Зардуштнинг суюкли қизи, пайғамбарнинг вояга етган қизи...” шаклида ўзга киши томонидан мурожаат қилинади. Хусусан, И.М.Стеблин-Каменский бу лавҳани “Гоҳ”ларнинг русчага асл авестачадан қилган ўз таржимасида Пуручистага ва тўйи бўлаётган қизлар ҳамда йигитларга





*xCmAkvm WohU manaMhA WahmAi dAidI sawaMhO.э*

Кел эй, Мазда, Эй Аша, сен ўзингсан Ҳақиқат.
Сен Армайти – Оқил малак, кўрсатчи менга фақат
Эзгу Ният фариштангни, токим топайин нажот.

Зардушт ушбу дуо – такбир орқали Ҳақиқат Аҳура Маздаги мурожат этмоқда, токи, Эзгу ҳукмронликка эзгу ният орқалигина эришиш мумкин. Бунинг учун эса ҳақпарастлик, комил ақл лозимдир кимки Эзгу ниятни (Ваҳуманани), Ҳақиқатни ва Комил Ақлни (Спента Арманшини) эъзозлаб дуолар йўлласи – Нажот йўли шудир, демокчи.

Яна, 51.3.



*A-WV gVuCA hVmyaNtU YOi WV KyaoqanAiS sArvNtE*
*ahurO aCA-hizwl uxDAiS WaMhVuS manaMhO*
*YaEC&m tU pouruyO mazdA fradaxStA apI.*

Менинг сўзим сенгадир, Эй сўзим тинглагувчи.
Чиндан ҳам Сен Аҳура ўзинг ҳақсан шубхасиз.
Ўгит бергувчи ўзинг, ҳақ йўлда устоз азиз.

Зардушт Аҳура Маздага мурожаат этиб, унинг Чин (Ҳақиқатда) улуғвор ва шарифли экани, Ҳақ эканини таъкидламоқда, Кимки унга ихлос билан хизмат қилса, албатта ажрини бер ажагига ишонч билдирмоқда. Зеро, Ахура Мазда Ҳақ йўлида энг биринчи эзгу муаллимдир, демоқчи. Бу бандда Аҳура (Мазданнинг улуғлик сифати) эзгу ўйга мувофиқ эзгу сўз ва эзгу амал ғояси ҳамда Мазданинг сифатларидан бири – таълимотнинг илк муаллими каби образлар тизими ишлатилган.

Ясна, 51.4.



*kuqrA ArOiS AfsvratuS kuqrA mvrvZdikA axStaT*
*kuqrA YasO FyVn aCvm kU spvNtA ArmaitiS*
*kuqrA manO WahiStvm kuqrA qBA xCaqrA mazdA.*

Айтақол менга, қайда азобларнинг якуни,
Уқубатларга тортиқ, худонинг истиғфори.
Ҳақ манзили қайдадир, Испандармат макони
Ваҳумана саройи – эзгу ният пойдори?





Арта “Ҳақ”, Ваҳу Мана “Эзгу фикр”, Спента Армаити “Осойишталик, оқиллик”, Хшасра варйа “Шаҳриёрлик”, Хаурватат “Оламнинг ва инсониятнинг бир бутунлиги”, Амэрэтот “Абадий ўлмаслик” каби Олий илоҳий зотнинг сифатларига қаратилади[1].

Ушбу малак зотлар Ясна наскининг 35-42-қўшиқларида(бу боблар Авестада “Йеснийа Хаптанг ҳоити” “Етти Бош ғояга бағишлов мадҳиялар” деб юритилади. Улар муъбадлар томонидан Зардуштдан кейин Авестага хос, айниқса, “Гоҳ”лар тилига ва услубига яқин тарзда ижод қилинган киритма матнлар) биринчи маротаба Амеша Спенталар “Абадий ўлмас муқаддас малаклар” деган умумий ном билан аталганлар. “Гоҳ”ларнинг ўзида эса мазкур олти малоика алоҳида ўз номлари билан ишлатилган ва ҳаммаси биргаликда Аҳура Мазданинг хоссаларини ифода этган[2].

“Гоҳ”ларнинг биринчи етти боби “Аҳунаваити”, иккинчи туркуми “Уштаваити”, учинчи туркуми “Испандмада”, тўртинчиси “Вуҳувхштар”, ниҳоят, бешинчиси “Ваҳийшт вайшт” гоҳ деб юритилади. “Гоҳ” сўзининг луғавий маъноси “қўшиқ” демакдир[3]. Бунинг маъноси “Гоҳ”ларнинг ижроси махсус қироат, анъанавий меъёрларга эга қўшиқ шаклида бўлганидир. “Гоҳ” сўзи бугунги кунгача ўзбек мумтоз мусиқа

---

[1] Исҳоқов М. Ўзбек давлатчилиги тарихидан.//Таълим муаммолари. 2006, 1-сон. 29-б.
[2] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 2. 157; 7, 20.
[3] Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы.М.: Главная редакция восточной литературы. -1972. с. 47.

маъносига эга. Бу сифат билан "жаноб" сўзини тенглаш ҳоллари учрайди. Русча нашрларда "господь" сўзи билан берилади. Бу сўз, маълумки, рус тилида "худо" деган маънога ҳам йўйилади[1]. Бироқ, Аҳура сифати ҳар икки маъно даражасидан баландроқ тушунилиб, Аҳура Мазда бирикмасини ташкил қилган.

"Гоҳ"ларда Мазда Ясна, Олий оқил зот "Маздага сиғинувчилар" динининг таълимот асослари баён этилган[2]. Бу диннинг асосида инсоннинг эътиқодини табиатдаги жонли ва жонсиз турли буюмларга эмас, уларни яратган Олий зотга қаратиш ғояси ётади. "Гоҳ"ларда Олий зот гоҳ Мазда, гоҳ Мазда Аҳура, баъзан фақат Аҳура сифатининг ўзи, баъзан эса, тўлиқ шаклда Аҳура Мазда шаклида берилади[3]. Лекин бу исм унинг хоссаларини ифодаловчи вазифадор малак сиймоларнинг номлари билан алмаштириб берилган ҳоллар етакчи ўрин тутади. Бундан ташқари "Гоҳ"ларда Аҳура Мазданинг хоссаси сифатида Муқаддас Руҳга(Спента Майнйуга), сўнгра унинг вазифадор малак сиймолари, яъни унинг турли ифода шакллари ва моҳиятларига (эманацияларига) сиғиниш буюрилади. Гап шундаки, эътиқод бўлиниб кетгандек туюлган бундай ҳол Аҳура Мазданинг мутлақ мавқеига путур етказмайди, деб тушунилган. Шу сабабли бўлса керак, "Гоҳ"ларда аксарият ҳолларда мурожаат

---

[1] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 2-3.

[2] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 2.

[3] Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. М.: -1992. с. 162-174 «Образ Зороастра»





Бу савол Зардуштнинг юрак тубидан отилган нидо. Унга жавоб матннинг ўзида ишорат қилинган. Яъни бу – бихишт. Зеро, жаннат – Эзгу ўйнинг Саройи. Эзгу ўй эса Аҳура Мазданинг малак Воҳумана орқали юзага чиқувчи сифатидир.

Ясна, 51.5.



*WIspA-tA pvrvs&s YaqA aCAT hacA g&m WIdaT*
*WAstryO KyaoqanAiS vrvCwO h&s huxratuS nvmaMhA*
*YV dAqaEibyO vrvS-ratUm xCay&s aCiwl cistA.*

Мен сендан сўроқлайман: эзгу амалли Чўпон
Эзгу намозда хушёр, Оқил тилак билдиргил.
Сенга насибам Чорва, икки йўл ўртасида
Илоҳий сўз эгаси, Мазданинг ўрдасида.

Чорвага эга бўлмоқнинг шарти эзгу ният, сидқидилдан ибодат, оқилона тилакдир. Бироқ, инсон икки йўл ўртасида: ёвузликлар учун жазо тайин бўлганидек, эзгуликлар учун

топилажак мукофат – буларнинг бари Чўпоннинг, яъни, Аҳура Мазданинг ихитиёрида.

Ясна, 51.6.



*YV WahyO WaMhVuS dazdE YascA hOi WArAi rAdaT*
*ahurO xCaqrA mazdl aT ahmAi akAT aKyO*
*YV hOi nOiT WIdAitI apVmE aMhVuS urwaEsE.*

Икки йўл ўртасида ким неники танласа,
Эзгуликни ким деса, Маздадир одил
Евузлик учун еса, евузликдан-да евуз
Охиратда топажак жазоси хеч бўлмас кам.

Кимки имонли артабон бўлса (ғақпараст бўлса), Эзгулик ва Ерузлик ўртасида ҳақ йўлни танласа унга бериладиган мукофот яхшиликнинг энг яхшиси. (“яхшиданғ да яхши”). Ёвузлик малайлари учун жазо ёмоннинг- да ёмони. Жазо ва ажр охиратда эгасини топади. Бу ўрнида ҳар бир инсон ўлимидан кейиноқ жазо ёки мукофот дунёсига тушадими, ёки барчаси қиёматга қоладими? – каби саволга аниқ кўрсатма йўқ.





асл матнга яқин бўлишига ҳаракат қилинган. Чунки “муқаддас”лик руҳи албатта ишончли чиқмоғи лозим бўлган.

“Гоҳ”лар ибодат ва бошқа муқаддас байрамларда, , зардуштийлик қоидаларига мувофиқ турли жамоавий қурбонликларда, бир сўз билан айтганда, муҳим диний, ижтимоий маросимларда кўпчилик иштирокчиларнинг биргаликдаги ижроси тарзида куйланган[4,189-190]. Бу каби одатнинг тарихий илдизи Заратуштранинг ўз динига даъват босқичида қўллаган усули бадиҳа, яъни, тайёргарликсиз ҳолда, жамоат олдида эркин маъвиза қилгани ҳақидаги хотира билан боғлиқдир. Шу сабабли Зардушт замонасининг илғор кишиси, улкан бадиҳачи шоир, файласуф, диншунос каби ҳислатлар эгаси бўлган, деб баҳоланади[1]. Зардуштнинг ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, маънавий қарашлари чиндан ҳам уни ўз даври учун кутилмаган даражадаги тафаккурий юксакликка кўтарган. Аввало у инсониятни ибтидоий диний тасаввурлардан воз кечиб, бутун борлиқ моҳиятини бир илоҳий зот билан боғлиқ деб тушунишга чақирди. Олий илоҳий зотни Зардушт Мазда деб атади. Бу сўзнинг маъноси “Олий ақл” демакдир. Фасафа тили билан айтганда бу Олий инстантдир, яъни Абсолют ғоя, мутлақ юксак иродадирким, унинг воситасида олам-жаҳон ибтидода фақат эзгу асосларда яралган. Шундай қилиб, Зардушт инсоният тарихида яратувчилик ғоясини биринчи бўлиб якка илоҳий кучга боғлаган. Яратувчи зотга Мазда исмини бериш билан баробар, Зардушт уни улуғловчи сифатни ҳам киритган. Бу сифат Аҳура, яъни юксак шарафга лойиқ буюклик, улуғворлик

[1] Ҳомидий Ҳамиджон. Авестодан Шоҳномага.Тошкент: “Шарқ” - 2007. с. 4-13; 34-41.

бошланган. Бу иш, аввало, Авестанинг муқаддас илоҳий сўз деб тушунилган асл талаффуз шаклини сақлаш, дин пешволари хотирасида етиб келган ва тўғрилиги тасдиқланган матнлари асосида уни қайта йиғиш, шу билан бирга барқарор(канон) кўринишда қисмлари кетма-кетлигини ташкил қилиш кабиларни талаб қилар эди[1].

Айни шу жараёнда бу диннинг пайғамбари Заратуштрага тегишли ва ўта муқаддас деб ҳисобланган алоҳида даъват сўзлари “Гоҳ”лар йўқолган қисмларини тўлдириш учун Ясна наскининг таркибига 28-34; 43-51; 53- қўшиқ қилиб жойлаштирилган. “Гоҳ”лар, шундай қилиб, Ясна таркибида 17 бобни ташкил этади[2].

“Гоҳ”лар Авестанинг ҳам тили, ҳам уларда акс этган фалсафий, диний, ахлоқий, асотирий қарашлар мажмуи эътибори билан энг қадимги қисми (тўғрироғи, унинг қатлами)дир. Зардуштийликдаги анъанавий қарашлар ҳамда кўпчилик авесташуносларнинг фикрига кўра “Гоҳ”ларнинг муаллифи Заратуштра(Зардушт) ҳисобланади. Аммо бу масалада олимлар ўртасида баҳслар давом этиб келмоқда. Баъзи мутахассислар борки, улар асосли равишда “Гоҳ”ларнинг айрим қисмлари дин пешволари томонидан вақт ўтгани сари тўлдирилган деб қарайдилар[3]. Эътиборли томони шундаки, ушбу “тўлдиришлар”нинг тили ва, умуман руҳининг

[1] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 26-29.
[2] Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. М.: Главная редакция восточной литературы. -1972. с. 47.
[3] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 156.





Бироқ матннинг остки маъносида охират ғоясига ишорат бордек.

Ясна, 51.7.



*dAidI-mOi YV g&m taCO apascA urwarlscA*
*amvrvtAtA haurwAtA spVniStA mainyU mazdA*
*tvwICI utayUitI manaMhA WohU sVNMhE.*

Ато этгил эй, Мазда, чорванинг холиқи - сен,
Сувлару ўсимликлар, Мурдод ва Хаурватат,
Барчаси асли ўзинг, Менга ҳам бергин қудрат
Бўлсин менда барқарор Эзгу сўз ва Эзгу ният.

Чорвани яратувчи – Аҳура- Мазда, Сувлар ва ўсимликлар ҳомийлари икки амешаспента - Хаурватат ва Амэратот. Мийнуйи спеништа - муқаддас руҳ Аҳура Мазда демакдир. Унга зид Ахриман, балки Акамана (эзгу фикрнинг антиподи). Банднинг маъноси барча нарсага қодир Аҳура Маздадан имонда барқарорлик сўралмоқда.

Майитнинг суякларини этдан тозалаш учун махсус қурилмага олиб чиқиб қўйиш одатини зардуштийлардан аввал, умумарий даврларидан бошлаб маълум эканини қадимги Хинд

матни Турана ҳамда "Авеста"нинг Ясна наски 65- хоитиси 8-банди мазмуни асосида исботлашга ҳаракат қилди.

Жумладан, унда бундай дейилади: Сув ўғри, бузғунчи, талончи, яхши одамларни ҳалок этгувчига, ёлғончи, золим хамда майитни тупроққа кўмгувчиларга насиб этмасин!"

Чиндан ҳам А. Кейт бу ўринда тупроққа ўлик кўмувчилар қораланаётганига диққатни жалб этган. Бундан хулоса шуки, "Ясна"да ўликни ерга кўмишга қарши ғоянинг тарихий илдизлари ўта қадимий?

Ясна, 51.8.



*aT zI tOi WaxCyA mazdA WIduCE zI-nA mruyAT*
*hyaT akOyA drvgwAitE uStA YV aCvm dAdrE*
*hwO zI m&qrA KyAtO YV WIduCE mrawaitI.*

Шунда мен Аълам зотга баралла айтурманки,
Бадкирдорга бадбахтлик, имонлига кут албат
Етишгай охират кунда қилса ялавоч башорат





**1-Илова**

## АВЕСТАНИНГ "ЯСНА" НАСКИ 53-ҚЎШИҒИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Мақолада Ясна таркибидаги "Гоҳ"ларнинг 53-қўшиғи мазмуни таҳлил қилиниб, унга муаллифликнинг Зардушт билан боғлиқ эмаслиги ҳақида фикр юритилади. Никоҳ тўйида оила қураётган ёшларга насиҳат сўзлари муъбадга тегишли экани, шу билан бирга оила муқаддаслиги, эр ва хотин муносабатларининг ўзаро ҳурмат ва самимият асосига қурилиши каби масалалар қадимий илдизларга эга миллий қадрият экани Авеста асосида кўрсатиб берилади*

"Ясна" наски Мазда Ясна(зардуштийлик) дини асосларини ўзида жамлаган Авеста китобининг юкунч, намоз маросимларида жамоат бўлиб жўр овозда баралла куйланадиган муқаддас қўшиқларидан иборат қисмидир[1]. Дастлаб Ясна 72 боб қилиб бирлаштирилган. Бироқ, Авестанинг тақдиридаги мураккаб босқичларда, масалан, македониялик Александр юришлари, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқда кечган динлар аро рақобатчилик (буддавийлик, монийчилик, христиан динининг шарқда тарқалган несторчилик мазҳаби, тангричилик ва б.), ниҳоят, араб истилоси ва исломлашув кабилар давомида китобнинг катта бўлаги йўқолган. Зардуштийлик сосонийлар даврида монийчилик билан курашда ғолиб чиққач(мил. 241-273 йй.), Авестанинг йўқолган қисмларини тиклашга қаратилган, ўз даври учун ўта муҳим ва масъулиятли ҳаракат

[1] Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент: «Шарқ». - 2001. б. 302; Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы.М.: Главная редакция восточной литературы. -1972. с. 47, 55.

*nOiT tA-Im xCnAuS WaEpyO kvwInO pvrvtO zvmO*
*zaraquštrəm spitAməm hyaT ahmI urUraost aštO*
*hyaT hOi Im caratascA aodrəšcA zOiCvnU WAzA.*

Кавий жоҳилга эргашиб алданган бечоралар
Келтирмаслар Спитамон Зардуштга хушнудлик.
Чунки улар фоний дунё пастқамларида сарсон,
Жўш-хуруш руҳ оламидан изламаслар муродни





Ушбу бандда аввалги бандлардаги “менга ато айла” деган нидоларга ишорат қилинмоқда. Агар ўша илтижоларга бу ўринда “Аълам” сифати билан қайд этилаётган Аҳура Мазда чиндан ҳам меҳрибонлик кўрсатсин. Токи, ўз навбатида “Башоратгўйи” сифати билан берилаётган Заратуштра ёвузларга охират азоблари, яхшиларга эса у дунё бахту саодати ҳақиқат бўлғувси, дея жар солмоқ ниятида эканини изҳор этмоқда.

Ясна, 51.9.

*Y&m xCnUtvm rAnOibyA dl qBA AqrA suxrA mazdA*
*ayaMhA xCustA aibI ahwAhU daxStvm dAwOi*
*rACaye?hE drvgwaNtvm sawayO aCawanvm.*

Ёвуз қўша жазосин топар Маздадан албат:
Қайнаб турган маъдан ва гуруллаган ўт ичра
Куйиб битгай бадкирдор, Эзгулар топгай нажот.

51- ҳитийнинг 5-6 бандларида “икки йўл”, икки тақдирга ишоратлар давомида шу ғояни ривожлантирган ҳолда ушбу 51.9 - бандда айтилмоқчики, охират куни эриб, қайнаб турган маъдан ичра Ёвузлик (Ёлғон) этагини тутганлар куйиб тамом

бўладилар. Айни шу чоқда Эзгулик тарафидаги бандалар учун эриб турган маъдан янги соғилган сутдек роҳатбахш бўлади. Демак Эзгулик яхши инсоннинг беҳиштий тақдири учун аниқ заҳира бўлгувси, дейилмоқда.

Ясна, 51.10.



*aT YV mA-nA marvxCaitE anyAqA ahmAT mazdA*
*hwO dAmOiS drUjO hunuS tA duZdl YOi hvNtI*
*maibyO zbayA aCvm WaMhuyA aCI gaT tE.*

Кимки менга зяррадек ёвузлк кўрса раво
Ёвуздир, Ёлғондан тарқалгандир ул Расво.
Барча жонзот учун ҳам ёвуздир ул бедаво.
Ҳақдан нажот сўрарман, Ашига йўллаб дуо.

Бу банднинг маъноси Заратуштранинг ўзига қаратилган. Унга ким ёмонлик қилса, уша инсон Аҳриманнинг барча ёвузликлари мужассами деб тушунилган Ёлғондан тарқалган гуноҳкор, бадкирдордир, дейилмоқда. Бундай ёвуз зот нафақат Зардуштга, балки бутун боликқа, жонлию зонсизга ёмонлик келтиради. Бундай  ёвуз кимсага бу дунёда давою





чора йўқ. Зрадушт эса бундай бекасу, бедаволардан нажотни Ҳақдан (Аҳура МАздадан) ва омад, бахт, ажру савоблар фариштаси Ашидан ильижо қилиб дуо билан сўрамоқда.

Ясна, 51.11.



*kV urwaqO spitamAi zaraquStrAi nA mazdA*
*kV WA aCA AfraStA kA spvNtA ArmaitiS*
*kV WA WaMhVuS manaMhO acistA magAi vrvCwO.*

Спитама Зардуштнинг дўсти кимдир, эй Мазда,
Ким Ҳақнинг ўгитларин сўроқлаб олган билиб.
Исфандармат, Аша, Баҳмон-ла ким дўст-ёр эди?

Ясна, 51.12.



“Гоҳ”ларнинг маъно ўгирмалари, талқини ва изоҳлар
муаллифи профессор **Мирсодик Исҳоқов**

**Масъул муҳаррир**
*фалсафа фанлари доктори, профессор **Г.Т.Маҳмудова***

**Тақризчилар**
*сиёсат фанлари доктори, профессор **Н. Жўраев***
*тар.ф.б. фалсафа доктори (PhD) **Р.Т.Уразова***

Нашр учун кўрсатган холис ёрдамлари учун ТерДУ тадқиқотчиси
Шуҳрат Абуллоевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2021 йил 28 октябрдаги 3-сон мажлиси
қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Босишга рухсат этилди:05.05.2022
Бичими 60х84 1/16 Шартли 20 б.т.
50 нусхада босилди. Буюртма№
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20 уй.

© М.М.Исҳоқов, 2025
© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025





бевосита Заратуштранинг эмас, балки дин пешвоси муъбаднинг насиҳатлари деб таъкидлайди. Жумладан, 53-гоҳнинг биринчи бандидаёқ сўз ўзга номидан эканлиги яққол сезилиб турибди[1]:

Заратуштра орзуси, унинг эзгу тилаги
Ҳақ йўлида Аҳура ул Спитамазодага
Омадин ёр айласин Буюк Мазда то абад
Беҳдин йўлин тутганга берсин Беҳишт оқибат.

Бу тўртликдан кўриниб турибдики, сўз бошида муъбад узатилаётган Пуручистанинг отаси Заратуштрага яхши тилаклар билдирмоқда. Зардушт эса ушбу дуодан баҳраманд шахс сифатида қралмоқда. Сўнгра дуо давом этиб, Зардушт изидан борувчи беҳдин(зардуштийлик), Мазда Ясна издошларига ҳам жаннат(беҳишт) насиб этсин, дейилмоқда.

53-гоҳнинг 2-бандида ушбу дуо сўзларининг маъноси янада кенгаяди:

Эзгу ўй, сўзу амал бирла Маздага Намоз
Йўллаб шарафлаб уни бир томондан Виштаспа,
Бир томондан Зардуштнинг ўғиллари сарафроз
Ақд йўлида Саошйантлар бўлсинлар абад мумтоз.

Тўртликда Зардушт келтирган Ҳақиқатни биринчи бўлиб қабул қилган Виштаспа исмли подшоҳга ҳамда Зардуштнинг

---

[1] Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: - 2009. с. 156-160.

ўғилларига келажакда Зардуштнинг уруғидан дунёга келиши башорат қилинган ҳодий зотлар мартабаси ваъда қилинмоқда. Бу билан Зардушт таълимотини биринчилардан бўлиб қабул қилган Виштаспа ҳам илоҳийлаштирилмоқда. Юқорида айтилганидек, бу тўртликда ҳам Зардуштнинг бевосита иштироки йўқ. Дуо сўзлари эса, унинг тарафдорларига ва ўғилларига қаратилган. Сўнгги сатрдаги ***Саошийантлар*** сўзи зардуштийлик тасаввурида қиёмат куни барча руҳларнинг гуноҳларини яратгандан сўраб олувчи ҳодий зотлар маъносидадир. Улар Зардушт уруғидан дунёга келишлари ва охиратда оламни дўзахдан қутқариб қолишларига ишонилган.

Учинчи бандда никоҳ расмиятини бошқараётган муъбад нутқи аниқ ифода топган:

Эй, Пуру Чиста Хаечатаспана,
Зардуштнинг кичик қизи, бўй етган суюклиси,
Эзгу ўй шарафи-ла, Мазда иродаси деб бил.
Жуфтинг билан боғлангил ўз ақлингга мувовиқ
Бўл эзгулик йўлида, эзгулик намоён қил.

Банднинг биринчи мисрасида тилга олинган Хаэчатаспана исми Зардуштнинг хонадони, хусусан, рафиқаси Хутаоса мансуб бўлган уруғнинг бош отаси номидир. Бу номни қайд этиб ўтиш вазиятнинг расмийлиги ва онанинг ижтимоий мавқеини ҳам қизининг никоҳ маросимида эслатиб ўтиш одати амал қилганидан далолат дейиш мумкинзарур ҳисобланган бўлса керак. Бошқа ўринларда Зардушт хонадони вакилларининг исмига уруғ номи Спитама сўзи қўшилиши кифоя ҳисобланган.



## МУНДАРИЖА

Кириш ........ 3
Авестанинг "Ясна" наски 27- ва 54-боблари ҳақида ........ 13
"Ясна" наскининг 28-қўшиғи ........ 22
Ясна, 29 (Аҳунавад Гоҳнинг 2-қўшиғи) ........ 39
Ясна, 30-қўшиқ ........ 52
Ясна, 31-қўшиқ ........ 68
Ясна, 32-қўшиқ ........ 99
Ясна, 33-қўшиқ (Аҳунавад гоҳ, 6-боби) ........ 123
Ясна, 34-қўшиқ ........ 140
43-хоитий (Ясна). Уштавад гоҳ 1-қўшиқ ........ 157
Ясна, 44. Уштавайтгоҳнинг 2-қўшиғи ........ 176
Ясна, Уштавайтий "Гоҳ"нинг 3-қўшиғи ........ 201
Ясна, "Гоҳ"ларнинг 46-қўшиғи ........ 214
Ясна, 47-ҳоитий (ҳᾱ) ........ 242
Ясна, 48-қўшиқ ........ 249
Ясна, "Гоҳ"ларнинг 49-қўшиғи ........ 262
Ясна, "Гоҳ"ларнинг 50-қўшиғи ........ 274
Ясна, 51-Гоҳ ........ 287
1-Илова. Авестанинг "Ясна" наски 53-қўшиғи ҳақида баъзи мулоҳазалар ........ 299
2-Илова. Дадар Аҳура Мазданинг 101 исми ........ 310
Озарпад Меҳраспанд тўплаган «Авесто» ........ 316
Фойдаланилган адабиёт ........ 318

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ

1.Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент: «Шарқ». 2001.

2. Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы.М.: Главная редакция восточной литературы. - 1972.

3. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. Ст-Петербург: 2009.

4. Луконин В.Г. Искусство древнего Ирана. М.: "Искусство" 1977.

5. Ҳомидий Ҳамиджон. Авестодан Шоҳномага.Тошкент: "Шарқ" 2007.

6. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. М.: 1992.

7. Исҳоқов М. Ўзбек давлатчилиги тарихидан.//Таълим муаммолари. 2006, 1-сон.





"Гоҳ"нинг кейинги бандларида Пуручистага, у турмушга чиққач, эри билан муносабат қандай бўлмоғи лозимлиги ҳақида ўгит, шу баҳонада Пуручиста сингари бахти очилиб турмушга чиқаётган, келажакда жуфтини топажак қизларга, уйланажак ва уларни олиб кетажак куёвларга диний ўгит ва ҳаётий насиҳатлар баён этилади. Ҳар икки томон учун дин ва диёнат йўлида барқарор бўлиш, барча ёвузликларнинг бош сабабчиси Драугадан(дуруғ)дан, яъни "Ёлғон" дан ҳазар қилиш, эр-хотинлик "иттифоқи"ни муқаддас тутиш, бунинг учун ёзилажак ажру мукофотлар ҳақида гап боради. Бу ўринда "Ёлғон" ёвузликнинг универсал ифодаси сифатида барча гуноҳ ва дину диёнатга қарши гуноҳ ишлар, ёмон ният, ёмон сўз, ёмон амаллар мужассами маъносида келади. Зеро, Ахриман уни(Ёлғонни) ўзининг чексиз, ҳисобсиз ёвузликларига яхлит тимсол қилиб, янада тўғрироғи, ўзининг асл моҳияти сифатида кўрсатади ва Аҳура Мазданинг эзгулик дунёси ҳақлигига қарама-қарши қўяди:

Эй, қизларнинг эрлари, келинлар ҳам тинглангиз:
Ёлғон ғолиб келса ҳам изидан эргашмангиз.
Акс ҳлда дўзахда оҳу нола тортарсиз
Ҳақни тан олмай ўтган Ёлғон билан бўлсангиз.

Ҳақ дин, деб улуғланган зардуштийлик йўлини тутмаганлар ўзларининг "Ёлғон" гирдобидаги ёвузликлари учун ҳалок бўладилар ва руҳлари абадий азобда қолади. Адашганлар дўзаҳ(дауж ваҳу)га равона бўлгач, уларнинг қаттол касофатидан эзгу артабонлар(Ҳақ тарафидагилар) ва барча эзгу ҳукмдорлар халос бўладилар, уларнинг қўрғонлари

тинч, осойиш топади, ёвузларнинг оёқларига ўлим кишанлари тушади. Имонсизлар йўқликка маҳкумдирлар. Ҳақиқатга раҳна солгувчиларнинг танлари хор, руҳлари сарсон бўлади.

Шу каби хитоб билан якунланувчи ушбу Гоҳнинг талқини масаласида яна бир баҳсли масала зардуштийлик қадимиятида никоҳ тўйларининг жамоавийлиги ҳақидаги хулосалар билан боғлиқ. Масалан, И.М.Стеблин –Каменский Пуручистанинг тўйи билан баробар бир неча қизларнинг тўйлари бўлган, деб тушунади. Бизнингча мазкур тўй, никоҳ маросимидаги турмуш қураётганларга панду насиҳатлар биргина Пуручистага эмас, умуман ҳаётини ўзга маҳрам билан боғлаши лозим бўлган ёшларга қаратилган. Бу фикрни зардуштийликда ёшларнинг соғлом никоҳли турмуши фарз қилиб қўйилгани билан боғлиқ тушуниш мумкин. “Видевдот”да вақтида турмуш қурмаслик, зардуштийлик жамоасининг сафларини тўлдиришга хизмат қилмаслик, дея, хатто, жазога лойиқ гуноҳ ҳисобланган. Муъбаднинг Пуручиста никоҳи муносабати билан барча қизлар ва куёв бўлажакларга насиҳати қуйидагича:

Узатилар қизларга ҳам айтайин насиҳатим.
Маҳрамлари, сизлар ҳам диққат ила тинглангиз.
Имону эътиқодла бир-бирингизни топинг,
Ҳақ йўлида ҳар жуфтлик бир-бирин кам қилмангиз...

Шундай қилиб, Ясна наскининг 53-гоҳи чиндан ҳам тарихий воқеълик асосига қурилган бўлиб, унда Зардуштнинг қизи Пуручиста Хаечатаспана Спитаманинг тўйи билан боғлиқ манзара акс этган. Муҳими шуки, тўй муносабати





| | | |
|---|---|---|
| 6. Паджам-наск | 13. Сафанд-наск | 20. Хадохт-наск |
| 7. Ратоштай-наск | 14. Баган яшт наск | 21. Сатуд яшт наск |

## Озарпад Меҳраспанд тўплаган «Авесто»[1]

Александр Македонский (асоссиз равишда кўпчилик уни Искандар Зулқарнайн билан бир шахс деб биладилар ва ўз китобларида худди шундай ёзадилар. Қатъий айтамиз, бу иккиси бошқа-бошқа шахслар) босқини натижасида «Авесто» китоби жиддий талофот кўрди. Фақатгина милодий IV асрдагина муъбадлар муъбади Меҳраспанд уни бир ерга тўплашга муваффақ бўлди. Тўпламни 3 йирик гуруҳга ажтарди:

– Гатик – Зардуштга берилган ваҳий ва қиёмат ҳақидаги мадҳиялар;

– Датик – зардуштий жамоаларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт соҳалари ҳақида;

– Хада Мантрик – маънавий ва руҳий камолот қоидалари ҳақида баён қилинган.

Тўпламни 21 қисм (наск)га ажратди ва уларни 7 тадан қилиб гуруҳларга жойлаштирди. Булар қуйидагилар:

| | | |
|---|---|---|
| 1. Сатудгар-наск | 8. Бараш-наск | 15. Ниярамн наск |
| 2. Вахишта Мансар наск | 9. Кашасруб-наск | 16. Двасрауб-наск |
| 3. Баг-наск | 10. Виштасп-наск | 17. Аспарам-наск |
| 4. Дамдад-наск | 11. Хешт-наск | 18. Акскарам-наск |
| 5. Надар-наск | 12. Джераст-наск | 19. Видевдад-наск |

[1] Бу тўплам Аршакий шоҳ Шопур II нинг буйруғи билан милодий IV асрда китоб ҳолига келтирилган.





билан турмуш қураётган ёшларга қилинадиган панду насиҳат оҳанглари ҳозирги кунимиз учун ҳам ўзининг ҳаётий бўёқларини йўқотмай жаранглаб келмоқда. Диний аҳкомлар билан ўралгандек кўринган насиҳат сўзларининг инсон руҳига қанчалик яқинлиги, ҳаётий тажриба билан суғорилганлиги халқимизнинг оила масаласидаги масъулияти, эр ва хотин муносабатларининг ўзаро ҳурмат ва муҳаббат асосларига таяниши каби анъаналарнинг томирлари қанчалик қадимийлигини намоён этади.

**2-Илова**

## Дадар[1] Аҳура Мазданинг 101 исми

| № | Авесто тилида | Ўқилиши | Ҳозирги форс тилида | Маъноси |
|---|---|---|---|---|
| 1 |  | Язад | یزد | Ҳамду-санога лойиқ |
| 2 |  | Ҳарвиш-таваан | هَزوِشپ توان | Барча ишга қодир |
| 3 |  | Ҳарвис-паагааҳ | هَزوِشپ آگاه | Барча нарсадан огоҳ |
| 4 |  | Ҳарвисп-ходаа | هَزوِشپ خدا | Барча нарсанинг ҳукмрони |
| 5 |  | Абадаҳ | اَبَدَه | Бошланишсиз (арабча «ал-аввал») |
| 6 |  | Абии-анжаам | اَبی‌انجام | Охирсиз (арабча «ал-охир») |
| 7 |  | Бунастиҳ | بُنِشت | Барча нарса-нинг асо-си |
| 8 |  | Фраах-тантеҳ | فراخ تَنْهَه | Барча нарсанинг якуни |
| 9 |  | Жамага | جِمَغ | Эзгулик ибтидоси |
| 10 |  | Паржата-раҳ | فَرجَه تَرَه | Энг олий зот |
| 11 |  | Тум-афиик | تام اَفیج | Энг покиза, бегуноҳ |
| 12 |  | Абарянд | اَبَرَه‌وَند | Барчага бирдек яқин |
| 13 |  | Паряндаа | پَروَندا | Энг яқин |
| 14 |  | Ан-айвафаҳ | اَن آیایه | (Оддий қалб билан) етиб бўлмас |

[1] Ушбу жадвал Баҳодир Жалоловнинг “Авеста ёзувини ўрганамиз” номли қўлланмасидан олинди.





| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 86 |  | Худаванд | خداوند | Ўз ўзидан қодир зот |
| 87 |  | Аҳур-мазд | اَورْمَزْد | Олий Тангри |
| 88 |  | Абариин-коҳин-тавон | اَبرین کُهن تَوان | Халқ қилиш жараёнидаги энг олий халқа |
| 89 |  | Абариин-но-тавон | اَبَرین نُوتَوان | Қайтадан яратиш-нинг энг олий да-ражаси |
| 90 |  | Вайпон | وَشپان | Барча нарсанинг соҳиби |
| 91 |  | Вайпаар | وَشــپاز | Барчага эзгулик улашувчи |
| 92 |  | Хаавар | خْواوَر | Энг сахий зот |
| 93 |  | Аҳу | اَهو | Илоҳ |
| 94 |  | Авахшии даар | اَوخْشیدار | Гуноҳлар-ни кечи-рувчи |
| 95 |  | Даадаар | دادار | Яратувчи |
| 96 |  | Райоо-манд | رایومَند | Олий нур |
| 97 |  | Хоореэҳ-манд | خَرِهْمَند | Мукаммал хварно (ҳамд) |
| 98 |  | Даавар | داوَر | Олий ҳакам |
| 99 |  | Керфее-гар | کِرْفَه‌گر | Эзгу ишларнинг яратувчиси |
| 100 |  | Боохтаар | بوختار | Халоскор |
| 101 |  | Фраштоо-гар | فَرْشوگَر | (Руҳ орқали) қайта яратувчи |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 68 |  | Бод-гаржаай | بادگر جای | Ҳавони ёювчи |
| 69 |  | Ааю-тум | آب توم | Катта сув ҳавзалари-ни яратув-чи |
| 70 |  | Гел-аадар-гар | گِل آذرگَر | Ердан оловни яратувчи |
| 71 |  | Гел-ваад—гар | گِل داتگَر | Ердан ҳавони яратувчи |
| 72 |  | Гел-нам-гар | گِل نِمگَرْ | Ерга намлик яратувчи |
| 73 |  | Гар-гар | گَرگَر | Яратувчиларнинг яратувчиси |
| 74 |  | Гар-оо-гар | گَراگَر | Орзулар-нинг яра-тувчи |
| 75 |  | Гар-аа-гар | گَراگَر | Инсонни яратувчи |
| 76 |  | Гар-аа-гар-гар | اَگرْاَگر | Борлик нинг яратувчиси |
| 77 |  | А-гар-аа-гар | گَراَگَرگَر | (Олов, сув, ҳаво, ерни) яратувчи |
| 78 |  | А-гар-аа-гар-гар | اَگراَگَرگَر | Юлдузларни яратувчи |
| 79 |  | А-гумон | اَگُمان | Гумонлар-дан холи, бегумон |
| 80 |  | А-замāн | اَزمان | Вақтдан олий безамон |
| 81 |  | А-хвон | اَخْوان | Ухламайдиган зот |
| 82 |  | А-маст | اَمُشْت هوشیار | Энг ақилли зот |
| 83 |  | Фашутан ā | پَشوتَنا | Сақловчи |
| 84 |  | Падмāни и | پَدمانی | «Паймонали» - ваъдасида тургувчи |
| 85 |  | Фиироозп ар | فیروزگر | Ғолиб |





| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 15 |  | Ҳам-айвафаҳ | هَمْ أيايه | Барчага маълум |
| 16 |  | Аадароо | اذرْ | Энг одил |
| 17 |  | Гиираа | گیرا | Маҳкам тутгувчи |
| 18 |  | А-чем | أچم | Сабабсиз (бор бўлувчи) |
| 19 |  | Чаманаа | چَمْنا | Сабаблар сабаби |
| 20 |  | Сафана | سَپِنتا. | Тарбиячи |
| 21 |  | Афазаа | اَفزا | Комиллик сабаби |
| 22 |  | Наашаа | ناشا | Барчага етишувчи |
| 23 |  | Парвара | پَروَرا | Ризқлантирувчи |
| 24 |  | Аянаҳ | پانه | Дунёни сақловчи |
| 25 |  | Айн-айнаҳ | آئین آئینه | Ўрнак |
| 26 |  | Ан-айнаҳ | اَن آئینه | Шаклсиз |
| 27 |  | Хрооши-ид-тум | خْرَاُشیدتوم | Энг маҳкам |
| 28 |  | Миинoo-тум | مینوتوم | Кўринмас |
| 29 |  | Ваанснаа | واسْنا | Барча ерда ҳозир |
| 30 |  | Ҳарвас-тум | هَرْوِسپْ توم | Энг умумий |
| 31 |  | Ху-сеепаас | هوش پاس | Ҳамдга лойиқ |
| 32 |  | Ҳар-ҳамиид | هَمید | Энг хушфеъл |
| 33 |  | Ҳар-нек-фареҳ | هَرنیک فره | Энг олий мақтов |
| 34 |  | Бееш-таранаа | بیش تَرْنا | Дардларга шифо берувчи |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 35 |  | Тароони-иш | تَروییش | Энг улуғвор |
| 36 |  | Ан-аошак | اَنوشک | Ўлимдан устун (Ал-ҳай) |
| 37 |  | Фарасак | فَرَشْک | Тилаклар-ни ижобат қилувчи |
| 38 |  | Пажоох-дахад | پژوهَدْهَه | Эзгу лик борлиғини бунёд этувчи |
| 39 |  | Хваафар | خْواپَر | Мурувват кўрсатувчи |
| 40 |  | Афахшии айя | اَوَخْشیا | Раҳмдил |
| 41 |  | Абарзаа | اَوْرْزا | (Сўралган-дан ҳам) ортиқ берувчи |
| 42 |  | А-ятоох | اَسِتو | (Берган билан хазинаси) тугамас |
| 43 |  | Рахоох | رَخو | Бирор нарсага қарам эмас |
| 44 |  | Варуна | وَرون | Ёмонлик-дан сақловчи |
| 45 |  | А-фарефах | اَفریفَه | Алдаб бўлмас зот |
| 46 |  | Бее-фареефах | اَوِفْریپ تَه | Ҳидоят қилувчи |
| 47 |  | Адви | اَدْوای | Ўхшаши йўқ бўлган зот |
| 48 |  | Коме-рад | کام رَدْ | Истаклар соҳиби |
| 49 |  | Фармаан-ком | فرمان کام | Бутун иродаси билан ҳукм қилувчи |
| 50 |  | Айехтан | اَیِخْتَن | Шаклсиз (тана аъзо-си маъно-сида) |
| 51 |  | А-фареемоош | اَفْرْموش | Ҳеч нарсани унутмайдиган зот |
| 52 |  | Ҳамаара-наа | هَمارْنا | Барча нарсанинг |





| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Ҳисобини қилувчи |
| 53 |  | Санааяа | شْنایا | Энг билимдон |
| 54 |  | А-тарс | اَتَرْس | Қўрқувдан холи |
| 55 |  | А-бииш | اَبیش | (Ноўрин) жазо бермайди-ган зот |
| 56 |  | Афраазду м | اَفرازدوم | Энг буюк |
| 57 |  | Ҳам-чун | هَم چون | Ўзгармас |
| 58 |  | Миинoo-стиих-гар | مینوشْتیگَرْ | Барча нарсани (аввал) рух холида яратувчи |
| 59 |  | А-миинoo-гар | اَمینوگر | Моддий оламнинг яратувчиси |
| 60 |  | Миноо-нахаб | مینونَهَب | Махфий рух |
| 61 |  | Аадар-бад-гар | آذَربادْگَرْ | Оловдан ҳавони яратувчи |
| 62 |  | Аадар-нам-гар | آذَرنَمْگَر | Сувдан оловни яратувчи |
| 63 |  | Баад-аадар-гар | باد آذَرگَر | Оловни ҳаводан яратувчи |
| 64 |  | Баад-нам-гар | بادنَمْگَر | Сувдан ҳавони яратувчи |
| 65 |  | Баад-геел-гар | بادگِل گَرْ | Ҳаводан ерни яратувчи |
| 66 |  | Баад-геерад-тум | بادگَرتوم | Ердан ҳавони яратувчи |
| 67 |  | Аадар-киибариит-тум | آذرکِبریت توم | Оловдан қимматба-ҳо буюм-ларни яра-тувчи |